

Ж. БЎРОНОВ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ҚИЁСИЙ ГРАММАТИКАСИ

(Назарий курс)

Чет тиллар педагогика
институтлари ва чет
тили факультетлари
учун дарслик

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1973

Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги тасдиқлаган

Масъул муҳаррирлар: филология фанлари доктори профессор *Леонид Степанович Бархударов* ва филология фанлари доктори *Эргаш Исмоилович Фозилов*

БУРАНОВ ДЖАМАЛДИН

СОПОСТАВИТЕЛЬНАЯ ГРАММАТИКА АНГЛИЙСКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ

(для институтов и факультетов иностранных языков)

Теоретический курс

Издательство «Ўқитувчи» Ташкент — 1973

Редакторлар *Гани Алиев*, *Тўлқин Жўраев*
Муқова рассоми *В. Битков*
Бадий редактор *А. Бродский*
Техредактор *Т. Снйба*
Корректор *Д. Умарова*

Теринга берилди 6/VI-1972 й. Боснига рухсат этилди 16/X-1973 й. Қогози 60×90^{1/16}. Физик л. 17,75. Нашр. л. 21,64. Тиражи 12000. Қогоз № 3.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 114—71. Баҳоси 61 т. Муқоваси 10 т.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфия комбинати. Тошкент, Навоий, 30, 1973 йил. Заказ № 1303.

Ташкентский полиграфкомбинат Государственного комитета Совета министров УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, Навои, 30.

МУАЛЛИФ ДАН

Қўлингиздаги дарслик китоби педагогика институтлари ва факультетларининг чет эл тилини ўрганувчи студентлари, икки тил системасини чоғиштириш масалаларига қизиқувчилар, аспирантлар, шунингдек, ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Тилнинг қонун-қоидаларини унификациялаш олимларни кўпдан бери қизиқтириб келган. Бунинг сабаби лингвистик тушунчаларнинг тилшунослик нуқтан назаридан маълум универсаллик хусусиятига моликлигидадир. Лингвистик тушунчалар бир неча тил миқёсида турли тиллар орқали, бир тил масштабида эса ўша тилнинг турли ярусларининг ўлчов бирликлари ва конституентлари орқали ифодаланиши мумкин. Бу ҳол типологияда мазмун планининг умумийлиги дейилади.

Инсон фикрини тил воситасида ифодаланишининг ўзига хос қонунлари бор. Бу қонунлар барча ва айрим тилларга хос бўлиши мумкин. Лингвистик изоморфизм ва лингвистик алломорфизм хусусиятларини генетик муносабатлардан ажратиб ўрганиш, ифода планидаги тил системаси ўлчов бирликларининг тиллараро адекватлиги ва адекват эмаслиги, бир тил системасида эса уларнинг яруслараро синонимлиги, уларнинг таксономияси (ўхшашлиги) масалалари қиёсий типологиянинг асосий тадқиқот объектларидир. Фан ва техниканинг турли тармоқлари ривожланиб бориши, информацияни автоматик қайта ишлаш ва идрок этиш, машинадан, электрон техникадан фойдаланиш натижасида тилшунослик фанининг янгидан-янги тармоқлари юзага кела бошлади. Шу муносабат билан лингвистик тадқиқот доираси жуда кенгайди ва илгари маълум бўлмаган бир қанча янги методлар пайдо бўлди.

Турли тил системаларини ўрганишда тилшунослар ҳамма тилларга ва ҳар қайси айрим тилнинг ўзига хос белгиларини гуруппаларга ажрата бошладилар. Бу белгиларни таққослашда универсал усулга эҳтиёж сезилди. Бу универсал усул яратилди ва у тил универсалияси деб атади. Тил универсалияси структурал лингвистиканинг практик маҳсули сифатида юзага келди. Барча тил системалари учун муштарак бўлган белгиларни ифодалашдаги мувофиқлик ва номувофиқликни ўрганувчи бу усул қиёсий типология фанига тааллуқлидир.

Қиёсий грамматика қиёсий типологиянинг бир тармоғи бўлиб, у грамматик босқич бирликларини текширади, умумлаштиради ва таққослаш йўли билан грамматик система бирликларининг мослашув қонуниятларини яратади, грамматик категорияларнинг ифодаланишидаги мазмун ва ифода планлари бирликларининг тиллараро алоқасини ўрганади.

Тиллар илгари ҳам бир-бирига солиштириб ўрганилган, ammo бу таққослашда уларнинг фақат тарихий қардошлик томонигагина эътибор берилган. Узоқ даврлар маҳсули бўлмиш қиёсий грамматика XIX асрда жуда ривож-

ланди. Бироқ у вақтда тилларнинг фақат генетик қардошлик муносабатларининггина таққослаш асосий ўрин тутар эди. Типологик қиёс эса тилларнинг фақат генетик умумийлиги билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли кўпгина тиллар тўғрисида талай аниқ маълумотлар тўпланган XX асрда тилшуносликнинг энг муҳим проблемаларидан бирига айланиб қолди.

Аммо қиёсий типологик метод тасодифан пайдо бўлган эмас. Тилшунослик фанининг бир тармоғи бўлмиш қиёсий типологиянинг вужудга келиши ва ривожланишининг ўзига хос тарихи бор. Турли қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги айрим хусусиятларни фонологик, грамматик, семантик, этимологик ва стилистик нуқтаи назардан солиштиришни, гарчи, қисман ва тарқоқ шаклда бўлса-да, бир неча даврларни ўз ичига олувчи тиллар назариясига доир асарларда учратамиз.

Қиёсий типологик грамматиканинг ривожланиш тарихи тилларнинг грамматик системаси ҳақидаги таълимотнинг ривожланиш тарихи ва айрим грамматик категорияларнинг ўрганилиш тарихи билан боғлиқдир.

Турли қардош ва қардош бўлмаган тил системаларини бир-бири билан таққослаб ўрганиш кейинги йилларда жуда кенг авж олмоқда. Таққослаш иши минимал (икки) тилни ва максимал (кўп) тилларни бир-бирига солиштириш йўли билан амалга оширилади. Ўзбек тили системасини бошқа тиллар системаси билан қиёс қилиб ёзилган бирмунча асарлар ҳам бор.

Инглиз ва ўзбек тиллари грамматикасини таққослаб ўрганиш яқиндагина бошланган бўлиб, ҳозирги пайтда бу икки тил системасини муфассал таққослаш учун мавжуд материал етарли эмас. Шу сабабли иккала тил системасининг универсал таксономиясини яратиш учун аввал иш методининг маълум мезонини яратиш, грамматик ярус ўлчов бирликларини танлаб, грамматик категорияларни ифодалашда улардан фойдаланиш йўллари ўрганиш ва уларни типологик таққослашга татбиқ қилишни билиб олиш шарт.

Тилларни қиёсий йўл билан ўрганиш, яъни қиёсий типологик метод ҳозирги вақтда совет тилшунослигининг ўз олдига қўйган энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу сабабли СССР-Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги томонидан тузилган янги ўқув планида, чет тиллар назарий грамматикасидан ташқари, чет тиллар билан она тилининг қиёсий типологик грамматикаси предмети ўрганиш учун ҳам махсус соатлар ажратилган. Бунинг асосий сабаби қиёсий типологиянинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигидадир. Қиёсий типологиянинг назарий аҳамияти тилларнинг умумий назариясини яратиш, тиллар структурасининг турли ярус бирликлари умумий қонуниятини аниқлаш, тил системаларидаги **изоморфлик** (бир хиллик) ва **алломорфлик** (турли-туманлик) белгиларини ва тилларнинг типологик қардошлигини аниқлашдан иборат бўлса, унинг амалий қиймати асосан ўқитиш процессини такомиллаштириш, тил ўрганиш методини ва тил системасини тасвирлашни осонлаштириш, илмий информация яратиш, бадиий, практик ва автоматик таржима учун замин яратиш ва бошқалардан иборатдир.

Шундай қилиб, турли тил системаларини таққослашда тиллар системаларини умумлаштириш ва қиёслаш кўзда тутилади.

Республикамиз олий ўқув юрглари студентлари чет тили билан она тилини қиёсий ўрганиш юзасидан таҳсил олаётган бўлсалар ҳам, лекин бу предметга оид конкрет ўқув қўлланмаси ёки методик адабиётлар ҳали бизда яратилгани йўқ.

Мазкур дарсликнинг мақсади студентларни қиёсий типологик грамматиканинг асосий принциплари билан таништириш, уларга қиёсий грамматиканинг икки тилни таққослашдаги конкрет методларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб беришдир.

Бу дарсликнинг яратилишида ўз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган ҳамма ўртоқларга муаллиф самимий миннатдорлигини изҳор қилади.

Дарсликни такомиллаштириш мақсадида билдирилмаган қимматли фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз.

Ж. Бўронов

ГРАММАТИКА, УНИНГ ТУРЛАРИ, АСОСИЙ ҚИСМЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Грамматика нима?

Грамматика икки ва ундан ортиқ категориал формаларнинг бир-бирига бўлган оппозицияси (қарама-қаршилиги)ни, сўзлар ва сўз формаларининг маълум дистрибуционал туркумларининг ташкил топиш йўллари, ҳар бир формал ва конструкцион грамматик бирликнинг трансформацион вариантларининг ясалиш усуллари ва бошқаларни ўрганувчи фандир.

Грамматика тилшунослик фанининг асосий ярус (levels)ларидан биридир.¹ Грамматика термини қадимги грек тилига мансуб бўлиб, *grammatikē technē*, яъни *ёзиш санъати*, *ёзиш техникаси* демакдир. Ҳақиқатан ҳам қадимги греклар грамматика терминини тўғри ёзиш, тўғри ўқиш ва тўғри сўзлашиш маданияти деган маънода ишлатишган. Демак, грамматика, умуман олганда, инсоннинг ёзма ва оғзаки нутқини ўрганувчи фандир!

Ҳозирги вақтда эса бу термин турли хил маънода ишлатилиб, тилнинг грамматик тузилишини, грамматика фани ёки предмети, ёхуд бирор кишининг грамматикадан қанчалик билими борлигини англатади. Масалан, *John's grammar is very good* гапидан биз *Жоннинг грамматика фанини яхши билган киши эканлигини*, *John bought a grammar* гапидан эса, *Жоннинг грамматика китоби сотиб олганлигини* тушунаемиз.

✕ Хуллас, грамматика термини: 1) тил системасини абстракт ҳолда ўрганувчи тилшунослик бўлимини; 2) грамматик қонуни ва қоидаларни ўзида мужассамлаштирган тўплам ёки дарсликни; 3) инсоннинг грамматикага оид билими ва бошқаларни ифода қилади.

Грамматика, асосан, муайян бир тилни ва шу тилнинг грамматик системасини, яъни грамматик структурасини (*grammatical system, grammatical structure*) ўрганади. Грамматика сўз ва

¹ Тилшунослик фани лингвистик ва экстралингвистик яруслардан ташкил топган. Грамматикадаги морфологик ва синтактик яруслар *грамматик ярус* дейилади. Лингвистик яруслар эса тил иерархиясини ҳосил қилади.

гапларнинг структураси, уларнинг ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатлари ҳақида маълумот беради. Шу жиҳатдан қараганда, грамматика абстракциялаштириш демакдир. Чунки грамматика сўзларни ва сўз бирикмаларини алоҳида-алоҳида олинган конкрет лексик маънолари асосида эмас, балки уларнинг грамматик белгиларини ва бу белгилар ўртасидаги алоқаларни умумлаштириш асосида ўрганади. Шу сабабдан ҳар бир грамматик қоида формула кучига моликдир.

Грамматика фани тўсатдан ва маълум бир даврдагина пайдо бўлган эмас. Унинг пайдо бўлиши, такомиллашуви ва Европада мустақил фан сифатида эътироф қилинишигача минг йилдан ортиқ вақт ўтди.

Ҳар бир халқ ва миллат тилининг ўз грамматикаси бор. Дунёда грамматикасиз тил йўқ ва бўлмайди ҳам. Аммо грамматикаси ҳали ёзилмаган тиллар бўлиши мумкин. Тилнинг грамматик қурилиши (system) тил билан бир вақтда пайдо бўлади.

Грамматика фани ҳам, бошқа фанлар каби, ўз тараққиёти тарихининг ҳар бир даврида маълум даражада ўзгариб турди: янги сўз туркумлари пайдо бўлди, янги грамматик категориялар вужудга келди, кўпгина сўз формалари редукцияга дучор бўлди ва ҳоказо.

Аналогист ва аномалистлардан то XX асрдаги дескриптивистларгача бўлган давр грамматиканинг ривожланган даври ҳисобланади.

Грамматиканинг ривожланиш тарихи тилшунослик фани ривожланиш тарихининг бир қисмидир. Лингвистик таълимот тарихи инсониятнинг узоқ ўтмишидан бошланади. Масалан, қадимги Грецияда тил ва тил фактлари файласуфлар томонидан ўрганилган. У замондаги файласуфларни аввало, предметлар номини англатувчи сўзларнинг ички ва ташқи структурасидаги мослик ва мос келмаслик қизиқтирган. Бу масалада қадимги Грецияда бир-бирига зид икки хил назария ва икки хил мактаб (оқим) пайдо бўлади. Бу оқимлардан бири **аналогистлар** (analogist) мактаби деб аталиб, у кўпроқ Александрия мактаби вакилларида иборат бўлган («аналогист» сўзи *ана + logia*, яъни «форма ва маъно уйғунлиги» деган иборадан келиб чиққан.) Иккинчиси эса **аномалистлар** (anomalist) мактаби деб юритилиб, у Пергамен мактаби олимларидан иборат эди («аномалист» сўзи *ано + malia*, яъни «мослашмаслик» деган сўздан олинган). Бу икки мактаб вакиллари фикридаги фарқ шундан иборатки, **аналогистлар** предметларнинг номи махсус равишда ўзига монанд қилиб қўйилган, яъни сўзлар маълум шартли маъно заминида пайдо бўлган десалар, **аномалистлар** бу фикрга бутунлай қарши чиқиб, предметлар ва уларнинг номларидаги уйғунликни инкор қилардилар. Аномалистларнинг аналогистларга қарши чиқишига сабаб кўп сўзларнинг этимологик маъноси сўз формаларига мослашмаганлигида эди.

Грамматика (grammar) термини биринчи марта Афлотуннинг (мелоддан аввалги 427—347 й.) Cratylus — «Кратил» номли аса-

рида учрайди. Аммо у даврдаги грамматика термини ҳозирги маънони англатмас эди. Масалан, Аристотель (мел. аввалги 384—322 й.) даврида грамматика термини фалсафа ва риторика ўқитувчилари (яъни ўша замон тилида айтганда «софистлар») томонидан умуман ўқиш, ёзиш ва савод чиқариш маъносида ишлатилган. Шундай қилиб, бу терминнинг ҳозирги маъноси аста-секин вужудга келди.

Грамматика фани қадимий ва антиклогига қарамай, Александрия мактаби ташкил топмагунча мустақил фан тарзида ажралиб чиқмади.¹ Аммо кейинчалик бу терминни қўлланилиш доираси бора-бора жуда кенгайиб кетди. Грамматика деганда фақат маълум бир тилнинг грамматик системасини ўрганишгина эмас, балки фонетика, этимология, диалектология, шунингдек, тилшунослик фанига оид бошқа бир қанча бўлимларни ўрганиш ҳам назарда тутилаётган бўлди. Грамматиканинг баъзи бўлимлари секин-аста системалаша бориб, мустақил фанларга айланди. Масалан, ҳозирги пайтда тилшуносликнинг товушларни ва уларнинг функционал муносабатларини ўрганувчи тармоғи иккига ажралиб, *фонетика* ва *фонология* деб атала бошлади, сўзлар ва морфемаларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги бўлими эса этимология фанига айланди² ва ҳоказо.

Асрлар давомида грамматика фанининг ўрганиш объекти кенгай борди. Дастлаб Грецияда асос солинган европаликлар грамматикасига кейинча латин ва бошқа тилларнинг грамматикаси қўшилди.

Грамматик категорияларнинг ривожланиш тарихи Грамматика фанининг ривожланиши деганда, грамматик назария, грамматик категория ва бошқа грамматик тушунчаларнинг ривожланиш тарихини, грамматик категорияларнинг фан сифатида назарий ривожланишини, грамматик қонуниятларнинг яратилиши ва аниқланиши тарихини тушунамиз. Грамматик қонунлар грамматик мавҳумлаштиришнинг системалаштирилганини, грамматик белгиларнинг ўзаро алоқаси аниқланганини англатади.

Грамматик категорияларни ўрганишни ҳам қадимги грек олимлари бошлаб берганлар. Афлотун ва Аристотель асарларида ўз аксини топган грамматика Дионисий Фракийский (мел. ав. тахминан 170—90 й.) асарларида тўлароқ баён қилинади. У грамматикани «поэзия ва проза ёзувчи шоир ва адибларнинг амалий билими»³ деб таърифлайди. Дионисийнинг таъкидла-

¹ R. H. Robins. Ancient and Mediaeval Grammatical Theory in Europe London, 1956, p. 37.

² Этимологиянинг асосий вазифаси ҳар бир лингвистик белгининг реаллигини, акс эттирувчи предмет ёки тушунча билан бўлган узвий алоқасини ўрганишдир. Масалан, кўп тиллардаги *апрель* сўзининг этимологик маъноси латин тилидаги *aperire* (очилмоқ) сўзидан олинган бўлиб, *табиатнинг уйғонганлигини, ҳавонинг очиқлигини* англатади.

³ R. H. Robins. Ancient and Mediaeval Grammatical Theory in Europe, London 1951, p. 37—38; Robert M. W. Dixon. What is Language, London, 1965, p. 40.

шича грамматиканинг асосий вазифаси соф она тилида гаплашишни ўргатишдан иборат бўлиши керак. У грамматик қоидаларни яратишда аналогия процессидан фойдаланиш зарурлигини қайд этган.

Дионисий асарида сўз ва гапнинг таърифи учрайди. Унда сўз туркумларининг классификацияси (таснифи) отларни феъллардан фарқ қилишдан бошланади. Бундай фарқлашни Афлотуннинг «Софист» ва Аристотелнинг мантиққа оид «Поэтика ёки Поэзия» номли асарида учратамиз.

Аристотель бу асарида сифатларни феъл туркумига кирувчи сўзларга қўшиб юборган. Феъллардаги замон категориясини ажратишни ҳам дастлаб Аристотель асарларида учратамиз.

Отларда грамматик род категорияси борлигини ҳаммадан олдин софист Протагор (Protagoras) (мел. ав. тахминан 480—411 й.) аниқлаган. Протагорнинг фикрича, отлар қуйидаги учта туркумдан иборат: 1) мужской род, 2) женский род, 3) жонсиз предметни ёки шахсни англатувчи (inanimate) сўзлар. Протагор классификацияси ўзининг биринчилиги билан ажралиб турса-да, унда формал грамматик род ва реал жинс категориялари бир-биридан фарқ қилмас эди.

Грамматик категорияларнинг асосан Афлотун ва Аристотелдан бир қадар кейинги олимлар кашф қилганлар. Александрия мактабининг ўқимишли намояндаларидан бўлмиш Дионисий Фракийский (Dionysius Thrax) ва унинг издоши Аполлоний Дискол (Apolonius Dyscolus — эрамининг II асри, биринчи ярмида яшаган) бу соҳада қимматли ишлар қилишган. Стоиклар мактаби вакиллари эса грамматика фанини анчагина системалаштирдилар. Дионисий ўзидан аввалги олимларнинг асарларига таяниб, сўзларни қуйидаги саккиз туркумга ажратади: 1) от, 2) феъл, 3) сифатдош, 4) артикль, 5) олмош, 6) предлог, 7) равиш, 8) боғловчи.

Дионисийнинг тузган грамматикаси ва грамматик системаси ҳозирга қадар Европа тилшунослигида ўз қийматини йўқотгани йўқ. Дионисий сўзни *гандаги энг кичик синтактик элемент* деб, гапни эса *тўла ёки тугал фикр англатувчи конструкция*, — деб таърифлайди.¹ Аполлоний Дискол бу соҳада Дионисий системасига аниқлик киритиб, синтаксис ҳақида янги фикрлар баён қилди.

Дионисий ва Дисколнинг камчиликларини уларнинг издошлари, яъни стоиклар тўлдиришди. Грамматик категорияларни такомиллаштириш йўлида стоиклар томонидан қуйидаги ишлар қилинди: 1) сўз туркумлари тушунчасига аниқлик киритилди; 2) тилда ифодаловчи ва ифодаланувчи элементлар борлиги кўрсатилди; 3) от категориясига *средний род* тушунчаси киритилди. *Средний род*ни улар ўрта род, яъни мужской ва женский род ўртасидаги род деб аташди. Протагор бу родни

логик принцип асосида *инанимат* деб белгиллаган эди. Бу олимлар грек тилида бешта келишик формаси борлигини айтиб, маъкур келишикларнинг номинатив формасини асосий форма деб, бошқаларини эса мажҳул (ёки нисбий) форма, деб аташди.

Инглиз тилидаги case сўзи грекча ptosis *йиқилмоқ, тушмоқ* сўзи ўрнида қўлланилади. Ptosis сўзини кейинчалик латин тилига тўғридан-тўғри casus деб таржима қилишган. Casus сўзи эса *cadege* феълнинг ўтган замон сифатдоши бўлиб, инфинитивда *йиқилмоқ* ёки *тушмоқ* маъносини англатади. Инглиз тилидаги case сўзи латин тилидаги casus сўзидан олинган бўлиб, унинг этимологик маъноси *келишик*дир. Рус тилидаги падеж сўзининг маъноси ҳам этимологик калька сифатида юзага келган бўлиб, *падеж, падать* — *йиқилмоқ, тушмоқ* демакдир.

Стоиклар отларни атоқли ва турдош отларга бўлишади. Улар феълларда сон, нисбат (актив ва пассив нисбат), замон (ҳозирги ва ўтган замон), майл (индикатив, субъюнктив, опатив, императив майл) категориялари борлигини таъкидлайдилар.

Бу категорияларни аниқлашда стоиклардан Хрисипп (Chrysippus, мел. аввалги 280—206 й.), Секст Эмпирик (Sextus Empiricus, эрамининг 200 йиллари) ва уларнинг шогирдларининг хизмати жуда катта. Масалан, Хрисипп атоқли ва турдош отларни бир группа қилиб қўшиб юборди, унинг шогирди Антипатер эса, сифатдошни ҳам мустақил сўз туркуми деб ҳисоблади. Секст эса синтаксис грамматиканинг юқори босқичи эканлигини қайд қилади. Грамматик категориялар ҳақидаги билимнинг латин тили грамматика китобларида ривожлантирилиш тарихи ўзига хос хусусиятга эгадир. Гап шундаки, латин тили грамматика китобларини тузувчилар қўлида грек тили грамматика китоблари ва уларнинг ёзилиш услуби, ҳозирги тилшунослик ибораси билан айтганда, тайёр моделлар ва метатил (metalinguage—метаязык) андазалар хизматини ўтаган. Ундан ташқари грек ва латин тиллари бир-бирига яқин қардош тиллар бўлганлигидан латин тилининг грамматик системасини ёзишда албатта грек тили грамматикасининг таъсири бўлган. Р. Х. Робинснинг фикрича, латин тили грамматика китоблари икки хил йўл билан, яъни 1) грек тили грамматикасига тўғридан-тўғри мослаштириш йўли ва 2) фақат грек тили грамматикаси системасидан фойдаланиб, мустақил грамматика тузилган. Латин тилига оид асарларда грамматикани этимология фанидан ажратиш масаласи кўтарилди. Масалан, Варро (Varro, мел. ав. 116—27 йиллар) ўзининг De Lingua Latina номли асарида тил билими уч қисмдан иборатлигини кўрсатади: а) этимология — предметларнинг номи масаласи билан шуғулланади, б) морфология — сўзларни ва сўз формаларининг ясалишини текширади, в) синтаксис — сўзларнинг гапдаги ўзаро муносабатларини ўрганади. Варро сўз туркумларини уларнинг формал белгиларига қараб тўрт гуруҳга бўлади:

1) келишик қўшимчалари қўшиладиган сўзлар — отлар;

¹Robert M. W. Dixon, Ibid. pp. 39—40

2) замон қўшимчалари қўшиладиган сўзлар — феъллар;
3) ҳам келишик, ҳам замон қўшимчалари қўшиладиган сўзлар — сифатдошлар;

4) замон ва келишик қўшимчалари қўшилмайдиган сўзлар — боғловчи ва равишдир.¹

Варро асарида замон категорияси формаларига аниқлик киритилиб, аспект категориясининг феъл системасидаги ўрни аниқланади. Юлий Цезарь (Julius Caesar) «Аналогия» номли китобида отларнинг айрим турларини, жумладан, жамловчи отларни ажратиб кўрсатади. Ремни Палемон (Remnius Palaemon, эрамизнинг I асри) ундовларни алоҳида сўз туркуми қилиб ажратади. Донат (Donatus эрамизнинг 400 йиллари) ва Присциан (Priscian, эрамизнинг 500 йиллари)нинг асарларида сўзларнинг морфологик структураси изоҳланади. Александр Вилледию (Alexander of Villedieu, эрамизнинг 1200 йиллари) стилистик грамматика масалаларини кўтариб чиқади ва ҳоказо.

Урта асрлардаги ва Уйғониш давридаги олимлар томонидан тилшунослик соҳасида жуда кўп ишлар қилинди. Аммо бу ишларнинг ҳаммасини ҳам грамматик категорияларни ривожлантириш ишлари қаторига киритиб бўлмайди.

XIX асргача яшаган тилшунослардан Ф. Бэкон (1561—1626), Ж. Лок (1632—1704), А. Т. Ренд (1710—1796), Ренс Декарт (1596—1650), Г. В. Лейбниц (1676—1716), Д. Ж. Беркли (1685—1753), Иммануэль Кант (1724—1804) ва бошқаларнинг асарларини ва «Пор-роял грамматикаси» (1660)ни, ўз хусусиятига кўра, қуйидаги классификация қилиш мумкин: 1) тилшуносликнинг умумий назарий масалаларига, фалсафа, логика, психология фанларига доир асарлар, фалсафий тил яратишга, универсал грамматика масалаларига бағишланган асарлар; 2) ўша пайтгача қилинган ишлар ва яратилган грамматик категориялар асосида бошқа европа тилларининг грамматик системаси баён этилган асарлар.

XIX асрдаги қиёсий грамматика вакиллари ўз асарларини грамматик категорияларни ўрганишга ва генетик қардош тиллар системасидаги ўхшашликни аниқлашга, ҳинд-европа тиллари заминидagi умумийликни баён этишга бағишладилар. XX аср тилшунослари эмик ярус бирликлари морфема, лексемадан фойдаланиб, маълум конкрет тиллар системасини структурал методлар ёрдамида ёритиш масалалари билан шуғулландилар.

Одатда энг биринчи инглиз тили грамматикасини Роберт Лоус ёзган, дейилади. Аммо унгача ҳам айрим грамматик маълумотлар бўлган, албатта. Англияда латин тили грамматикасини биринчи бўлиб ёзган олим Алфрик (1000 йиллар) инглиз тили грамматик системаси ҳақида ҳам анча маълумотлар берган. У латин тили грамматикасини инглиз тилига татбиқ

қилган. Алфрик ёзган Glossary инглиз тилидаги биринчи грамматик асарнинг бошланиши эди.

Ундан кейинги асар Самуэль Жонсон (1709—1784)нинг ўз луғатига ёзган грамматик справочниги — A Grammar of the English Tongue — 1755¹ бўлди.

Жонсон ўз асарида латин тили грамматик системасини инглиз тилига тўғридан-тўғри кўчиради. Масалан, у инглиз тилида 6 та келишик, яъни Nominative, Genitive, Dative, Accusative, Vocative, Ablative бор деб кўрсатади. У предлог ва от бирикмасини келишик формаси тарзида қабул қилади. Бундай хато, ҳатто ҳозирги инглиз тилшунослигида ҳам қисман сақланиб қолган. Жозеф Пристли, Роберт Лоус, Георгий Кэмпбелларнинг грамматика китоблари (Joseph Priestly: Rudiments of English Grammar, 1761; Robert Loth: Short Introduction to English Grammar, 1762; George Campbell: Philosophy of Rhetoric, 1776.) латин тили грамматикаси асосида ёзилган энг тўнғич грамматика китоблари қаторига киради². Инглиз тилининг Америкада биринчи ёзилган грамматикаси Н. Вебстернинг (N. Webster: Plain and Comprehensive Grammar 1784) қаламига мансубдир. Шундай қилиб, секин-аста инглиз тилининг бошқа грамматикалари пайдо бўла бошлайди, аммо уларнинг ҳаммаси қадимги греклар асос солган грамматик категорияларга таяниб ёзилган.

Грамматиканинг турлари

Грамматиканинг аввалдан маълум бўлган ва дунёдаги ҳамма тилшунослар томонидан этироф этилган турлари қуйидагилардир:

1. Умумий ёки универсал грамматика (General or Universal Grammar) — айрим бир халқ ёки миллатнинг эмас, балки барча халқ ва миллатларнинг тилларидаги сўз формаларини ва сўз бирикмаларининг ясалишидаги умумий қонуниятларни ўрганувчи ёки айрим грамматик категорияларнинг ифодаланиш услуби типологик жиҳатдан кўп тилларга хос эканлигини таъкидловчи грамматикадир.

Маълум категориал маъно дунёдаги барча ёки бир группа тилларга хос бўлсада, аммо у тилнинг турли яруслари бирликлари воситасида ифодаланиши мумкин. Тилларнинг формал фарқидан қатъи назар бу категориал маънони ифодалашда тиллар системасидаги маълум умумий қонуниятларни очиш тил универсалиясининг вазифаси ҳисобланади. Икки ва ундан ортиқ конкрет тилларнинг грамматик системасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида умумий ёки универсал грамматика тузиш ҳозирги замон тилшунослиги олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир.

¹ Robert. M. W. Dixon. What is Language? p. 45.

² Айрим тилшунослар шу грамматика китобларини энг биринчиси инглиз грамматикаси дейишади: W. F. Bryon. Notes on the Founders of Prescriptive English Grammar. Manly Anniversary Studies in Language and Literature. №4. 1968, P. 383 ff.

¹ R. H. Robins, Ibid, p. 54.

Универсал грамматикани ўз хусусиятига қараб шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

- а) традицион ёки тарихий умумий грамматика;
- б) типологик универсал грамматика.

Традицион ёки тарихий умумий грамматика ўрта аср схоластик грамматик назарияси асосида тузилган бўлиб, грамматик категорияни логик категория асосида белгилайди ва ҳамма тилларга хос деб даво қилади ва мазкур категорияни логик, психологик ва фалсафий фикрлар асосида ўрганади.

Типологик универсал грамматика асосан XX аср тилшунослиги маҳсули бўлиб, грамматик категорияларнинг, конкрет тилларнинг турли ярусларда ифодаланишини ўрганади.

2. **Фалсафий грамматика** (Philosophical Grammar) — фалсафа, логика, ҳатто психология билан боғлиқ бўлиб, асосан тил ва тафаккур қонуниятлари ўртасидаги алоқаларни, фалсафа ва тилшуносликка оид категорияларнинг умумий уйғунлиги ва зидлигини ўрганиш билан шуғулланади. Бу соҳада инглиз тилида қилинган асосий ишлардан бири даниялик олим Отто Есперсеннинг «Грамматика фалсафаси» (The Philosophy of Grammar) асаридир. Унда Есперсен логик фалсафий алоқалар бўлмиш юнкция ва нексунинг инглиз тилида қандай ифодаланишини, сўзларнинг уч ранги (даражаси) ўртасидаги мантиқий ва грамматик уйғунликни кўрсатиб берди.

Фалсафий грамматиканинг асосий вазифаларидан бири тушунча категориясининг лингвистик категория билан ифодаланиши ёки ифодаланмаслигини ҳамда бу категориялар орасидаги қонуниятни аниқлашдан иборатдир.

3. **Тарихий грамматика** (Historical Grammar) икки хил грамматикага: 1) тарихий диахроник грамматика (Historical Diachronic Grammar)га ва 2) тарихий синхроник грамматика (Historical Synchronic Grammar)га бўлинади.

а) **Тарихий диахроник грамматика** сўзларнинг формасини, таркибини, сўз бирикмаларини, сўз туркумларини ва грамматик категорияларнинг асрлар мобайнидаги динамик ривожланишини ўрганади.

б) **Тарихий синхроник грамматика** эса маълум бир тарихий даврдаги грамматик ҳодиса ва воситаларни ажратиб олиб ўрганади.

Маълумки, ҳозирги инглиз тилидаги грамматик категориялар тарихий даврлар давомида турли ўзгаришларга учради. Масалан, агар қадимги давр инглиз тилидаги отларда тўрт хил келишик бўлган бўлса, ҳозирги инглиз тилидаги отлар икки хил келишик оппозициясидан иборат. Қадимги инглиз тилидаги род ва бошқа айрим категориялар ҳам йўқолиб кетган. Аксинча, перфект, давомли аспект, мажҳул нисбат каби аналитик грамматик формалар инглиз тили тарихининг ўрта ва янги даври маҳсули ҳисобланади. Бундай грамматик ҳодисаларни ўрганивчи фан тарихий грамматика деб аталади.

4. **Қиёсий грамматика** (Comparative Grammar)нинг вазифаси икки тилнинг грамматик системасини бир-бирига таққослаш, танлаб олинган конкрет мазмун плани асосидаги ифода плани бирликларининг ҳар хил тилларда маълум яруслардаги уйғунлиги ёки яруслараро флукуацияси (адекватлиги ва адекват эмаслиги) қонуниятини очишдан иборат. Қиёсий грамматика ҳам ўз навбатида: а) тарихий қиёсий грамматика (Historical Comparative Grammar)га ва б) типологик қиёсий грамматика (Typological Comparative Grammar)га бўлинади.

а) **Тарихий-қиёсий грамматика** қардош тилларнинг грамматик формаларини тарихий-қиёсий метод асосида бир-бирига таққослаб, ҳозирги муайян грамматик формаларнинг қадимги даврлардаги архетипларини, праформаларини қайта тиклаш (реконструкция қилиш) билан шуғулланувчи махсус грамматикадир.

Тарихий-қиёсий грамматика XIX асрда жуда ривож топиб, тилшуносликда асосий фан бўлиб қолди. Уша даврда қиёсий грамматика фанининг доираси анчагина кенгайтирилиб, унга фонетика, лексикология, этимология ва бошқалар ҳам қўшиб юборилди. XIX асрда грамматика асосан ҳинд-европа тиллари системаларидаги фонетик, морфологик, лексик ўхшашликни топиш, тилларнинг дастлабки асоси бўлган «бобо» тилларни¹ аниқлаш масалалари билан шуғулланди. Тилларнинг генетик қардошлик муносабатини аниқлашда фонетик (ёки фонологик), грамматик ва лексик бирликларнинг умумийлигига асосланилади.

Тарихий-қиёсий грамматиканинг асосчилари Франц Бопп (1791—1867), Расмус Кристиан Раск (1787—1832), Яков Гримм (1787—1863), Август Фридрих Потт (1802—1887), Август Шлейхер (1823—1868), Карл Бругманн (1849—1919), Бертольд Дельбрюк (1842—1922), Фридрих Диц (1794—1876) ва бошқалардир. Россияда эса бу фanning асосчиси А. Х. Востоков (1781—1864) ҳисобланади. Юқорида эслатиб ўтилган олимларнинг ишларида қиёсий методнинг икки босқичини: а) бир группага кирувчи қардош тиллар ўртасидаги ўхшашликни топиш босқичини, б) маълум группа тиллар ўртасидаги ва бошқа қардош тиллар группасидаги ўхшашликни барча ҳинд-европа тиллари миқёсида аниқлаб солиштириш босқичини ўз ичига олади.

Дастлаб ҳинд-европа тилларида ёзилган тарихий-қиёсий грамматикалар кейинчалик бошқа қардош тилларнинг системаларидаги ўхшашликларни топишда модел ёки намуна хизматини ўтади. Олтой тиллари оиласига мансуб группалар ана шу асосда аниқланди. Туркий тиллар группаси олтой тиллари оиласига мансуб бўлиб, бу туркий тилларнинг грамматик системалари-

¹ Бу термин ўзбекчада ноқулайроқ. *бобо «тил»* термини инглиз тилидаги primitive сўзига, немисча *ur* ва русча-пра-префиксга тўғри келади. Масалан, герман бобо тили — *Premitive Germanic* дейилади.

даги изоморфизм грамматик формантларнинг жуда ўхшашлиги оқибатидир.

Грамматика системадаги ўхшашликни аниқлашнинг тарихий қиёсий грамматика учун муҳим аҳамияти бор. Грамматик ўхшашлик сўз ярусида сўз туркумларининг умумийлигида, эмик ярусда эса грамматик морфемаларнинг умумийлигида ўз аксини топади. Масалан:

сўзларнинг ўхшашлиги

қадимги англиз тилида: *mōdor*

қадимги исланд тилида: *mother*

қадимги фриз тилида: *moder*

қадимги юқори немис тилида *muotar* (ҳозир *Mütter*).

Она маъносини ифодаловчи бу сўзларнинг умумгерман негизи *mōder* бўлиб, у бошқа ҳинд-европа тилларидаги сўзларга айнан ўхшашдир. Масалан:

рус тилида: мать (матери)

литва тилида: *motė*

латин тилида: *māter*

француз тилида: *mère*

ирланд тилида: *matheir*

грек тилида: *mētēr*

форс тилида: *mādar*

санскрит тилида: *mātā, matr.*

Жуда кўп тиллар ва тил группаларидан ташкил топган ҳинд-европа тиллари оиласи системасида муайян группага хос фарқлар ҳам бор. Бу фарқлар махсус қонунларга асосланган. Юқорида келтирилган она сўзи бунга мисол бўла олади. Бу қонунга кўра, ҳинд-европа тилларидаги *t* ундоши герман тилларидаги [θ] ундошига тўғри келиши керак. Бу фонетик қонун тилшуносликда *Гримм қонуни* дейилади. Аммо айрим сўзларда «Вернер қонуни»га мувофиқ [θ] ўрнига жарангли ундош келиши ҳам мумкин. Бу қонунга кўра, санскрит ёки ҳинд-европа тилларидаги жарангсиз портловчи герман тилларида жарангли портловчига айланган:

санскрит тилида: *pitār* ота

қадимги англиз тилида: *fæder* ота ва б.лар.

Мазкур қонун грамматикада ҳам мавжуд. Тилшуносликда ҳамма ҳинд-европа тилларидаги средний роддаги отлар номинатив (бош келиши) ва аккумулятив (тушум) келишларида бир хил бўлади, деган қонун бор. Аммо айрим тилларда грамматик роднинг ифодаланишида номувофиқликни учратиш мумкин. Масалан, ҳинд-европа тилларидаги кўрсатиш олмошларининг сред-

15^н

ний роди *-t, -d* суффикси иштирокида ясалса, рус тилида кўрсатиш олмошининг средний роди суффиксиз ясалиши мумкин:

қадимги англиз тилида: *hit, hwæt, thæt*

латин тилида: *istud, quid, id*

рус тилида: тот мужской род, то средний род.

Юқоридаги тиллар бир тил оиласига мансублиги сабабли уларнинг грамматик системасидаги турланиш ва тусланишда ҳам ўхшашликлар бордир. Герман тилларидаги *a* негизли турланиш бошқа ҳинд-европа тилларидаги *o* негизли турланишга тўғри келади. Масалан:

датель (жўналиш) келиши тахминан кўплик формаси гот тилида: *am* (*dagam*)

қадимги англиз тилида:— *um* (*dagum*)

рус тилида— *ям, — ам* (дням, окнам, женам) ва шу кабилар.

Феълларнинг тусланишида ҳам ўхшашлик бор:

санскр.: *bharasi,*

гот тилида: *baigris,*

грек тилида: *phereis,*

латин тилида: *fers,*

рус тилида: берёшь

гот тилида: *baigran,*

санскрит тилида: *bharāmas,*

грек тилида: *bheromen, (-mes),*

латин тилида: *ferimus,*

рус тилида: берём.

Бўлмоқ феълнинг бошқа ҳинд-европа тилларидаги феъл формасига ўхшашлиги қуйидаги мисолда яққол кўриниб турибди.

Бу феъл уч хил ўзакдан иборат:

грек ёки *be — es — wes —*

англиз тилида: *be is, are, was, were,*

немис тилида: *bin, ist, war, warest,*

гот тилида: *im(is, ist) was, wast (werjau),*

санскрит тилида: *bhu as-mi, asti,(vas),*

латин тилида: *fui sum (est, sind) (uerna),*

рус тилида: быть, есть ва ҳоказо.

Бир неча тиллардан мисоллар келтирамиз:

Латинча: *Ars longa vita brevis est.* (Санъат абадий, ҳаёт эса қисқа.)

Форсча: Самарқанд сайқали рўйи замин *аст.*

Русча: он есть добр (у сахийдир).

Гот тилида: *frija ist this witodis* (бундай қонундан (одатдан) халос).

Англиз тилида: *He is a student.* (У — студент.)

Немис тилида: *Die Zeit ist aus* (Вақт тугади).

б) Қиёсий типологик грамматика айрим қардош ва қардош бўлмаган бир неча тиллар системасидаги грамматик

110543

категорияларнинг маълум грамматик воситалар ёрдамида ифодаланишини синхроник равишда қиёс қилиб, уларнинг мослашув қонуниятларини яратувчи грамматикадир. Масалан, модаллик категорияси грамматик нуқтаи назардан ҳар хил гурпуага мансуб тилларда турлича акс этиши мумкин. Бу категорияни ифодалашдаги умумий ва хусусий қонуниятлар типологик қиёсий грамматика ёрдамида кашф этилади.

Қиёсий грамматика типологиянинг бир қисмидир.

Қиёсий тарихий грамматика типологик қиёсий грамматикага қарама-қарши қўйилмай, аксинча, у типологик қиёсий грамматиканинг асосини ташкил этади. Қиёсий тарихий грамматика асосида типологик қиёсий грамматика вужудга келган. Қиёсий типологик грамматиканинг ривожланишида амалий (applied) лингвистикага эҳтиёж ортанлиги туфайли тилшуносликнинг янги тадқиқот методлари ва усуллари пайдо бўла бошлайди, қиёсий типологик грамматика илгаригига нисбатан кенгроқ ва универсалроқ функцияга эга бўлди. Тилшуносликдаги универсал методлар билан қуролланган қиёсий типология аввал ёзуви бўлмаган Африка ва Жанубий Америкадаги кўпгина миллатларнинг тиллари ўртасидаги генетик ўхшашликни аниқлашда тилшуносларга жуда қўл келиб, қиёсий тарихий грамматикага хизмат қилмоқда. Типологик методлар ёрдамида Банту, Судан тиллари оиласидаги бир қанча тилларнинг генетик ўхшашлиги аниқланди. Шимолий Америкадаги ҳиндиларнинг тилларидаги қардошлик муносабатлари ҳам шу йўсинда аниқланган. Алгонкин (Algonquian, Algonkin) тиллари оиласига кирувчи тилларнинг қардошлик муносабатларини аниқлаш бунга яққол мисол бўлади. Алгонкин тиллари оиласи қўйидаги олти гурпуада: Шарқий гурпуа (Марказий ва Шарқий Канадада), Марказий гурпуа (Катта Қўл области — Great Lake Region да), Калифорния ёки Ритван, Қора оёқ гурпуаси (Алберта ва Канадада), Шейенне (Cheyenne) гурпуаси, Монтанада ва Аранахо (Монтана, Вёминг ва Оклахомада) гурпуасидан ташкил топган.

Бу тиллардаги ўхшашликни прото-марказий алгонкин гурпуасига мансуб Фокс, Кри, Меномини, Ожибве тиллари мисолида кўрсатиш мумкин:

Фокс	Кри	Меномини	Ожибве	Таржимаси
peṁātesiwā	piṁātesiw	peṁātesew	piṁātesī	у яшайди
poṁsiwā	poṁsiw	poṁsew	poṁsi	у қайиққа ўтиради
newāpāṁāwā	niwāpāṁāw	newāpāṁāw	niwāpāṁā	унга қарайман

ва ҳ. к.¹

¹ Мисоллар Г. Глисоннинг Введение в дескриптивную лингвистику М., 1959, китобидан қисқартириб олинди.

5. **Практик ёки норматив грамматика** (Practical or Normative Grammar) асосан мактаб ёки олий ўқув юртлири учун дарслик тарзида тузилиб, унда тилнинг грамматик структурасини ифодловчи морфологик ва синтактик қондалар ва уларга тааллуқли мисоллар бериледи. Шу вақтгача бизда фойдаланиб келинаётган грамматика дарсликлари бунга мисол бўлади.

Практик грамматика прескриптив грамматика ёки пассив грамматика деб ҳам аталади. У стандартлашган грамматик қондалардан тўғри фойдаланиш усулларини тавсия қилади. Масалан, инглиз тилидаги келишиклар сони ҳақида назарий грамматикаларда турли хил фикрлар айтилса-да, лекин ҳозирги инглиз тилидаги практик грамматикаларида иккита келишик, яъни Common case (*man, John*), Possessive case (*man's talent, John's book*) борлиги таъкидланади. Практик грамматика ўрганилаётган тилнинг грамматик системасини ўрганиш эҳтиёжини тўла қондирадиган даражада ёзилиши ва студентларни шу тил грамматикасига тааллуқли минимал назарий проблемалар билан таништириш керак. Масалан, ҳозирги тилшунослик назарияси нақадар олға кетганлиги, янги-янги методлар пайдо бўлганлигига қарамай, барча мамлакатларнинг тилшунослари томонидан эътироф этилган морфемик анализ, трансформацион анализ каби энг содда ва конкрет анализлар институтлар учун махсус ёзилган инглиз тили грамматикаларида ўз аксини топмаган. Ҳолбуки, студентлар бундай проблемалардан қисман бўлса-да, хабардор қилинишлари лозим. Практик грамматика назарий грамматикага қарши қўйилмаслиги керак.

6. **Назарий грамматика** (Theoretical or Scientific Grammar) барча тилшунослар томонидан эътироф этилган грамматик назарияларнигина ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки тилшунослик фанининг энг сўнгги ютуқларига, янги грамматик назариялар, фикрларнинг илмий анализига таяниб иш кўрувчи грамматикадир. Масалан, инглиз тилидаги практик грамматикаларида учта замон борлиги баён этилса, шу тил ҳақидаги баъзи назарий грамматикаларда инглиз тилида келаси замон формаси йўқ деб, иккита замон борлиги кўрсатилади.

Бу масала ўзбек тилидаги замон категориясига ҳам оиддир. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилшунослигида замон категориясини аспект категорияси деб тушуниш натижасида ўзбек тилида ўндан ортиқ замон бор деб таъкидловчи илмий ишлар ҳам учрайди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги сифатларнинг орттирма даража парадигмасини аниқлаш проблемаси ҳам чигал масала ҳисобланади. Инглиз тилида даража категорияси икки йўл билан, яъни: а) синтетик йўл билан: **-er** ва **-est** суффикслари ёрдамида, б) **more** ва **most** сўзлари ёрдамида ясалади, масалан:

long — longer — longest
interesting — more interesting — most interesting

Ўзбек тилида эса қиёсий даража формаси *-роқ* суффикси ёрдамида, ортторма даража формаси *энг, жуда, ғоят, бениҳоя* каби сўзларни сифат формаларига қўшиш билан ясаллади. Ҳар икки тилда ҳам ортторма даража формалари синтактик бирикмами ёки грамматикалашган морфологик формами деган муаммо ечилмаган. Гап шундаки, инглиз тилидаги *more, most* ва ўзбек тилидаги *энг, жуда, ғоят, бениҳоя* каби сўзларнинг ҳали ўз лексик маъносини тўла йўқотмаганлиги *more, most + А жуда, энг, ғоят + А* бирикмасини аналитик форма деб аташга йўл қўймайди. Бундай назарий проблемалар назарий грамматиканинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Грамматикага оид ҳар бир янги фикр ёки назария аввал назарий грамматикада муҳокама қилинади ва сўнгра кўпчилик тилшунос олимлар томонидан эътироф этилгач, практик грамматикака предмети сифатида ўрганилади.

7. **Дескриптив (тасвирий) грамматика** (Descriptive Grammar) сўзнинг структурасини, грамматик формаларни ва сўз бирикмаларини дескриптив метод асосида тилнинг турли хил ярусларида (levels) формал, ноформал, стандарт, ностандарт бўлган қарама-қарши форма ёки гуруҳларга бўлиш йўли билан ўрганади.

Дескриптив сўзи *тасвирий* деган маънони англатганлиги сабабли бу грамматика термини традицион тушунчага кўра тарихий ёки тарихий қиёсий грамматикага қарши қўйилар ва у шу маънода бизнинг норматив грамматикамизни англатар эди. Аммо америка тилшунослигида дескриптив лингвистика оқими пайдо бўлгач, дескриптив грамматика янгича маъно касб этди.

Дескриптив грамматика тилнинг грамматик ярусини қатъий системалаштириш ва тил системасига хос элементларни жуда мукамал, содда ва истисноларсиз баён этиш билан шуғулланади.¹

Дескриптив грамматика тилнинг грамматик ярусини тасвириладда ~~конкрет метод ва моделлардан~~ фойдаланади. Бу метод ва моделлар анча пухта ва умумий бўлиб, ҳар қандай тилнинг системасига татбиқ этилиши мумкин. Дескриптив методнинг қиёсий типология учун ҳам қўл келиши катта аҳамиятга эгадир.

Дескриптив грамматика традицион грамматикадан: а) умумий ёки универсаллиги билан, яъни ҳар қандай тил системасини баён этишда қўлланилиши билан, б) қатъий ва конкрет системага эга эканлиги билан, в) формаллаштириш процесси билан ажралиб туради.

Дескриптив грамматика тил системасини ўрганиш юзасидан иш олиб борганида ўз ўлчов бирликлари бўлмиш фонема, морфема, алломорф, сўз, лексема, фраза ва бошқалардан ҳамда уларнинг турлича жойлашуви (arrangement)дан фойдаланади.

Тилнинг грамматик ярусини системасини мавҳумлаштиришда *элемент модели* (element model), *процесс модели* (process model), *субселекция модели* (subselection model), *мослаштириш модели* (adjustment model), *парадигма модели* (paradigm model) мавжуд.¹

Тилнинг морфологик моделларини яратишда дескриптив грамматика морфемикадан фойдаланади. Морфемика фани морфема ва унинг турлари, морфемалар дистрибуцияси, морфемалар идентификацияси ва шунга ўхшашларни текширади.

8. **Трансформацион грамматика** (Transformational Grammar) асосан турли хил грамматик формаларни, сўз формаларини, ясама сўзларни, сўз бирикмалари ва гапларни маълум қоида асосида трансформация қилиш (ўзгартириш), яъни сўзларнинг морфологик келишик формаларини предлогли фразаларга (phrase), дарак гапларни сўроқ гапларга, кўчирма гапларни ўзлаштирма гапларга айлантириш ва ҳоказолар билан шуғулланади.

Трансформацион грамматика тилнинг бирламчи асосий структураларидан, асосий маънони сақлаган ҳолда, иккиламчи структураларни ясади ва гапларнинг трансформацион вариантларини ҳосил қилади.

Ҳозирги Англия ва Америка тилшунослигида грамматиканинг бошқа кўп турлари бор. Биз бу ерда шу турларнинг энг кўп тарқалганларинигина кўрсатиб ўтиш билан чегараландик. Грамматиканинг бошқа турларига қуйидагиларни киритиш мумкин: *ассоциатив грамматика* (associative grammar), *синхроник грамматика* (synchronic grammar), *формал грамматика* (formal grammar), *генератив грамматика* (generative grammar), *таксономик грамматика* (taxonomic grammar), *логик грамматика* (logic grammar), *ички грамматика* (internal grammar), *ташқи грамматика* (external grammar) ва бошқалар.

Грамматиканинг бу турлари тил системаларини турли усулда таҳлил қилади. Масалан, фақат парадигматиканигина ўрганиш зарурати тугилса, ассоциатив грамматикадан фойдаланилади, агар морфологик ва синтактик ярусларни бевосита иштирокчиларга ажратиш билан ўрганиш керак бўлса, таксономик грамматикадан фойдаланилади. Тил структурасининг ички қонуниятларини маълум дидактик тайёр моделлар ёрдамида ўрганишимизда генератив грамматикадан фойдаланамиз. Бу грамматика трансформацион ва бошқа грамматикалар сингари амалий (applied) лингвистика ёки математик лингвистикада кўпроқ қўлланилади.

Грамматика кимлар учун мўлжалланганлигига қараб, *мактаб грамматикаси* (School Grammar), *Академик грамматика* (Academic Grammar) каби турларга бўлинади.

¹ I. L. Trager. The Field of Linguistics. Batternburg Press, Norman, Oklahoma, 1949, p. 4.

¹ H. A. Gleason. An Introduction to Descriptive Linguistics. New York, 61, pp. 215, 217.

ГРАММАТИКАНИНГ АСОСИЙ БЎЛИМЛАРИ

(Main Parts or Branches of Grammar)

Ҳар бир тил оиласи мустақил тиллардан, мустақил тил вариантларидан (масалан, инглиз тили америка варианты, шотландия варианты ва бошқалардан), вариантлар эса шевалардан иборат бўлади. Мустақил тиллар турли аспектлардан: фонетика, грамматика, семантика, лексикология, графика, лингвистик география ва ҳ. к. лардан таркиб топади. Ҳар бир аспект эса ўз навбатида маълум бўлимлардан ташкил топади.

Турли даврларда ёзилган инглиз тили дарсликларида грамматиканинг бўлимлари масаласи қатъий ҳал этилмаган. Айрим традицион грамматика дарсликларида 1) фонетика, фонология, 2) морфология, 3) синтаксис, 4) орфография, 5) диалектология, 6) этимология, 7) просодия ва бошқалар грамматиканинг асосий бўлимлари сифатида берилган.

Кейинги йилларда морфонология ҳам грамматиканинг мустақил бўлими сифатида ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда нашр этилаётган грамматика дарсликларида грамматиканинг асосий бўлимларига морфология ва синтаксис киритилмоқда. Ушбу дарслик ҳам шу асосда тузилиб, морфология қисмига тегишли ўринларда тилшуносликнинг морфологик ва сўз яшаш бўлимлари киритилди.

Қуйида, грамматиканинг асосий бўлимлари бўлган морфология, морфонология ва синтаксис устида тўхталиб ўтамиз.

Морфология • Морфология (morphology) грекча *morphe* — шакл, форма деган маънони, *logos* — сўз деган маънони англатиб, сўзларнинг морфологик структурасини, грамматик формалар яшашда морфемаларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини, жойлашиш қонунларини (ways of arrangement), парадигма ясовчи формаларнинг ўзаро оппозицияларини, сўз туркумлари ва уларнинг маъносини ўрганади. Морфологияда ўлчов бирлиги морфемадир. Морфологик оппозицияга кўра бирлик формасининг бўлиши учун кўплик формасининг бўлиши, ҳозирги замон формасини ажратиш учун ўтган замон формасининг бўлиши шарт. Оддий даража формаси чоғиштирма даража формаси борлиги учун мавжуддир. Умуман олганда тилшунослик фани қарама-қаршилиқлар назарияси асосида шаклланади.

Тилларнинг морфологик структурасига биноан, тилшуносликда морфология қуйидаги асосий турларга: а) агглютинатив морфология (agglutinative morphology), б) аналитик морфология (analytical morphology), в) флектив морфология (inflectional morphology)га бўлинади.

Морфонология Морфонология (morphology) морфология ва фонологияни ўзаро боғлаб, морфемаларнинг фонологик структурасини, уларнинг форма яшаш жараёнида ўзгариши ва вариацияларини, сўз ўзакларидаги унлиларнинг фонетик қонулар асосида ўзгаришини, урғу, оҳанг ва бошқа фонологик белгиларнинг сўз формалари билан алоқасини ўрганади.

Морфонология термини морфема ва фонема сўзларининг ҳаплогик (haplological) қўшилишидан ясалган. Бу термин **фономорфология** ҳам дейилади.

Морфонология терминининг таърифи ҳақида О. С. Ахманова қуйидагиларни ёзади: «Морфонология морфемалар фонологиясини, яъни морфологик элементларни яшашда ҳар хил фонемаларнинг ишлатилиш принципларини ўрганувчи фандир»¹.

Морфонология илгари грамматика ва фонетика фанларининг айрим қисмларида ўрганиларди. Тилшуносликда дескриптив грамматика пайдо бўлгач, морфонология мустақил ўрганила бошланди.

Тил структурасининг морфологик анализ қилиш воситаларини ўрганадиган абстракт ярус *морфонемика* дейилади.

Морфонемика фонемика ва морфемика билан алоқадор эканлиги инглиз тилидаги кўплик аффиксал морфема-(e) s нинг ўзак морфемага қўшилиши натижасида морфологик ўзгариш юз бериши мисол бўла олади. Масалан, сўз охиридаги -(e) s фонемасининг уч хил варианты (алломорфи) бор: 1) жарангсиз ундошлардан кейин — [s]: rats, pups; 2) [s, z, t, dʒ] товушларидан сўнг [ɪz] classes, houses, languages, speeches, bushes; 3) бошқа ҳамма ҳолатларда [z] ўқилади: boys, girls names, ва ҳоказо. Бу ўзгаришлар морфонологияда ўрганилади.

Ўзбек тилидаги жўналиш келишиқ қўшимчаси-**{га}** морфемаси сўз ўзагига қўшилганида турли алломорфларга (Масалан: -га, -қа, -ка) эга бўлади. Бу суффиксдаги — г — фонемаси маълум шароитда г, к ёки қ фонемаси тарзида акс этса-да, бошқа ҳолларда у товушларнинг ҳар бири мустақил фонема ҳисобланади: шаҳарга, тоққа, кататқа, ўтлоққа кабилар. Бу сўзларнинг ҳаммасига га морфемаси қўшиляпти. Сўзларнинг охиридаги фонема аффиксал морфемани боғловчи фонема таъсирида ўзгарилади. Аффиксал морфема уч хил алломорф {-га} {-қа} {-ка} дан иборат бўлиб, сўз ўзаги охиридаги фонема бу алломорфлар таъсирида вариантларга бўлинади: $\left[\begin{array}{c} \text{То} \\ \text{К} \end{array} \right]$.

Бундай процесс фақат келишиқ қўшимчаларига эмас, балки морфонологиянинг бошқа категорияларига ҳам хосдир. Масалан, эгаллик категориясини ясовчи морфеманинг қўшилиши жараёнида ҳам худди шундай ўзгаришлар содир бўлади: тилак — тилагим, этак — этагим, тароқ — тароғим сўзларида икки томонлама морфологик

¹ О. С. Ахманова, Фонология, Морфонология, Морфология, Издательство МГУ, 1966, стр. 52.

ўзгарши рўй берапти: 1) аффиксал морфема-им қўшилгач, ўзак морфемалар иккитадан алломорфга эга бўляпти: [Тила $\frac{к}{г}$],

[Таро $\frac{к}{ғ}$], 2) сўз ясовчи аффиксал морфема ҳам иккита алломорфдан -к, -г, -қ, -ғ дан ташкил топади. Фонологик ярусда -к ва -г товушлари (кўл, гул сўзларида) икки хил мустақил фонема ҳисобланса-да, морфонологияда функцияси жиҳатидан ўхшашдир. Аффиксал морфема қўшилганида аффиксал морфемадаги биринчи фонема ўзак морфемадаги охириги фонемага бўйсунди. Баъзи сўзларда бир хил дистрибуцияда бу ҳол ўзгаришсиз қолиши мумкин, масалан:

катак — катакка, катак — катагим, ток — токка, нок — нокка, аммо ток — токим, нок — ноким.

Морфонологик анализ тилнинг лексик ярусини текширишда ҳам катта роль ўйнайди. Чунончи, лексема ва унинг вариантларини ҳамда аллолексларини бир-биридан фарқ қилишда морфологик принципга таянилади. Масалан: шаҳар — шаҳарим — шаҳаримиз шаҳар — шаҳрим — шаҳримиз

Шаҳар лексемаси икки аллолексдан иборат: [Шаҳ $\frac{ар}{р}$].

Синтактик парадигматика нуқтаи назаридан шаҳар сўзининг икки хил бирикмада келишини солиштириб кўрамиз.

Масалан: бу катта шаҳарда,

бу шаҳри азимда ва бошқалар.

Синтаксис

Синтаксис (syntax) юнунча (syntaxis) *тузич* сўзидан олинган бўлиб, сўз бирикмалари ва гапларнинг ясалиш усулларини, синтактик формалар бирикларидан англашилган маъноларни ўрғанади. Синтаксисда асосий бирик сўз бирикмаси ва гап бўлиб, улар синтаксиснинг ўрғаниш объекти ҳамдир.

Сўз туркумлари ва сўз формалари фақат сўз бирикмаларида ва гапларда шаклланиши мумкин. Синтактик конструкциялар эса ўз навбатида сўз туркумлари ва уларнинг формаларидан ташкил топади. Бу жиҳатдан морфология ва синтаксис ўзаро боғлиқдир. Синтаксис морфологияни ўзининг конституенти (иштирокчиси) сифатида ўз ичига олади.

Ҳозирги инглиз тилида синтаксиснинг кўп турлари бўлиб, улардан энг асосийлари қуйидагилардир: 1) актуал синтаксис (actual syntax), 2) катта синтаксис (major syntax), 3) кичик синтаксис (minor syntax), 4) грамматик синтаксис (grammatical syntax), 5) стилистик синтаксис (stylistic syntax) ва бошқалар.

Морфология сингари синтаксиснинг ҳам икки яруси, яъни сўз бирикмаси яруси (phrase level) ва гап яруси (sentence level) бўлиб, ҳар қайси яруснинг ўз текшириш объекти ва вазифалари бор. Ундан ташқари, сўз бирикмалари ва гапни ўрғанишда

синтаксис турли хил анализ методларидан фойдаланади. Синтаксисда гапнинг тўрт хил модели ўрғанилади:

- а) гап бўлаклари модели,
- б) Фризинг дистрибутив модели,
- в) бевосита иштирокчиларга ажратиш модели,
- г) Хомскийнинг трансформацион модели¹.

Морфология ва фонология фанларини ўз ичига олган синтаксис тил иерархиясининг энг иқори яруси ҳисобланганлиги сабабли у категорематик ярус деб аталади. Масалан, ўзбек ва инглиз тилларидаги *Мен кечаги куннинг газетасини олмадим. I haven't got yesterday's newspaper* гапи синтактик тугалланган бўлиб, морфологик ва фонетик бирикларнинг қўшилишидан ясалган.

Синтаксис синтактик бирикларни ўрғанади. Синтактик бирикларга гап, сўз бирикмаси ва синтагмалар киради. Буларнинг ҳар бири синтаксиснинг энг катта ва мустақил бўлаги ҳисобланади. Масалан, гапнинг тилшуносликда 300 га яқин таърифи борлигига қарамай, мелоддан аввалги иккинчи асрда яшаган Дионисий Фракийскийнинг, *гап тўла ёки тугал фикр аналатьувчи бирикма ёки конструкциядир* деган таърифи ҳозиргача ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Сўз бирикмалари ва синтагмаларнинг ҳам жуда кўп таърифи бор. Улар ҳақида махсус тўхтаб ўтишни лозим топмадик.

Синтаксис сўзларнинг ўзаро синтак алоқасини ёки муносабатини ўрғанади. Бу алоқалар ўз характериға кўра қуйидаги уч гуруҳга: **субординатив, координатив ва предикативга** бўлинади.²

Синтактик муносабат субституция воситасида текшириб кўрилади.

Субординатив (субординация) муносабатида бўлган бирикмада шу бирикманинг функцияси бевосита иштирокчилардан биттасининг функцияси билан боғлиқ бўлади. Яъни *асосий* (head) конституент бутун группа (бирикма) ўринда кела олади. Иккинчи бевосита иштирокчи *адъюнк* (adjunct) деб аталиб, унинг маъноси бутун группа маъносига мос келмайди.

Субординатив муносабат асосида ясалган бирикмалар **субординатив ёки модификацион бирикмалар** дейилади.³ Бу бирикмаларнинг иштирокчиларидан бири иккинчисини аниқлаб келади. Улар камида икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси **аниқловчи** (modifier) ёки **қўшилиб келувчи қисм** (adjunct), иккинчиси **аниқланувчи** ёки **асосий** (head) **қисм** ҳисобланади. Масалан:

¹ Л. С. Бархударов. Структура простого предложения современного английского языка, М., 1966, стр. 15-16.

² Л. С. Бархударов. Уша асар, 34-42-бетлар.

³ Francis. The Structure of American English, New York, 1958, pp. 292 ff.

инглизча:	ўзбекча:
red pencil	қизик китоб
sweet apple	қийин масала
clever man	катта шаҳар

Бу бирикмалар О. Есперсен термини билан айтганда ўзаро ишқисил (junctional) муносабатдадир, яъни уларнинг бевосита иштирокчилари ўртасида предикатив алоқа йўқ. Қуйидаги мисолда текшириш субституциясини (substitution test) ишлатиб кўрамиз:

Инглизча: A clever man spoke → A man spoke.
 Ўзбекча: Қизик китоб ўқидим → Китоб ўқидим.

Субординатив муносабатдаги группада феъллар ўтимли бўлса, биз у бирикмаларни объектли ёки комплементатив бирикма деб атаёмиз. Объектли ёки комплементатив бирикма деганда кесим ва тўлдирувчидан иборат бўлган бирикма тушунилади:

инглизча:	ўзбекча:
to buy books	қўшиқ айтмоқ
to eat apples	китоб ўқимоқ
to grow cotton	шахмат ўйнамоқ

Ҳозирги англиз тилида тўлдирувчи маъносидаги объект (object) ўрнига кўпроқ комплемент (complement) сўзи ишлатилаётганлиги сабабли бу бирикмалар комплементли бирикмалар деб ҳам юритилади.

Координатив (координация coordination) муносабатидаги бирикмада бирикма функцияси ҳар бир иштирокчининг функциясига мос келади. Координатив бирикма иккита тенг иштирокчидан ташкил топади:

инглизча:	ўзбекча:
boys and girls, come and see, black and white	кун ва тун яхши ва ёмон

Координатив бирикмалар иштирокида тузилган гаплар иккита мустақил гапнинг трансформацион бирикувидан иборатдир. Масалан: Boys and girls came:

Boys and girls came:
 Boys came } → Boys came and girls came →
 Girls came }
 Boys and girls came.

Кунлар ва тунлар ўтди гапи қуйидаги гаплардан ташкил топган:

Кунлар ўтди } → Кунлар ўтди ва тунлар ўтди →
 Тунлар ўтди }

Кунлар ва тунлар ўтди.

Предикатив (предикация predication) муносабатидаги бирикманинг умумий функцияси ҳар қайси бевосита иштирокчи англатган маънодан фарқ қилади.

Предикативли бирикмалардаги иштирокчилар эга ва кесиман иборат бўлиб, улардан гап тузилади.

инглизча:	ўзбекча:
Students came.	Кун чиқди.
We sang.	Пахта очилди.

Предикатив муносабатдаги бирикмалар нексусли алоқада бўлади.

Демак, морфология мавҳумлашган формал белгилар билан тил системасини таҳлил қилади, синтаксис эса маълум моделга солинган конструкция ва гапларни ўрганайди. Сўзлар ва сўз формалари, конструкциялар ва гаплар сони беҳисоб бўлса-да, улар маълум моделлар асосида ишлатилади. Аммо шуни эсда тутиш керакки, ҳар қандай грамматик тўғри модель (конструкция ёки конфигурация, гап ва бошқалар) ҳам тилда семантик жиҳатдан тўғри тузилган бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир грамматик бирлик ҳам семантик, ҳам грамматик жиҳатдан тўғри тузилган бўлиши керак.

ПАРАДИГМАТИКА ВА СИНТАГМАТИКА

(Paradigmatic and Syntagmatic Relations)

Контекст ёки гапда тилнинг турли бирликлари, масалан: фонема, морфема, сўз, сўз бирикмалари, гап ва бошқалар иштирок этади. Улар бир-бири билан парадигматик ва синтагматик алоқада бўлади.

Синтагматик ва парадигматик алоқа илмий адабиётда синтагматика ва парадигматика деб қўлланилади.

Бу термин грамматик маъно ва грамматик формани ўрганишдаги тилнинг узлуксизлиги (linearity) ва системалилигини акс эттиради. Парадигма деганда сўзларнинг морфологик формалари мажмуи, морфемик вариантлар системаси тушунилади.

Парадигматика сўз формаларининг парадигматик бирлиги бўлиб, тил бирликлари системасини қарама-қарши қўйиш жараёнидир.

Парадигматик алоқа парадигмага кйрувчи сўз формалари асосида ифодаланади.

Сўз формаларини моделлаштириш техникаси парадигма во- ситасида амалга оширилади. Сўзларнинг категориал формалари парадигматик моделлар асосида ўзгаради.

Морфологик аффиксли сўз туркумларининг, яъни отлар, си- фатлар, феълларнинг махсус парадигмалари бор. Масалан, инг- лиз тилидаги икки хил сўз туркумига мансуб сўзни олиб кў- райлик.¹

man	ride
men	rides
man's	rode
men's	ridden
	riding

Юқоридаги мисолда отларнинг тўртта ва феълларнинг эса бешта парадигматик формаси борлиги кўриниб турибди.

Ҳар бир парадигманинг ўз системаси бор. Отлар парадигма- си феъллар парадигмасидан фарқ қилади. От ва феъллар пара- дигмаси махсус аффиксларни сўз негизига қўшиш билан яса- лади.

Грамматика парадигматик формаларни абстрактлаштиради. Уларда сўз негизларига қўшиладиган флексиялар, яъни морфе- малар шартли белгилар билан кўрсатилади, масалан:

Отларда

- [— Z₁] — кўплик морфемаси,
- [— Z₂] — эгалик келишиги морфемаси.

Феълларда

- [— Z₃] — учинчи шахс бирлигидаги ҳозирги замон морфемаси,
- [— D₁] — ўтган замон формасини ясовчи морфема,
- [— D₂] — II сифатдош формасини ясовчи морфема,
- [— I₃] — I сифатдош формасини ясовчи морфема ва ҳоказо.

Ўзбек тилида ҳам сўзлар парадигматик группаларга бўли- нади. Аммо ўзбек тилидаги отлар парадигмаси инглиз тилидаги отларникига қараганда бошқачароқдир. Чунки ўзбек тилида эгалик қўшимчалари ҳам, махсус категориал морфемалар каби, отларда қўшимча парадигма ҳосил қилади. Мисол учун эгалик қўшимчаларисиз ва эгалик қўшимчалари иштирокида келган парадигмаларни кўриб чиқайлик:

¹ Мисоллар Г л и с о н асаридан олинди: Н. А. Gleason, Ibid, p. 95 ff.

1)

ручка	ручка—ручкалар
қалам	қалам—қаламлар
ручка-м	ручка-миз, ручкалар-имиз
қалам-им	қалами-миз, қаламлар-имиз
ручка-нг	ручка-нгуз, ручкалар-ингуз
қалам-инг	қалам-имиз, қаламлар-ингуз
ручка-си	ручка-си, ручка-лар-и
қалам-и	қалам-и, қаламлар-и

2)

қалам	қалам-лар
қалам-нинг	қалам-лар-нинг
қалам-ни	қалам-лар-ни
қалам-га	қалам-лар-га
қалам-да	қалам-лар-да
қалам-дан	қалам-лар-дан

Биринчи ва иккинчи кичик парадигмаларни бир-бири билан қўшсак, отларнинг тўла парадигмаси вужудга келади. Аммо м ва им; и ва си суффикслари битта эгалик морфемасининг алломорфлари бўлганлиги сабабли биз қалам сўзининг парадиг- масинигина мисол тарзида кўриб чиқамиз. Ўзбек тилида бу парадигманинг ҳажми жуда катталашиб кетади:

қалам	қалам-лар
қалам-им	қалам-лар-им
қалам-им-нинг	қалам-лар-им-нинг
қалам-инг-нинг	қалам-лар-инг-нинг
қалам-и-нинг	қалам-лар-и-нинг
қалам-ни	қалам-лар-ни
қалам-им-ни	қалам-лар-им-ни
қалам-инг-ни	қалам-лар-инг-ни
қалам-и-ни	қалам-лар-и-ни
қалам-га	қалам-лар-га
қалам-им-га	қалам-лар-им-га
қалам-инг-га	қалам-лар-инг-га
қалам-и-га	қалам-лар-и-га
қалам-да	қалам-лар-да
қалам-им-да	қалам-лар-им-да
қалам-инг-да	қалам-лар-инг-да
қалам-и-да	қалам-лар-и-да
қалам-дан	қалам-лар-дан
қалам-им-дан	қалам-лар-им-дан
қалам-инг-дан	қалам-лар-инг-дан
қалам-и-дан	қалам-лар-и-дан

Бу формалар ҳам от парадигмасининг шаклини тўла акс эттирмайди, чунки юқоридаги парадигмада эгалик қўшимчасининг кўплик формаси келтирилмаган. Тўла парадигмани кўрсатиш учун

қалам-и миз
қалам-(лар)-и миз
қалам-(лар)-ингиз

қалам-(лар)-и формаларини ҳам тўла ёзиб чиқиш керак бўлар эди и, у ҳолда парадигмалар рўйҳати жуда катта бўлиб кетарди. Шу сабабли кичик парадигмаларни кўрсатиш билан чекландик.

Морфологик категория формаларининг ривожланган ёки ривожланмаганлиги ҳам парадигманинг хусусиятига қараб аниқланади. Масалан, инглизча ва ўзбекча сўзларнинг 28-29-бетлардаги парадигмаларини солиштирсак, ўзбек тилидаги парадигматик формалар ёки парадигма иштирокчилари (constituent) сони инглиз тилидагидан кўплиги равшан бўлади. Бундан ташқари, ўзбек тилида парадигматик формаларни яшашнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

1. Инглиз тилида қадимги даврдан сақланиб келган ички флексия қолдиғи таъсирида кўплик категориясини ясовчи морфеманинг бир неча алломорфлари мавжуддир. Масалан:

а) [-Z, -S, -IZ] — (e) s суффикси ёрдамида: boy — boys, book — books, glass — glasses,

в) — en суффикси ёрдамида. ox — oxen,

с) [æ — e] man — men,

[u — i:] foot — feet,

[au — ai] mouse — mice

д) ноль аффиксли алломорф ёрдамида:

sheep — қўй — sheep қўйлар

Юқорида кўрсатилган морфемага латин ва грек тилларидан кириб келган кўплик формани ясовчи суффиксларни ҳам қўшсак, алломорфлар сони ортади:

datum — data

index — indices

2. Ўзбек тилида от ва олмошларнинг парадигмалари бир хил келишиқ қўшимчаси иштирокида ясалади:

одам-	мен-
одамнинг	менинг
одамни	мени
одамга	менга
одамда	менда
одамдан	мендан

Парадигманинг изоморф турларига қуйидагилар киради:


1) кўплик формасини ясовчи морфема узакка қўшилади, масалан: boy + s = boys; бола + лар = болалар.

2) айрим олмошларнинг кўплиги супплетив усулда ясалади: I — мен — биз ва бошқалар.

Парадигма сўз формаларининг ўзаро оппозициясини ўрганиши аффили морфологиянинг объекти ҳисобланади.

Синтагматика нутқ жараёнининг синтагмаларга бўлиниши ёки тил бирликларининг ўзаро узлуксиз (linear) алоқасидир. Синтагматикада сўз формалари маълум вақт ичида бирин-кетин келади. Синтагматика синтаксисда ўрганилади.

Парадигматикада сўз формаларининг вертикал, яъни пастга қараб ўсиши синтагматик бирликда эса горизонтал, яъни бирин-кетин келиши ўрганилади. Вертикал чизиқ парадигматиканинг белгиси, горизонтал чизиқ эса синтагматиканинг белгисидир¹.



¹ Вертикал ва горизонтал чизиқ (ўқ) лар воситасида парадигматика ва синтагматикани ифодалашда Ю. С. Степанов системасидан фойдаланилди: Ю. С. Степанов, Основы языкознания: М., 1966.

Парадигматика ва синтагматиканинг семантика билан ўзаро алоқадорлигини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Масалан: *бир килограмм ун* десак, бу бирикмадаги сўзлар билан семантик алоқага кира оладиган *икки, ўн, юз, грамм, пуд, центнер, тонна, буғдой, шоли* каби сўзларни эслаймиз.

бир	килограмм	ун
икки	пуд	буғдой
ўн	центнер	шоли
юз	тонна	пахта
минг	грамм	цемент
ва бошқалар	ва бошқалар	ва бошқалар

Узун сўзини талаффуз этсак ҳам, ёзсак ҳам у билан парадигматик ва синтагматик алоқаларда бўла оладиган сўзлар эсга келиши мумкин.

Бу хусусият ҳамма тилларга хос бўлганлиги учун биз ундан тиллар системасини таққослашда фойдалана оламиз.

Одатда парадигматик алоқадаги сўзлар юқоридан пастга қараб ёзилади (up-to-down writing), синтагматик алоқадаги сўзлар эса чапдан ўнгга қараб ёзилади (left-to-right writing). Аммо араб ва яҳудий тиллари синтагматик алоқани ўнгдан чапга қараб ёзиш (right-to-left writing) йўли билан кўрсатиш мумкин.

ГРАММАТИКАНИНГ ИФОДА ВА МАЗМУН ПЛАНЛАРИ БИЛАН АЛОҚАСИ

Тилшунослик фани тил яруслари бирликларини ўрганишда иккита лингвистик пландан фойдаланади:

- а) ифода плани (expression-plane),
- б) мазмун плани (content-plane).

Ифода плани тил иерархиясининг ҳар хил яруслари бирликларидан ташкил топиб, асосан фонемалар, сўз бирликлари ва ҳоказолар билан ифодаланиши мумкин.

Мазмун плани ифода плани бирликларининг маъносидан ташкил топган бўлиб, бу план иштирокчилари икки хил маънога, яъни лексик ва грамматик маънога эга бўлади. Лексик маъно конкрет предметни аниқлатиб, асосан семантика фанининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Грамматик маъно эса лексик маъно билан чамбарчас боғланган бўлиб, асосан грамматика томонидан ўрганилади. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, тилда маънони ҳам бир-бирдан ажратиб бўлмайди, чунки бирининг бўлиши учун иккинчисининг бўлиши шартдир.

Ҳозирги замон структурал тилшунослигида ифода ва мазмун планини аниқлашдан бирликлар қуйидагича абстрактлаштирилади: ифода плани узлуксиз, алоҳида бирликлар (фонемалар)

нинг биринчи, иккинчи ва учинчи даражали комплексларидан, мазмун плани эса алоҳида бирликлар (морфемалар, лексемалар) ва синтаксемалардан ташкил топади.

Агар морфема шу иккала план асосида таърифланса, уни тилнинг энг кичик икки планли бирлиги дейиш мумкин.¹

Морфеманинг ифода плани фонемаларнинг мунтазам ёки кетма-кет қўшилишидан, мазмун плани эса алломорфлар маъносидан ташкил топади. Масалан: *пахтакорларга* сўзи 13 та товушдан иборат бўлиб, тўртта морфемага бўлинади: *пахта + кор + лар + га*. Бунда фонемаларнинг кетма-кет қўшилиши натижасида ифода плани ҳосил бўлган. Морфемаларнинг ифода плани ҳам худди шундай ҳосил бўлади.

ГРАММАТИКАНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАР

Ҳозирги тилшунослик фанида тил системасини тадқиқ этишнинг бир неча хил методлари бор. Математика ва формал логика фанларининг бу методлардан фойдаланиб ўтказган тадқиқотларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.² Ҳозирги даврда мазкур методларнинг бир неча тури мавжуд. Грамматик ярусни инвентарлаштиришда америка дескриптив лингвистикаси фойдаланаётган методлар асосан қуйидагилардир:

- 1) дистрибутив анализ (Distributional Analysis) методи;
 - 2) бевосита иштирокчиларга ажратиш (Immediate Constituents-IC) методи;
 - 3) трансформацион анализ (Transformational Analysis) методи;
 - 4) субституция (substitution) методи ва бошқалар.
- Юқоридаги методларнинг деярли барчаси грамматикани тадқиқ этишда қўлланилади. Морфемик анализ кўпроқ грамматиканинг морфология қисмида ишлатилиб, трансформация, бевосита иштирокчиларни топиш ва субституция методлари эса синтаксисда қўлланилади.

Дистрибуция ва дистрибутив анализ методи

Фонемалар, морфемалар ва сўзлар бир-бири билан турли усулда бирикади. Аммо уларнинг бундай бирикиши маълум лингвистик қонунга бўйсунди. Тил бирликларининг катта ёки кичиклигидан қатъи назар уларнинг нутқ жараёнидаги синтагматик жойлашиш усули, ишлатилиш тартиби, йиғиндиси, яъни

¹ Зденек Ф. Оливернус. Проблемы современной лингвистики. Прага, 1967 стр. 35.

² Бу ҳақда муфассалроқ қаранг: В. А. Звигенцев. Современные направления в типологическом изучении языков. Новое в Лингвистике, Выпуск III, М., 1963, стр. 16

бир ҳолатда ишлатиладиган элементнинг иккинчи ҳолат билан алоқадор бўлиши дистрибуция дейилади. Дистрибуция тил иерархиясининг ҳамма яруслари билан алоқага киришади. Морфологик ва синтактик дистрибуция тилдаги энг кичик бирлик (фонема)ларнинг ўзаро жойлашув муносабатларини, фонологик дистрибуция, морфема ва сўзларнинг контекстда жойлашиш қонуниятини ўрганadi. Фонологик дистрибуция грамматик дистрибуцияга нисбатан мукамалроқ ишланган. Морфология ва синтаксиснинг дистрибутив анализи ҳеч бир тилда ҳам ҳанузгача тўла ишланмаган. Дистрибуция тилшуносликка математика фанидан кириб келган.

Дистрибутив методнинг морфологияда қўлланилиши тил системасини морфологик сегментларга ажратиш процесси билан боғлиқдир. Дистрибутив методда биринчи процесс тил системасини инвентарлаш ёки анализ қилишдир. Текстдаги ҳар бир морфологик элементнинг бошқа морфологик бирликлардан фарқини тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Дистрибуциянинг турлари

Дистрибуциянинг учта асосий тури бор: 1) Қўшимча дистрибуция (Complementary Distribution), 2) Контраст дистрибуция (Contrastive Distribution), 3) Эркин алмашиниш дистрибуцияси (Free Variation).

Сўзларнинг ўзаро турли дистрибуция алоқалари сўз ёки морфеманинг ўрни алмаштирилганда маъноси ўзгариши ёки ўзгармаслигидан иборат.

Қўшимча дистрибуция

Икки лингвистик бирлик (фонема, морфема ва ҳоказолар) бир хил муҳитда учрамаса қўшимча дистрибуция ҳодисаси содир бўлади. Бу дистрибуция фонологияда аллофонларни, грамматикада эса алломорфларни аниқлаш процесси билан алоқадордир. Масалан, инглиз тилида феълнинг ўтган замон формаси **-ed** морфемаси ёрдамида ясалadi. **-ed** суффикси ўқилишининг уч хил варианты бор: [-t,-d,-id].

Жарангсиз ундошлардан сўнг [-t]: worked, talked, passed, [-t] ёки [-d] фонемасилан сўнг [-id] wanted, heated, balded деб ўқилади.

Бошқа ҳолларда [-d] деб талаффуз этилади: studied, occurred, told, etc.

Бу учала алломорфнинг махсус бирикиш қонуни ва ўрни бор. Уларнинг бири ўрнида иккинчиси ишлатилмайди, шунинг учун ҳам уларни қўшимча дистрибуциядаги элементлар деб атаёмиз.

Ўзбек тилида ҳам феълларнинг ўтган замон формасини ясовчи **-ди** морфемаси икки хил тарзда бирикади: а) агар **-ди** морфемаси жарангсиз ундошдан кейин келса, **-ти** деб талаффуз этилади: ўтди, ўқитди, б) бошқа ҳолларда ёзилганидек, яъни **-ди** деб талаффуз қилинади: юборди, ўтирди, ўқиди, ёзди, келмади каби.

{-ган} морфемасининг ёзган, эккан, юққан каби сўзлардаги **-ган**, **-кан**, **-қан** алломорфлари ҳам қўшимча дистрибуцияга мансубдир. Каузатив форма ясовчи морфема алломорфлари: **-тир**, **-дир**, **-ир**, **-ғир**, **-ар**, **-ор**, **-қаз**, **-газ** ва бошқалар ҳам бунга мисол бўла олади.

Икки ёки ундан ортиқ лингвистик бирликнинг бир хил вазиятда қўлланилиб турли маънони ифодалаши контраст дистрибуция дейилади.

Контраст дистрибуцияни аниқлашда ҳам аввал фонологик ва морфологик бирликлар ажратилиб, кейин уларнинг дистрибутив ўрни белгиланади. Контраст дистрибуцияда турли морфемалар иштирок этади. Масалан: шахс оти ясовчи **-ег** морфемаси сифатдош формасини ясовчи **-ing** морфемасидан фарқ қилганлиги учун улар бир хил ўзакка қўшилишидан қатъи назар контраст дистрибуция деб аталади: She is dancing. She is a dancer. Ўзбек тилида эса **У театрга кетди** ва **У театрда жумлаларидаги** **-га**, **-да** морфлари контраст дистрибуцияга мисол бўла олади.

Эркин алмашиниш дистрибуцияси

Тил бирликлари бир хил вазиятда ишлатилса ҳам маъноси ўзгармаслиги эркин алмашиниш дистрибуцияси деб аталади.

Эркин алмашиниш дистрибуцияси асосан сўз ва морфемаларнинг вариантлари ёки синонимиясини ўрганadi. Масалан, кишилар номи билан қўлланиладиган **-s** суффиксли ёки **of** предлогли бирикмани олайлик. John's book, the book of John ёки toward — towards.

Ўзбек тилида қуйидаги мисолларни кўрсатиш мумкин: **новвой — нонпаз**, **зичлашмоқ — зичланмоқ**, **тавозе — тавози — тавозу**.

Дистрибутив грамматика — грамматик элементларнинг ўзаро муносабати, контекстдаги вазиятга кўра вариантларга ажралиши ва мазмун плани билан алоқаларини ўрганadi.



БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИЛАРГА АЖРАТИШ

(Immediate Constituents IC)

Тилнинг синтактик ярусини анализ қилишда дескриптив лингвистикадаги **бевосита иштирокчиларга ажратиш методи** кенг қўлланилади. Ўзлуксиз ёки бевосита боғланган иккита синтактик, лексик ёки морфологик бирлик **бевосита иштирокчилар (БИ)** деб аталади. Бу иштирокчиларни топиш процесси **бевосита иштирокчиларни аниқлаш анализи** дейилади.


Бевосита иштирокчиларга ажратиш анализи асосан юқори ярусдаги синтактик бирликлардан бошланиб, пастга қараб давом этирилади.

Масалан, бирор гапни бевосита иштирокчиларга ажратиш керак бўлса, унинг неча элементдан иборатлигига қарамай, уни аввал иккита энг яқин бўлакка, бу бўлақларнинг ҳар бири яна иккига, бу бўлақларни ҳам яна иккига бўлинади. Охири иккита бевосита иштирокчи аниқлангунча анализ шу тартибда давом эттирилаверади. Бевосита иштирокчига бўлинмайдиган энг охири бўлак *охирги иштирокчи* (ultimate constituent) дейилади. Бу процессни синтактик ярус бирликлари билан тугатса бўлади, аммо уни яна давом эттириш, яъни сўзлардан ташкил топган бевосита иштирокчиларни морфологик ярусда морфемаларга ажратиш мумкин. Гапни бевосита иштирокчиларга ажратишда дарахтсимон диаграммадан фойдаланилади. Гап бутун бир дарахт бўлса унинг бевосита иштирокчилари жуфт-жуфт, дихотомик «шоҳлатилаверади». Бунга *синтактик шоҳчаланиш процесси* (the derivation tree diagram) дейилади. Аммо дарахтсимон диаграмма бирдан-бир усул эмас албатта. Уни вертикал чизиқлар, тўрт бурчакли қутичалар (Chinese boxes «хитой қутичалари»), тагига чизиш усули, «қандилсимон» диаграмма (Candabra diagram) лар билан ҳам ифодалаш мумкин. Масалан:





Бизнинг || колхоз | пахта || экади.
 Our || kolkhoz | grows || cotton.



Аммо тил системасини баён этишда фойдаланиладиган энг қулай диаграмма дарахтсимон диаграммадир.




¹ Колхоз сўзи икки хил таржима қилинади: collective farm (тўлиқ форма). kolkhoz (қисқартirilган форма).




Юқоридаги гапларни қуйидагича схемалаштириш мумкин.



Қатта акам кеча чиройли откритка олди гапини бевосита иштирокчиларга ажратиш кўрайлик.



Агар анализ морфологик ярусда ҳам давом эттирилса, ҳар қайси сўз яна морфемаларга ажратилади:



Формаллаштириб қайта ёзиш системаси (rewrite system) қўлланилса, бу гап қуйидагича бўлади:

- 1) S → NP + VP
- 2) NP → A + N
- 3) VP → Adv + NP + Vtr
- 4) NP → A + N

Тилшуносликда асосан VP → Vtr + NP + Adv структураси қўлланилади. Бу структура туркий тилларга хос бўлмагани учун унинг жойлашиш тартиби ўзгартирилди.

Бевосита иштирокчилар бутун конструкциялардан, сўзлардан ва ниҳоят морфемалардан ташкил топади. Бу ҳол бевосита иштирокчиларга ажратиладиган гапларнинг катта-кичиклигига боғлиқдир. Масалан, NP бирикмасининг ўзи бир неча бўлакдан ёки битта сўздан, VP бирикмаси эса битта феълдан ёки феълнинг отга ва бошқа сўз туркумларига қўшилишидан иборат бўлади. Масалан, Ю. Найда unfriendly сўзини бевосита иштирокчиларга қуйидагича бўлади: [ən frendli]

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти бор. Сўз бирикмалари, гаплар ва морфемик бирикишлар ҳар бир тилда турлича бўлгани учун бевосита иштирокчилар ҳам турлича бўлади. Инглиз тилида бу масала анча ўрганилган, аммо ўзбек тили системасида бу жиҳатдан ҳали кўп иш қилинмаган. Шу сабабли ҳам инглиз ва ўзбек тиллари системасини бир-бирига қиёс қилишда БИ

† E. Nida, Ibid. p. 93

методидан фойдаланиш ва формал бўлакларга ажратишдаги изоморфизм ва алломорфизмни топиш жуда муҳим.

БИ методи тил структурасини анализ қилишнинг мукамал методи эмас, албатта. Унинг айрим камчиликлари бўлиб, уларни трансформацион анализ тўлдиради.

ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ МЕТОДИ

Асосий ядро структура (nuclear structure)га таяниб иккиламчи структура ёки намуна танлаш (selection) усули трансформация дейилади. Бу метод гапнинг маъно ва формал структураларининг ўзаро муносабати заминида содир бўлади.

Ҳар бир гапнинг ички (маъно бирлигини ифодаловчи) юзаки (формал) структураси бор. Ички структура юзаки структуранинг турли трансформацион вариантлари воситасида ифодаланади. Дескриптив лингвистикада қўлланивчи ички структура гапдан англашилган маънони, юзаки структура эса гапнинг ташқи, формал тузилишини ифодалайди.¹ Ички структура гапнинг умумий абстракт маъноси бўлиб, у физик сигналлар воситасида ифодаланмайди. Юзаки структурада маъно маълум физик сигналлар воситасида ифодаланади. Ички структурани юзаки структура ва унинг трансформацион вариантлари иштирокида баён этилади. Трансформацион вариантларнинг структурага қайта таъсири икки хил бўлиши мумкин. Биринчидан, юзаки структурадаги трансформация ички структурани ўзгартиради. Дарак гапларни сўроқ гапларга, бўлишли гапларни бўлишсиз гапларга трансформация қилиш бунга яққол мисол бўла олади. Иккинчидан, юзаки структурадаги ўзгариш ички структурани сақлаган ҳолда амалга оширилади. Масалан, гапдаги феълларнинг инкор формаларини қисқача ифода этиш билан, актив ҳамда пасив трансформация ва шунга ўхшаш усуллар билан амалга оширилади.

Актив ва пасив трансформациянинг ички структураси бир кўринишда, юзаки структураси эса икки хил кўринишда бўлади. Масалан:

Karim wrote a letter → A letter was written by Karim.
 Карим хат ёзди → Хат Карим томонидан ёзилди.

Бу мисолда иккала тилдаги гапларнинг юзаки структурасида ўзгариш бўлди: 1) инглиз тилида феъл формаси ўзгарди, 2) пасив формада предлог қўшилди; ўзбек тилида эса предлог маъ-

¹ . . . the meaning of a sentence is conveyed by its deep structure the form of a sentence is given by its surface structure (Roderick A. Jacobs, Peter S. Rosenbaum, Paul M. Postal, English Transformational Grammar, Massachusetts, London, 1968, p. 18).

носига синоним бўлган *томонидан* сўзи қўшилди. Натижада ҳар иккала тилда ҳам грамматик маъно ўзгарди.

Трансформация турлари Гапнинг ички маъно структурасини юзаки структура томонидан тўғри акс эттиришга, трансформация қилинадиган ядро гапларнинг содда ёки қўшма гап бўлишига қараб, трансформация ҳар хил бўлади:

- а) содда гап структурасини сақлаган трансформация;
- б) содда гапларни номиналлашган сўз бирикмасига айлантирувчи трансформация;
- в) содда гапларни қўшма гапларга айлантирувчи трансформация.¹

Трансформацияни амалга оширишда **адъюнкция** (adjunction), **субституция** (substitution) ва **тушириб қолдириш** (deletion) усулларидан фойдаланилади.

Трансформация процесси Трансформация процесси асосини *ядро гаплар* деб аталувчи конструкциялар (kernal structures) ташкил этади. Бу конструкциялар энг кичик ёки синтаксисдаги энг содда гаплардан иборат. Масалан: тилшунослар инглиз тилидаги энг кичик ядро конструкциялар² (kernal structures) сифатида қуйидагиларни беради:

N V (Bill sang)
N V N (Bill loves Ann)
N V pN (Bill looked at Ann)
N is N (Bill is a pilot)
N is pN (Bill is in the cabin)
D is A (Ann is beautiful)
N is D (Bill is off)

Энг кичик ядро конструкциялар модели ҳар бир иштирокчини аниқлаб келадиган сўзлар ҳисобига кенгайиб боради.

Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи дистрибуцион методдан афзал бўлганидек, трансформация методи бевосита иштирокчиларга ажратиш методидан афзалроқдир. Трансформация методи ёрдамида ҳар бир конструкция ёки гапнинг ҳосилавий тарихини топиш мумкин. Ҳосилавий (derivational) тарих муайян конструкция ёки гапнинг ривожланиш тарихи эмас албатта.³ У анализ қилинаётган бирликнинг бошқа структуралар билан алоқасини, бошқа ўзаро алоқалар бирликлар ўртасида тутган ўрнини кўрсатади ва ҳоказо. Трансформация воситасида

¹ N. F. Irteneva, A. P. Shapkin, M. Y. Blokh. The Structure of the English Sentence. Moscow, 1969, p. 31 ff.

² З. С. Хэррис. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре «Новое в лингвистике», Вып. II, М., 1962. Л. С. Бархударов. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966, стр. 26.

³ Л. С. Бархударов. Уша асар, 25-бет.

қўлланилаётган конструкцияларнинг бошқа конструкциялар билан алоқадорлигини аниқлаш айрим сўз бирликларида рўй берадиган семантик чигалликларни ечишда жуда қўл келади. Бундай чигалликлар ҳамма тилларда бўлса-да, морфологик маркерлари яхши ривожланмаган тилларда кўпроқ учрайди. Масалан, инглиз тилининг тарихий тараққиёти даврида махсус аффиксал морфемалар қисқариб кетганлиги сабабли ҳозирги инглиз тилида кўпгина грамматик категориялар синтетик йўл билан ясалмайди.

Бевосита иштирокчиларга ажратиш методининг асосий камчилиги конструкциянинг ички ва юзаки структураси ўртасидаги муносабатни ифодаловчи қўшимча ҳосилавий (гап маъносини очиб берадиган махсус ёрдамчи) структураларни ясай олмаслигидир. Масалан, трансформация методи билан шугулланувчи мутахассисларнинг кўпгина ҳинд-европа тилларига хос бўлган традицион мисоли субъектив ва объектив қаратқич келишиги (Subjective and Objective Genitive) формасига мос инглизча предлогли бирикма конструкциясини олиб кўрайлик. The love of friends Бу конструкция икки хил маънони: а) *дўстлар ва ўртоқларнинг (меҳри) муҳаббатини*, яъни бирор шахсни ўртоқлари яхши кўришини; б) *дўстлар ва ўртоқларга бўлган меҳр-оқибатни*, яъни бирор шахснинг ўз ўртоқларини яхши кўришини билдиради. Агар шу фикрлар феъл ёрдамида ифодаланадиган бўлса, биринчиси, *уни ўртоқлари яхши кўришади* деган маънони иккинчиси эса *ўртоқларини у яхши кўради* деган маънони англатади. Шу тартибда The hatred of the enemy конструкциясидан: 1) *душман нафрати*; 2) *душманга нафрат*, (яъни а) *у душманни ёмон кўради*, б) *душман уни ёмон кўради*) маънолари англашилади. Рус тилидан С. К. Шаумян келтирган мисолни солиштириб кўрамиз: *Приглашение писателя* гапидаги синтактик алоқада ҳам омонимия ҳодисаси мавжуд. Бу гапни: а) *ёзувчининг таклифи*, б) *ёзувчининг таклиф этилиши тарзида* икки хил тушунилади. Иккинчи гапда *ёзувчи* объектик (objective) муносабатда, биринчисида, субъектик (subjective) муносабатда. Бу ҳодиса рус тилида яққол акс этмаган, чунки отлашган феълда нисбат формасини ифодаловчи суффикс ишлатилмаган. Шу сабабли қаратқич келишигидаги от иккига ажратилади:

G₁ = приглашение (таклиф, таклиф этиш),
G₂ = приглашение (таклиф этилиш).

Ўзбек тилида бундай ҳоллар инглиз ва рус тилларидагига нисбатан камроқ учрайди. Бунинг сабаби, биринчидан, ўзбек тилида келишик қўшимчаларининг яхши тараққий этганлиги, иккинчидан, феъллар отлашганда нисбат формасини ясовчи суффиксларнинг сақланиб қолганлигидадир. Шунга қарамай, қаратқич келишиги формасида келган отларда ҳам омонимлик муносабати тез-тез учраб туради. Масалан: *Акамнинг имтиҳони*

гапи икки хил маънони: а) *акаънинг имтиҳон олиши*, б) *акаънинг имтиҳон топишириши* деган маъноларни англатади. Мазкур гап акам имтиҳон топиради, акам имтиҳон олади гапларининг трансформацион бирикишидан ҳосил бўлган.

Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи юқорида кўрсатиб ўтилган конструкцияларнинг моҳиятини очиб беролмайди, чунки уларнинг юзаки структураси бир хилдир. Шу сабабли бундай гаплар трансформация методи воситасида аниқланади. БИ-га ажратиш методининг камчиликларидан бирига — *ing* суффикси иштирокида ясалган сўз формаларидан мисол келтириш мумкин. Масалан, трансформация методининг яратувчиларидан Н. Хомскийнинг асарида берилган *flying planes* мисоли ҳам а) *учаётган ёки учувчи самолётлар*, б) *самолётлар учуриши* маъноларини англатади. Бу гапда ҳам грамматик алоқа фақат трансформация ёрдамида ойдинлаштирилади.

Демак, трансформацион модель бевосита иштирокчиларни ўз ичига олган ва гап маъноси билан боғланган мукамал моделдир.

Трансформация махсус **трансформацион қоидалар** (Transformational rules) асосида амалга оширилади. Трансформацион қоида асосий ва ҳосилавий моделлар ўртасидаги муносабатларни топиш усулидир. Трансформацион қоида бевосита иштирокчиларга ажратиш қоидадини, трансформацион моделлар яратиш қоидадини ва морфофонемик қоидаларни¹ ўз ичига олганлиги учун ҳам мукамал ва яратувчи методдир. Трансформацион қоида битта конструкция ёки гапнинг маъносини очишда бир қанча ҳосилавий конструкция ёки гаплардан фойдалана олади.


Трансформация процесси анализ ва синтез қилишдан иборатдир. Трансформацион анализ конструкциялар маъносидаги инвариантликни аниқлайди, маълум маъно ёки мазмунни формалаштиришда кичик бўлақларга ажратади ва морфофонемик анализ қилади. Трансформацион синтез эса конструкцияларни аввал берилган (S символли) гапга қайтадан бирлаштиради. Трансформацион анализ ва синтез гап ёки конструкциянинг асосий мазмунини очиб беришга хизмат этади.

Трансформация процесси аввало **бўлинмас ядро гапларни** (kernel sentences) танлаб, шу гапларнинг трансформацияларини ўз ичига олади.

Трансформацияни амалга оширишнинг турли методлари бор. З. С. Харрис, Н. Хомский, С. К. Шаумян ва бошқалар асарларида бу метод турлича талқин қилинади. Қуйида шу методларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтирмай, трансформацион анализга доир бир неча мисоллар келтираемиз.

The Radiator heats the rooms гапи аниқ нисбатдаги ядро гап бўлиб, қуйидагича трансформацияланади:

$S \rightarrow NP + VP$ $S \rightarrow NP_1 + Vtr + NP_2$ $N_1 \text{ sing} + V + N_2 \text{ pl.}$



The Radiator heats the rooms
Қайта ёзиш (rewrite rules) қоидадини қўллаймиз:

$NP \rightarrow \begin{cases} NP_1 \text{ sing} \\ NP_2 \text{ pl} \end{cases}$
 $VP \rightarrow \text{Verb} + NP_2$
 $NP_1 \text{ sing} \rightarrow T + N + \emptyset$
 $NP_2 \text{ pl} \rightarrow T + N + s$
 $VP \rightarrow Vtr \text{ present}$

$T \rightarrow \text{the}$ Article definite

$N_2 \rightarrow \text{radiator}$ common
concrete
countable
inanimate
singular

$N_2 \rightarrow \text{rooms}$ common
concrete
countable
inanimate
plural

$V \rightarrow \text{heats}$ present
common aspect
3rd person
singular
indicative
non-perfect

Юқоридаги актив конструкцияни (гапни) **пассив конструкцияга трансформация қиламиз:**

The radiator heats the rooms → The rooms are heated by the radiator: $NP_1 + VP + NP_2 \rightarrow NP_2 + \text{is} + Ven + \text{by} + NP_1$

¹ С. Қ. Шаумян. Структурная лингвистика. М., 1965, стр. 166.

¹ Буни бошқача тўл билан формалаштириш ҳам мумкин, ammo биз энг содда усулни бердик.

Ҳар қандай гап шу усулда махсус қонунлар асосида трансформация қилинаверади.

Ўзбек тилидаги трансформация процесси инглиз тилидан фарқ қилади.¹ Бу фарқ қуйидагичадир: трансформациядаги сўз тартибига кўра инглиз тилида SVO, яъни эга+кесим+тўлдирувчи (шу сабабли: NP+VP+NP₂) тарзида, ўзбек тилида эса SOV² яъни эга+тўлдирувчи+кесим тарзида бўлади.

Инглиз тилида пассив формадаги гап кўмакчи феъл восита-сида, ўзбек тилида эса синтетик йўл билан ясалади.

Ҳар икки тилнинг сўз тартиби бир-бирига ўхшамаслигига мисол келтирамиз:

I kiss'd thee, ere I kill'd thee;—No way but this, Killing my- self to die upon a kiss.

Ўпиб туриб қилган эдим мен сени ҳалок

Энг охири, ўпиб туриб жон бераман пок. (Шекспир, Пьесалар 339-бет).


Мен сени ўлдирмасдан аввал (сени) ўпган эдим

Аммо сени яна ўпиб туриб ўзимни ўлдиришдан бошқа иложим йўқ.

Энди *Олим ўқишни тугатди* гапининг трансформацион анали-зини кўриб чиқамиз:

$S \rightarrow NP_1 + NP_2 + VP$. $NP_1 \text{ sing} + V \text{ past} + NP_2 \text{ sing}$.

$NP \rightarrow \begin{cases} NP_1 \\ NP_2 \end{cases}$
 $NP_1 \rightarrow N \text{ sing}$
 $VP \rightarrow NP_2 + V$
 $N_2 \rightarrow N \text{ sing}$



N₁ sing
Олим

N₂ sing
ўқишни

V past
тугатди

Proper nominative singular animate	verbal n. accusative abstract inanimate	past Common aspect 3 rd person singular indicative causative transitive
---	--	--

¹ Бу методлар ўзбек тилида ҳали қўлланилмаганлиги сабабли мисолларни фақат шахсий кузатишлар асосида анализ қилдик.

Маъмур гапни пассив формага трансформация қиламиз:

$NP_1 + NP_2 \text{ ni} + VP \rightarrow NP_2 + NP_1 \text{ tomonidan} + VP$

Трансформация методида бевосита иштирокчилар икки хил тарзда ишлатилади:

1) зарурий (obligatory) ишлатиш,

2) ихтиёрий (optional) ишлатиш.

Актив конструкцияларни шу нуқтаи назардан пассив конструкцияларга айлантирганда инглиз тилида *бу* предлогининг қўлланилиши зарурий, ўзбек тилида гапнинг асосий эгаси ва *томондан* ёрдамчи сўзининг ишлатилиши эса ихтиёрий бўлади. Ўзбек тилида ёрдамчи сўз фақат грамматика нуқтаи назардан махсус қўлланилади.

Трансформация ўз структурасига кўра турлича бўлиши юқорида айтиб ўтилган эди. Энди шу турлардан баъзи мисоллар келтирамиз:

Соғда гапнинг структурасини сақлаган ҳолда трансформациялаш.

Трансформациянинг бу турида сўз бирикмалари ҳам ўз ярусида бир турдан иккинчи бир турга трансформациялашади. Бунда феълнинг ўтимли ва ўтимсизлиги муҳим роль ўйнайди. Ўтимсиз феъллардан ясалган структура асосан эга ва кесим (S+V), дан ташкил топган ядро гаплардан иборат бўлади. Масалан, ўтимсиз феълларда $VP \rightarrow VB$ (Verbal) қайта ёзилиши мумкин: *The doctor came*: $NP + VP$, $NP \rightarrow T + N$ ёки $Art + N$; $VP \rightarrow V$ ёки VB .

Ўзбек тилида ҳам худди шундай: *Қор ёғди* $NP + VP$, $NP \rightarrow N$, $VP \rightarrow VB$.

Ҳар иккала тилда ҳам бу ядро структураларни равиш қўшиш орқали кенгайтириш мумкин. Бу қоида структурани кенгайтириш (expansion) дейилади:

The doctor came → *The doctor came two days ago*.

Ўзбек тилида: *Қор ёғди* → *Кеча қор ёғди* → *Бу йил қор эрта ёғди* ва бошқалар.

Равиш формал D ҳарфи билан кўрсатилади ёки Adverb сўзи Adv тарзида ифодаланади. Агар равишларнинг турини кўрсатиш зарур бўлса, Adv га уларнинг бош ҳарфи қўшилади. Масалан: Adv — m = Manner Adverb, Adv — p = Place Adverb; Adv — f = Adverb of Frequency, Adv — t = Time Adverb etc.

Озод Москвада яшайди гапини формаллаштирак, $NP + VP + D$, $VP \rightarrow Vi + (D)$ тарзида бўлади. Равишни кўрсатувчи D қавс ичида берилиши мумкин, чунки у ихтиёрий (optional) конституент ҳисобланади:

The doctor came →

The doctor came yesterday.

$NP + VP \rightarrow NP + VP + D$ (ёки Adv — t).

Трансформацион грамматикада NP фақат от билан ифодаланиб қолмай, олмошлар билан ҳам ифодаланади, шу сабабли NP қайта ёзилганда қуйидагича бўлади:

NP { Pron
Pers.
Indef.
Def + N
Singular.
Plural. etc.

Олмошларнинг морфемик характеристикаси берилганда эса олмошнинг от группаси — NP—га тааллуқ эканлиги таъкидланади.

Чунончи:

NP + VP; VP — Vi.
I apologized (Wells)
Cuss stopped (Ibid)
NP + VP + Adv — p
The fleet drops behind (B. Show)
NP + VP VP → V;
Йигит илжайди (Ў. У.)
NP + VP + Adv — p
Ота шу томонга юрди (Ў. У.)
NP + VP + Adv — p
Машина жойидан қўзғалади. (Ў. У.)

Бунга А. Жакобз ва бошқаларнинг трансформацион грамматикасидан мисол келтиришимиз мумкин:¹


it	it	what	what	one	one
(+ N)	(+ N)		(+ N)		(+ N)
(+ pronoun)	(+ pronoun)		(+ pronoun)		(+ pronoun)
(- WH)	(- WH)		(+ WH)		(- WH)
(- human)	(- human)		(- human)		(- definite)
(+ singular)	(- place)		(- place)		
(+ definite)	(- definite)		(- definite)		

Бу интерпретациядаги who, when ва where сўроқ олмошларида <+WH> аломати бор. Who лексикада <+human> аломати билан, When <+time> аломати билан, where <+place> аломати билан кўрсатилган:


who (m)	who (m)	when	when	where	where
<+ N>	<+ N>		<+ N>		<+ N>
<+ pronoun>	<+ pronoun>		<+ pronoun>		<+ pronoun>
<+ human>	<- human>		<- human>		<- human>
<+ WH>	<+ time>		<+ time>		<+ place>
	<+ WH>		<+ WH>		<+ WH>

¹ Roderick A. Jacobs, Peter S. Rosenbaum, Paul M. Postal, English Transformational Grammar, London, 1968, p. 154.

Ўтимли феъллар уч бўлакли ядро структуралардан ташкил топади: John wrote a letter. NP₁ + VP + NP₂



Ўзбек тилида феълга боғлиқ бўлган от феълдан олдин келади: Синглим институтни битирди. NP₁ + NP₂ + VP



Шуни эсда тутиш керакки, ўзбек тилида NP₂ феълдан аввал келсада, ҳосилавий схемада феъл (Verb Phrase) қисмига тобе бўлади. Ўтимли феъллардан сўнг от ёки унинг ўрнида бирор сўз ишлатилиши зарурий (Obligatory) ҳисобланади. Масалан: NP+VP: I hit the floor (J. D. Salinger). Ўтимли феълларда иштирок этган ядро структура равиш ҳисобига кенгайиши мумкин. Масалан: NP₁+VP+NP₂+Adv—m:

They impress me unspeakably (B. Shaw)

NP₁ + VP + NP₂ + Adv — p:

Frank met her at the station (W. S. Maugham)

Ўзбек тилидан мисоллар келтирамыз:

NP₁ + NP₂ + VP; VP → Vt.

... у гул сотади (Ў. У.)

NP₁ + NP₂ + VP; VP → Vt.

Кампир бошини кўтарди (Ў. У.)

NP + VP + Adv — t.

Кун пешиндан оғди (Ў. У.)

Феълларнинг трансформациясини ўрганишда уларнинг хусусияти ва бошқа сўзлар билан бирикиши аниқланади.

Ўз хусусиятига кўра феъллар қуйидагича трансформация қилинади:

Vi { act, arrive, doze, err, lie, misfire
pause, pilgrim, remain, recur, rely
scout, throb, vert, wince, yacht
yaw, etc.

Vt { abandon, abbreviate, abuse, accept, affright
blunt, buy, cause, defeat, draft, employ,
feel, greet, interest, negate, overtop, unlace,
unseal, visit etc.

Инглиз тилида ўтимли феъллар ўтимсизлашади ва ўтимсиз феъллар ўтимлилашади. Бу ҳодиса феълларнинг бошқа от билан бирикиб келишида юз бериб, феъллар миграцияси (Migration) дейилади.¹ Қуйида бу икки хусусиятли феълларнинг қисқача рўйхати берилди.

Vi and t. { Act, add, argue, ask, attend, awake,
boil, cease, change, char, chear,
clear, comport, cool, cry, curl, curse,
dance, debate, dream

Vs { seem, look, appear, resemble
feel, sound, taste, smell, etc

Vb { become, turn,
remain, etc.

Vmid { cost, weigh
total

Vh → have

Vbe → be²

Бу феъллар (Verb Phrase)нинг бошқа сўзлар билан алоқаси қуйидагича аниқланади:

Verbal { { Vi
Vt + NP } + (Adv - m)
Vs + Adj
Vb + { NP
Adj } + (Adv - p)
V-mid + NP } + (Adv - I) + (Adv - t)³

Мазкур феълларнинг ҳар бири яна бир неча кичик группаларга бўлинади. Масалан, ўтимли феълларнинг ўзи олти хилдир. Уларнинг ҳаммаси кейинги бобларда батафсил ёритилади. Қуйида ҳар қайси группадаги феъллардан битта мисол келтирамиз:

Vb; NP + VP + A + N;

NP + Vb + { NP
Adj }

Usman became a student.

¹ N. F. Irtenyeva, A. P. Shapkin, N. Y. Block. The Structure of the English Sentence. Moscow, 1969. p. 23.

² Paul Roberts. Modern Grammar. New York, 1968, P. 113

³ N. F. Irtenyeva, a. o, ibid p. 21.

Vs

NP + VP + A; NP + Vs + A
Komil seemed moved.

V mid

NP + VP + NP; NP + V mid + NP
The sportsman weighed 75 kilogramms.

Vh

NP + VP + NP; NP₁ + Vh + NP₂
He has money.

V be

NP + V be + NP; NP₁ + is NP₂;
Azim is a student.
NP + Vbe + A; NP + is + A
Hakim is busy, etc.

Seem, become, be каби феъллардан пасив трансформация ясалмайди. Аммо улардан бошқа категориал формаларга оид трансформацион структуралар ясалаверади.

Бўлишли гаплар трансформацияси (Transformation of Affirmation [T—A]). Бу трансформациянинг турли хиллари мавжуд бўлиб, улардан айримларинигина кўрсатиб ўтамиз:

а) Қисқартиб берилган сўзларнинг тўла формасини ёзиш трансформацияси:

I've come → I have come.

I'll see → I shall see.

I'm a student → I am a student.

б) Ўзлик нисбатига оид трансформация:

He washed himself → He washed;

We washed ourselves → We washed;

He and I greeted each other → We greeted.

Қисқартириш воситасида трансформациялашга бошқа категориялардан бўлса ҳам мисоллар келтирамиз:

Аҳмад китоб ололмади → Аҳмад китоб ола олмади.

У мактабга борарди → У мактабга борар эди.

Юқоридаги гаплар кўринишидан унчалик аҳамиятга эга бўлма-са-да, морфемик анализда катта аҳамиятга молик. Чунки қисқарган формаларнинг морфемик ва конституентлик хусусиятини очмай туриб, трансформацияни давом эттириб бўлмайди.

Бу трансформацияга сўз бирикмаларидаги айрим ўзгаришларни ҳам киритиш мумкин. Масалан:

Узун бўйли одам → Бўйи узун одам ва бошқалар.

в) Ундов гап трансформацияси: (Гўзал водий → Қандай гўзал водий!)

г) Бўйруқ гап трансформацияси: (Сиз тез келинг → Сиз келинг → Тез келинг → Келинг)

д) There сўзини киритиш трансформацияси:
The doctor came → There came the doctor.

е) Сўроқ гапга айлантириш трансформацияси ёки сўроқ гап трансформацияси:

The doctor is coming → Is the doctor coming?

The doctor must come → Must the doctor come?


The doctor will see the patient → Whom will the doctor see? →

When will the doctor see the patient? etc.


Юқоридаги мисоллар сўроқ гап трансформацияси қондасига мувофиқ ўзгартирилган. The doctor is coming гапининг сўроқ формаси сўз тартибини ўзгартириш (permutation) билан ясалди:

Is the doctor coming?


Бу гапининг ҳосила диаграммаси қуйидагича:




Бу диаграммада сўроқ сўзни тушириб қолдириш трансформацияси (Question deletion transformation) ни қўлласак, диаграмма қуйидагича тус олади:




The doctor must come → Must the doctor come?




The doctor will see the patient → Must the doctor see the patient?



Whom will the doctor see? гапининг трансформацияси WH саволли трансформация (WH question transformation) дейлади.



When will the doctor see the patient?





When will the doctor see the patient?

Сўроқ гаплар трансформациясини ясада инглиз ва ўзбек тилларида ўхшашлик ҳам, тафовут ҳам бор.

Сўроқ гап трансформацияси (WH question transformation) ни махсус сўроқ олмошлари ёрдамида яшаниннг ўзига хос хусусияти бор. Инглиз тилида ўзбек тилидагидек, одамларга нисбатан *who? ким?* сўроқ олмоши ишлатилади, бошқа нарсаларга нисбатан *what? нима?* сўзи ишлатилади:


Who will leave?

Ким кетади?




(+ N)	will	leave	(+ N)	кетади
(+ Pronoun)	(+ Aux)	(+ VB)	(+ Pronoun)	(+ VB)
(+ human)	(+ Modal)	(+ V)	(+ human)	(+ V)
(+ WH)	(+ Present)		(+ WH)	+future
				+singular
				+3rd person

Сўроқ гап трансформациясида кўмакчи феъл эгадан олдин келиб, унинг диаграммаси тубандагича бўлади:



will	(+ N)	leave	(+ N)	кетади
(+ AUX)	(+ Pronoun)	(+ VB)	(+ Pronoun)	(+ VB)
(+modal)	(+ human)	(+ V)	(+ human)	(+ V)
(+present)	(+ WH)		(+ WH)	(+future)

Бу структурани охири марта трансформациялаб, (question) (сўроқ)— иштирокчини эга ўрнида келган сўроқ сўзи билан бирлаштирсак, қуйидаги структура юзага келади:




(+ N)	will	leave	(+ N)	кетади
(+ pronoun)	(+ AUX)	(+ VB)	(+ pronoun)	(+ VB)
(+ human)	(+ Modal)	(+ V)	(+ human)	(+ V)
(+ WH)	(+ Present)		(+ WH)	(+ future)
				(3rd—person singular)

Who will leave?
Ким кетади?


What? нима? сўроқ олмошлари ёрдамида трансформация қилмоқчи бўлинса, ўша структуранинг ўзидан фойдаланиб, **who?** ўрнига **what?** олмоштини **ким?** ўрнига **нима?** олмоши ва морфемик анализи берилади.

Ўзбек тилида сўроқ гап турларининг трансформацияси инглиз тилидагидан фарқ қилади. Инглиз тилида умумий сўроқ трансформацияси асосан кўмакчи сўзларни эгадан олдин келтириш билан ясалса, ўзбек тилида юкламалар ёрдамида ясалади. Инглиз тилида кўмакчи сўз (**Aux**) гапнинг олдида ёки сўроқ

сўздан кейин қўйилади, ўзбек тилида **-ми** юкламаси эса гап охирига қўйилади ва трансформацияда ишлатилмайди. Ўзбек тилида сўроқ сўзи келса, **-ми** юкламаси ишлатилмайди:




Сўроқ гапнинг икки турини кўриб чиқамиз: *Сен ўқишни битирдинг.* → *Сен ўқишни битирдингми?*




+Noun	+N	+Verb	+ми
+Pronoun	+verbal noun	+past	+particle
+2 nd person	+accus.	+sing.	+Question
+sing	+sing	+indef	
+nominative	+inanimate	+2 nd person	
+animate			


Ўзбек тилида **-ми** юкламаси феълга қўшилганлиги сабабли диаграммада уни VP нинг иштирокчиси сифатида кўрсатиш ҳам мумкин. Унда диаграмма қуйидагича бўлади.



Сўроқ сўзнинг тушиб қолиши (Question deletion) трансформацияси татбиқ қилинганда, қуйидаги ўтимли феълли диаграмма келиб чиқади:




Тўлдирувчиға бериладиган сўроқ гап трансформацияси сўроқ олмоши билан бошланса, *-ми* юкламаси ишлатилмайди. Масалан: Карим нимани хоҳлайди?




Карим	+ N	VB
+ N	+ pronoun	хоҳлайди
+ singular	+ inanimate	+ V
+ Nominative)	+ WH	+ Modal
+ Proper		+ Present
		+ Sing.

Трансформацион процессни икки **босқич** (step)га қисқартирсак, охириги трансформацион структура келиб чиқади:




Бўлишсиз гап трансформацияси (The Transformation of Negative) (T — NOT) сўроқ гап трансформацияси каби ясалади. Аммо унинг ҳам ички ва юзаки структурада ўзига хос ўзгариш қоидалари бор:


The doctor will see the patient → The doctor will not see the patient.



Мазкур структурани яшаш учун инкор (Negative) сўзи кўмакчи феълдан кейин қўйилади:




Охириги структура қуйидагича бўлади:



Инглиз тилида бошқа кўмакчи феъллар иштирокида ясалган трансформациялар ҳам шу тартибда бўлади.


Ўзбек тилида бўлишсиз гап трансформацияси ҳам шу йўсинда ясалади. Аммо ўзбек тилидаги фарқ махсус инкор морфеманинг мавжудлигидадир.

Аббос китобни бермади гапининг тахминий трансформацион анализи қуйидагича бўлади:




Аббос	китобни	бермади
+ noun	+ noun	+ verb
+ Singular	+ Acc	+ past
+ Nominative	+ concrete	+ negative
+ Proper	+ common	+ Singular
+ Animate	+ sing	+ indicative
+ Concrete	+ ananimate	+ common aspect

Агар инкор (Negative) суффикси *-ма* ни феъл формасига қўшсак, охириги структура қуйидагича бўлиши мумкин:



Бу структурада *-ма* инкор суффикси, феъл формасига қўшиб ёзилди. Агар алоҳида ёзилса, VP қуйидаги иштирокчиларга бўлинган бўлар эди:



Юқорида биз трансформациянинг адъюнкция, субституция ва тушириб қолдириш (delegation) каби турларини айтиб ўтдик. Адъюнкция трансформацияси маълум конструкциядаги сўзлар ва сўз формаларини маъносини сақлаган ҳолда қисқартиришдир. Бу трансформацияда констракция (contraction), яъни грамматик қисқартиришдан фойдаланилади. Масалан:

My brother will not bring the book →
My brother won't bring the book.

Бу усул асосан ҳосилавий диаграмма босқичларида ва уларни бирлаштиришда ишлатилади. Юқоридаги мисол фақат шу ҳақда бир оз тасаввур ҳосил қилиш учунгина берилди.

Номиналлаштириш трансформацияси Номиналлаштиришнинг асосий маъноси отлаштириш, яъни трансформация нуқтаи назардан ядро гапларни маъносини сақлаган ҳолда *от бирикмаларга айлантириш* демакдир¹.

Отлаштириш ёки отга айлантириш деганда традицион нуқтаи назардан фақат морфологияга мансуб сўз туркумларининг отлаштириш процесси, номиналлаштириш трансформацияси деганда эса синтаксисга мансуб бутун бир гапнинг от конструкциясига айланиб кетиши тушунилади.

Номиналлаштириш трансформацияси ўзига хос қоидалар асосида амалга оширилади. Бу трансформация инглиз тилида бир оз ўрганилган, ўзбек тилида эса ҳали деярли ўрганилмаган. Номиналлаштиришнинг умумий принципларини трансформацияси методи нуқтаи назардан қисқача тушунтириб ўтамиз:

1) Номиналлаштириш кўмакчи ва ёрдамчи сўзларни тушириб қолдириш билан амалга оширилади. Масалан: NP is a → T+; +A+N

This question is easy → The easy question → An easy question.
Бу савол осон → Осон савол.

2) Номиналлаштиришда инглиз тилида отдан кейин предлог қўлланилиб, сифатларга от ясовчи аффикслар қўшилади.¹ Ўзбек тилида эса отдан кейин, келишиқ қўшимчаси, сифатларга от ясовчи суффикслар қўшилади: NP + is + A → NP OF NP;

This problem is easy → The easiness of the problem → An easy problem.

Минора жуда баланд → Миноранинг баландлиги → Баланд минора.

Студент серғайрат (дир) → Студентнинг серғайратлиги → Серғайрат студент.

3) Have феълени тушириб қолдириш билан номиналлаштириш. Ўзбек тилида *бор* сўзининг синонимлари тушиб қолади ёки отлашади.

Одатда қаратқич келишиги бирор нарсанинг эгаси эканлигини англатади. Шу сабабли кўрсатилган феъллар функцияси ҳам инглиз тилидаги эгалик келишиги формаси (adjunction transformation) ёки of предлоги воситасида ифодаланади. Ўзбек тилида эса қаратқич келишиги формаси иштирокида берилади. Масалан:

NP₁ + have + NP₂ → NP₁S + NP₂ → NP₂ of the NP₁

The school has a garden → The garden of the school → school garden.

The writer has a pseudonym → Writer's Pseudonym → His pseudonym

Ўзбек тилида айрим ўзгаришлар мавжуд:

- а) NP₁ + нинг-+ NP₂ (с) и бор → NP₁ + нинг + NP₂ (с) и;
- б) NP₁ да + NP₂ бор } → NP₁ нинг NP (с) и борлиги
- в) NP₁ + NP₂ га эга } → NP₁ нинг NP₂ га эгалиги.

а) Институтимизнинг фонолабораторияси бор →

Институтимизнинг фонолабораторияси.

б) Институтимизда фонолаборатория бор →

Институтимизда фонолаборатория борлиги [ҳаммага маълум].

в) Институтимиз фонолабораторияга эга →

Институтимизнинг фонолабораторияга эгалиги [ёки эга эканлиги]

4) Ўтимсиз феъл билан келган гапларнинг номинализацияси.
The child cries → The child's crying → Child's cry. (The cry of the child) → The crying child → A crying child.

Сув оқади → Сувнинг оқиши → Оқар сув.

Агар морфемик ярусда аспектлар ўзгарса, номиналлаштиришда аспект формаси сақланади:

Сув оқяпти → Сувнинг оқяётганлиги → Оқяётган сув.

¹ N. F. Irteneva, A. P. Shapkin, N. Y. Blokh. The Structure ... p. 54

¹ N. F. Irteneva, a. o. Ibid pp. 54. ff.

Номиналлаштиришнинг бириктирувчи (embedding) трансформацияда ишлатилиши муҳим аҳамиятга молик. Унинг ўзига хос хусусияти бор, яъни иккита гапни бириктиради. Масалан:

He had a book. His book was interesting →
He had a book → His book.

His book was interesting.

I don't remember, He arrived → His arrival

I don't remember his arrival.

Баҳромнинг укаси бор. У жуда ёш →

Баҳромнинг жуда ёш укаси бор.

У келди. У кўрди → Унинг кўриши.

У кўришга келди (ёки у кўргани келди).

He said and it was already clear.

What he said was already clear → His saying was already clear.

He respects the professor. The professor is a good scientist → He respects the professor who is a good scientist → His respecting the professor who is a great scientist.

Субституция
(Substitution)

Бир хил туркумга мансуб иштирокчиларни функционал ўхшашлигига кўра алмаштириш методи *субституция* дейилади. Грамматикада *субституция* методи катта роль ўйнайди. Умумлашган грамматик маънони англатувчи сўз гуруҳларига тааллуқли тил бирликларини топиш ва классификациялаш шу метод асосида амалга оширилади. Бу метод ҳозирги дескриптив лингвистиканинг асосий методларидан ҳисобланади. Субституция ёрдамида лингвистик бирликларнинг ўзаро алоқалари, контекстуал ва семантик муносабатлари аниқланади. Субституция сўз туркумларининг функционал алоқаларини, уларнинг бошқа сўзлар билан бирикиб келишини аниқлайди ва бошқа сўз туркумига мансуб сўзларнинг формал белгиларини қабул қилиши натижасида иккинчи бир сўзнинг шу туркумга ўтиш ҳолларини текширади.

Субституциянинг иштирокчилари *субститутлар* дейилади. Субститутларнинг турли хиллари бор бўлиб, тилда асосан параллел субститутлар (parallel substitutes)¹ кўп қўлланилади. Алмашинадиган сўзлар билан бир умумий гуруҳга ҳосил қилувчи сўзлар *параллел субститутлар* дейилади.

Субституция методининг қўлланишининг энг оддий йўли грамматикада ишлатиладиган маълум гап бўлақларига оид сўзларни ўша бўлақларни ўз ичига олган туркумдаги сўзлар билан алмаштиришдир. Масалан: Mr. Karim was imprisoned гапини олиб кўрайлик:

Mr. Karim	was	imprisoned
Mr. John	got	scolded
My friend	became	invited

¹ H. Whitehall. Structural Essentials of English. № 4, 1956, p. 97

the doctor	etc.	allowed
the boy		killed
		sought
		found

Mr. Karim, was ҳамда imprisoned сўзлари квадрат қавслар ичидаги сўзлар билан бир хил туркумдаги сўзлар бўлгани учун бу дистрибутлар бир-бири билан алмашгани мумкин. Шу усулда Ч. Фриз сўз туркумларини аниқлаб, ўзининг янги таснифини тузди.¹ Ўзбек тилидан мисол келтирамиз.

Бепоен мамлакатимизда олтин конлари бор.

улкан	мис	мавжуд
катта	нефть	
жонажон	кўмир	
озод	кўргошин	

Субституциянинг қуйидаги турлари энг кўп қўлланилади:
1) Кишилиқ олмошлари от ўрнида ишлатилади. Бунда **I, he, she, it, we, you** ёки **they** ҳамда унинг объектив келишикдаги формаси умумий келишикдаги от ўрнида қўлланади. Шу олмошлар билан алоқадор эгалик олмоши эгалик келишигидаги от ўрнида келади. Масалан: **Azim and Hakim are students. (They study English.)** Бу ҳол ўзбек тилига ҳам ҳосилдир.

Азим билан **Ҳаким** студент. Улар инглиз тилини ўрганади. Yesterday I bought a newly published book in the bookstall. It is very interesting.

Кеча магазиндан янги чиққан китоб сотиб олдим. У жуда қизиқ экан.

Бадий асардан мисол келтирамиз:

„What about the two bright boys and the nigger?“ „They're all right“ (E. Hemingway)

Мен ҳали бундай дов юрак, метин иродали одамни учратганим йўқ. Балки учратмасман ҳам. Уни ҳеч тортинмасдан, афсус надоматсиз чинакам одам деса бўлади. (У. У.)

2) Бутун бир ибора, феъл ёки гап ўрнида кўмакчи, ёрдамчи, модал ва боғловчи феъллар ишлатилади:

do (does, did), shall, will, can, may, must, would, should, have (has, had), have (has) (to) etc.

«They'll kill him»

«I guest they will» (E. Hemingway)

«Would you put us up?»

«Oh! I think we would». (J. Galsworthy)

«You're a liar!» bawled the wooden-leg man.

«O! Am I!» (A. E. Coppard)

¹ Charles Carpenter Fries. The Structure of English N 4. 1952

3) Икки ва ундан ортиқ предметни бир-бири билан таққослаганда ҳам субституциядан фойдаланилади. Бу ўзбек тилига ҳам хосдир!

Ahmad speaks English better than his sister. (speakes).

Аҳмад инглиз тилида *синглисига нисбатан* (синглисининг гап-лашишидан) яхшироқ гаплашади.

Аҳмад инглиз тилида *синглисидек* (синглиси гаплашгандек), гаплашади.

4) Субституцияда *one* олмоши отлар ўрнида ишлатилади. There were three boys who came each day who were about the same age I was. They were all three from Milan, and **one of them** was to be a lawyer, and **one** was to be a painter, and **one** had intended to be a soldier... (E. Hemingway.)

This pencil is not sharp, please give me the other one.

Бу қалам (ўткир эмас) тўмтоқ экан, марҳамат қилиб, менга бошқасини беринг.

«Can I get a lift?»

«You can jump a lorry if you find one?» (R. Aldington)

We have quite a picture library — just slip in new ones when you become tired of them (T. Braine)

Субституцияда *yes, no* сўзлари бутун бир жумла ўрнида қўлланади:

«I see», I said. «He just wanted everyone» to have a good time».

(E. Hemingway)

«Yes», said the manager.

«All right?» I said. «Sure. Has he any children?»

«No», he said. «I asked the police ... (Ibid.)»

«Are you a Devonshire girl?» «No, sir». (J. Galsworthy)

„Would you believe me, if I told you?“

„Oh, yes“ (J. Galsworthy)

„Did you write what is in the book?“

„Yes, sir“ (R. Aldington)

— Чин муҳаббат, деди улардан бири.

— Ҳа, ёр ишқи, Ватан севгиси бу. (P. Ф.)

— Сайдалиевнинг ҳовлиси шуми?

— Ҳа, нима, хат борми? (P. Ф.)

— Воҳиджон ака, Санобар, қани туринглар, уйга кириглар...

— Йўқ, кирмайман. (P. Ф.)

Тушириб қолдириш (deletion) трансформациясининг амалий фойдалилиги ортиқча қайтариқларга йўл қўймаслигидадир.

Драматург Вильямснинг «The Red Tattoo»¹ номли асаридан мисол келтирамиз:

Serofina: I got a feeling like I have forgotten something.

Alvaro: What?

Serofina: I can't remember.

Иккинчи гапда Алваро what have you forgotten дейиши керак эди, аммо у фақат what сўроқ сўзини қўллаш билан кифояланган.

Шунга қарамай, гапнинг маъноси тўла сақланган. Серафина эса I can't remember what I have forgotten дейиш ўрнига I can't remember дейди, холос. Remember феъли ўтимли бўлишига қарамай, бундай синтактик тушириб қолдириш усули грамматик жиҳатдан тўғри ҳисобланади.

Маълумки, инглиз тилида бир марта айтилган сўз шу гапда яна қайтарилмайди. Тилдаги бу норма фақат сўз учун эмас, балки бутун феъл группасига ҳам тааллуқлидир. Бунда инфинитив белгиси to ни қолдиришнинг ўзи кифоядир. Трансформациянинг бу турини бир хил феъл бирикмаларини тушириб қолдириш трансформацияси (identical verb phrase deletion transformation)¹ дейлади. Масалан:

„All right“ Nick said. „I'll push the boat off for you“.

„You don't need to“, she said.

to предлогининг тушиб қолиши ҳам тушириб қолдириш трансформациясига мисол бўлади. Масалан:

I gave the book to him — I gave him the book.

Умуман тушириб қолдириш гапнинг ички структурасини текширишда ишлатилади. Гап юзаки структурасининг охири варианты тиклашда гапнинг ҳосилавий тарихидан фойдаланилади. Масалан, сўроқ ва инкор гапларда negative иштирокчини инкор юктамалар ва инкор аффикслар ҳисобига қисқартиришда ҳам шу усул қўлланади, чунки гапдан англашилган маъно ички структура орқали ифодаланади, аммо гап формал жиҳатдан юзаки структурада ўз аксини топади. Юзаки структурадаги бирикларнинг бир қанча трансформация вариантлари, қўшимча структура ва формалари бор. Уларни қисқартириш ҳам тушириб қолдириш трансформациясининг бир вариантыдир.

Трансформация- Трансформация методи воситасида икки ва нинг қиёсий типологияда тутган урни Бундан ортиқ тил системалари чоғиштирилади. Бу метод орқали маълум бир категориал маънони ифодалашда қўшимча ҳосилавий структуралардан фойдаланилади. Ҳосилавий структуралар бошқа тиллардаги ифода плани вариантларини топишда муҳим роль ўйнайди:

1) генетик қардош тиллар системасида трансформациянинг тўла ёки тўла эмаслигини, яъни маълум процесснинг тўла акс эттирилган ёки акс эттирилмаганлигини текширади ва аниқлайди;

2) бир сўз туркумининг иккинчи сўз туркумига тўла ёки қисман айланиши процессини аниқлайди;

¹ Tennessee Williams. The Red Tattoo. Penguin books. 1954, p. 92

¹ R. A. Jacobs. а. о. op. cit. p. 41

3) генетик қардош бўлмаган тилларда бирор категориянинг тил иерархиясининг турли ярус бирликлари воситасида ифодаланмиш усулларини белгилайди;

4) тиллардаги синоним конструкциялар иштирокида бирор маънонинг ифода планидаги вариантларини топади;

5) қиёсий типология тилдаги қонун-қоидаларни таржима чазариясига татбиқ этишда қўлланади.

А Д А Б И Е Т Л А Р

- Апресян Ю. Д.* Иден и методы современной структурной лингвистики. М., 1962.
Ахманова О. С., Микаэлян Г. Б. Современные синтаксические теории. Изд. МГУ, 1963.
Ахманова О. С. Фонология, Морфология, Морфология. Издательство МГУ, 1966.
Барсук Р. Ю. Основы обучения иностранному языку в условиях двуязычия. Из-во «Высшая школа». 1970.
Бархударов Л. С. Структура простого предложения современного английского языка, М., 1966.
Венцкович Р. М., Шайкевич А. Я. История языкознания. М., 1968.
Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959.
Звигинцев В. А. Современные направления в типологическом изучении языков. Новое в Лингвистике, Вып. III, М., 1963.
Лоя П. В. История лингвистических учений, М., 1968.
Общее и индоевропейское языкознание, М., 1956.
Общее языкознание «Формы, существование, функции, история языка, 1970.
Оливерис Э. Ф. Проблемы современной лингвистики. Прага, 1967.
Основы построения описательной грамматики современного русского языка, М., 1966.
Ревзин И. И. Модели языка. М., 1962.
Сизова И. А. Что такое синтаксис? М., 1966.
Слюсарева Н. А. Лингвистический анализ по непосредственно составляющим, ВЯ, № 6, 1960.
Степанов Ю. С. Основы языкознания. М., 1966.
Хэррис Э. С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре, Новое в лингвистике, Вып. II, М., 1962.
Уорс Д. С. Трансформационный анализ конструкций с творительным падежом в русском языке, Новое в лингвистике, Вып. II, М., 1962.
Хомский Н. Синтаксические структуры. Новое в лингвистике, Вып. II, В. 1961.
Шаумян С. К. Структурная лингвистика. М., 1965.
Фуломов А. Ф., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис, Тошкент, 1965.
Bryon W. F. Notes on the Founders of Prescriptive English Grammar. Manly Anniversary Studies in Language Literature, N-U, 1968.
Chatman Seymour. The Classification of English Verbs by Object Types, 1961 International Conference on Machine Translation of Languages and Applied Language Analysis, Vol. NI London, 1962.
Dixon M W What is Language? London, 1965.
Gleason H. A. An introduction to Descriptive Linguistics, New York, 1961.
Fillmore Ch. J. The Position of Embedding Transformations in a Grammar, Word, Vol. 19, N2, 1963.
Francis W. N. The Structure of American English, N-U, 1958.
Irteneva N. F., Barsova O. M., Blokh N. V., Shapkin A. S. A Theoretical English Grammar, Moscow — 1969.

- Irteneva N. F., Shapkin A. P., Blokh. M. Y.* The Structure of the English Sentence. M., 1969.
Leno Vendler. Adjectives and Nominalizations. Mouton, The Hague—Paris. 1968.
Lyons J. Introduction to Theoretical Linguistics. Cambridge, 1968.
Nida E. A. Morphology. The Descriptive Analysis of Words. Ann Arbor 1965. P.
Prague Studies in English. Philologica I., Universita Karlova. Praha. 1961.
Roberts Paul. Modern Grammar. New York 1968.
Robins R. H. Ancient and Mediaeval Grammatical Theory in Europe. London, 1956.
Robins R. H. General Linguistics. Longmans. 1964.
Roderich A. Jacobs. Peter S. Rosenbaum, Paul M. Postal, English Transformational Grammar. Massachusetts. London 1968.
Trager J. L. The Field of Linguistics Batternburg Press. Norman, Oklahoma, 1949.
Whitehall Harold. Structural Essentials of English. New York. 1956.

ТУРЛИ ТИЛ СИСТЕМАЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ

(Methods of Comparative Study of Language Systems)

Турли тил системаларини қиёсий ўрганишда икки хил метод мавжуд:

- 1) умумий типологик метод,
- 2) тарихий қиёсий метод.

Умумий типологик метод лингвистик типология фанини ўрганганса, тарихий қиёсий метод компаративистика фанини ўрганади.

Лингвистик типологиянинг предмети

(The Subject Matter of Linguistic Typology)

Типология сўзи грекча *tipos* — *тип, тур, образ, шакл, белги* ва *logos* *сўз, фан* сўзларининг қўшилишидан ясалган. Типология ҳозирги даврда ҳамма фанлар учун хосдир. Шу нуқтаи назардан лингвистик типология тушунчаси типологик макрокатегориянинг бир қисми ҳисобланади. Типология предмет ёки ҳодисаларнинг таснифланиш процесси билан боғлиқлигига кўра иккига бўлинади:

- а) лингвистик типология;
- б) нолингвистик типология.

Лингвистик типология тиллар системаларини бир-бири билан қиёслаш, тил қонунлари ва категорияларини умумлаштиришни, уларни типологик классификациялашни ўрганади. Лингвистик типологиянинг бу тури соф лингвистик типология дейлиб, экстралингвистик типологияга қарама-қарши қўйилади. Экстралингвистик типология тилни мазкур тилга яқин бошқа системалар, масалан, семиотик, коммуникацион ва бошқа белги системалар (sign system) билан қиёслайди ва солиштиради¹. Семистик система инсон тили, ҳайвонот тили, машина «тил»и системаси ва бошқаларни ўз ичига олади.

Нолингвистик типология лингвистикадан бошқа фанларда

ишлатилади.¹ Нолингвистик типология масштаби жуда кенг бўлиб, геология, тарих, жамиятшунослик, ботаника фанларида, санъат ва адабиётда, музыка ва умуман фанда турли предмет, ҳодиса ва воқеаларнинг ўқшашликлари ва фарқига кўра классификациясини ўрганади.

Типология соҳасида қилинган ишлар ҳали умумтипология миқёсига кўтарила олганича йўқ. Типологияни турли конкрет тармоқларга бўлиш асосан ҳозирги даврга хосдир, чунки типология ҳақидаги фан аввал аниқ ва конкрет бўлмаган.

Умумий типология тиллар системаларини умумий категориялар асосида ўрганади.

* *
*

Ҳозирги тилшуносликда тил умумий таҳлилининг бир неча методи мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси тил анализи билан шугулланса-да, хусусиятига кўра улар бир-биридан фарқ қилади ва тиллар системасини турли йўللار билан текширади.

Маълум тил ёки тилларнинг ҳозирги ҳолати, структураси тасвирий ёки дескриптив методга асосланиб ўрганилади.

Турли тиллар системаларини умумлаштириб, қиёслаб ўрганивчи метод **типологик методдир**.

Типологик методларнинг барчасини ўз ичига олган лингвистик типология умумий типология ҳисобланади. Умумий типология хусусий типологик методлар эришган натижаларни умумлаштиради. Дунёдаги барча тиллар системалари умумий типологик нуқтаи назардан ягона бир структуранинг турли панхроник вариантлари ҳисобланади². Шу сабабли ҳам типология тиллар умумий структурасининг турли элементлари ўртасидаги алоқасини, умумий қонунларини ўрганади. Умумий типология барча тиллардаги умумий типологик қонунларни баён этади, тил универсалиясини яратади, маълум тиллар системалари асосида универсал қонунларни бошқа тиллар системасига индуктив равишда татбиқ қилади.

Типологиянинг предмети қуйидагичадир:

- а) умумий тил қонунларини яратади ва уларнинг системалари ўртасидаги алоқаларни аниқлайди,
- б) тил универсалиясини аниқлайди,
- в) типологик сунъий эталон тил яратади,
- г) тиллар ўртасидаги ўлчов бирлиги хизматини ўтайдиган бирликларни аниқлайди,
- д) тилларнинг морфологик классификациясини тузади,
- е) фан тиллари типологиясини тузади.

¹ Ю. В. Рождественский. Тезисы о природе понятий лингвистической типологии. Лингвистическая типология и восточные языки. М., 1965, стр. 101.

² В. А. Звегинцев. Современные направления в типологическом изучении языков. Новое в лингвистике. Вып. III, М., 1963, стр. 17.

¹ Б. А. Успенский. Структурная типология языков. М., 1965, стр. 17.

ТИПОЛОГИЯНИНГ ТИЛ ЯРУСЛАРИ БИЛАН АЛОҚАСИГА ҚУРА ТАРМОҚЛАРИ

(Branches of Typology According to the Levels of Languages)

Типология фани тиллар системаларининг турли иерархик бирликларини қиёсан умумлаштириб ўрганади ва мазмун планига мувофиқ формал типология, семантик типологияга бўлинади.

Формал типология (Formal Typology)

Типологиянинг бу тури ифода плани бирликларининг типологик хусусиятларини ўрганади. Формал типология фонологик, морфологик ва синтактик типологиядан ташкил топади¹. Формал типология асосан тилнинг морфологик ва синтактик ярусларининг формал томонларига кўпроқ аҳамият бериб, уларнинг маълум формал белгиларини турли тиллар системасида ўрганади.

Семантик типология (Semantic Typology)

Семантик типология мазмун плани бирликларини типологик тадқиқ қилади. Мазмун плани деганда тилнинг семантик структураси тушунилади. Типологик қиёслаш семантик қиёслашни ҳам ўз ичига олади. Семантик қиёслаш семантик типология асосида юзага келади.

Семантик типология семантик категорияларнинг ифодаланишидаги муштаракликни абстрактлаштиради ва маълум тушунчаларнинг турли тиллар системаси ифода плани бирликлари воситасида талқин этилишини ўрганади. Турли тиллар луғатларини тузишда, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда семантик типология қонунларининг амалий аҳамияти катта.

Тиллар қар хил бўлса ҳам уларнинг системасидаги маълум семантик категорияларни ифодаловчи сўзлар муайян гуруҳларни ташкил қилади. Семантик типологияда баъзи категориялар умумий, баъзилари эса фақат айрим тилларгагина хос бўлади. Семантик типология семантик майдон (Semantic field) ни аниқлашда катта роль ўйнайди. Қардошлик муносабатининг ифодаланиш усулларини бир неча тиллар мисолида кўриб чиқамиз¹.

Келтирилган жадвалда ака-укалик ва опа-сингиллик маъноларининг ифодаланиши уч гуруҳга ажратилган: биринчидан, ўзбек ва венгр тилларида тушунча аниқ ифодаланган, яъни қардошлик, жинс ва ёш тушунчасини акс эттиради; иккинчидан, рус, инглиз ва француз тилларида қардошлик тушунчаси ёш тушунчасини акс эттирмайди. Аммо жинс тушунчаси акс этти-

Туркий тиллар	Фин-угор тиллари	Славян тиллари	Герман тиллари	Роман тиллари	Индонез тиллари		
Ўзбекча	Венгрча	русча	полякча	инглизча	немисча	французча	индонезча
ака	bátya	брат	brat	brother	Bru-der	frère	saudara
ука	öccs						
опа	péne						
сингил	hug	сестра	sios- tra	sister	Sch- wester	soeur	

рилган; учинчидан, индонез тилида қардошлик тушунчаси жуда умумлашган бўлиб, у жинс тушунчасини алоҳида фарқ қилмайди. Индонез тилидагидек, малайя тилида ука ва сингил тушунчалари биргина *ade* сўзи билан ифодаланади. Шуниси қизиқки, *амма* ва *хола* тушунчаларининг ифода этилиши ўзбек ва латин тилларида бир-бирига ўхшайди:

ўзбекча	латинча
хола	matertera
амма	amita

Ҳар бир тушунча турли қўшма сўзлар, сўз бирикмалари воситасида ёки айрим тушунтириш билан таржима қилинади. Масалан, ўзбек тилидаги *ака* рус тилига старший брат, *ука* младший брат деб таржима қилинади. Аммо катта акам, кичик акам, катта укам, кичик укам терминлари фақат тушунтириш билан ифодаланиши мумкин.

Семантик типологияга кўп тиллардаги *табу* (taboo) ни мисол келтираемиз. Табу дунёдаги жуда кўп тилларда ишлатилади. Масалан, ўзбек тилида *бўрининг* номини атамасликка ҳаракат қилиб *қашқир* сўзи ишлатилса, *чаён*, *бий*, *қора қурт* ўрнида *газанда*, *оти йўқ* сўзлари ишлатилган. Табу рус, инглиз ва бошқа тилларда ҳам учрайди. Масалан, рус тилидаги *медведь* (айиқ) сўзи икки марта табулашган. Биринчи марта умумхинд-европа тилидаги *орктос* сўзига мос келувчи рус сўзи медведь (медоед, медуедь) сўзи билан алмаштирилган бўлса, ҳозирги вақтда медведь сўзи ўрнида, *Мишка*, *Топтыгин*, *Михаил Иванович*, *Косолапый*, *Потапыч*, *Махнач*, *Лесник*, *Хозяин* каби сўзлар ишлатилган.¹

¹ Лев Успенский, А почему не иначе? Наука и жизнь, № 7, 1965, стр. 58. С. Ульман. Семантические универсалии. Новое в лингвистике, Вып. V, 1970, стр. 282—284.

¹ Б. Ю. Городецкий. К проблеме семантической типологии. Из-во МГУ. 1969, стр. 125—126.

² Л. Ельмслев. Можно ли считать, что значения слов образует структуру. Новое в лингвистике. Вып. II. М., 1962, стр. 127—128. С. Ульман. Семантические универсалии. Новое в лингвистике. Вып. V, М., 1970, стр. 289. 291. R. H. Robins op. cit. pp. 338-341.

Тил ярусларининг ўзаро алоқасига кўра типологиянинг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

- а) фонологик ва фонетик типология,
- б) морфологик типология,
- в) синтактик типология,
- г) лексик типология¹.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари социолингвистик типология, график типология, методик типологиялар ҳам учрайди. Аммо биз энг муҳимларинигина кўриб чиқамиз.

Фонологик типология (Phonological Typology) — фонологик типология тилларнинг фонологик яруси бирликлари системасини ташкил этувчи белгиларни ўрганади. Фонологик типология умумий дифференциал фонологик белгиларни², фонемалар хусусиятларини, уларнинг сўз структурасидаги синтагматик алоқаларини³, товушларнинг фонематик характеристикасини, уларни гуруҳлаш усулларини, ўзаро оппозицияларини умумлаштириб ўрганади. Фонологик хусусиятларига кўра тилларни маълум гуруҳларга бўлиш ҳам типологиянинг шу бўлимига оид (масалан: тонал ва тонал бўлмаган тиллар *tonal languages and non-tonal languages*). Дунёдаги тилларнинг ҳар бирида унли ва ундошлар системаси бор. Агар айрим тилларда унли фонема иккита бўлса, ундош фонемаларнинг сони элликтагача етади⁴. Турли тиллардаги фонемалар уларнинг миқдоридан қатъи назар маълум типологик белгиларига кўра таснифланади. Қиёсий типология уларнинг дифференциал белгилари, дистрибуциялари, оппозицияларига таяниб уларнинг фонологик ярус универсалиясини тузади. Ҳозирги илмий адабиётларда фонемаларнинг универсалияси қуйидагича бериллади:

унлилик — унсизлик
ундошлик — ундош эмаслик
компактлик — компактсизлик
диффузиялилик — диффузиясизлик
нозаллик — нозал эмаслик
жаранглилик — жарангсизлик ва б. қ. лар⁵

Маълум фонологик белгиларнинг умумийлигига кўра тиллар типологик группаларга бўлинади. Фонологик белгиларнинг айримлари дунёдаги барча тилларга хос бўлса, айримлари фақат

¹ Б. Ю. Городецкий. К проблеме семантической типологии. Издательство МГУ, 1969, стр. 125—129; R. H. Robins. *General Linguistics*, London, 1964, op. cit. Типология языковых систем. Программы специализации студентов, Издательство МГУ, 1966.

² Б. А. Успенский. Структурная типология языков. М., 1965, стр. 41—42.

³ R. H. Robins, op. cit. p. 328.

⁴ Andre Martinet, *Linguistic Typology*. pp. 68—69.

⁵ Б. А. Успенский. Структурная типология. М. 1965. стр. 186—208. Ю. В. Рождественский. Типология слова. М., 1969. Языковые универсалии и лингвистическая типология. 1969, стр. 333—334. М. И. Лекомцева. Типология фонологических систем. Исследования по структурной типологии. М., 1963, стр. 42—51.

баъзи тиллар системасида учрайди, холос. Масалан, тоналликнинг мавжудлигига кўра серб-хорват, швед, вьетнам тиллари бир группани, тоналликнинг йўқлигига кўра англиз, рус, араб тиллари бошқа бир группани ташкил этади¹.

«**Фонетик типология** турли тилларда фонетик ярус бирликларини: унли ва ундош товушларни талаффуз этишдаги ўхшашликни ёки фарқни конкрет физик жиҳатдан ўрганувчи бўлиmdir. Айрим унлилар лабни чўзиб талаффуз этилганида, (х) товуши (ғ) тарзида талаффуз этилганида, фонетик типологияга кўра интонацияда қардош ва қардош бўлмаган тилларда ўхшашлик бўлиши мумкин. Масалан, қардош эмаслигидан қатъи назар кавказ халқлари учун муайян артикуляция ёки акцент хос бўлса, Урта Осиё республикалари халқлари учун бошқа бир акцент хосдир. Қардош тилларда ҳам маълум хусусият ёки умумийлик бўлмаслиги мумкин. Масалан, Р. Х. Робинс француз, немис, дания, швед, норвегия тилларида тил олди унлилари талаффуз этилганида лабнинг доира шаклида олд томонга чўзилишини, англиз тилида эса бу хусусиятнинг йўқлигини таъкидлади.²

Қиёсий тарихий метод олиб борган фонетик тадқиқотни асосан фонетик типологияга киритиш мумкин. Қиёсий тарихий методда фонологик қонуниятлар деярли ўрганилмаган бўлса-да, фонетик типология фонологик типологияга қарши қўйилмайди. Аксинча улар бир-бири билан боғлиқдир.

«**Фонетик типология** товушларни экспериментал ўрганиш билан ҳам шугулланади.»

Типология тил иерархиясининг барча ярусларини ўрганади. Айтиб ўтилганларга метриканинг умумий назариясини ўрганидиган метрик типология (*metric typology*)ни ҳам киритиш мумкин.

Ж. Лотцининг кўрсатишича, метрика учун фонетик хусусият ҳар хил тилларда турлича бўлиши мумкин.³

Морфологик типология (Morphological Typology) — тилларни морфологик хусусиятига биноан таснифлаш ва маълум морфологик категориянинг турли тилларда ифодаланишидаги универсалликни аниқлаш билан морфологик типология шугулланади. Морфологик типология морфологик категорияларнинг ифодаланишидаги изоморфизм ва алломорфизмни турли тиллар системасида таҳлил қилиб умумлаштиради, грамматик маънони ифодаловчи префиксал ва инфиксал қўшимчаларнинг ҳар хил қўлланиш усулларини умумлаштириб ўрганади. Масалан, род, сон, келишик, шахс, замон, аспект каби морфологик категорияларнинг турли тилларда ифодаланиши

¹ Andre Martinet. op. cit. pp. 84—95.

² R. H. Robins op. cit. p. 328.

³ I. David Crystal. Prosodic Systems and Intonation in English. Cambridge, at the University Press, 1919. p. 31—32; J. Lotz. Metrics and Linguistics, In Report of the 10th Annual Round Table Meeting on Linguistics and Language Teaching, ed. R. S. Harrell Georgetown Monograph Series on Language and Linguistics. (Washington: Georgetown U. P.) — pp. 129—37.

морфологик типологиянинг объекти ҳисобланади. Морфологик типология кўпроқ морфемик ярус чегарасидан чиқарилмай ўрганилади. Шунинг учун турли тиллар системалари чоғиштирилганида, турли ярус бирликларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Синтактик типология (Syntactic Typology) Синтактик типология тилларнинг синтактик ярусини ташкил қилувчи бирликларни типологик таснифлайди. Синтактик типология фонологик ва морфологик типологияларни ўз ичига олади. Типологиянинг бу турида сўз бирикмалари, гапнинг семантик ва формал турлари, сўз тартибининг эркин ёки турғун эканлиги, эга, кесим ва тўлдирувчиларнинг ўзаро алоқаси, интонациянинг маънога таъсири, суффикс, префикс ва бошқа қўшимчаларнинг турли сўз тартиблари билан боғлиқлиги ўрганилади. Морфологик ва синтактик типология грамматик типологияни ташкил қилади.

Лексик типология (Lexical Typology) Лексик типология лексик бирликлар хусусиятлари, структурасига кўра ўхшашлиги ва фарқини, турли туркумга тааллуқли сўзларнинг лексик хусусиятларини ўргатади.

Сўзларнинг қанчалик кўп ва кам қўлланилишини, бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларнинг ишлатилишидаги умумийлик ҳодисаларини ҳам лексик типология ўз ичига олади.

Лексик типологиянинг асосий вазифаси тиллардаги лексик константаларнинг ифодаланиш усулларини ва уларнинг типологик умумийлигини ўрганишдан иборатдир.

ЛИНГВИСТИК ТИПОЛОГИЯНИНГ ТУРЛАРИ

(Kinds or Parts of Linguistic Typology)

Маълумки, шу вақтгача типологиянинг турлари ёки бўлимлари ҳақида аниқ классификация мавжуд эмас. Типология соҳасида қилинган ишларга ва айтилган фикрларга мувофиқ типологияни икки катта бўлимга:

- а) структурал типология ва
- б) қиёсий типологияга ажратамиз.

Структурал типология (Structural Typology) Ҳозирги замон лингвистик типология фанининг асоси бўлган структурал типология тилнинг структурал лингвистика методлари асосида иш қўриб турли тилларнинг структурал белгиларини системага солади ва инвентарлаштиради. Структурал типология аниқ методлар асосида тил ярусларининг дифференциал белгиларини, типологик хусусиятларини аниқлайди ва уларнинг типологик классификациясини тузади. Структурал типология тилдаги ҳар бир структурани умумий лингвистик иштирокчи тарзида ўрганади. Тадқиқотнинг бу тури тил универса-

лиясини яратишнинг умумий назарияси бўлган изоморф¹ ҳодисалар билан бирга баъзи ҳодисаларнинг² алломорфизмини ҳам аниқлайди. Бу методни кенг қўлланилишнинг амалий аҳамияти конкрет тилларни ўрганиш жараёнида ўз аксини топади.

Эзуви бўлмаган тилларни амалий ўрганиш жараёнида юзага келган янги методлар «классик» тилларни баён этишда ҳам қўлланила бошлади. Бу методлар қардош бўлмаган турли тиллар системаларини изоморф ва алломорфликка суяниб, структурасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш билан қиёслашни аңча осонлаштиради.

Асосий вазифасига кўра структурал типологиянинг қуйидаги қисмлари мавжуд:

- а) тил универсалиялари,
- б) тилларнинг типологик классификацияси,
- в) махсус типологик назария ва метод яратиш,
- г) эталон тилни аниқлаш.

Тил универсалиялари (Language Universals) Тил универсалиялари универсал грамматика билан боғлиқдир. Бу ҳақдаги фикр аввалдан мавжуд. Аммо ҳозирги кунга қадар универсаллик конкрет (тажриба асосида яратилган) материаллар йўқлиги сабабли илмий метод сифатида шакллана олмаган эди.

XX асрда тил анализининг конкрет методлари пайдо бўлган, универсализм юзага келди. Бу соҳадаги айрим мақолаларни ҳисобга олмаганда, тил универсалияси 1948 йил Париждаги Халқаро лингвистларнинг VI конференциясида қисман муҳокама қилинди. 1961 йил апрель ойида эса (Нью-Йорк) тил универсалиясига бағишланган конференцияда бу фаннинг келажакдаги режалари мукамал муҳокама қилиниб, унинг асосий предмети ҳақида меморандум қабул қилинди³. Бу меморандум авторлари Ж. Гринберг, Ч. Осгут, Ж. Женкинс биринчи марта тил универсалиялари ҳақида конкрет фикрлар айтиб, универсалия турларини баён этдилар. Кейинчалик тил универсалиясини ўрганиш дунё тилшунослигида, совет тилшунослигида ҳам ривож топа бошлади.

Ҳозирги пайтда чет эл тилшуносларидан Ж. Гринберг, С. Сапорта, Р. Якобсон, Ч. А. Фергусон, Н. С. Трубецкой, Б. Трика, И. Ф. Хоке, П. Керчмер, И. Крамский, В. Скаличка, совет тилшуносларидан Б. А. Успенский, Ю. В. Рождественский, И. Ф. Вардуль, Ю. Я. Глазов, В. В. Иванов, В. П. Недалков ва бошқаларнинг ишлари асосида универсалиянинг бир қанча турлари аниқланиб системалаштирилди.

Тил универсалиялари барча тиллар системаларига хос умумий лингвистик категориядир. Тил универсалиялари ёки универ-

¹ В. Якобсон Типологические исследования и их вклад в сравнительно историческое языкознание. Новое в лингвистике, М., 1963, вып. III, стр. 97

² Б. А. Успенский. Структурная типология языков. М., 1965, стр. 17.

³ «Memorandum Concerning Language Universals» (Presented to the Conference on Language Universals N. Y. April 13—15, 1961).

сализм тилдаги умумий категорияларни ўрганади ва дескриптив ҳамда бошқа методларни тилнинг умумий қонунлари билан боғлаш ва типологик умумийликни аниқлашда қўлланади. Универсализм тил қонунларининг умумлаштирилиши демакдир.¹

Структурализм дедуктив метод воситасида иш кўрса, универсализм индуктив метод асосида иш кўради, яъни маълум умумийликни барча тиллар системаларига татбиқ этади.

Тил универсалияси томонидан аниқланган қонун-қоидалар барча тилларга хос бўлиши керак¹.

Тиллардаги умумийликни ўрганиш тил универсалиясигагина эмас, балки тарихий қиёсий метод ва ареал лингвистикага ҳам хосдир. Қиёсий тарихий метод маълум географик территорияга жойлашган қардош тиллар группасини ўрганади. Аммо тилларнинг бу группасини тил универсалиялари асосида ўрганилганда улар ўртасидаги чегара йўқолади.

Тил универсалияси амалий лингвистик фанлиги, лингвистик ва экстралингвистик ҳодисаларни талқин этиши, диахроник ва синхроник таҳлил қилишга қодирлиги тилни психолингвистика ва этнолингвистика билан боғланишига кўра бошқа методлардан бирмунча афзалдир. Тил универсалияси маълум қоида ёки усул воситасида ифода этилади.

Универсалия илмий асарларда турлича ёзилса-да, универсалия жадвалида қайта ишлаб чиқилади. Совет тилшунослигида Б. А. Успенский тузган жадвалдан фойдаланилади² ва универсал қоидалар такомиллаштирилади. Жадвал тўрт катакдан иборат бўлиб, биринчи катакда универсалиянинг умумий квантори, иккинчисида махсус лингвистик фикр, яъни универсалиянинг жорий этилиши, учинчисида лингвистик ҳодиса, тўртинчи катакда эса автор номи ва бошқа изоҳлар келтирилади:

Универсалия квантори	Универсалиянинг жорий этилиши	Лингвистик ҳодиса	Изоҳ
----------------------	-------------------------------	-------------------	------

Универсалияларни умумлаштириб беришда қўлланиладиган кванторлар қуйидагилар:

- ∇ — умумийлик квантори,
- ∃ — мавжудлик квантори,
- ∅ — эҳтимоллик квантори,
- / — эгри чизиқ ноаниқлик квантори, масалан, ∇/d,
- ⊂ — бекор қилиш квантори,
- ∉ — «мавжуд эмас» деган маънони англатади.

Кванторлар умумий тиллар ҳақидаги универсаллик ва махсус тил ҳодисаларини ифодалашда қўлланилишига кўра икки хил ўқи-

лади. Биринчи ҳолатда: ∇ — ҳар қандай тилда ... ∅ — энг кўп тилларда ... деб ўқилса, иккинчи ҳолатда: ∇ — ҳамма ҳолларда ёки ҳар бир ... ∅ — кўп ҳолларда ... ∃ — бор, мавжуд деб ўқилади.

Универсалияни универсалия жадвалисиз ҳам ифодалаш мумкин. Қуйида Ж. Гринберг томонидан аниқланган жадвалсиз¹ (Ж. Гринберг услуги) ва жадвали (Б. А. Успенский услуги) грамматик универсалияларни келтирамыз²:

1) Агар тилда узлукли (discontinuous) морфема бўлса, ҳамма вақт префиксация, суффиксация ёки иккови ҳам мавжуд бўлади.

2) Агар тил фақат суффиксли бўлса, послелог албатта бўлади; агар тил фақат префиксли бўлса, предлог бўлади;

Квантор	Универсалиянинг жорий этилиши	Лингвистик ҳодиса	Изоҳ
∇	∃ узлукли морфема	{ E префикс ёки E суффикс	Гр. 73(26)
∇	{ E суффикс аммо EL префикс	{ EL послелог аммо EL предлог	Гр. 73(27)
∇	{ E префикс аммо EL суффикс	{ E предлог аммо EL послелог	Гр. 73(27)
∅	келиш	E сон	Гр. 81
∇	E род	E сон	Гр. 74(36)
∇	E род N да	E род P да	Гр. 75(43) Хо. 16(41)
∇	E иккиламчи сон	E кўплик сон	Гр. 74(34)
∇	E учламчи сон	E иккиламчи сон	

¹ Ж. Гринберг. Некоторые грамматические универсалии, преимущественно касающиеся порядка значительных элементов. Новое в лингвистике, V, М., 1970, стр. 114—161.

² Б. А. Успенский. Структурная типология языков, М., 1965, стр. 211—213.

3) Кўп тилларда келишик категорияси бўлса, сон категорияси ҳам бўлади;

4) Агар тилда род категорияси бўлса, сон категорияси ҳам бўлади;

5) Агар тилда род категорияси отларга хос бўлса, олмошларда ҳам род категорияси бўлади;

6) Учламчи сон категорияси бўлиб, иккиламчи сон категорияси бўлмаган ва иккиламчи сон категорияси бўлиб, кўплик сони бўлмаган тил йўқ.

Универсалияни бошқача усуллар билан, масалан, ёй ўқи ёки қавслар воситасида ҳам ифода этилади.

Тилнинг турли ярусларида лингвистик категорияларнинг ифодаланишига ва бошқа хусусиятларига кўра фонологик, морфологик, синтактик, семантик ва нутқ универсалиялари бор бўлиб, умумий хусусияти ва ифодаланиш доирасига кўра дедуктив — индуктив, абсолют — статистик, содда — мураккаб, синхроник — диахроник, тил ва нутқ, лингвистик — экстралингвистик, символик ва бошқа универсалиялар мавжуд.

Типологик классификация Тилларнинг типологик (морфологик) классификациясини тузиш ҳам структурал типологиянинг вазифасидир. Типологик классификация тилларни грамматик қурилишига қараб турли таксономик гуруҳларга бўлиш билан шуғулланади. Типологик классификациянинг асосчилари Ф. Шлегель, В. Гумбольдт, А. Шлейхер, Э. Сепир, Ф. Ф. Фортунатов ва бошқалар тилларни генетик ўхшашлигига қараб эмас, балки ташқи белгилари ва формаларига кўра бир неча гуруҳларга бўладилар.

Типологик классификацияга кўра изолятив, агглютинатив, фузион ёки флектив, инкорпаратив тиллар бўлиб, бу тилларда синтетизм ва аналитизм структураси учраши мумкин.)

Тилларнинг турли гуруҳларида аналитик ва синтетиклик хусусиятининг ифодаланишини Э. Сепир ўз асарида мукамал кўрсатиб берган. Ундан ташқари бир тилдаги типологик форма турлича ифодаланиши мумкин. Масалан, ҳозирги инглиз тилидаги предлог, боғловчи ва айрим равишларнинг (on, in, as, here) парадигматик формалари бўлмаганлиги сабабли изолятив типга, парадигмаси бўлиб, маълум аффикслар олиб келувчи сўзлар (unhappiness, pupils) агглютинатив типга киригилади. Узакдаги унлини ўзгартириш билан сўз формасини ясалиши (men, piece, wrote) фузияга мисол бўлади¹. Типологик классификация нуқтаи назардан инглиз тили фузион ёки флектив, ўзбек тили агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб бўлса-да, ҳар иккаласи ҳам асосан аналитик тиллар бўлганлиги учун улар ўртасида типологик яқинлик бор.

Тилларни типологик таснифлаш борасида кейинги пайтда қилинаётган ишларнинг сони тобора кўпайиб, типологик класси-

фикациялашда тилшуносликдаги янги методлардан фойдаланилмоқда.

Махсус типологик назария (Special Typological Rules) Тиллар системаларини типологик тадқиқ қилиш усуллари ва махсус қоида ва методларини яратиш махсус типологик назариянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Типология фани ҳали ёш бўлганлиги учун ҳам тилларни типологик классификациялашда, тиллар системалари ўртасидаги типологик изоморфликни аниқлашда, тил универсалиялари универсал моделлар яратишда эталон тил танлашда янгидан-янги метод ва усулларга муҳтож.

Махсус типологик назария яратишда дунё тиллари системаси структурал типологиянинг объекти ҳисобланиб, у конкрет тил системасини алоҳида ўрганувчи дескриптив методдан ҳамда бир гуруҳга қардош тиллар системасини ўрганувчи генетик методдан фойдаланиб умумий типологик методлар яратади.)

Типологик назария барча тиллар системаларидаги универсалликни аниқлашга қодир бўлиши керак.

Типологик назария универсалияларни баён этиш усуллари ифодалайди, типология учун махсус терминлар танлайди.

Метатил (эталон тил) (Metalanguage) Типологиянинг асосий вазифаларидан бири турли тиллар системаларини классификациялаш учун мезон вазифасини ўтовчи маълум система яратишдир. Бундай система метатил ёки эталон тил дейилади. Эталон тил умумий универсал тил бўлиб, ҳамма конкрет тиллар унинг инвариантлари ҳисобланади. Дедуктив усулда аниқланган тайёр воситачини эталон тилга солиштириш натижасида бошқа тилларнинг системаси аниқланади. Эталон тил сифатида конкрет тил ёки система ҳам олиниши мумкин. Эталон тилнинг асосий вазифаси тиллар системасини ифодалашда ўлчов бирлиги вазифасини ўташдан иборат.

Типологияда эталон тилнинг турлари ёки миқдори ҳали тўла аниқланмаган. Шунга қарамай қуйидагилар эталон тил сифатида қўлланиши мумкин:

- 1) умумий сунъий тил қондаларидан ташкил топган символ тил;
- 2) системаси яхши ишланган конкрет тил;
- 3) маълум система;
- 4) маълум лингвистик, грамматик ёки семантик категория;
- 5) маълум фонологик дифференциал белгилар;
- 6) маълум грамматик қоида;
- 7) маълум семантик майдон;
- 8) маълум фонологик, морфологик, синтактик ва бошқа моделлар;
- 9) маълум метод.]

Эталон тил типологияда тилларнинг қандай мақсадда қиёсланаётганлигига қараб қўлланади. Агар тил эмик ярус бирликлари асосида қиёсланадиган бўлса, қардош тилларнинг бири эталон

¹ R. H. Robins, op. cit. pp. 381—333.

тил вазифасини ўтайди. Масалан, герман тилларидаги маълум товуш ёки грамматик форма ёки аффиксларнинг ривожланиши ёки ёйилишини текширилганда кўпроқ тикланган прагерманик праформалардан ёки гот тили системасидан фойдаланилади. Агар эмик ярус бирликлари асосида тил системасини текширадиган бўлинса, фақат маълум категориялардан эталон сифатида фойдаланилади.

Бирор чет тилни ўрганишда ўқувчиларнинг она тилиси эталон тил вазифасини ўташи мумкин.

Грамматик қондалар грамматик ярус бирликларини қиёслашда қўлланилса, маълум семантик категория семантик ярусни қиёслашда эталон тил вазифасини ўтайди.

Ҳар қандай эталон тил универсал кучга эга бўлиб, унинг ишлатилиш доираси кенг бўлиши керак. Тил универсалияси экстраполяцияга асосланганлиги сабабли танланган эталон тил ҳар қандай номаълум тил системасини типологик ўрганганда ҳам ўз универсаллигини ва ишлатилиш имкониятини йўқотмаслиги керак.

Қиёсий типология
(Comparative Typology)

Қиёсий типология умумий типологиянинг бир қисми бўлиб, тилларни қиёсий ўрганиш билан шуғулланади. У икки ва ундан ортиқ конкрет тиллар системаларини, тиллардаги маълум категорияларни дедуктив равишда алоҳида ўрганади, тиллар системаларидаги лингвистик ҳодисаларни бир-бири билан таққослаб, умумий типологик қоида ва қонунлар яратади.

Икки тил системасини бинар усулида қиёслашда ҳар бир қиёсланаётган тил системасининг баён этилган материали алоҳида-алоҳида қиёсланади. Ҳар бир ярус бирлигининг ўзига хос хусусияти, бошқа яруслардаги бирликларнинг ўзаро алоқалари ҳисобга олинади. Аммо типология ҳанузгача қиёслаш учун бундай тайёр материалга эга эмас.

Тил системаларини қиёслаш тилнинг кичик системаларини (small systems) қиёслаш натижасида юзага келади. Масалан, тиллардаги нисбат категорияси феълларнинг умумий системасида кичик системани ташкил этади. Бирор тилнинг умумий системаси хусусиятини аниқлаш учун аввал ягона системани ташкил этган кичик системанинг асосий белгиларини аниқлаш зарур. Бу хусусла Б. А. Успенский шундай дейди: «Энг муҳим типологик ёндошишлардан бири — тилларни типологик қиёслашнинг бирдан бир объекти қилиб, тилларнинг умумий системаларини эмас, балки кичик системаларнинг ўзини олишга ундайди»¹.

Бир йўла бир неча тилларнинг ҳар хил кичик системаларини қиёслаш ёки қиёсланган тиллар системаларини аста-секин ошириб бориш мумкин. Бунда икки тил системасини қиёслаш бошланғич жараён ҳисобланади. Бунда икки гуруҳ тиллар ва-

¹ Б. А. Успенский. Отношение подсистем в языке и связанные с ними универсалии, ВЯ, №6; 1968, стр. 3.

кили сифатида дастлаб икки тилни танлаш ва ундан кейин доирани бошқа тиллар ҳисобига кенгайтириб бориш керак.

Лингвистик иерархияда қардош бўлмаган тиллар системаларини синхрон типологик қиёслашда бирор грамматик категория ифодаланишининг ўрни ва усулларини аниқлаш муҳим назарий аҳамиятга эга. Бу, биринчидан, ҳар бир қиёсланаётган тилни баён этиш жараёнини алоҳида-алоҳида ташкил қилиш учун, иккинчидан, бу тилларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусият умумий лингвистик универсалия ва баъзи хусусий формаларнинг доимий қонуний мувофиқлашувини аниқлаш учун зарур. Аммо бундай муҳим лингвистик таҳлилнинг кўпгина масалалари ҳали етарли даражада ҳал этилган эмас. Қиёслашнинг конкрет методикаси ишлаб чиқилмаган, бир системали ва кўп системали тилларни қиёслашнинг ягона принципи йўқ. Ҳозиргача муайян конкрет тилларни инвентаризациялаш ва қиёслашга доир тўла материал мавжуд эмас, «тил системаларининг барча ярусларини лингвистик баён этишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳисоблашнинг универсал шкалалари ишланмаган»¹.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯНИНГ БЎЛИМЛАРИ

(Parts of Comparative Typology)

Тиллар ва тиллар системаларини қиёсий ўрганувчи фан бўлган қиёсий типология характерология (characterology) ва универсал грамматика (universal grammar) фанларини ўз ичига олади.

Характерология тилларни қиёслаш билан шуғулланувчи назарий ва амалий фандир. Шу сабабли ҳам уни қиёсий типологиянинг бир бўлаги сифатида талқин этамиз.

Характерология айрим типологлар томонидан типологияга қарама-қарши қўйилади.

Структурал типологияга типологиянинг асосий предмети сифатида қараш бундай янглишувга олиб келган. Характерология мутлақо типологияга қарама-қарши қўйилмаслиги керак, чунки умумий типологиянинг яратилишига характерология муайян ҳисса қўшади.

Характерология тилшуносликда аввалдан маълум бўлса-да, асосан В. Матезиуснинг бу соҳага бағишланган асари унинг янада равнақ топишига сабаб бўлди². Кейинчалик Э. Леви, П. Гартманн, Н. С. Трубецкой, Е. Д. Поливанов ва бошқалар бу масала билан шуғулландилар.

Характерология кўпроқ бирор конкрет тилни бошқа тил билан солиштириш натижасида унинг *характерли хусусиятини* ўрганади.

¹ Вопросы структуры языка. М., 1964, стр. 4.

² Mathesius V. On linguistic characterology with illustrations from Modern English. «Actes du ler Congrès international de linguistes», Leiden, 1928.

Характерологиянинг муҳим томони шундаки, у бошқа тиллар билан солиштириш натижасида конкрет тиллар системасини тухта ва синчиклаб ўрганади. Характерология аниқлаган лингвистик бирликлар ва лингвистик белгилар ҳам структурал типология, ҳам қиёсий тарихий метод учун тайёр материал бўлиб хизмат қилади.

Универсал грамматика (Universal Grammar) Универсал грамматика ҳам қиёсий типологиянинг бир қисми бўлиб, тил системаларини қиёслаш билан шуғулланади.

Универсал грамматикада икки ёки ундан ортиқ тил олиниб, уларнинг бири иккинчиси ёрдамида баён этилади. Бунда маълум категория фақат грамматик ярус билан чегараланмай, лексик ярус бирликларидан ҳам фойдаланилади.

Универсал грамматика структурал типологиядаги грамматик ярус универсалиясида шу билан фарқ қиладики, грамматик ярус универсалияси, биринчидан, фақат грамматик ярус бирлиги билан боғлиқ, иккинчидан, унда универсалия аниқланилаётган тиллар миқдори чегараланмаган бўлади. Айрим тилшуносларнинг фикрича универсал грамматикада танланган тиллардан бирида ўрганилаётган категория аниқ бўлиши керак, аммо бу универсал грамматиканинг бир томонидир, холос. Бирор категориянинг турли ярусларда ифодаланиши ҳар икки тилда ҳам ноаниқ бўлиши мумкин. У қиёсланаётган тиллар системасининг яхши ўрганилганлиги ёки яхши ўрганилмаганлиги билан боғлиқ. Масалан, кўплик категориясини универсал грамматика нуқтаназардан ўрганилса, кўплик маъносини ифодаловчи морфологик маркерлар билангина чегараланиб қолмай, балки лексик ярус бирликлари ҳам танланади. Кўплик маркерларига қуйидагилар киради:

- 1) кўплик формасини ясовчи аффиксал морфема (от, олмош, феъл ва бошқаларда);
- 2) сон туркумига кирувчи сўзлар;
- 3) айрим олмошлар;
- 4) жамловчи отлар;
- 5) сўз формаларини ўзгартирувчи фонетик ҳодисалар (умлаут: тап — тең).

Универсал грамматика қардош бўлмаган тиллар системаларини қиёслашда жуда қўл келади. Ундан ташқари, у таржима назарияси, лексикография, методика фанлари учун жуда муҳим материал яратиб беради.

Тил универсалияларини тузишда ҳам универсал грамматикадан қисман фойдаланилади.

Қиёсий типология структурал типологиядан қуйидагича фарқ қилади:

- 1) текширилаётган тиллар сони чегараланганлиги сабабли қиёсий типология умумий типологик қонун ва мукамал тил универсалияси ярата олмаса ҳам; аммо унга замин яратади. Қиёсий типологик тадқиқотлар натижасида олинган тил систе-

масига оид фактлар тиллар универсалиялари ва умумий типологик қонун яратишда ишлатилади;

2) қиёсий типология тиллар системаларини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқади ва қиёслаш усулларини топади;

3) структурал типология тиллар элементларининг функцияларининг ва ўзаро алоқаларини қиёсласа қиёсий типология тил элементлари ўртасидаги алоқаларни ва конкрет элементларни танлаш билан шуғулланади;

4) қиёсий типология фақат тиллар системасидаги ўхшашликка таяниб қолмай, система бирликларидаги турли-туманлик ва маълум категориал маънолар ифодаланишидаги ярусларро фарқларни ҳам ўрганади. Масалан, структурал типология тил универсалиясини гапда ярусларга кўра аниқлайди. Ҳар бир ярус бирлигини бошқа тилларда фақат ўша ярус бирлиги билан таққослайди. Қиёсий типология эса бирор категорияни турли яруслар бирликлари воситасида ифодаланиши усулларини кўриб чиқади;

5) қиёсий типологияда текширилаётган тиллар сони чегараланган бўлади;

6) қиёсий типология ҳам назарий, ҳам амалий томонни кўзласа-да, кўпроқ у практик ва методик мақсад учун хизмат этади.

Демак, қиёсий типология структурал типологиядан фарқ қилиб, характерология ва универсал грамматикани ўз ичига олади.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ГРАММАТИКА

(Comparative Typological Grammar)

Қиёсий типологик грамматика ҳам қиёсий типологиянинг бир бўлими бўлиб, икки ёки ундан ортиқ тил системаларини синхроник қиёслайди.

Қиёсий типологик грамматиканинг кўпроқ амалий ва методик аҳамияти бор. Бу грамматика универсал грамматика ва характерологияга ўхшаш бўлиб, у ҳам эмик, ҳам этик яруслар асосида тузилиши мумкин. Агар у эмик ярус асосида ёзилса, назарий мақсадни, этик ярус бирликларини қиёсласа, практик мақсадни кўзлаган бўлади.

Тилнинг фақат грамматик яруси бирликларини қиёслаш билангина чегараланган типология *бир ярусли қиёсий типологик грамматика* дейилади. Масалан, замон категорияси икки тилда ўрганилганда фақат морфологик категориал формалар билан чегараланилади.

Бирор категорияни бир вақтнинг ўзида турли ярус бирликларини воситасида ифодаланишини, уларнинг икки тилдаги мослашувини, тилларро эквивалентлигини аниқловчи грамматика *кўп ярусли қиёсий типологик грамматика* деб аталади. Кўп ярусли қиёсий типологик грамматика фақат морфологик ёки

синтактик яруслар билан чегараланиб қолмай, балки лексик ярусни ҳам ўз ичига олади. Масалан, замон категорияси икки ва ундан ортиқ тиллар системаларида қиёсий ўрганилганда феъл формаларидан ташқари, сўз бирикмалари, феълларнинг равишлар ва бошқа сўз туркумлари билан бирга махсус синтактик конструкциялар, маълум фонеморфологик ўзгариш ва лексик бирикмалар ҳам тадқиқ этилади. Бу жиҳатдан қиёсий типологик грамматика универсал грамматикага ўхшайди. Тилларнинг структурасидаги турли-туманликка кўра бирор категория бир тилда асосан морфологик формантлар воситасида ифодадаланса, бошқа тилда синтактик бириклар воситасида ифода этилади. Бу тилнинг морфологияси ривожланганлиги ва ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Масалан, келишик категорияси ўзбек тилида ривожланган морфологик система бўлса, инглиз тилида ривожланмаган системадир. Шу сабабли сўзлар ўртасидаги алоқа предлоғли бирикмалар воситасида баён этилади, чунончи, ўзбек тилида: N+suff. инглиз тилида: prer+N.

Тилларнинг генетик қардошлик муносабати қиёсий типологик грамматикада муҳим роль ўйнамайди. Аммо қиёсланаётган тилларда генетик қардошлик, типологик ўхшашлик ва ареал яқинликка аҳамият бериш керак.

Генетик қардошлик маълум генетик оила ёки группага кирувчи тиллардаги фонетик, морфологик ва лексик бирикларнинг муштараклигини ўрганади. Генетик қардошлик тарихий принцип бўлиб, тилларнинг тарихий ривожланишини, умумий праформаларни қайта тиклайди.

Типологик ўхшашлик типологик белгиларнинг ўхшашлигига асосланиб, турли ярус бирикларининг дифференциал белгиларини, тиллар системалари ўртасидаги яқинликни, система бириклари ўртасидаги алоқаларни ифодалашдаги изоморфликни белгилайди. Типологик ўхшашликка кўра ҳинд-европа тиллари семит тиллари билан, ўзбек тили япон ёки бошқа тиллар билан бирикиши мумкин. Типологик ўхшашликни ҳозирги замон типологларидан Тадуеш Милевский қуйидагича таърифлайди: «Шундай қилиб, ҳар бири ўз системасида бир хил лингвистик функцияни бажарадиган, яъни текстда ва системада маълум ўринни эгаллаб, ҳар икки ҳолда ҳам бирдай келишини кўрсатадиган икки тил элементи типологик ўхшашлик бўлиши мумкин»¹. Генетик қардошлик маълум қардош тиллар системаси ва уларнинг пайдо бўлиши билан чегараланса, типологик ўхшашликда бундай чегара йўқ. Ундан ташқари генетик қардошликка кўра тиллар жуда кўп оилаларга бўлинади. Дунёдаги тилларнинг сони кўп бўлгани учун уларнинг оилаларини ўрганиб чиқиш ҳам жуда мураккаб. Типологик ўхшашлигига кўра классификациялашни, айрим камчиликларни ҳисобга олмаганда, Э. Сепир анча мукамал баён этган.

¹ Тадуеш Милевский. Предпосылки типологического языкознания. Исследования по структурной типологии. М., 1963. стр. 3.

Типологик ўхшашлик ва генетик қардошликнинг ўзаро алоқасига кўра қардошликни қуйидагича классификациялаймиз:

- а) соф генетик қардошлик;
- б) генетик-типологик қардошлик;
- в) соф типологик қардошлик.

Генетик қардошлик турғун бўлмай, у тил тарихининг турли босқичларида ўзгариб туради. В. Скаличка буни қуйидагича эътироф этади: «Француз тили латин тилидан, ҳозирги герман тиллари қадимги герман тилларидан фарқ қилади. Шунинг учун генетик қардош тиллар типологик жиҳатдан бир-биридан бутунлай фарқ қилади, француз, чех ва арман тиллари бунга мисол бўла олади. Яқин қардош тиллар зарурат туфайли типологик ўхшашликнинг энг юқори даражасида бўлиб, бу кўпроқ барча славян тилларга тааллуқлидир»¹.

Компаративистлар томонидан аниқланган ҳинд-европа оиласига мансуб баъзи тил гуруҳларидаги фонетик, морфологик ва лексик умумийликлар бундан далолат беради. Дарҳақиқат, баъзи қардош тиллар ҳам генеологик, ҳам типологик планда жуда ўхшаш бўлса ҳам баъзиларида бундай яқинлик йўқ.

Генетик қардош ва турли системадаги тиллар типологик қиёсланганда маълум даражада қардош тилларда тарихий ўхшаш элементларнинг, қардош тиллар гуруҳи учун умумий бўлган ифодаланиш формаларининг сақланиб қолиши билан улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, дентал суффикслар иштирокида ясалган уған замон формалари, -s суффикси иштирокида кўплик сонининг ясалиши ҳинд-европа тилларининг герман гуруҳига тааллуқли тиллар учун хос хусусиятдир. Худди шунга ўхшаб роман тиллари, эрон тиллари, туркий ва бошқа гуруҳдаги тиллар учун қатор ўхшашлик ва типик умумий форма яратиш мумкин. Бу хусусда В. Н. Ярцева бундай дейди: «Грамматик ва лексик туркумларнинг умумий контурлари ўзларининг генетик бирлигига кўра қардош тилларда кўп ўхшашликларга мойилдир»². Генетик қардош бўлмаган тиллар ўз тарихий тараққиёти жараёнида типологик жиҳатдан яқинлашиб, типологик қардош ёки аниқроғи, ўхшаш тил бўлиб қолади.

Синхрон қиёсий типология қардош ва қардош бўлмаган тилларни баб-баравар тадқиқ этади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида, махсус формативлар иштирокида нисбат категориясининг ифода этилишида, венгр, япон, ҳатто банту ва бошқа талай тиллар билан кўп ўхшашликлар бор. Аммо бундай яқинликни соф типологик яқинлик деб ҳисобламоқ лозим.

Қиёсий типология учун тил системаларини ўрганиш, уларнинг босқичига кўра ўзига хос структурал хусусиятларини, типик формалар, конструкция ёки гапларни аниқлаш ва тил уни-

¹ В. Скаличка. О современном состоянии типологии. Новое в лингвистике. Вып. III. М., 1963, стр. 22.

² В. Н. Ярцева. Принципы типологического исследования родственных и неродственных языков. Проблемы языкознания. Изд-во «Наука» М., 1967. стр. 206.

версалияларини топиш ҳамда қиёслаш учун тиллар ўртасидаги мувофиқликлар қонуниятларини яратиш зарур.

○ **Ареал яқинлик** ҳам типологик ўхшашлик сингари икки ва ундан ортиқ тиллар ўртасидаги ташқи ўхшашликни ўрганеди. Географик яқинлигига кўра бир неча генетик қардош ва қардош бўлмаган тиллар системасида маълум умумийлик мавжуд. Ареал яқиндик географик ёндошлик муносабатига кўра тиллар системасида пайдо бўлган маълум ўхшашликлар асосида тилларни типологик жиҳатдан таснифлайди ва бунинг натижасида «тиллар иттифоқи» пайдо бўлади. Типологик таснифлашда тиллар ўртасидаги реал яқинликни аниқлашнинг муҳим аҳамияти бор.

ҚИЁСИЙ ГРАММАТИКА ТЕРМИНИ

Ҳозирги кунда қиёсий методни талқин этадиган тилшунослик фани бўлимларининг номлари баҳсли масалалардан ҳисобланади. Лингвистик адабиётларда турли терминларни учратамиз. **Ўзбек тилида** қиёсий метод, чоғиштирма метод, қиёсий типология, қиёсий грамматика, чоғиштирма грамматика, **рус тилида** сравнительный метод, сопоставительный метод, сравнительное языкознание, синхронно-сопоставительный метод, шунингдек, сравнительная грамматика, сопоставительная грамматика, конфрациональная грамматика, трансляционная грамматика, типологическая грамматика, скрытая грамматика, явная грамматика, **инглиз тилида** comparative historical method, comparative philology, comparative linguistics, contrastive linguistics, descriptive comparative linguistics, comparative grammar, etc. терминлари қўлланади.

Кейинги йилларда тилшуносликда қиёсий грамматикани икки хил аташ, яъни қардош тилларнинг грамматик системалари қиёсланган грамматикаларни **қиёсий грамматика** (сравнительная грамматика) деб, қардош бўлмаган тилларнинг грамматик системасини ва қардош тилларнинг ҳозирги замон синхрон қиёсий грамматикасини **чоғиштирма грамматика** (сопоставительная грамматика) деб аташ тавсия қилинмоқда.

Инглиз лингвистик адабиётида ҳар қандай қиёслаш **comparative** номи билан юритилаверади. **Comparative philology** термини эса умумий тилшуносликни ҳам ўз ичига олади.

Тил системаларини қиёсловчи махсус фан — типология тобора ривожланиб бораётган бир вақтда терминологик чалкашликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Типология учун генетик қардошлик ва қардош эмасликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шунинг учун қиёсий грамматикани инглиз ва ўзбек тилларининг **қиёсий типологик грамматикаси** деб аташни маъқул кўраамиз.

Типология фанининг ривожланиши (Historical Development of Typology)

Типология фани эндигина илмий асосда ўрганилиб келаётган янги фандир. Илгари тиллар ва тиллар системаларидаги ўхшашликни аниқлаш, уларни ажратиш ва қиёслаш стили ривожланиб олиб борилган. Умуман олганда

да тил ҳақидаги билим аввал мустақил фан бўлмаган. Қадимги Грецияда тил ва тил фактларини ўрганиш билан файласуфлар шуғулланган. Кейинчалик бу фан мустақил соҳа тарзида ажралиб чиқади ва Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам тараққий эта бошлайди.

Аста-секин тил, тил системаси ва қонунлари турли даврдаги лингвистик ва лингвистик бўлмаган оқим вакиллари томонидан ўрганилди.

Типология фани XX асрдан бошлаб мустақил фан сифатида ўрганилаётган бўлса-да, у узоқ тарихий даврни босиб ўтди. В. Скаличка «Типология тилшуносликнинг энг қадимий ва энг кам ишланган бўлимларидан биридир»¹ деса, Ж. Эллис «Comparative linguistics in the widest sense is as old as linguistics itself» деб ёзади.²

Типология ҳақидаги фикрлар дастлаб аналогистлар ва аномалистлар асарларида ўз ифодасини топганлиги таъкидланади.³ Кейинчалик тилларнинг турли томонлари ўрганилиши натижасида типология фани ҳам ривожлана борди. Биринчи марта грек ва латин тилларидаги феъл системаларини қиёсий ўрганган олим Макробиус (Macrobius тахминан эрамининг 400 йиллари) бўлган.⁴ Аммо у фақат замон категориясининг бир қисмини тасвирлаш билангина чегараланган.⁵

Тил ҳақидаги қоидаларни умумлаштириш масаласи ўрта асрда бирмунча ривожланди. Масалан, Ф. Бэкон (1561—1626) ягона тил ва умумий грамматика яратиш масаласини кўтарган бўлса, Р. Декарт (1596—1650), Г. В. Лейбниц (1646—1716) умумий ва ягона сунъий фалсафий тил яратиш кераклигини таъкидлайди ва бу соҳада маълум ишлар қилади.

Типология фанининг ривожланишида умумий грамматика ҳақидаги фикрлар ва ниҳоят универсал грамматиканинг пайдо бўлиши катта роль ўйнади. Эрамининг XI асрларида яшаган Петр Хелиас (Peter Helias) асарларида ва «Modistae» (Modis Significandi) номи билан аталувчи файласуф ва грамматистлар универсал грамматиканинг айрим умумий масалаларини ёритишган бўлса,⁶ Уйғониш даврига келиб ана шундай умумий грамматика пайдо бўлади. Биринчи умумий грамматика 1660 йилда «Умумий рационал грамматика» ёки «Пор Рояль грамматикаси» номи билан нашр этилади. Бу грамматика тилнинг илмий анализига бағишланиб, унда биринчи марта бир қанча

¹ В. Скаличка. О современном состоянии типологии. Новое в лингвистике. Вып. III. М., 1963, стр. 19.

² J. Ellis. Towards a General Comparative Linguistics, London, 1966, p. 112.

³ J. Ellis. Ibid. p. 112.

⁴ R. H. Robins. Ancient and Mediaeval Grammatical Theory in Europe. London, 1951, pp. 62-63.

⁵ Op. cit. p. 63.

⁶ R. H. Robins. Ancient and Mediaeval Grammatical Theory in Grammar. London, 1951, p. 76 ff.

тиллар асосида кўп тиллар учун умумий бўлган қонда ва грамматик категориялар, сўзлар ўртасидаги алоқалар, универсал қондалар яратилган.¹

Кейинчалик турли системадаги тилларнинг ўрганилиши натижасида тилшунослар тилнинг умумий ва хусусий қонунларини аниқлай бошлашди. Тилларни қиёсий ўрганиш XIX асрга келиб жуда ҳам ривожланди. Тилларнинг грамматик қурилиши билан боғлиқ бўлган типологик ёки морфологик классификация яратилишининг типология учун муҳим аҳамияти бор.

Қиёсий типология фанининг пайдо бўлиш сабаблари

Ҳар бир фан маълум сабабларга кўра пайдо бўлади ва тараққий этади. Қиёсий типология фанининг тараққий этишига ҳам муайян омиллар сабаб бўлган. Биз бу омилларни батафсил кўриб чиқамиз.

Биринчи омил типологик тақлиддир. Маълум бир тил системасини акс эттирган муайян таҳлил, метод воситасида бошқа бир тил системасини ўрганиш жараёнида қиёсий типологияга асос солинади. Масалан, латин тили грамматикалари грек тили грамматикалари асосида, европа ва бошқа тиллар грамматикалари латин тили грамматикалари заминида яратилган.²

Қадимий давр грамматикалари икки тил системасини қиёслаётганларини ўзлари ҳам сезмай ўша даврда қиёсий типологиянинг бир қисми бўлмиш қиёсий грамматикага пойдевор ярата бошлаганлар. Албатта, у қисман таққослаш бўлган, холос.

Тайёр методдан фойдаланишнинг икки усули бўлган:

а) ўз тили грамматикаси системасини баён этишда бошқа тил грамматикаси системасидан ижобий фойдаланиш;

б) ўз тили грамматикаси системасини бошқа бир тил грамматикаси системасига тўғридан-тўғри мослаштириб баён этиш.

Гарчи Варро «Латин тили грамматикаси» (De Lingua Latina) асарини грек тили грамматикаларидан фойдаланиб ёзган бўлсада, латин тили грамматикасида артикль борлигини, грек тилидаги бешта келишиқ ўрнида латин тилида олтига келишиқ мавжудлигини қайд этиши ижобий бир ҳолдир.

Инглиз, немис, француз, славян ва бошқа тиллар грамматикаларининг яратилишида тайёр усулдан фойдаланишни ҳам ижобий ҳисоблаш мумкин.

Типологик тақлид типологик эргашиш деб ҳам аталади.

Бирор проблеманинг бошқа бирор тилда мукамал ёритилиши типологик эргашишга сабаб бўлади. Масалан, тилнинг система эканлигини биринчи марта қадимги ҳинд олими Панини

¹ В. А. Ольховиков. Рационализм и эмпиризм в философии языка XVII в. и грамматика «По Рояль». Учёные записки МГПИИЯ им. М. Тореза, том 42, М., 1968, стр. 5374. Состояние теории языка в раннее средневековье и возрождение (на базе становления европейской лингвистической традиции) (Учёные записки МГПИИЯ им. М. Тореза, том 51, М., 1969, стр. 220—238.)

² R. H. Robins, op. cit.

кўрсатганлиги маълум.¹ Бу фикр ҳозирги структуралистлар учун асос бўлди.

Қадимги ҳинд тили грамматикаларида композиция (икки ёки ундан ортиқ содда сўзлар ёки ўзак морфемаларни қўшиб қўшма сўз ясаш) методи билан сўз ясашнинг беш усули батафсил баён этилган бўлиб, у дунё тилшунослари учун универсал тасниф хизматини ўтайди.² Жумладан, бу таснифдан ҳозирги инглиз тилида ҳам ўла фойдаланилади.

Иккинчи омил қиёсий-тарихий методлар. Қиёсий-тарихий метод қиёсий типология фанининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Бу метод вакиллари бир хил оилага мансуб бир қанча қардош тиллар системаларини ўрганиб, уларнинг фонетик, морфологик ва бошқа лингвистик бирликларининг тарихий пайдо бўлишининг умумий праформа (тикланган илк форма)ларини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Бу омил типология фани пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Қиёсий-тарихий метод тилларнинг айрим хусусиятларини системалаштиради ва таснифлайди.

Учинчи омил ўрганилмаган тилларни ўрганиш жараёнидир. Номаълум ва ёзуви бўлмаган тиллар системалари маълум тиллар системалари ўлчов бирликлари воситасида аниқланади. Масалан: Латин Америкаси ва Африка қитъаларида яшовчи кўп халқларнинг тиллари маълум тиллар системасига қиёслаб ўрганилган.

Тўртинчи омил таржима фанининг ривожланишидир. Дастан бошқа тиллардан ағдарилган таржималар системаси ўрганилиб, қиёсий типологияга асос солинган. Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда, аввал манба тил ва таржима тил системалари қиёсан ўрганилади. Масалан, антик адабиётнинг ўрта асрда европа тилларига таржима қилиниши классик тиллар системалари билан танишиш имконини берди. Қиёсий типологиянинг ривож топишида ҳозирги кунда амалга оширилаётган автоматик таржиманинг айниқса катта ҳиссаси бор.

Бешинчи омил луғатлар тузиш жараёни бўлиб, икки тилли луғатларнинг тузилиши қиёсий типологиянинг тараққий этишида муҳим роль ўйнайди.

Олтинчи омил янги универсал методларнинг яратилишидир.

Янги универсал методларнинг пайдо бўлиши турли қардош ва қардош бўлмаган тиллар системаларидаги ўхшашлик ва фарқни талқин этишда типологияга қўл келади.

Еттинчи омил чет эл тилларни амалий ўрганишдир. Чет тилини ўқитишда мазкур тил системасини ўқувчининг она тилиси системаси билан қиёсланади. Бунда қисман бўлса ҳам икки тилнинг айрим белгилари қиёсланади. Ўзбекистонда инглиз, немис, фран-

¹ В. В. Иванов, В. Н. Топаров. Санскрит. М., 1960, стр. 44.

² Ўша асар, 125—127-бетлар; Қадимги ҳинд тилида қўшма сўзлар беш гуруҳга бўлинган: dvanda, tatpurasa, karmadharaya, dvigu, bahuvrihi.

руз тиллари ўқитилиши муносабати билан бу тиллар системаларини ўзбек тили системаси билан қиёслаш тобора ортиб бормоқда.

Саккизинчи омил тилларни назарий ўрганишдир. Турли тиллар системаларини назарий ўрганиш маълум лингвистик ва экстралингвистик категорияларнинг баён этирилишидаги умумийликни, логик ва лингвистик категорияни, шунингдек, тил ва тафаккурнинг бир-бири билан алоқасини аниқлашни, ҳамда «лингвистик эҳтимоллик» масалаларини ўрганишни ўз ичига олади. Фан ва техника тараққиёти, турли илмий информацияларни жаҳонга тарқатиш, дунё тилларини назарий ва амалий ўрганишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда тилларнинг норматив фонетикаси ва норматив грамматикасини ўрганиш авж олиб кетди. Бу эса ўз навбатида қиёсий типология фанини кенг ўрганишга пухта замин яратди.

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД (Comparative Historical Method)

Қиёсий-тарихий метод ёки қиёсий-тарихий тилшунослик тилларни таққослаб ўрганувчи классик фан бўлиб, бир-бирига таққосланадиган барча фанларнинг асоси ҳисобланади. Бу метод ҳам тиллар системаларини қиёслаш билан шуғулланганлиги учун уни типологияга киритилади. Қиёсий-тарихий метод маълум даражада типологиядан фарқ қилишига қарамай, ҳозирги пайтда бу метод қиёсий типология фанининг ютуқларига асосланиб қайта ўрганилмоқда ва конкретлашмоқда.

Қиёсий-тарихий метод компаративистика номи билан ҳам юритилади. Компаративистика тилларнинг конкрет бирликлари (товуш, сўз, морфема), грамматик формаларининг тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариши, қардошлик муносабатлари ва бошқаларни асосан генетик метод ёрдамида текширади. Бу метод фақат қардош тиллар системаларинигина талқин этади.

XIX асрда яшаган олимлар тиллар системаларини ўрганишда компаративистика методидан кенг фойдаланишган. Жумладан Фридрих Энгельс тилларни қиёсий ўрганувчи компаративистика фанини зўр қизиқиш билан ўрганган ва бу соҳага тааллуқли талай асарларга ўз мулоҳазаларини ёзиб қолдирган. Шу сабабли ҳам Карл Маркс Ф. Энгельсни «қиёсий тилшунослик мутахассиси» деб атаган.¹ Компаративистика соҳасидаги ўз фикрларини Ф. Энгельс «Франк диалекти» асарида муфассал баён этган.

Қиёсий типология билан қиёсий-тарихий метод ўртасидаги тафовутлар қуйидагилардир:

¹ Г. А. Қлимов. Вопросы компаративистики в трудах Ф. Энгельса. ВЯ. 1971, № 4, стр. 18.

1) қиёсий-тарихий метод тил системасини маълум даражада абстрактлаштиради. Абстрактлаштириш ҳозирги тилшуносликдагидек формал инвентаризациялаш ёки изоморфлик ва алломорфлик ҳодисасининг барча тиллар системаларида мавжудлигини аниқлаш билан шуғулланмай, балки қардош тиллар системаларини қиёслаш билангина чекланади;

2) қиёсий-тарихий метод тил системасининг айрим элементларини солиштириб, мазмун ва ифода планларидаги қардошлик алоқаларинигина ўрганади;

3) қиёсий-тарихий метод тил системалари элементларининг ривожланишини тилларнинг қардошлик муносабатлари асосида ўрганади. Дунё тилларининг генетик оилалари сони жуда кўп бўлганлиги бунга ноқулайлик туғдиради. Умумий тилшунослик назариясини, тил универсалияларини яратишда бунинг ўзи кифоя қилмайди, албатта;

4) қиёсий-тарихий метод лингвистик элементлар ўртасидаги алоқаларни эмас, балки ўша элементларнинг ўзини тиклашга ва ўрганишга, уларнинг қардошлик муносабатларини аниқлашга аҳамият беради;

5) қиёсий-тарихий метод асосан диахрон тилшунослик эканлиги билан типологиядан фарқ қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, қиёсий-тарихий метод умумий типологик методдан бирмунча фарқ қилса-да, улар бир-бирига қарши қўйилмайди, балки аксинча улар бир-бирини тўлдиради. Масалан, кўп тилларнинг генетик қардошлигини ва улар системаларидаги ўхшашликни аниқлашда, типологик метод праформа ёки умумий системани тузишда генеологик методга ёрдам беради. Тилларнинг генеологик универсалиясини тузишда, тиллар системалари бирликларининг характерини очишда эса генеологик метод типологияга ёрдам беради.

Агар қиёсий-тарихий методни типологиянинг таркибий қисми ҳисобласак, у пайтда типология фани тиллар системаларини қиёсий ўрганувчи ягона фан бўлиб қолади. Хуллас, бу фан структурал типология, қиёсий типология ва генеологик типология бўлимларидан иборат бўлган конкрет фандир.

А Д А Б И Е Т Л А Р

Бенвенист Э. Классификация языков. Сб. Новое в лингвистике. вып. III, М., 1963.

Городецкий Б. Ю. К проблеме семантической типологии. М., 1969.

Гринберг Дж. Квантитативный подход к морфологической типологии языков. Сб. «Новое в лингвистике». вып. III, М., 1963.

Звегинцев. Современные направления в типологическом изучении языков. Сб. «Новое в лингвистике». вып. III, М., 1963.

Звегинцев В. А. Теоретическая и прикладная лингвистика. М., 1968

Исаченко А. Опыт типологического анализа славянских языков.

Сб. «Новое в лингвистике». вып. IV, М., 1963.

Қацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. Л., 1972.

Лингвистическая типология и восточные языки. М., 1965.

- Мещанинов И. И. Типологические сопоставления и типология систем.—«Научные доклады высшей школы. Филологическая наука», № 3, стр. 3—13. 1958.
- Милевский Т. Предпосылки типологического языкознания. «Исследования по структурной типологии». М., 1963.
- Новое в лингвистике. вып. V, М., 1970.
- Ольховиков Б. А. Рационализм и эмпиризм в философии языка XVII в. и грамматика «Пор Рояль». Ученые записки I МГПИИЯ им. Мориса Тореца, М., 1968, том. 42.
- Ольховиков Б. А. Состояние теории языка в раннее средневековье и возрождение (на базе становления европейской лингвистической традиции). Ученые записки I МГПИИЯ, М., 1969, том. 51.
- Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1966.
- Гухман М. М. О единицах сопоставительно-типологического анализа грамматических систем родственных языков.
- Принципы типологического анализа языков различного строя. АН СССР, М., 1972.
- Бавелл Ч. Е. Лингвистическая типология.
- Гарвин П. Л. Относительная анализируемость морфологических данных.
- Гринберг Дж. Фонологические универсалы в синхронии и диахронии.
- Болинджер Д. Интонация как универсалия.
- Ельмслев Л. О категориях личности — неличности и одушевленности — неодушевленности.
- Уорф Б. А. Грамматическая категория.
- Якобсон Р. О. Звуковые законы детского языка и их место в общей фонологии.
- Якобсон Р. О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол.
- Рождественский Ю. В. Типология слова. М., 1969.
- Скаличка В. О современном состоянии типологии. Сб. «Новое в лингвистике», вып. III, М., 1963.
- Скаличка В. Типология и тождественность языков. Исследования по структурной типологии. АН СССР, М., 1969.
- Слюсарева Н. А. Об универсализме в грамматике. ИЯВШ, вып. III, М., 1966.
- Структурная типология языков. М., 1966.
- Макаев Э. А. Отбор констант для построения типологической грамматики германских языков.
- Шендельс Е. И. О сопоставительно-типологическом анализе в морфологии.
- Ярцева В. Н. Типологическое исследование морфологических структур в родственных языках.
- Сепир Э. Язык. М.—Л., 1934.
- Соссюр де. Ф. Курс общей лингвистики. М., 1933.
- Теоретические проблемы современного советского языкознания. АН СССР, М., 1964.
- Макаев Э. А. Современное состояние общего языкознания и соотношение сравнительной, сопоставительной и типологической грамматики. Теоретические проблемы современного языкознания. АН СССР, М., 1964.
- Трубецкой. Основы фонологии. М., 1960.
- Успенский Л. А. Структурная типология языков. М., 1965. Члены предложения в языках различных типов. (Мещаниновское чтения.) АН СССР, Л., 1972.
- Языковые универсалы и лингвистическая типология. М., 1969.
- Якобсон Р. Типологические исследования и их вклад в сравнительно-историческое языкознание. Сб. «Новое в лингвистике», вып. III, М., 1963.
- Mathesius V. On linguistic characterology with illustrations from Modern English, «Acta du ler Congres international de linguistes», Leiden, 1928.

АСОСИЙ ГРАММАТИК СИГНАЛЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИ

(Grammatical Signals of English and Uzbek)

Ҳар бир тилнинг грамматикасида ўзига хос грамматик сигналлар (латинча *signum* белги) бўлиб, бу сигналлар шу тилни бошқа тиллардан ажратиб туради. Масалан, ўзбек тилидаги «Спорт мастери самбо рекордчилари пьедесталида» (ТО) деган жумлада бирорта ҳам ўзбекча сўз йўқ. Шунга қарамай, ажратиб кўрсатилган грамматик белгилар шу гапнинг ўзбек тилига хос эканлигини англатади.

Инглиз тилида ҳам тилнинг грамматика структурасини ифодаловчи қатор грамматик белгилар бор.

Грамматик сигналлар грамматик муносабатларни, ифодалайди. Тилларнинг умумий структураси ёки хусусияти шу грамматик сигналлар воситасида аниқланади. Грамматик муносабатни билдирувчи сигналлар одатда тилда кўп қайтарилувчи элементлар ҳисобланиб, улар ўзларининг шу хусусиятлари билан лексик бирликлардан фарқ қиладилар. Масалан, бир бетли асарда грамматик сигналлар бир неча марта ишлатилиши мумкин. Аммо лексик бирликларга тааллуқли сўзлар қайта-қайта такрорланавермайди. Акс ҳолда тил системасида тавтологик гализлик (*redundancy*) содир бўлади.

Грамматик муносабатни ифодаловчи грамматик сигналлар сони чегараланган бўлади ва у ёпиқ системани ташкил қилади.

Ҳозирги инглиз тили грамматикаси системаси учун қуйидаги бешта асосий сигнал хосдир: 1) флексия-қўшимча (*Inflexions*); 2) ёрдамчи сўзлар (*Function Words*); 3) сўз тартиби (*Word Order*); 4) просодия (*Prosody* грекча *prosodia* «ҳамоҳанглик»). Бунга интонация, урғу ва шунга ўхшаш супрасегмент белгилар қиради; 5) ҳосилавий контраст (*Derivational Contrast*).

Баъзи грамматистлар бешинчи сигнални асосий белги ҳисоблашмайди.

Ҳозирги ўзбек тилининг грамматик системаси учун ҳам бешта асосий сигнал хосдир: 1) флексия; 2) ёрдамчи сўзлар; 3) сўз тартиби; 4) просодия ёки интонация; 5) деривацион контраст.

Юқоридаги грамматик сигналларнинг умумий вазифаси сўз-

ларнинг синтактик муносабатларини ифодалашдан иборат бўлса-да, ammo уларнинг ҳар бири ўзига хос махсус функцияни бажаради. Улар грамматик категориялар яшашда қўлланилади.

Юқорида таъкидланган бешта грамматик сигнал ҳар иккала тилга хос бўлишига қарамай, улар инглиз ва ўзбек тилларида ҳар хил қўлланади. Масалан, флексия ҳар иккала тилда бир хил ишлатилса ҳам сўз тартибидида фарқ бор. Ёрдамчи сўзлар ҳар иккала тилда ҳам асосий сигнал ҳисобланишига қарамай инглиз тилида улар кўпроқ ишлатилади.

Флексия инглиз ва ўзбек тилларидаги асосий сигналлардан ҳисобланиб, сўзларнинг грамматик формаларини ясовчи грамматик морфемалар билан ифодаланади.

Флексия ҳозирги инглиз тилида оз миқдорда бўлса-да, сўзларни грамматик алоқага киритишда катта роль ўйнайди. Масалан: John closed his eyes гапида **-ed** ва **-s** суффикслари сўзларни грамматик олақага киритаётган сигналлар бўлиб, **-ed** замон категориясини, **-s** эса отларда сон категориясини ифодалаб келяпти.

Ҳар бир сўз туркумининг ўзига хос маълум грамматик сигналлари мавжуд. Масалан, инглиз тилида отнинг асосий грамматик сигналларини ифода этувчи флексияга кўплик категориясини ифодаловчи **-s** морфемаси ва келишик қўшимча **-s** ҳамда уларнинг турли позиция ва семантик вариантлари киради. Ўзбек тилида флексия инглиз тилидагига нисбатан анча ривожланган бўлиб, асосий сигналлар эгалик, кўплик ва келишик қўшимчалари билан ифодаланади.

Флексив сигналларнинг хусусиятига кўра инглиз ва ўзбек тиллари бир-биридан қуйидагича фарқ қилади:

- а) инглиз тилида эгалик қўшимчаси йўқ;
- б) ўзбек тилида келишик қўшимчалари яхши ривожланган.

Масалан, инглиз тилида иккита келишик бўлса, ўзбек тилида 6 та келишик бор;

в) инглиз тилида сон категориясининг ифодаланишида латин, грек ва бошқа тиллардан кирган суффикслар кўп қўлланилади, яъни инглиз тилида кўплик морфемасининг алломорфлари бир нечта бўлиб, ўзбек тилида **-лар** асосан ягона морфема ҳисобланади. Флексив сигналнинг ҳар икки тилдаги қиёсий жадвали қуйидагича:

Тиллар	Флексив сигналлар		
	Эгалик қўшимчаси	Келишик қўшимчаси	Кўплик қўшимчаси
Инглиз тили	—	+	+
Ўзбек тили	+	+	+

Жадвалдан кўришиб турибдики, инглиз тилида эгалик категориясининг морфологик маркери йўқ. Инглиз тилида қарашлик ёки эга эканлик маъноси морфологик усул билан эмас, балки лексик-синтактик усул билан ифодаланади. Масалан:

My pencil — (Менинг) қаламим.
His pencil — (Унинг) қалами.

Ўзбек тилида эгалик категорияси флексия ва махсус лексик морфемалар воситасида ифодаланади.

Ўзбек тилидаги эгалик категориясининг икки хил кўрсаткичи, яъни препозитив ва постпозитив кўрсаткичлар маълум даражада гализликка сабаб бўлади. Ўзбек тилида иккала кўрсаткичдан бири қўлланилишининг ўзи кифоя. Инглиз тилида эса ҳаммаша препозитив кўрсаткич ишлатилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги эгалик категориясини қиёсий ўрганилганда, морфологик ярусдагина ўзбек тилида флексив кўрсаткич, инглиз тилида эса ноль кўрсаткич борлигини кўриш мумкин. Бошқа ярус бирликлари ҳам қиёслаб ўрганилганда инглиз тилида бир томонлама препозитив кўрсаткич, ўзбек тилида эса икки томонлама флексив — постпозитив, лексик — синтактик препозитив кўрсаткич мавжудлиги маълум бўлади.

Бошқа сўз туркумларида ҳам отлар каби махсус грамматик кўрсаткичлар мавжуд.

Махсус категориал маънони ифодалашига кўра грамматик сигналлар асосий (марказий) ва перифериал (қўшимча) сигналларга бўлинади.

Сўзларнинг олдига, ўртасига ва охирига қўшилишига қараб флексиялар префикс, инфикс ва суффикс деб аталади.

Ёрдамчи сўзлар. Мустақил, махсус маъно англатмай, мустақил сўзларни бир-бири билан грамматик алоқага киритиб, улар ўртасидаги семантик-синтактик муносабатни кўрсатувчи гап бўлаклари функциясида қўлланилмайдиган сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади. Инглиз тилида ёрдамчи сўзларга асосан предлоглар, боғловчилар, ўзбек тилида эса кўмакчи ва боғловчилар киради. Ҳар иккала тилда ҳам боғловчиларнинг турлари бир хил бўлиб, функциялари бир-бирига жуда ўхшашдир.

Масалан:
My friend and I.
Ўртоғим ва мен.
Ўртоғим билан мен.

Инглиз тилида предлоглар келишик қўшимчалари ўрнида ишлатилади, ўзбек тилида эса кўмакчилар ёки аниқроғи, пос-

лелоглар келишиқ қўшимчаларининг синонимлари сифатида ишлатилади. Предлог ва послелогларнинг маъноси конкретроқ бўлганлиги учун келишиқ қўшимчаларидан фарқ қилади.

Предлог ва послелогларнинг функцияси бир хил бўлса ҳам улар от ёки олмош билан турлича бирикади: предлог от олдида, послелог отдан кейин ишлатилади. Масалан: предлог + N, послелог + N.

Тилнинг умумий универсалиясига биноан инглиз тилида предлогнинг отдан олдин келиши SVO структура, ўзбек тилида послелогнинг отдан кейин келиши SOV структура ҳисобланади.

Инглиз тилида келишиқ формаларининг йўқолиб кетганлиги сабабли ёрдамчи сўзлар энг зарур сигналлар қаторига киритилади. Инглиз тилида умумий ва чегараланган эгалик келишиқларигина мавжуд. Айтилган фикрни исботлаш учун қуйидаги учта гапни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиб кўрсатиш мумкин:

Дўстим Москвага кетди.— My friend has gone to Moscow.

Дўстим Москвадан қайтиб келди.— My friend has come back from Moscow.

Унинг акаси Москвада яшайди.— His brother lives in Moscow.

Мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек тилида келишиқ қўшимчалари орқали ифодаланган грамматик алоқа инглиз тилида ёрдамчи сўзлар бўлмиш предлоглар воситасида ифодаланган. Инглиз тилида келишиқ қўшимчалари қисқариб кетганлиги сабабли предлоглар бир неча хил функцияда кенг қўлланади. **Of** предлоги қисман -s суффиксининг синоними сифатида ишлатилади. Бироқ улар бир-бири билан бирга ишлатилмайди. Стилистик мақсадда ишлатиладиган конструкциялар *плеонастик* (ортиқча) конструкция деб аталади. Масалан: A friend **of** my sister's.

Ўзбек тилида послелог от билан икки хил бирикади. 1) От бош келишиқ формасида бўлади. *Боғ аро қўйсанг қадам, мактаб томон.* 2) От қаратқич ёки бошқа келишиқда бўлади: *Институтимизнинг ёнида, золимларга қарши, ойга қадар, институтни битирмасдан бурун* кабилар. Келишиқ қўшимчаси билан келган отга қўшиладиган послелог анча конкрет маънони англатади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги грамматик муносабатларнинг ифодаланиш усуллари қиёсий ўрганилганда, предлог, келишиқ қўшимчалари ва послелоглар маълум семантик категорияларга бирлаштириб тадқиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўз тартиби. Гап бўлақлари ўрнининг қатъий ёки қатъий эмаслиги, уларнинг семиологик релевант ёки релевант эмаслиги сўз тартиби орқали ифодланади. Барча тилларда ҳам гап асосий бўлақларининг маълум ўрни бор. Аммо гап бўлақлари-

нинг ўзаро кетма-кет келиши грамматик маънога таъсир қилиши ва таъсир қилмаслиги мумкин. Баъзи тилларда сўз тартиби грамматик сигнал хизматини ўтаса, бошқа тилларда грамматик муносабат сўз тартибига боғлиқ бўлмайди. Сўз тартибининг асосий грамматик сигнал вазифасини ўтамаслигининг сабаби шу тилда флексиянинг яхши ривожланганлигидир. Сўз тартиби қатъий бўлган тилларда грамматик релевант тартиб, сўз тартиби эркин бўлган тилларда эмфатик ёки риторик сўз тартиби мавжуд.

Сўз тартибининг эркинлиги ҳеч қачон абсолют бўлмайди, чунки баъзи ҳолларда аниқловчи ва аниқланмиш, ўтимли феъл ва тўлдирувчи ўртасидаги муносабат кўпроқ сўз тартибининг хусусиятига боғлиқ бўлади.

Сўз тартибининг қатъийлиги инглиз тили учун хосдир. Айрим ҳолларда инглиз тилида фақат сўз тартиби ёрдамидагина сўзларнинг ўзаро грамматик алоқаларини аниқлаш мумкин. Масалан: инглиз тилидаги дарак гапларда биринчи ўринда эга, иккинчи ўринда кесим, учинчи ўринда эса тўлдирувчи ўз аниқловчиси билан бирга келади.

Инглиз тилида флексия яхши ривожланмаганлиги сабабли гапнинг эгаси тўлдирувчи, тўлдирувчи эса эга ўрнида келиши мумкин эмас: Children ate apples.— *Болалар олма еди(лар).* Агар эга билан тўлдирувчининг ўрнини алмаштирсак, Apples ate children — *Олмалар болаларни еди* бўлади.

Эга билан кесимнинг ўрнини алмаштирилса, гап ё сўроқ маънони (умумий сўроқ гап) англатиши ёки маъно англатмаслиги мумкин. Масалан: He has an English book.— *Унинг инглизча китоби бор.* Has he an English book?— *Унинг инглизча китоби борми?* Аммо My father works at a plant.— *Отам заводда ишлайди* гапини бошқача айтиш мумкин эмас.

Ўзбек тилида сўз тартибининг грамматик релевантлиги қатъий эмас. Фақат айрим ҳоллардагина сўз тартиби қатъий. Шунга қарамай, ўзбек тилида умумий сўзларнинг кетма-кеглиги SOV тартибида бўлади. Масалан, нормал сўз тартибига кўра *Мен олма едим* бўлади, *Мен едим олма* тартиби прозада маълум мақсадни кўзламанса, умуман грамматик нотўғри ҳисобланади.

Просодия ҳар хил грамматик категорияни модаллиқни ифодалашда, дарак гапларни сўроқ гапларга айлантиришда бир сўз туркумини иккинчи сўз туркумидан яшашда ишлатилади. У интонация, урғу ва шу каби супрасегмент белгилар билан ифодланади. Улар ҳам грамматиканин асосий сигналлари ҳисобланади. Масалан: қуйидаги икки гапдан биринчиси дарак гап бўлгани учун пасаювчи интонация билан, иккинчиси эса сўроқ гап (general question) бўлгани учун кўтарилувчи интонация билан талаффуз этилади: He has some. Has he some?

Айрим сўзларда урғуни ўзгартириш йўли билан бир сўз туркумини иккинчи сўз туркумига айлантириш мумкин:

object ['ɒbdʒɪkt] нарса, бир нарса, *грам.* тўлдирувчи.
object [əb'dʒekt] эътироз билдирмоқ, рад этмоқ кабилар.

Просодик бирлик ҳам маълум грамматик муносабатни ифодалаганлиги учун супрасегмент морфема ёки просодема деб юритилади.

Просодик бирликнинг асосий қисмларидан бири бўлган интонация ўзбек тилида ҳам асосий грамматик сигнал вазифасини ўтайди. Масалан, *Салимжон кеча келди* гапида интонацияси ўзгартириш билан уни маълум грамматик маъноларни аниқладиган талай вариантларга бўлиш мумкин.

Бирор сўз туркумини сўз ясовчи аффиксга асосланиб бошқа сўз туркумига қарши қўйиш деривацион контраст деб аталади. Масалан, инглиз тилида отлар — **er** (writer), — **ship** (friendship), **ness** (happiness) суффикслари билан, сифатлар — **ful** (delightful), — **less** (armless) etc. суффикслари билан, феъллар — **ize** (organize), — **fy** (simplify), — **en** (blacken) каби суффикслар билан аниқланади. Кўрсатиб ўтилган аффиксал морфемалар бир вақтнинг ўзида инглиз сўзларини аниқлаб келувчи сигналлар вазифасини ўтамоқда. Ўзбек тилида ҳам турли сўз туркумларининг турли деривацион контрастлари бор. Масалан, отлар от ясовчи суффиксларнинг характериға кўра бошқа сўз туркумларга қарши қўйилса, сифат, феъл ва бошқа сўз туркумларининг ҳам махсус сўз ясовчи аффиксал морфемалари бор. Бу морфемалар маълум даражада ўша сўз туркумларининг грамматик сигналлари вазифасини ўтайди.

Сўз ясовчи морфемалар маълум сўз туркумларини аниқлагани учун грамматик форма ясовчи морфемалардан фарқ қилади. Ўзбек тилида: *-чи, -дош, -лик, -чилик, -ги, -ув, -им* каби суффикслар отларни; *-ли, -сиз, -ги, -даги, -чан* каби суффикслар сифатларни аниқлайди. Бошқа сўз туркумларининг ҳам шунга ўхшаш сигналлари бор.

Сўз ясовчи морфемаларнинг форма ясовчи морфемалардан асосий фарқи яна шундаки, форма ясовчи грамматик сигналлар асосан шу тилнинг ўзига хос бўлади. Сўз ясовчи морфемалар эса бошқа тиллардан ўзлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар икки тилда бунга жуда кўп мисоллар топилди. Масалан, *examinee* имтиҳон топширувчи ўзбек тилида — *ошпаз, ош пиширувчи*.

Деривацион контраст инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосий грамматик сигнал ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек тиллари турли оилаларга мансуб бўлишига қарамасдан улардаги грамматик сигналлар ўхшашдир.

Грамматик сигналлар ўз хусусиятига кўра турличадир. Айрим грамматик сигналлар сегмент морфемалар билан, айримлари супрасегмент морфемалар билан ифодаланган. Масалан, интонация ҳар иккала тилда супрасегмент сигнал ҳисобланади.

Грамматик сигналларни ўзак морфемаларга қўшиш билан тилнинг грамматик модели ясалади. Грамматик сигналларни тўғри ишлатиш грамматик тўғрилиқ билан боғлиқ. Сигналлар маълум тилнинг грамматик қурилишини аниқлайди. Тилшунослик тарихида грамматик белгилар воситасида грамматик тўғри, аммо **сунъий моделлар** яратиб, уларнинг маълум тилларга хос бўла олишини аниқлаган олимлар кўп. Масалан, Л. В. Шчерба рус тили учун қуйидагича сунъий модель яратади: *Глокая куздра штеко бундланула бокра и курдячит бокренка*. Инглиз тили системасида ҳам *Jabberwocky* услубида тузиладиган моделлар кўп учрайди. Масалан:

Twas brillling, and the slithy toves
Did gyre and gimble in the wabe;
All mimsy were the borogoves,
And the mome raths outgrabe ...¹

Ч. К. Фриз кўрсатганидек, юқоридаги гапларнинг инглиз тилига хослиги қуйидаги грамматик сигналларга биноан аниқланади:

Twas —, and the — y — s
Did — and — in the — ;
All — y were the — s,
And the — — s — .

Юқорида келтирилган мисоллар асосан грамматик маъно аниқловчи грамматик сигналлар туфайлигина русча ёки инглизча моделларга киритилди. Аммо асосий лексик маънони ифодаловчи сўзлар сунъий бўлганлиги сабабли улар маъносиз, грамматик тўғри, аммо семантик нотўғридир.

Бундай сунъий моделларни ҳамма тилларда ҳам яратиш мумкин.

Ўзбек тили учун махсус сунъий гап тузмасак ҳам маълум гапнинг лексик яруси бирликларини тушириб қолдириб, унинг грамматик бирликларини кўрсатамиз. Масалан:

_____нинг _____ и _____ сини _____ дираётгандай
_____ди.

Қелтирилган грамматик сигналлар А. Мухторнинг «Опасингиллар» асаридаги «*Жўрагоннинг қўли елкасини куйдираётгандай бўлди*» гапининг грамматик белгиларидир.

¹ Ch. C. Fries. The Structure of English, New York and Burlingame, 1952, pp. 70—72.

ГРАММАТИК ТЎҒРИЛИК ВА ГРАММАТИК НОТЎҒРИЛИК

(Grammaticalness and Ungrammaticalness)

Грамматик тўғрилик ва нотўғрилик ҳозирги замон тилшунослигидаги энг актуал проблемалардан бири бўлиб, қиёсий грамматикада муҳим ўрин тутди. Қиёсий грамматика тиллараро эквивалент лингвистик бирликларнинг грамматик тўғри бўлишига таянади. Ундан ташқари, танланган категорияларнинг формаларнинг стилистик нейтрал ва стилистик белгиланмаганлигини аниқлашда ҳам грамматик тўғрилик ва нотўғрилик кўзда тутилади. Методик нуқтаи назардан у бир тил системасидаги айрим грамматик, лексик ва бошқа бирликларнинг она тили системасига интерференцияси натижасида рўй берадиган ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради.

Қиёсий типологик изланишлар жараёнида грамматик нотўғриликка йўл қўйишнинг маълум шартли бор. Маълум конструкция ёки форма қиёсланаётган тилларнинг бирида тўғри бўлса, уни иккинчи тилга татбиқ этилади.

Грамматик тўғри ва нотўғри гапларни аниқлаш масаласи формал ёки математик лингвистиканинг ривожланиши муносабати билан жуда муҳим аҳамият касб этди. Иккита гап бир хил модел ёки структура бўлишидан қатъи назар бир-бирдан семантик ва стилистик жиҳатдан фарқ қилади. Грамматик тўғрилик ва нотўғрилик масаласини трансформацион нуқтаи назардан биринчи бўлиб Н. Хомский ўрганган¹. Кейинчалик деярли ҳамма тилшунослар грамматик тўғри ва нотўғриликнинг турли томонларини ўргана бошладилар².

Ҳозирги пайтдаги генератив грамматикаларда грамматик тўғрилик ва нотўғриликни аниқлашнинг асосий тўртта принципи ишлаб чиқилган: 1) статистик эҳтимоллик; 2) антропологик усул; 3) текстлараро муносабатни аниқлаш усули; 4) моделлар яратиш усули³.

Грамматик тўғрилик ва нотўғрилик деганда ички структура-нинг юзаки структурада тўғри ифода этилиши, гап ёки сўз бирикмаси воситасида ифодаланган маънонинг семантик тўғрилиги, форма ва маъно бирлигининг мослашуви тушунилади.

¹ N. Chomsky. Syntactic Structures. S.—Gravenhage, 1957. Русча таржимаси. Синтаксические структуры. «Новое в лингвистике» Вып. II, стр. 416—421.

² Thamaš A. Sebeok, ed. Style in Language, Boston, Mass, № 4. London, 1960, pp. 84—85 and ff; Archibald A. Hill, Grammaticality, Work, XVII, 1961 1—10; N. Erik Enkvist. On Defining Style in Linguistics and Style. London, 1967. p. 17. С. К. Шаумян. Структурная лингвистика, М., 1965. И. И. Резвин. Модели языка и их использование в структурной типологии. Доктр. диссерт. М., 1963.

³ Ю. В. Рождественский. Типология слова, М., 1969.

Грамматика фикрни маълум моделлар воситасида ифода-лайди. Моделлар стандартлашган бўлиб, воқеликни тўғри акс эттириши ва умумий қоидадан четга чиқмаслиги керак. Гап ярусидаги грамматик моделлар маълум тил системасига хос бўлган қоидалар асосида тузилган бўлиши керак. Масалан, инглиз тилида гап структурасининг умумий модели SVO тартибида бўлиб, агар бу тартиб бузилса ё маъно ўзгаради ёки маълум стилистик ўзгариш рўй беради:

He has come in time → Has he come in time?
(У вақтида келди. → У вақтида келдими?)

Гапдаги сўз тартиби ўзгариши билан бўлишли гап сўроқ гапга айланади.

Ҳар қандай грамматик модел ҳам тўғри бўлавермайди. Грамматик тўғри деб қабул қилинган моделлар дистрибутив маъно қонунлари асосида бошқарилиб борилади. Дистрибуция қонунига мувофиқ грамматик моделларда маълум гуруҳга кирувчи сўзларгина ишлатилади. Грамматик моделлар икки хилга бўлинади:

- 1) грамматик тўғри моделлар (гаплар);
- 2) грамматик нотўғри моделлар (гаплар).

Грамматик тўғри моделлар ўз навбатида иккига бўлинади:
а) ҳам грамматик, ҳам семантик жиҳатдан тўғри гаплар;
б) грамматик тўғри, аммо семантик нотўғри гаплар.

Ҳам грамматик, ҳам семантик жиҳатдан тўғри гаплар умумий нормадаги семантик тўғри гаплардир. Масалан, инглиз тилида: Mr. Monroe hung up the receiver with a profound sigh of relief (J. Thurber).

Ўзбек тилида: *XI оқ олимпиада мусобақалари давси этмоқдир. Кеча совет спортчилари яна икки медални қўлга киритишди (ТО).*

Юқоридаги мисоллар ҳам грамматик, ҳам семантик жиҳатдан тўғри ҳисобланади, чунки берилаётган маълумот стандартлашган грамматик моделлар воситасида тўғри акс эттирилган. Улар стилистик жиҳатдан нейтрал ҳисобланади.

Грамматик ёки формал тўғри, аммо семантик нотўғри гапларга тил системасида тўғри деб топилган моделлардан семантик дистрибутив қоидага амал қилмасдан нотўғри фойдаланиш киради. Масалан: *Бола-чақалар тинч юришибдими?* гапи ҳам грамматик, ҳам семантик тўғри.

Грамматик абстракция қонунига кўра *бола-чақалар* сўзи от туркумидаги бошқа сўзлар билан алмаштирилса бунини биз **тўғри субституция** деймиз. Аммо сўз от бўлса-да, бошқа семантик

¹ Н. Хомский. Синтаксические структуры. Новое в лингвистике. Вып. II. М., 1962, стр. 418—419. Яна: бу соҳада Peter A. M. Seuren, Operators and Nucleus. Camb. Univ. Press. pp. 1969 pp. 16 ff.

гуруҳга кирувчи от билан алмаштирилса, грамматик тўғри, аммо семантик жиҳатдан нотўғри гап ҳосил бўлади. Шунга мувофиқ *Кўрпа-тўшаклар тинч юришибдимиз?* гапи грамматик тўғри, семантик нотўғридир. Н. Хомский томонидан инглиз тилида берилган: *Colorless green ideas sleep furiously. Рангсиз яшил фикрлар дарғазаб ухлаб ётибди* мисоли тилшуносларнинг барчасига аён.

Баъзи адиблар, сўз усталари маълум мақсадда грамматик тўғри, семантик нотўғри гаплардан фойдаланишади. Бунга сўз ўйинлари ёки инглиз ва ўзбек тилларида учрайдиган лоф «бир қайнови ичида» гапларнинг баъзилари мисол бўла олади¹.

Грамматик тўғри ва семантик нотўғри гапларнинг чегараланиши амалий лингвистикада, автоматик таржима ва трансформацион грамматикаларда катта аҳамиятга эга. Грамматик тўғрилиқка риоя қилиш бир маънони бир пайтда икки тилда ифодалашда, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда асосий ва етакчи роль ўйнайди. Масалан:

«Absolutely nothing» said Sir John». We breakfasted together, as we always did...» (Daphnu de Maurier).

«Ҳеч нарса бўлгани йўқ»— деди Сэр Жон.—«Ҳар доимгидай, биз бирга нонушта қилдик, холос».

We breakfasted together бирикмасини 1) *Биз бирга нонушта-ландик* деб таржима қилинса, грамматик эътироз бўлмаслиги мумкин, чунки *Биз бирга овқатландик* дейиш мумкин. 2) инглиз тилида ҳам **-ed** суффикси синтетик равишда қўшиляпти. Аммо бу семантик жиҳатдан нотўғри ҳисобланади.

Грамматик нотўғрилиқ грамматика учун ёт нарса бўлиб, грамматик форма, кнструкция ва гапларни нотўғри ишлатиш демакдир. Кўпинча нотикнинг эҳтиётсизлиги, чала саводлиги ёки айрим формаларнинг ишлатилиши стабиллашмаганлиги натижасида радио, телевидение, ҳатто газеталарда ҳам айрим грамматик-нотўғрилиқка йўл қўйиш ҳоллари учраб туради. Ўзбек тилида мажҳул нисбат формаси ишлатилганда эга бош келишида келиши керак, аммо айрим муаллифлар эгани тушум келишиги формасида ишлатишади. Масалан: «Қасалликни сил таёқчалари қўзғатади. Буни 1802 йили немис олими Р. Кох топган. **Уни** (*курсив меники* Ж. Б.) сил микробактерияси деб ҳам аталади». (ТО) гапидаги **уни** формаси ўрнида у кўрсатиш оломи ишлатилиши керак эди.

Қиёсий грамматикада ҳар икки тилнинг грамматик системасини грамматик тўғри моделларга асосланиб тадқиқ этмоқ керак.

Маълум бирликнинг тиллараро эквивалентларини топишдан аввал грамматистлар ҳар бир тилдаги бирликларнинг грамматик тўғрилигини аниқлашлари лозим. Ана шу муҳим масала-

ни тўғри ҳал этишда грамматистларга грамматик тўғрилиқ ва грамматик нотўғрилиқ катта ёрдам беради.

А Д А Б И Е Т Л А Р

Жигадло В. Н., Иванова И. П., Иофик Л. Л. Современный английский язык. Теоретический курс грамматики. М., 1956.

Резвин И. И. Модели языка и их использование в структурной типологии. Доктор. дисс., М., 1963.

Рождественский Ю. В. Типология слова. М., 1969.

Успенский Б. А. Структурная типология языков. М., 1965.

Хомский Н. Синтаксические структуры. Сб. Новое в лингвистике, Вып. П., 1962

Фуломов А. Г. Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент—1961.

James Thurber. The Owl in the Attic.

Peter A. M. Seuren. Operator and Nucleus. Camb. Univ. Press, 1969.

Francis W. The Structure of American English N. Y., 1958.

Fries Ch. C. The Structure of English. New York, 1952.

¹ Америка юмористи Д. Турбор шу усулдан жуда кўп фойдаланади: James Thurber. The Owl in the Attic.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ГРАММАТИКАДАГИ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР

(Main Categories of the Typological Comparative Grammar)

Тилнинг грамматик қурилишини ўрганиш муайян тилдаги грамматик категорияларни ўрганишдан бошланади. Қиёсий грамматика эса грамматик категорияларни қиёсий ўрганади. Қиёсланаётган тиллар системаларидаги грамматик категорияларнинг ўрни ва ифодаланиш усуллари аниқлашнинг муҳим назарий аҳамияти бор. Бу биринчидан, ҳар бир қиёсланаётган тилни баён этиш процессини алоҳида-алоҳида ташкил қилиш учун, иккинчидан, бу тилларнинг ҳар бири учун хос бўлган умумий лингвистик универсалия ва баъзи хусусий формаларнинг мувофиқлашувини аниқлаш учун зарур. Аммо бундай муҳим лингвистик таҳлилнинг кўпгина масалалари ҳали тегишлича ҳал этилган эмас. Қиёслашнинг конкрет методикаси ишлаб чиқилмаган, бир системали ва кўп системали тилларни қиёслашнинг ягона принципи йўқ. Бизда ҳанузгача муайян конкрет тилларни лингвистик инвентаризациялаш ва қиёслашга доир тўла йиғилган эмпирик материал мавжуд эмас. Тил системаларининг барча ярусларини лингвистик баён этиш жараёни бошланган бўлса-да, у ўз такомиллашувини кутмоқда. Типологиядаги категорияларни аниқлашдан олдин грамматик категория ҳақидаги умумий маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР (Grammatical Categories)

Грамматиканинг асосини грамматик категориялар ташкил қилиб, улар икки хил бўлади:

а) бирламчи грамматик категориялар ёки грамматик макро-категориялар;

б) кичик грамматик категориялар ёки грамматик микрокатегориялар.

Бирламчи грамматик категориялар
(Primary grammatical categories)

Бирламчи грамматик категориялар сўз туркумлари ёки сўзларнинг лексик-грамматик гуруҳларидир.

Ҳар бир конкрет тилдаги мавжуд сўзлар маълум гуруҳларга бўлинган бўлиб, улар сўз туркумлари дейилади.

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз туркумлари классификацияси сўзларнинг қуйидаги хусусиятларига кўра, яъни а) лексик ва лексик-грамматик маъноларига кўра, б) морфологик формаларининг маълум бир группага кирувчи сўзлар учун умумийлигига кўра, в) сўзларнинг гапдаги ролига кўра аниқланади.

Сўзларни гуруҳларга бўлишда уларнинг ҳам лексик, ҳам грамматик формалари ҳисобга олинганлиги учун сўз туркумлари сўзларнинг *лексик-грамматик разрядлари* ҳам дейилади. Масалан: от туркумига кирувчи сўзларнинг ҳаммаси предмет номини билдириб келади. Аммо шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ҳамма отларнинг предмет бўлиши шарт эмас. Айрим сўзлар предметни билдирмаса-да, бари бир предмет ўрнида ишлатилади. Масалан, инглиз тилидаги *love* севги *joy* қувонч, ўзбек тилидаги *дўстлик*, *бахт* ва ҳоказолар. Сифат туркумига кирувчи сўзлар асосан предметнинг белги ва хусусиятини ифодалайди. Масалан: *blue* кўк, *white* оқ, *clever* ақлли, ўзбек тилида: *узун*, *кенг*, *серҳаракат* кабилар. Феъл туркумига кирувчи сўзлар иш-ҳаракатни, ҳолатни ёки процессни билдиради: *гип* чопмоқ, *sleep* ухламоқ ўзбек тилида: *келмоқ*, *кўкармоқ*, *кўрмоқ* ва бошқалар.

Ҳар бир туркумга мансуб сўзларнинг ўзига хос морфологик формалари бўлиб, у формалар морфологик парадигмаларни ташкил қилади ва маълум грамматик категориялар билан боғлиқ бўлади. Масалан, инглиз тилидаги отга қўшилган *-s* қўшимчаси сон категориясини, феълдаги *-ed* қўшимчаси эса замон категориясини англатади. Шунингдек, ўзбек тилида отнинг морфологик парадигма ясовчи форманти, феъл ва бошқа сўз туркумларининг ўз форманти бор. Масалан: *китоб* — *китоблар*; *ишламоқ* — *ишлади*.

Бундан ташқари, ҳар бир сўз туркумига кирувчи сўзлар гапда маълум синтактик вазифани ҳам бажариб келади. Масалан: от асосан эга, тўлдирувчи, кесимнинг предикатив қисми вазифасида, сифат аниқловчи, кесимнинг предикатив қисми вазифасида, феъл асосан гапнинг кесими, равиш ҳоли вазифасида кела олади. Икки ва ундан ортиқ сўз туркуми гапда бир хил вазифани бажариб келиши мумкин. Масалан, от аниқловчи вазифасида, сон эга вазифасида кела олади.

Коммуникация процесси барча тил ярусларининг бевосита иштирокида амалга оширилади. Бирор яққаланган ярус лингвистик таҳлил қилинганда ҳам яруслар ўзаро алоқада бўлади. Чунончи, морфологик ярус бирликлари фақат синтаксисдагина ўзининг тўла тавсифига эга бўлади. Ҳозирги инглиз тилида бир

сўзнинг ўзи айтилган бир пайтда бир неча сўз туркумига тааллуқли бўлиши мумкин.

Бу ҳозирги инглиз тилидаги от ва феълда айниқса яққол ифодаланади, чунки редукция натижасида инглиз тилидаги от ва феълнинг охиридаги фарқ қилувчи белгилар йўқолади. Сўзнинг бирор лексик-грамматик сўз туркумига тааллуқлилигини аниқлашда катта қийинчилик туғдиради. Ҳозирги инглиз тилида сўзлар морфологик кўрсаткичларга бой эмас. Шунинг учун ҳам бир сўз туркумининг формаси ўзининг бошланғич формаси ёки ўз парадигмасининг дастлабки формасида келганида иккинчи сўз туркумидан фарқ қилмаслиги мумкин. Масалан: **water, telephone, measure, mistake** сўзларини олсак, улар бир вақтнинг ўзида ҳам от, ҳам феъл вазифасида, яъни **water** — сув, сув қуймоқ, сугормоқ; **telephone** телефон, телефон қилмоқ; **measure** — ўлчов, ўлчамоқ; **mistake** хато; хато қилмоқ маъноларида келиши мумкин. Бундай ҳоллар от ва сифат ўртасида **relative** 1) қариндош; 2) алоқадор, нисбий; сифат ва феъл ўртасида **wet** 1) хўл; 2) хўлламоқ, намламоқ; от ва сон ўртасида **one** 1) бир; 2) бир нарса бирор предмет, шахс; ҳам мунтазам учраб туради.

Баъзилари конверсия иштирокида, баъзилари флексиянинг йўқолиши натижасида ясалган, форма жиҳатидан бир-бирига мос келадиган бундай умумий сўзлар миқдори жуда кўп.

Буларга қуйидаги сўзларни киритиш мумкин: **button** — тугма, **to button** тугмаламоқ, тугма солмоқ, тақмоқ, **butter** ёғ, **to butter** ёғ сурмоқ, **butt** сузиш, калла уриш, **to butt** сузмоқ, калла урмоқ, **love** севги, **to love** севмоқ ва ҳоказолар.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам формаси ўхшаш бўлса-да, бир пайтда ҳар хил туркумга тегишли кўпгина сўзларни учратиш мумкин. Масалан: ниҳоят 1) конец (от); 2) наконец (кириш сўз), нодон. 1) непросвещенный, тёмный (сифат); 2) глупец (от); ноаниқ 1) неточный (сифат); 2) неясно (равиш).

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам алоҳида олинганда сўзнинг қайси туркумга тааллуқлилигини фарқ қилиш қийин. Бундай ҳолларда грамматик кўрсаткичлардан фойдаланиш керак бўлади. Чунинчи, инглиз ва ўзбек тилидаги отни сифатдан кўплик морфемаси орқали фарқлаш мумкин. Қиёсланг: инглизча-**s**, ўзбекча-**лар**, **girl** қиз бола, **girls** қизлар, **master** — уста, **masters** усталар (хўжайинлар), ўзбекча: бола **boy**, болалар **boys**, ишчи **worker** ишчилар **workers**.

Аммо кўплик морфемаси ҳамшиша ҳам аниқловчи хизматини ўтайвермайди. Бунга сабаб инглиз ва ўзбек тилларидагина эмас, балки бошқа кўпгина тилларда ҳам от ва феълда омонимик суффиксларнинг бўлишидир. Масалан, инглиз тилида **-s** морфе-

маси отнинг кўпчилигини ҳам, феълнинг 3- шахс бирлигини ҳам ясаши мумкин: counts—1) ҳисоблар, 2) у ҳисоблайди (he counts), counterfeits— 1) қилмишлар, 2) сохталаштирмоқ.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам-**лар** суффикси отнинг кўплик формасини ва феълнинг шарт майли формасини ясаши мумкин. Бу ҳолатнинг отдан ясалган феъллар учун хос эканлигини таъкидлаш лозим. Масалан, **бошлар**—1) бошдан кўплик, 2) балки *у бсиллар*: **шоҳлар**—1) дарахтнинг *шоҳлари*, 2) *шоҳлар* (дарахт шоҳ чиқарар), шу маънодаги инглизча **branches** сўзини ҳам келтириш мумкин. Кўрсатилган мисолларда отнинг ҳам, феълнинг ҳам ўзаги умумийдир, яъни феъллар отлардан ясалгандир.

Мисоллардан кўриниб турибдики, алоҳида олинганда флексиялар от ва феълнинг хусусиятини ҳамшиша ҳам тўла очиб бера олмас экан. Шунинг учун бунда синтактик ярус ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қиёсланг: **he eyes** у қарайди, **his eyes** унинг кўзлари, ўзбекча: *қора кўзлар*, *у кўзлар* (эди). Инглизча ва ўзбекча мисоллардан кўриниб турибдики, инглизча **eye** сўзи ва ўзбекча **кўз** сўзи сўзларнинг лексик-грамматик туркумларига нисбатан нейтралдир. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ўша форманинг ўзи от, феъл тарзида келяпти. Уларни фақат синтактик жиҳатдангина фарқлаш мумкин.

Қиёсий грамматика икки тилли лугатлар тузишга ҳам ўз хиссасини қўшади. Лексикограф бир пайтнинг ўзида лугатга кирган сўзларнинг лексик ва грамматик характеристикасини ҳар икки тилда баён этиши лозим.

Сўз туркумларининг бир қисми, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар учала хусусиятга ҳам эга бўлиши, айримлари эса лексик маъно ва морфологик формага эга бўлса-да, гапда мустақил гап бўлаги сифатида ишлатилмаслиги мумкин. Шу муносабат билан сўз туркумлари икки қисмга бўлинади: 1) мустақил сўз туркумлари (Notional parts of speech), 2) ёрдамчи сўз туркумлари (Structural parts of speech ёки function words).

Мустақил сўз туркумларига кирувчи сўзлар лексик нуқтаи назардан мустақил маънони ифодалаб, бошқа сўзлар ёрдамсиз ҳам предметларни атаб, уларнинг миқдорини, белгисини, қай даражада бажарилишини, сўзловчининг ўз нутқи мазмунига бўлган алоқасини кўрсатади. Мустақил сўз туркумлари грамматик томондан маълум грамматик категориялар билан боғлиқ бўлган парадигматик формаларга эга бўлиб, гапда маълум бир вазифани бажариб келиши мумкин.

Ёрдамчи сўз туркумларининг лексик маънолари гапда улар грамматик алоқаларга киритиб келаётган мустақил сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда уларнинг маъноларини тўлдиради ёки қўшимча оттенкалар бериб келади. Ёрдамчи сўз туркумларининг грамматик вазифаси сўзларни ўзаро алоқага киритишдан иборатдир. Улар морфологик парадигмаларга эга эмас, уларнинг морфологик формалари ўзгармайди ва гап

¹ R. H. Robins. Nouns and Verbs in Universal Grammar. Language, vol. 28, part I, 1952.

бўлаклари вазифасида ишлатилмайди. Ёрдамчи сўз туркумларига гап составида урғу тушмайди.

Мустақил сўз туркумларининг кўп қисми ўзининг парадигматик формасига эга бўлганлиги ва маълум грамматик категорияларда ўзгарганлиги сабабли уларни *ўзгарувчи* (changeable) сўз туркумлари дейилса, ёрдамчи сўз туркумларига кирувчи предлоглар, боғловчилар, юкламалар ва артикларни *ўзгармас* (unchangeable) сўзлар дейилади.

Ҳар иккала тилдаги ёрдамчи сўз туркумлари асосан турли грамматик алоқаларни кўрсатиш учун хизмат қилади.

Қиёсий грамматика сўз туркумларини типологик классификациялашда функционал таснифлашдан фойдаланиши мумкин.

Лексик бирликлар ўз вазифасини маълум грамматик қоидаларга асосланиб бажаради. Сўзларни маълум туркум ва семантик гуруҳларга классификациялаш шундан далолат беради. Лексиканинг грамматикага боғлиқлиги турли тилларда турличадир. Бу боғлиқлик биринчи навбатда аффиксал морфемаларнинг ривожланган-ривожланмаганлиги билан аниқланади.

Агар анализ ва синтезга асосланадиган бўлинса, грамматик морфемаси яхши ривожланган тилларда лексик бирликларнинг функционал боғлиқлиги морфологик маркерлар системаси ривожланмаган тиллардагига нисбатан кам.

Сўз туркумларининг чегараси биринчи (морфологияси ривожланган) гуруҳдаги тилларда, иккинчи (морфологик маркерлар системаси ривожланмаган) гуруҳдаги тилларга нисбатан аниқ. Иккинчи гуруҳдаги бир хил лексик бирликлар ҳар хил функцияни бажаришга қодир бўлса, биринчи гуруҳда сўзларнинг функция бажариши бирмунча чегараланган.

Айтилганларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\begin{array}{ll} \text{I гуруҳ} & \text{II гуруҳ} \\ N = \{a \dots\} & N = \{a, b, c \dots\} \\ A = \{b \dots\} & A = \{a, b, c \dots\} \\ V = \{c \dots\} & V = \{a, b, c \dots\} \end{array}$$

Биринчи устундаги сўзлар лексик-грамматик туркум жиҳатдан монофункционал ҳисобланиб, иккинчи устундаги сўзлар полифункционал сўзлар бўлади, яъни биринчи группадаги сўзларда маълум сўз туркуми билан боғлиқлик қатъий бўлади, иккинчи группадаги сўзларда эса эркин бўлади. Биринчи устундаги ҳар бир сўз алоҳида сўз туркумига тааллуқли бўлиб, чекланган функцияни бажаради. Иккинчи устундаги биргина сўзнинг ўзи уч хил функцияда қўлланади. Биринчи устунда: **а** — от вазифасида келиб, фақат от туркумидаги сўзни бириктиради; **в** — сифат вазифасида келади, холос; **с** — феъл вазифасида келади. Тилда монофункционаллик маълум даражада чегараланган бўлади.

Лексикография нуқтаи назаридан I гуруҳдаги сўзларга алоҳида луғат сўзлари тарзида, иккинчи гуруҳдаги сўзларга эса морфологик кўрсаткичдан маҳрум этилган сўзлар деб қаралади.

Биринчи гуруҳдаги сўзларнинг лексик-грамматик туркумларини мустақил деб, иккинчи гуруҳдаги сўзларни эса нисбатан мустақил сўз туркумлари деб аташ мумкин. Сўз ўзининг синтактик функциясига қараб туркумларга ажратилади. Бир сўз бир неча сўз туркуми вазифасида келиши мумкин.

Биринчи гуруҳда: **а** — фақат от
в — — — сифат
с — — — феъл

Иккинчи гуруҳда: **а, в, с** — от
а, в, с — сифат
а, в, с — феъл

Масалан: **а black** (*n*) - қора, қора одам ёки нарса
black (*a*) - қора
black (*v*) - қораламоқ

Биринчи гуруҳдаги тилларда **а** (яъни сўз) **а** гуруҳдаги сўзлар, **в** — **в** гуруҳдаги сўзлар сингари, **с** — **с** гуруҳдаги сўзлар сингари форма ва семантика жиҳатидан оглашиши мумкин:

$$\begin{array}{l} N = \{a_1, a_2, a_3 \dots\} \\ A = \{b_1, b_2, b_3 \dots\} \\ C = \{c_1, c_2, c_3 \dots\} \end{array}$$

Иккинчи гуруҳдаги тилларда субституциянинг қуйидаги турлари учрайди:

$$N = \begin{Bmatrix} a_1, b_1, c_1 \dots \\ a_2, b_2, c_2 \dots \\ a_3, b_3, c_3 \dots \end{Bmatrix}$$

Хусусиятига кўра субституциялар чекланган ва чекланмаган бўлади.

Тилларда ҳар хил сўз туркумларининг бир-бирига мос келишида ҳам ўзаро фарқ бўлиши мумкин.

От, сифат, феъл ва равиш туркумлари доирасида уларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

1. **а** = N, A, V, яъни **а** = N, **а** = A, **а** = V
2. **а** = N, A, Adv, яъни **а** = N, **а** = A, **а** = Adv кабилар.

Кўрсатилган функционал туркумларга биноан тилларни икки группага бўлсак, инглиз ва ўзбек тиллари иккинчи группага киради. Аммо бу тиллар ўртасида озгина фарқ бор. Бу фарқ ўзбек тилидаги сўз парадигмаларининг инглиз тилидагига кўра яхши ривожланганлиги билан характерланади, чунки ўзбек тилида

сўз туркумларини аниқлашнинг парадигма ва сўз ясовчи суффиксларнинг омонимияси ҳодисалари билан бирмунча чигаллашуви мумкин:

чарлар — от

чарлар — феълнинг парадигматик формаси.

Бу ерда *-лар* суффикси омонимияси асосида сўз туркумлари чигаллиги юзага келяпти.

Ҳозиргача сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг лексико-семантик ва грамматик белгилари асос қилиб олинади, аммо тиллардаги сўзларни бундай гуруҳларга ажратиш ҳам типологик қиёслашда ҳамма тиллар учун универсал критерия бўла олмайди. Шунинг учун ҳам қиёсий типологияда маълум система яратиб, шу система асосида сўзларни гуруҳларга ажратиш керак. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, барча тиллар учун метатил вазифасини ўтай оладиган классификация ҳозиргача тузилгани йўқ.

Инглиз тилининг грамматикасида турли метод ва усуллардан фойдаланилади. Шундай методлардан бири Ч. Фриз методи бўлиб, сўзларни лексик-грамматик гуруҳларга ажратишда у синтактик дистрибуция методидан фойдаланади. Ч. Фриз ўз классификациясида инглиз тилидаги сўзларни тўртта классга бўлиб, у тўртта класс (Class), ўнта майда кичик моделларни (Frame) ўз ичига олади. Класс вакили сифатида олинган сўзларнинг группалари сўзнинг семантик маънолари билан боғлиқдир. Масалан:

Words of Class I

Frame A	Frame B
The concert was good	The clerk remembered the tax
food	husband
coffee	supervisor
taste	woman
container	
difference	
privacy	
family	
company	

Ундан ташқари Ч. Фриз кўмакчи сўзлар (Function words)ни ҳам махсус ўн бешта (A, B, C, D, E, F, G, H, I, J, K, L, M, N, O) группаларга ажратади. Ч. Фриз классификациясидан битта намуна келтирамиз:

Group	Class	Class	Class
A	I	2	3
(The)	concert	was	good

the	a an	every
no	my	our
your	her	his
their	each	all
both	some	any
few	more	most
much	many	its
John's	this these	that those
one	two	three
four	five	eighteen
twenty	thirty	one, etc.

Умуман, Ч. Фризнинг системаси синтактик типологияда маълум аҳамиятга эга, чунки бу системадан фойдаланиб, сўзларнинг нутқдаги дистрибуцион алоқаларига қараб бир неча тилларда бир хил моделларга эришиш мумкин.

Бирламчи грамматик категорияларнинг инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланишида айрим алломорфлик хусусиятлар бор.

Алломорф ҳодисалар ўз навбатида икки катта группага бўлинади: 1) сўз туркуми иккинчи тилда грамматик макрокатегория тарзида мавжуд бўлмаса, биз уни макрокатегориал алломорфлик деймиз; 2) иккинчи тилда макрокатегория мавжуд бўлса-да, унинг маълум қисми мавжуд бўлмайди ёки формал кўрсаткичсиз бўлади. Буни биз микрокатегориал алломорфлик деймиз.

Макрокатегориал алломорфлик

Инглиз тилидаги сўз туркумларидан ҳолат категорияси (The category of state), предлоглар (Prepositions) ва артиклар (Articles) ўзбек тилида махсус грамматик макрокатегория сифатида ажратилмайди.

Бу сўз туркумларининг ўзбек тилида йўқлиги шу сўзлар англатадиган тушунчалар бу тилда йўқ деган гап эмас, албатта. Бу сўз туркумининг қиёсланаётган тилларнинг бирида махсус ажратилмаслиги масаласи тилшуносликдаги асосий ва ёрдамчи тушунчалар билан боғлиқ. Ҳолат категорияси ва аниқлик-ноаниқлик каби категориал тушунчалар инглиз тилида махсус лингвистик бирликлар воситасида ифодалангани учун ҳам улар асосий категориялар сифатида ажратилади. Ўзбек тилида эса улар махсус категория сифатида ажратилмайди, чунки уларни ифодаловчи махсус лексик-грамматик бирликлар мавжуд эмас. Шунга қарамай, ўзбек тили системасида бу тушунчаларни ифодалаш учун лингвистик бирликлар топилади, аммо улар махсус бўлмай, перифериал бирликлар дейилади. Перифериал (ёрдамчи) бирликларнинг асосий вазифаси бошқа грамматик категорияларни яшашга хизмат қилиб, ҳолат, аниқлик (ноаниқлик) каби маъноларни қўшимча ифодалашидан иборат.

Ҳолат категорияси инглиз тилида маълум шахс ёки предметнинг физик ёки психик ҳолатини ифодалайди, унинг махсус се-

мантик ва формал белгилари бор. Ҳолат категориясини ифода-ловчи сўзлар а — префикси ёрдамида ясалди. Масалан: alive, afraid, afoot, asleep, awake, alight, ablaze, ahead ва бошқалар. Улар турли лексик ва грамматик усуллардан фойдаланиб ўзбек тилига таржима қилинади. Масалан: He came afoot — у п и ё д а келди; The water is **aboil** — сув қ а й н а я п т и, Bill was **ashamed**.

— Билл уялди; The fish is **alive** — Балиқ т и р и к; The house is **afire** — Уйга ў т тушди. The door is **ajar** — Эшик қ и я о ч и қ ва бошқалар.

Предлоглар ҳам ўзбек тилида бўлмагани учун улардан англашилган лексик маънолар ўзбек тилида турли йўллар билан ифода этилади. Инглиз тилидаги предлоглар ўзбек тилида: а) келишиқ қўшимчалари, б) кўмакчилар, в) боғловчилар, г) равишлар, д) модал сўзлар, е) маълум сўз ясовчи аффикслар ёрдамида баён этилади.

Юқорида айтганларимизнинг далили сифатида энг кўп қўлланиладиган предлогли бирикмалардан намуналар келтирамиз:

- about:** to have smth. about — (пул, ҳужжат кабиларни) ўзи
to be about to go билан (ёнида) олиб юрмоқ
— кетмоқчи бўлмоқ, кетишга тайёрланмоқ
about ten o'clock — соат ўнларда, соат ўнларга яқин
above: above all — асосан
It is above him — буни у тушунмайди, унинг ақли бовар қилмайди
across: to come across — учратмоқ (нотаниш сўзларни)
to get across тасодифан учратмоқ
after: day after day — кундан-кунга
after the latest fashion — охириги модага мувофиқ
to take after one's father — отасига ўхшамоқ
to look after smb. — бировга қарамоқ, боқмоқ
to ask after smb. — бировни (ҳақида) сўрамоқ
after all — натижада, охири
What is he after? — Унга нима керак? (У нима демоқчи?)
against: against the end of the month — ойнинг охирида
against one's will — хоҳишга қарши, истамасдан
— қийинчиликка учрамоқ
to be up against (it) — ўз вақтида тугатмоқ
to work against time — аллақачон
ago: along ago — яқинда, тунов куни
not long ago — яқиндагина, бирпас туриб, эң-дигина
a while ago

- б) феълда: ride — rode бормоқ — борди
sing — sang ашула айтмоқ — ашула айтди
steal — stole ўғирламоқ — ўғирлади
take — took олмоқ — олди

Сўз формаларини ясашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган турлари тарихий восита бўлиб, ҳозирги пайтда ўз маҳсулдорлигини бирмунча йўқотган. Бу гуруҳга кирувчи ҳамма сўзлар соф герман тилларига хос сўзлардир.

От ўзагидаги унлининг ўзгаришига сабаб, унлининг умлаут (немисча: **um** — атрофида, атрофини, — **laut** товуш сўзидан олинган бўлиб, ёндош бўғинлардаги унлиларнинг бир-бирини ўзгартиришидир) таъсирида ўзгаришидир. Негиздаги — **i(o)** унлилари таъсирида ўзакдаги унлиларнинг ўзгариши умлаут дейилади.

Феъллардаги унлиларнинг ўзгариши эса тарихий аблаут таъсирида рўй берган. Аблаут турли хил феъл формаларида ўзакдаги унлининг муфассал ўзгариб боришидир. Қадимги инглиз тилида шу тарзда ўзгарувчи кучли феъллардан фақат айримларигина сақланиб қолган.

Бу ҳодиса одатда грамматиканинг морфология қисмида ўрганилса-да, асосан морфонологик ўзгаришга мисол бўла олади, чунки фонологик ўзгариш билан морфологик парадигма бирига боғлиқ.

2. Ички флексия сўз ўзагидаги ундошларнинг қуйидагича ўзгариши билан амалга оширилади.

а) феълда:

- bend — bent эгилмоқ — эгилди
build — built қурмоқ — қурди
make — made бажармоқ — бажарди

б) олмошда:

- (my) self — (our) selves
(him) self — (them) selves

в) отда ва сонда ўзакдаги суффикслар олдида келган ундош ўзгаради:

- leaf — leaves барг — барглар
half — halves яримта — яримталар
thief — thieves ўғри — ўғрилар
five — fifth беш — бешинчи

Бир вақтнинг ўзида сўздаги унли ҳам, ундош ҳам ўзгариши мумкин:

bring — brought	келтирмоқ — келтирди
hear — heard	эшитмоқ — эшитди
leave — left	ташлаб кетмоқ — ташлаб кетди
this — these	бу — булар
that — those	у — улар

Инглиз тилида сўз формаларини яшашнинг яна бир тури — синтетик сўз яшашга ўхшаш мустақил усул бўлиб, уни *супплетив* (suppletive)¹ усул дейилади.

Супплетив формалар сўзларнинг супплетив парадигмаларини² ташкил қилади. Умумий лексик маънони сақлаган ҳолда компонентлари³ ҳар хил ўзакдан ясалган парадигмалар *супплетив парадигмалар* дейилади.

Супплетив усул орқали сўз формаларини яшаш деярли ҳамма ҳинд-европа тиллари учун хос. Инглиз тилида супплетивизм иккига бўлинади: а) фақат инглиз тилига хос супплетив компонентлар:

— he — they
— go — went

б) турли тилларга хос, яъни формаларнинг айримлари бошқа тилдан олинган супплетив компонентлар.

Кейинги мисолдаги they (улар) олмоши инглиз тилига қадимги исланд тилидан кирган.

Инглиз тилида ҳар хил сўз туркумларига хос бўлган супплетив формаларга қуйидагилар мисол бўла олади:

be — am — is — was — were	бўлмоқ феълидан
go — went	бормоқ — борди бормоқ феълидан
good — better	яхши — яхшироқ
I — me — we — us	мен — мени, биз — бизни
he — they — them	у — улар — уларни
two — second	икки — иккинчи.

Ҳозирги кунда супплетив формалар ёрдамида феъл шакллари яшаш унчали кенг тарқалган эмас.

Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг қўшилишидан ясалган форма *аналитик форма* дейилади. Битта грамматик категорияни ифодаловчи аналитик форма камида икки компонентдан иборат бўлиб, улардан биринчиси кўмакчи сўз вазифасини ўтаса, иккинчиси ўзининг лексик маъносини тўла сақлаб қолади. Масалан, ҳозирги инглиз тилидаги феълларнинг аналитик формалар таркибидаги кўмакчи феъллар перфект, аспект, нисбат ва замон каби грамматик категорияларни ифодалайди.

¹ Супплетив латинча suppleo, suppletum (sup plementum plve) «тўлдирмақ», «таъминламоқ».

² Парадигма (инг. paradigm [pæɹəˈdaɪm] юнонча paradigma (paradigma < para ташқари, чет deiknisi кўрсатмоқ) «мисол, намуна» демакдир.

³ Компонент (component) латинча componere сўздан олинган бўлиб, бу ерда бирга ёки қарама-қарши қўйилган формани билдиради. Латинча com «бирга» роπεре «қўймоқ» ent суффикс.

	Синтетик форма						
	Умлаут	Аблаут	Аффиксация			Ички флексия	Супплетивизм
			Префикс	Суффикс	Инфикс		
Инглиз тили	+	+	—	+	+	+	+
Ўзбек тили	—	—	—	+	—	—	+

Аналитик формаларнинг сўз бирикмаларидан асосий фарқи шундаки, аналитик формалар таркибидаги кўмакчи компонентлар лексик маънони англамайди. Сўз бирикмаларини ташкил қилувчи конструкцияларнинг иштирокчилари эса ўз лексик маъноларини сақлаб қолган. Инглиз тилидаги мавжуд аналитик формалар ҳам тарихий сўз бирикмалардан бўлиб, биринчи компонентларининг умумлаштирувчи лексик маъноси бор. Бироқ улар кейинчалик секин-аста лексик маъноларини йўқота борган. Агар кўрсатиб ўтилган аналитик формадаги кўмакчи феъллар лексик маъноларини йўқотмаганида, уларни морфологик форма дея олмас эдик.

Аналитик формалар морфологик форма бўлганлиги сабабли морфологиянинг объектидир. Сўз бирикмалари эса синтаксиснинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Аналитик формалар ҳам сўзларнинг морфологик парадигмалари бўлиб, синтетик формалар билан оппозицияга киради. Масалан:

he comes — he is coming
he comes — he has come
he comes — he will come
he wrote a letter — the letter was written by him.

«Аналитик форма ясашиши — аффиксиз ифода этилган парадигматик бирликдир», деб ёзади А. С. Чикобава¹.

Структураси жиҳатдан аналитик формалар сўз бирикмаларига яқин туради². Улар грамматиканинг турли босқичларига

¹ А. С. Чикобава О некоторых процессах трансформации аналитических образований в синтетические (по данным иберийско — кавказских языков). Сб. Аналитические конструкции в языках различных типов, Из-во «Наука» 1965, стр. 253.

² Аналитик формаларнинг синтактик сўз бирикмаларга яқинлиги асосан қуйидагилардан иборат: а) мустақил сўзлар каби ўз шаклларни турли грамматик категорияларда ўзгартиради, б) лексик маъно англаувчи компонентдан ажралиб туриши мумкин, в) грамматик маънони ифодаловчи сифатида асосий феъллардан икки ёки ундан ортинини аниқлаб келиши мумкин. У асосий феълдан ажралиб келганда унга ургу тушиши мумкин.

мансуб бўлганлиги сабабли бир-бири билан оппозицияга киришмайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги инглиз тилида синтетик форма ясовчи суффикслар жуда кам. Аммо аналитик формалар ва ёрдамчи сўзлар воситасида сўзларни грамматик алоқага киритиш авж олган. Бунинг асосий сабаби қадимги инглиз тилида мавжуд бўлган сўз формаларининг кўпи сўз формаси ясовчи суффиксларнинг урғу олманлиги сабабли редукцияга учрагани, улар ўрнини ёрдамчи сўзлар ва аналитик формалар эгаллаганлигидадир. Аналитик формаларнинг айримлари қадимги инглиз тилида бўлмаган грамматик категорияларни, масалан, феълларнинг келаси замон перфект ва давомди аспект формаларини ифодалаб келиши ҳам мумкин.

Ҳозирги инглиз тилида синтетик форманинг яхши ривожланмаганлиги ва аксинча аналитик формаларнинг кенг тарқалганлиги сабабли инглиз тилини *асосан* аналитик структурали (*mainly analytical*) тил деймиз.

Ўзбек тилида ҳам аналитик формаларнинг кўмакчи қисми ўзининг лексик маъносини йўқотиб, фақат турли грамматик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан: *Қодир китобни ўқиб бўлди*, гапида *ўқиб бўлди* аналитик форма бўлиб, ундаги етакчи феъл ўзининг лексик маъносини сақлаб қоляпти, кўмакчи феъл эса замон, шахс, нисбат, сон, майл каби грамматик категорияларни ифодалаб келяпти.

Ўқиб бўлди { шахс-(3-нчи шахс)
сон-(бирлик)
нисбат-(аниқ нисбат)
замон-(ўтган замон)
майл-(аниқлик майли)
аспект-(ноаниқ аспект)

Синтетиклик ва аналитиклик нуқтаи назардан инглиз ва ўзбек тиллари системасида жуда баҳсли масалалар кўп. Масалан, ҳар икки тилда қатор бирикмалар борки, уларнинг маъноси ва функцияси аналитик формаларнинг маъно ва структураларига яқин бўлса-да, тилшуносликда уларнинг аналитик формалиги эътироф этилганича йўқ. Аналитик ва синтетик қурилишнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, улар турлича характерланади¹.

Аналитик ва синтетик форма деганда шуни айтиб ўтиш керакки, агглютинатив тиллар умуман аналитик тилларга киритилади, чунки уларда ички флексия сўз ўзагида мунтазам ўзгармайди, фонема фақат фонетик шароитда ўзгаради, аффикслар асосан бир функцияли бўлиб сўз негизига тўғридан-тўғри фузиясиз (махсус ўзгаришларсиз) қўшилади.

Тилдаги объектив борлиқни ифода этувчи лексик бирлик ёки лексема асосида ясалиб, ҳар бир грамматик формадан англашилган маъно

сўзларнинг грамматик маъноси дейилади. Сўзларнинг формал грамматик маъноси мустақил бўлмай, асосан сўзлардаги формал элементлар (формантлар), аналитик формалар, ички флексия ва шунга ўхшаш воситалар орқали ифода этилади, масалан:

Our hands have met, but not our hearts.
Our hands will never meet again (Th. Hood).

Юқоридаги мисолларда *-s* суффикси *hand* ва *heart* сўзларига қўшилиб, грамматик кўплик маънони ифодалаб келса, *have met* аналитик формаси перфект (туғалланганлик) ни кўрсатади. Аналитик форма *will meet* эса келаси замон маъносини англадиб келяпти.

Zoey glanced up at her (G. D. Salinger) *Зуи унга (қизига) зимдан тикилиб қаради* — гапида грамматик маъно ўтган замон *-d* суффикси билан, сўзларнинг бир-бири билан алоқаси *at* предлоги орқали ифодаланган.

Маълум лингвистик категорияни ифодалашнинг асосий усули фақат морфологик усул билан чегараланмайди. Грамматик категориянинг традицион грамматикаларда қабул қилинган бундай усул турли тилларни қиёслаш учун қониқарли бўлмаганлиги сабабли, қиёсий типологияда қўллаш мумкин бўлган махсус категориялар ҳақида гап юритамиз.

Сўзларнинг синтетик ва аналитик формаларини яшашда аналогия қонунидан фойдаланилади.

Мавжуд намуналарга асосланиб, сўз, сўз формалари, конструкция ва бошқа моделлар яратиш *аналогия* дейилади. Сўзларнинг парадигматика ва синтагматикаси маълум аналогик қонулар асосида ясалади. Аналогия асосида феъллар тусланади, отлар турланади, гап ва конструкция ясалади. Инглиз тилида *N+s*, ўзбек тилида *N+лар* модели воситасида отларнинг янги формаларини яшашда морфологик аналогиядан фойдаланилади. Масалан:

flat — flats	negro — negroes
room — rooms	window — windows
girl — girls	
бола — болалар	бургут — бургутлар
дала — далалар	қир — қирлар

Тилда умумий қоидалардан ташқари баъзи мустаснолар ҳам учраб туради. Бунда сўзлашувчи аналогиянинг янги турини билмаганлиги учун бошқа аналогиядан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда *сохта* аналогия содир бўлади. Масалан, инглиз тилида *wife*, *half* каби сўзларга *-s* суффикси қўшилишидан олдин сўз охиридаги ундош фонеморфологик жиҳатдан ўзгаради. Бу қондани билмай, қўшимча қўшилса *wife* — сўздан *wives* формаси ясалади. Аслида эса *wives* бўлиши керак.

Ўзбек тилида ҳам шахс қўшимчаларини ишлатишда маълум даражада *сохта* аналогияга йўл қўйиш ҳоллари учрайди. Маса-

¹ П. К. Ваараск. Аналитический и синтетический строй языка. Таллин, 1961.

лан, -и суффиксини қўшишдан олдин (к) товуши — (г) товушига айланади.

Тўғри аналогия

этак — этагим
тилак — тилагим
билак — билагим

Сохта аналогия

лак — лаги (лаки бўлиш керак)
ток — тоги (токи бўлиш керак)
нок — ноги (ноки бўлиш керак)

Аналогиянинг бу икки турига ҳар иккала тилда ҳам жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Грамматик категорияларнинг инглиз ва ўзбек тилларида ифода этилиши

	От		Сифат		Олмош		Сон		Феъл		Равиш	
	Инг	Ўзб	Инг	Ўзб	Инг	Ўзб	Инг	Ўзб	Инг	Ўзб	Инг	Ўзб
Шахс	-	-	-	-	+	+	-	-	+	+	-	-
Келишик	+	+	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-
Сон	+	+	-	-	+	+	-	-	+	+	-	-
Замон	-	-	-	-	-	-	-	-	+	+	-	-
Род	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-
Нисбат	-	-	-	-	-	-	-	-	+	+	-	-
Аспект	-	-	-	-	-	-	-	-	+	+	-	-
Майл	-	-	-	-	+	-	-	-	+	+	-	-
Перфект	-	-	-	-	+	-	-	-	+	-	-	-
Даража	-	-	+	+	+	-	-	-	-	-	+	+
Эгалик	-	+	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-
Аниқлик-Ноаниқлик	+	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-

ТИПОЛОГИК КАТЕГОРИЯЛАР

(Typological Categories)

Тилларнинг грамматик системаси маълум грамматик категориялар ёрдамида ўрганилади. Типология мустақил фан бўлиб, тиллар системаларини таҳлил қилишда, махсус категориал бирликларни аниқлашда ва шу категорияларни ўрганишда лингвистик ўлчов бирликларидан фойдаланади.

Шу пайтгача конкрет тилларнинг грамматик системасини тадқиқ қилишда қўлланилаётган, грамматик категориялар тушунчаси типологик тадқиқот учун етарли эмас. Шу сабабдан ҳам, тилшуносликда тилнинг турли яруслари бирликлари иштирокида ифодаланувчи категориялар яратиш кўп тилшуносларни қизиқтириб келмоқда. Қиёсий типология мустақил фан сифатида ажралиб чиққан бир пайтда, бу масала энг муҳим проблемага айланиб қолди.

Тилшуносликда турли олимлар томонидан тавсия қилинган категориал тушунчаларнинг энг асосийлари қуйидагилардир: 1) тушунча категорияси, 2) функционал-семантик категория, 3) грамматик-лексик майдон ва бошқалар. Бу методларнинг ҳаммаси ҳам маълум лингвистик тушунчани бир ёки бир неча тил системасида ифода этишда лексик ва грамматик ярусларни бирга қўшиб ўрганиш принципини тавсия этади.

Тушунча категориясининг пайдо бўлиши совет тилшуноси И. И. Мешчанинов ва даниялик олим О. Есперсенларнинг номлари билан боғлиқдир. Қиёсий типологияда тушунча категорияси алоҳида ўрин тутаяди. Тушунча категорияси реал ёки логик категориянинг маълум лексик, морфологик ёки синтактик яруслар воситасида ифодаланишидир. Тушунча турли тилларда турлича ифодаланади. Баъзи тилларда у маълум грамматик формал воситалар иштирокида ифодаланиб, грамматик тушунчани англатиши, баъзиларда эса махсус формал белгилар бўлмаганлиги сабабли грамматик тушунча англатмаслиги мумкин. И. И. Мешчанинов бу ҳақда шундай деб ёзди: «Инсон онгидаги ҳар қандай тушунча тил воситалари орқали ифода этилиши мумкин. Тушунча тасвирий йўл билан англатилиши, айрим сўз семантикаси орқали ифода этилиши, ўзининг ифодаланишида маълум система яратиши мумкин. Система яратишда тушунча категорияси албатта иштирок этади»¹. И. И. Мешчаниновнинг тушунча категорияси махсус грамматик форма билан ифодалангандагина грамматик тушунча категорияси бўла олади.

Бирор тушунча категориясининг тилда ифодаланувчи формасини топишнинг турли тил системаларини қиёслашда катта

¹ И. И. Мешчанинов. Понятийные категории языка. Труды военного института иностранных языков, № 1, М., 1945, стр. 15

амалий аҳамияти бор. Тушунча категорияси логик категория билан лингвистик категориянинг таққосланишига асосланган.

Тушунча категорияси деганда, Отто Есперсен мавжуд тиллардаги тасодифий далилларга боғлиқ бўлмаган тилдан ташқаридаги тушунчаларни назарда тутати¹. У грамматикага оид (яъни махсус формаси) бўлмаган «универсал» категорияларни ифодаладиган тил воситаларини эътиборга олмайди.

О. Есперсен тушунча категорияларини барча тилларда қўллаш мумкин бўлган универсалия деб ҳисоблаб, грамматик форманинг ифода этилишида грамматик роднинг реал жинсга мос келмаслигини таъкидлайди.

О. Есперсеннинг тушунча категориясида аниқлик йўқ. Бир жойда у тушунча ва грамматик категориялар бир-бирдан тубдан фарқ қилади деб ёзса, иккинчи жойда у улар ўртасида уйғунлик бор деб ёзади. Умуман О. Есперсеннинг тушунча категорияси логик ва грамматик категориялар ўртасидаги муносабатни аниқлаш жараёнида пайдо бўлган. Масалан, грамматик род ва реал жинс категориялари ўртасидаги алоқани О. Есперсен қуйидагича кўрсатади:

Грамматик род	Реал воқелик жинс
(синтактик категория)	(тушунча категорияси)
1) мужской род } сўз	1) эркак жинси } мавжудот
2) женский род }	2) хотин жинси }
3) средний род	3) жинсни ифода этмовчи предметлар

Формал грамматик род билан реал воқеликдаги жинс тушунчалари бир-бирига мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, немисча **Der Soldat**, французча **le soldat солдат** эркак жинсини ва мужской родни, **die Tochter, la fille қиз** сўзлари эса хотин жинсини ва женский родни тенг ифодалайди. Аммо **das Weib** — *аёл* хотин жинсини кўрсатса-да, средний родга тааллуқлидир. Жинс ва род категорияларининг бир-бири билан бу даражада фарқ қилиши О. Есперсени тушунча ва грамматик категориялар ўртасида фарқ бор, дейишга мажбур қилган. Аслида эса грамматик род реал воқеликдаги жинс категорияси билан битта умумий типологик тушунчанинг турли тармоғи ҳисобланиши керак.

Тушунча категорияси ҳали яхши ишланмаган. Уни типологияга татбиқ этиш соҳасида методик ва назарий маълумотлар йўқ.

Тушунча категорияси термини А. В. Бондарко ва Л. Л. Буланнинг фикрича унчалик қулай эмас, чунки у бутунлай тафаккур доирасини кўрсатади ва тил категориясини эмас, балки

¹ О. Есперсен. Философия грамматики. Перевод с английского. М., 1958 стр. 57-58.

мантиқ тушунчасини назарда тутати. Шунинг учун ҳам тушунча категориясини улар «функционал-семантик категорияси» деб аташни тавсия қиладилар.

Функционал-семантик категория
(Functional Semantic Category)

Турли ярус бирликларининг ўзаро бирикиб ҳосил қилган умумий функцияси ва уларнинг ўзаро муносабати асосида ажратилган категория *функционал-семантик категория* бир. Мазмун планида бу категория умумий семантик бирликни ташкил қилса, ифода планида у бир неча яруслар бирликлари билан ифодаланиши мумкин. Масалан, *аспектуаллик*, функционал-семантик категорияси феълларнинг ўзаро оппозициясидан ташқари (вдуть — вдувать, вывинтить — вывинчивать), яна бошқа сўз туркумларига кирувчи сўзлар билан ҳам (иногда, время от времени, долго, всю ночь) ифодаланиши мумкин. Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб, А. В. Бондарко ҳозирги рус тилида темпораллик (темпоральность), модаллик (модальность), персоналлик (персональность), аспектуаллик (аспектуальность), нисбатлик (зологовость) каби функционал-семантик категориялар бор деб таъкидлайди¹.

Функционал-семантик категория ҳам типологик тадқиқотда анча қулай, бироқ у ҳали, биринчидан, яхши мукамаллашмаган бўлса, иккинчидан, типологик қиёслашга мўлжалланган эмас. Маълум тушунчанинг грамматик ва лексик бирликлар воситасида ифодаланишига *грамматик-лексик майдон* дейилади. Бу категорияга биноан бирор умумий маъно бир-бири билан алоқадор бўлган лексик ва грамматик бирликлар воситасида ифодаланади. Масалан, Е. В. Гулига ва Е. И. Шендельс кўрсатишича *кўплик майдон* (поле множественности) ҳозирги немис тилида қуйидагича ифодаланади: 1) отнинг кўплик формаси билан; 2) от билан мослашувчи сифат ва сифатдошнинг формаси билан; 3) эга вазифасида келувчи от (ёки олмош) билан мослашувчи феълнинг тусланувчи формалари билан; 4) сон билан; 5) миқдор олмоши билан; 6) кўплик сондаги кишилик олмоши билан; 7) жамловчи отлар билан².

Грамматик-лексик майдон бошқалардан ўзининг бирмунча мукамаллиги билан фарқ қилади, аммо у ҳам юқорида айтилгандек, бир тил системаси учун хизмат қилади. Кўрсатиб ўтилган категориялардан ташқари турли олимлар томонидан тавсия этилган, яна бир қанча методлар бор.

Француз тилшуносларидан Ф. Брюно, Ш. Баллилар ўз асарларида тилнинг маълум умумлашган логик категорияларини

¹ А. В. Бондарко, Л. Л. Буланн. Русский глагол. Ленинград 1967, А. В. Бондарко. Грамматическая категория и контекст. Ленинград, 1971.

² Е. В. Гулыга, Е. И. Шендельс. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М., 1969, стр. 19.

ўрганиш билан шуғулланиш ва у категорияларни баён этиш усулларини излаш кераклигини таъкидлайди¹. Л. В. Шчерба томонидан тавсия этилган актив ва пассив синтаксис масаласи ҳам шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда тилшуносликда аниқроғи генератив грамматикада, пайдо бўлган *ички ва юзаки структура* тушунчаси ҳам худди шу типологик категорияни ажратиш проблемаси билан боғлиқдир. Бунинг сабаби ички структура номини олган абстракт структуранинг мазмун планида грамматиканинг семантик компоненти билан релевант бўла олиши ва ифода планида турли трансформацион вариантларни бириктира олишидадир. Ифода планида юзаки структуранинг бир қанча вариантлари бўлиб, у вариантлар синонимияси асосида тиллараро типологик эквивалентликни тиклаш мумкин. Аммо бу метод ҳали таксо-миллашгани йўқ, ҳозиргача у бир тил системасигагина татбиқ қилинган, холос. Бу методнинг бошқаларидан афзаллиги шундаки, юзаки структурада ички структура бирлигининг формаллаштирилган трансформацион вариантини топиш мумкин.

Тилдаги маълум категорияни морфологик, лексик ва синтактик яруслар бирлиги иштирокида ўрганиш масаласи типологик қиёсий метод учун жуда зарур масалаларидан бири ҳисобланади.

Қиёсий типологик грамматикада қиёсланаётган тиллар системасини таҳлил қилиш учун универсал категориялар ажратилиши керак. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, ажратилган категориянинг ифода планидаги бирликлари грамматиканинг фақат морфологик яруси билан чекланмаслиги керак. Барча ярусларда ифодаланишнинг ҳамма воситалари аниқланмагунча қиёслаш тўла қийматга эга бўлмайди. Турли ярусда ифодаланидиган элементлар ўзаро боғлиқлигини алоҳида уқтириб ўтиш лозим. Масалан, ҳозирги инглиз тилида, бирор морфологик категориал ҳодисани синтактик ярус билан боғламай таҳлил қилиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир форма синтактик ярусда қўлланганида ўз аксини топади. Ҳозирги инглиз тили флексияга муҳтож. Флексияга муҳтожлик нисбат формасида яққол акс этади. Масалан, инглиз тилидаги баъзи нисбат маъноларини англатишда ё сўз тартиби, ё бошқа синтактик бирикмалардан фойдаланилади. Бинобарин, морфологик ва синтактик ярусларга мурожаат қилмасдан инглиз тилида нисбат категориясини баён этиб бўлмайди. Демак, ҳар бир сўзнинг морфологик хусусияти фақат синтактик ярусда аниқланади. Бу парадигматика ва синтагматиканинг ўзаро алоқада эканлигидан ва бир-бирига боғлиқлигидан дарак беради. Нутқда бир ярусни иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Бинобарин лексик ва морфологик яруслар фонологик ярусиз,

синтактик ярус фонологик, морфологик ва лексик ярусларсиз мавжуд бўлмайди, яъни қуйи ярус бўлмаса, юқори ярус ҳам бўлмайди.

Бирор категорияни ифодалашда тилда махсус морфемалар, сўзлар ёки конструкцияларнинг бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда улар қўшимча вазифа бажарадиган бошқа морфема, сўз ёки конструкциялар билан ифодаланади. Чунончи, ҳозирги инглиз тилида аниқлик ва ноаниқлик категорияси аниқ ва ноаниқ артикль иштирокида ифода этилади. Ундан ташқари инглиз тилидаги мазкур категорияларни билдиришда кўрсатиш, белгилаш, гумон олмошлари ва саноқ сонлари, маълум конструкциялар ва бошқа талай усуллар иштирок этиши мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида аниқлик-ноаниқлик махсус маркерлар воситасида ифодаланмайди. Бу тилда ифода планининг энг ранг-баранг турларидан фойдаланилади. Масалан, аниқлик, кўрсатиш ва белгилаш олмоши иштирокида, шунингдек, тушум келишигининг белгиланган формалари иштирокида ифодаланиши мумкин. Ноаниқлик эса саноқ сон, гумон олмошлари ва бошқа воситалар иштирокида ифода этилади. Барча тилларда, жумладан ўзбек тилида, мазкур категория ифодаланишининг баён этиш усули ана шундайдир.

Бунга яна модаллик категорияси ва ҳоказо категорияларни киритиш мумкин. Ифодаланишнинг барча формаларини аниқламай тил системаларини инвентаризация қилиш мумкин эмас. Типологик қиёслашнинг биринчи босқичи бўлган инвентаризациясиз типологик тадқиқотни ўтказиш, бинобарин, тилдаги мувофиқликларни аниқлаш мумкин бўлмайди.

Икки ва ундан ортиқ тилларни қиёслашда типологик категориялардан фойдаланамиз. Типологик категория типологик маъно ва типологик формалар билан ифода этилади.

Типологик маъно типологик категориянинг мазмун планини ташкил қилади. Типологик маъно — бу морфологик, лексик ва синтактик бирикларнинг ўзаро муносабати натижасида ҳосил қилинган умумий абстракт лингвистик маънодир. Типологик маъно турли ярусли бўлиб, уни ифода этишда тилнинг турли яруслари бевосита иштирок этади. У икки ёки бир неча тиллар системаси асосида тузилади. Типологик маъно грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади ва ўрганилаётган тиллар системалари учун умумий маъно ҳисобланади.

Типологик форма типологик маънони ифодаловчи қиёсланаётган тилларнинг турли ярус бирикларидир. Типологик форманинг инвариантлари турлича бўлиб, улар морфологик, лексик ва синтактик бириклар билан ифодаланади. Типологик формани ифодаловчи воситалар морфологик ярусда сегмент ва супрасегмент морфемалардан, лексик ярусда сўз ясовчи аффикслардан ва мустақил лексик бириклардан, синтактик ярусда эса сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

¹ F. Brunot. La pensée et la langue. Paris, 1965. Ш. Балли. Французская стилистика. М., 1961.

Типологик форманинг традицион грамматик формадан фарқи шундаки, грамматик форма фақат морфологик ярус бирлиги билан чегараланиб қўйилган.

Типологик формани шартли равишда «форма» деб атаймиз. Чунки синтактик ярусда у форма эмас, балки бутун бир конструкциядир.

Типологик форма конститuentлари бир-бири билан турли дистрибутив алоқада бўлади.

Бу формаларнинг белгиланиши турли тилларда турли хил бўлади. Баъзи тилларда уларнинг морфологик маркери ёки доминантаси (белгиловчи элемент), бошқа тилларда эса синтактик доминантаси яхши ривожланган бўлади.

Инглиз ва ўзбек тилларида намуна сифатида қуйидаги типологик категорияларни кўрсатиш мумкин:

- 1) типологик кўплик ёки плураллик категорияси,
- 2) типологик род категорияси,
- 3) замон ёки темпораллик категорияси,
- 4) модаллик категорияси,
- 5) нисбат ёки нисбатлик категорияси,
- 6) аспектваллик категорияси,
- 7) компаративлик ёки қиёслаш категорияси,
- 8) аниқлик ва ноаниқлик категорияси ва бошқалар.

Нечта типологик категория борлиги ҳозиргача тўла аниқлангани йўқ. Уларга яна бир қанча умумтипологик категорияларни ҳам қўшиш мумкин.

Хар бир ярусдаги типологик форма учун унинг асосий маркери бўлади. Бундай маркерлар турли ярусларда турлича ифодаланади. Морфологик ва лексик ярусларда типологик форманинг маркери вазифасини морфема бажаради.

Морфема (morpheme) — тилдаги энг кичик маънони англатувчи қисм ёки ўзаро қўшимча дистрибуцияда турувчи ва бир хил маънога эга бўлган алломорфлар йиғиндисидир. Морфемалар тилдаги энг кичик бирлик бўлганлиги сабабли улар бошқа маъно англатувчи бўлақларга бўлинмайди. Морфемалар сўз ясашдаги ролига кўра туб ёки ўзак морфемалар (root morpheme) ва аффиксал морфемалар (affixial morpheme) га бўлинади.

Туб морфемалар асосан бир ўзакли сўзлардан иборат бўлганлиги сабабли кўпинча улар сўз морфемалар (word morpheme) деб ҳам аталади. Масалан: **man** — одам, **horse** — от, **come** — келмоқ, **red** — қизил, **he** — у, **five** — беш ва бошқалар.

Аффиксал морфемалар асосан категориал маънога эга бўлиб, ўз навбатида иккига бўлинади: а) сўз ясовчи аффиксал морфемалар (functional (inflectional) morphemes); б) шакл ясовчи аффиксал морфемалар (derivational affixial morphemes).

Сўз ясовчи аффиксал морфемалар бошқа ўзак ёки сўзлардан янги лингвистик бирлик (янги сўз) ясаш учун хизмат қилади.

Сўзларнинг олдига, охирига ёки ўртасига қўшилишига кўра аффикслар префикс (prefix), суффикс (suffix) ва инфиксларга (infix) бўлинади. Ҳозирги инглиз тилида илгарилари бор бўлган инфикслар сўз негизининг соддалашиши натижасида кейинчалик ўзакларга бирлашиб кетган. Сўз ясовчи аффиксал морфемаларга мисол қилиб қуйидаги префикс ва суффиксларни келтириш мумкин: **for** — forgive, **forbid** — тақиқламоқ, **mis** — misunderstand — нотўғри тушунмоқ, **unhappy** — бахтсиз, **inter** — inter-course алоқа қилиш, муносабатда бўлиш, **re** — rewrite — қайта ёзма, **er** writer — ёзувчи, **dom** freedom — озодлик, **hood** boyhood — болалик, **ness** goodness — яхшилиқ, **ship** friendship дўстлик, **ic** public — оммавий, **less** useless — фойдасиз — **ish** reddish — қизғиш ва бошқалар.

Юқориди кўрсатиб ўтилган префикс ва суффикслар сўз ясовчи морфемалар бўлиб, уларнинг қўшилиши билан сўз структураси ўзгаради ва натижада янги сўзлар ясалади.

Префикс ва суффикслар ҳам грамматик яруснинг, ҳам лексик яруснинг маркерлари сифатида ишлатилади.

Шакл ясовчи аффиксал морфемалар одатда маълум грамматик категория билан боғлиқ бўлади. Масалан: **s** [s, z, iz] морфемаси отларда кўплик категориясини, апостроф билан ишлатилса, келишик категориясини билдиради. Феълларда эса бу морфема учинчи шахс билдикни, яъни шахс ва сон категориясини ясаш учун ишлатилади: **worker** — ишчи, **workers** — ишчилар, **boy** — бола, **boy's** — боланинг, **to read** — ўқимоқ **he reads** — у ўқийди; **ed** [t, d, id] морфемаси замон категориясини ясаш учун ишлатилади: **to work** — ишламоқ, **worked** — ишлади ва бошқалар.

Тилшуносликда сўз ясовчи морфемаларни лексик морфемалар деб, шахс ясовчи морфемаларни эса грамматик морфемалар деб ҳам юритилади, чунки янги сўзлар ясаш кўпроқ лексикологияга¹ тааллуқли бўлса, сўз формаларини ясаш грамматиканинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Морфемалар морфлардан, улар эса ўз навбатида алломорфлардан ташкил топиши мумкин.

Морф (morph)² морфеманинг алоҳида-алоҳида олинган конкрет ҳолати бўлиб, у фонемаларнинг қўшилишидан ташкил топган энг кичик маъно англатувчи бўлақдир. Морфларни бошқа маъноли қисмларга бўлиш мумкин эмас. Масалан: **worker** ишчи сўзида иккита морф бўлиб, уларни яна бошқа маъно англатувчи бўлақларга бўлиш мумкин эмас.

Морфемани ифода этишда бир неча идентик³ морфлар иштирок этиши мумкин.

¹ Лексикология юнонча lexis «сўз» «сўзга, оид», logos «ўрганиш, билим», «сўз». Умуман сўз ҳақидаги билим.

² Морф юнонча morphē «форма, шакл» демакдир,

³ Идентик латинча identicus, idem «ўшандай демакдир, бир хил, ўхшаш».

Морфеманинг махсус қўшимча дистрибуцияда (complementary distribution)¹ келувчи фонемик ва семантик позицион вариантлари алломорфлар² дейилади.

Агар морфеманинг вариантлашувига фонетик боғлиқлик сабаб бўлса, бу морфемани фонемик чегараланган (phonetically conditioned) алломорфлар дейилади³. Масалан, *in-* префикси ўзи қўшилган сўзларнинг бошланғич товушларига боғланган ҳолда *il-, in-, ir-, en-, em-* бўлиб, шаклланиб кетиши мумкин (*invade, illusion, immerse, irruption, entitle, embrace*).

Битта морфеманинг вариантлари бўлмиш [t, d, id] алломорфлари ҳам фонемик чегараланган бўлади, масалан: *to work — worked [t], to clean — cleaned [d], to study — studied [id]*.

Отларнинг кўплик формасини ясовчи морфема ҳам уч хил [s, z, iz] фонемик чегараланган алломорф ёрдамида ифода этилиши мумкин. Масалан, *bird — birds[z], rat — rats[s], language — languages [iz]*.

Агар морфеманинг вариантлари фонетик боғлиқ бўлмаса, уларни морфемик чегараланган (morphemically conditioned) алломорфлар деймиз. Масалан, отларнинг кўплик формаси фақатгина *-(e) s* суффикси ёрдамидагина эмас, балки бошқа йўллар билан ҳам ясалиши мумкин:

ox — oxen	буқа — буқалар
child — children	бола — болалар
man — men	эркак — эркаклар
mouse — mice	сичқон — сичқонлар
antenna — antennae [i]	антенна — антенналар
phenomenon — phenomena	табиат ҳодисаси — ҳодисалар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мисолларда кўплик формаларининг ясалиши суффиксларнинг фонетик ўрнига мутлақо боғлиқ эмас. Шунга ўхшаш мисолларни феъллардан ҳам келтирамиз. Қуйидаги феълларнинг ўтган замон формалари *-ed* суффикси қўшилишидан бошқа йўллар билан ҳам ясалиши мумкин:

come — came	келмоқ — келди
lead [li:d] — lead [led]	бошламоқ — бошлади
drink — drank	ичмоқ — ичди
write — wrote	ёзмоқ — ёзди
find — found	топмоқ — топди
bear — bore	чидамоқ — чидади
cut — cut	кесмоқ — кесди ва бошқалар ⁴ .

¹ Дистрибуция латинча *distributio, distributionem (dis) tribuere* (tribut белгиламоқ, тақсимламоқ) белгилаш, бўлиш, тақсимлаш.

² Алломорф юнонча *allos* бошқа, ўзга *morph* шакл.

³ Инглиз тилида *phonemic conditioned* (русча фонематический обусловленный) терминини биз фонемик чегараланган деб шартли равишда таржима қилдик. Чунки бу термин ўзбек тилшунослигига ҳали тўла кириб келгани йўқ.

⁴ Мисолларнинг айримлари Н. А. Глосоннинг китобидан олинди, N. A. Gleason, An Introduction to Descriptive Linguistics, New York 1961, pp. 102—103.

Бу феълларда ўтган замон морфемаси бир неча алломорфлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзaro морфемик чегаралангандир. Туб морфемалар асосан бир ўзакдан ясалган сўзлардан иборат бўлиб, уларга қўшилувчи аффиксал морфемаларга қарам бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун туб морфемалар эркин (free) морфемалар дейилади. Масалан: *boy* — бола, *work* — иш, *six* — олти, *hand* — қўл, *house* — уй сўзлари мустақил морфемалар бўлиб, алоҳида келганда ҳам, бошқа сўзлар билан биргаликда ишлатилганда ҳам эркин қўлланилиши мумкин. Суффикслар ёрдамида булардан ясама сўзлар ясалса, бошқа сўзларга қўшилиб, қўшма сўзларнинг компонентлари сифатида ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан: *boyish* — болаларча, болаларга хос, *worker* — ишчи, *sixth* — олтинчи, *handless* — қўлсиз, *houseful* — бир уй, уй тўла, *house work* — уй, рўзгор юмуши, *sixfold* — олти марта, олтиталаб. Шу мисолларда берилган ясама сўзлардаги *-ish, -er, -th, -less, -full* суффикслари мустақил равишда ишлатилмайди. Уларнинг ишлатилиши туб морфемаларга доим боғлиқ бўлади. Шу сабабли аффиксал морфемалар боғлиқ морфемалар (*bound morphemes*) дейилади. Боғлиқ морфемалар ва алломорфларга шакл ясовчи аффиксал морфемалар ҳам киритилади, чунки улар категориялар формативлар бўлиб, маълум грамматик категориялар ясашда туб, ясама ёки қўшма негизларга қўшилиб келади. Масалан: *boy* — *boys* бола — болалар, *writer* — *writers* ёзувчи — ёзувчилар, *field-officer*, — *field-officer's* штаб офицери, штаб офицерларининг ва бошқалар.

Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, мустақил сўзлардан ташкил топган туб морфемалар аффиксал морфемалар қўшилиши натижасида турли алломорфларга эга бўлиши мумкин. Туб морфемадаги айрим алломорфларнинг формаси суффикслар қўшилиши натижасида ўзгариб, боғлиқ формаларга (*bound form*) айланиб қолишлари ҳам мумкин. Масалан: *knife* — пичоқ, кўпликда *knives* — пичоқлар, *calf* — бузоқ, кўпликда *calves* — бузоқлар, *house* — уй, кўпликда *houses* [hauziz] — уйлар ва шу кабилар.

Бу мисоллардаги бирлик ёки бошланғич формалар бошқа сўзлар таркибида ҳам эркин форма сифатида ишлатилиши мумкин. Масалан, *knife* — пичоқ, *knife-board* — пичоқ тозалайдиган тахтача, *knife-edge* — пичоқнинг тиғи ва бошқалар.

Сўз структураси билан алоқасига кўра морфемалар сўзнинг лексик структурасини ўзгартирувчи, сўзнинг лексик структурасини ўзгартирмайдиган морфемаларга бўлинади. Сўз структурасини ўзгартирувчи морфемалар асосан сўз ясовчи аффиксал морфемалар билан ифодаланади. Сўзнинг лексик структурасини ўзгартирмайдиган морфемаларга эса форма ясовчи грамматик морфемалар киради.

Инглиз тилининг тарихий тараққиёти жараёнидаги ўзгаришлар сўз структурасига ўз таъсирини кўрсатди. Шу сабабли сўз структураси дефиницияси (аниқланиши) тарихий ва ҳозирги

инглиз тилларида бир-биридан катта фарқ қилади. Ундан ташқари, инглиз тили мустақил ривожланиш процессини босиб ўтганлиги сабабли ундаги сўз структураси бошқа герман ва ҳинд-европа тилларидагидан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бунга асосий сабаб инглиз тилида сўз охирининг редуцияга учраганлиги ва тарихий синтетик тилдан асосан аналитик тилга ўтганлиги, кўпгина синтетик формаларни ясовчи қўшимчаларнинг йўқолиб кетганлигидадир. Масалан, рус тилидаги сўз ўзагига берилган таърифдан инглиз тилидаги таъриф қуйидагича фарқ қилади. Сўз ясовчи аффиксларни ва шакл ясовчи парадигматик-категориал қўшимчаларни олиб ташлагандан сўнг қолган сўзнинг умумлексик маънога эга бўлган қисми *sўз ўзаги* дейилади.

Ўзақ асосан ўзақ сўз ёки ўзақ морфемалардан (*word morpheme, root morpheme*) ташкил топган бўлиб, ўзақ морфемалар ҳам сўзнинг ўзаги каби аниқланади. Масалан: **discrown** — тахтдан маҳрум қилмоқ, **crowned** — тахтга чиққан сўзларида сўзнинг ўзаги **crowm** — тахт. Ўзбек тилидаги *ишчи, ошназ, расмий* сўзларининг ўзаги *иш, ош* ва *расм* бўлади.

Кўп ҳолларда инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ўзақ ва туб сўз бир хил бўлади. Масалан: **book** — китоб, **tree** — дарахт, **bird** — қуш ва бошқалар.

Сўз формасини ясовчи суффикслар ва бошқа шахс, сон қўшимчалари ажратилгандан сўнг қолган сўзнинг туб бўлаги *негиз* дейилади. Масалан: **tea** — чой, **blackboard** — синф доскаси, **room** — хона, **writer** — ёзувчи ва бошқалар. Ўзбек тилида: **маслакдош, озиқ-овқат** ва бошқалар.

Мустақил келиши ёки келмаслигига қараб сўз негизлари иккига бўлинади: а) эркин негизлар (*free stem*), б) боғлиқ негизлар (*bound stem*).

Бошқа сўз ясовчи суффикслар ажратилгандан кейин ҳам ўз мустақиллигини йўқотмаган (ёки мустақил сўз бўлиб қолган) негизлар *эркин негизлар* дейилади. Масалан: **bookish** — китобий, **book** — китоб, **ish** — суффикс, **founder** — асосчи, **found** — асос солмоқ — **er** суффикс, **juryman** — жури аъзоси, **jury** — жури, **man** — киши, шахс. **-ish -er, -man** суффикслари ёрдамида юқоридagi сўзлардан бошқа сўзлар ҳам яшаш мумкин бўлганлиги сабабли у сўзларнинг ҳар иккала қисми эркиндир.

Бошқа сўз ясовчи аффикслар ажратилгач, ўз мустақиллигини йўқотган негизлар *боғлиқ негиз* дейилади. Масалан: **possible** — мумкин, бўлиши мумкин, **social** — социал, ижтимоий каби сўзлардан **-ible, -ial** суффикслари ажратилса, қолган қисми мустақил сўз сифатида ишлатилмайди. Шунинг учун у сўзларнинг негизлари боғлиқ, яъни эркин бўлмаган негизлардир. Ўзбек тилида *ношуд* сўзи шулар жумласидандир. Боғлиқ негизлар одатда бошқа тиллардан кирган сўзларда кўпроқ учрайди.

Эркин ва боғлиқ негизларни айрим инглиз тилшунослари *те-матик* ва *агематик* негиз деб ҳам юритишади. Аммо бу терминлар кўпроқ негизнинг тарихий хусусияти асосида яратилган.

Инглиз тили ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида қатор фонетик ва морфологик ўзгаришларга учраганлиги сабабли сўз негизи хусусияти тарихий диахроник аниқланишдан тубдан фарқ қилади. Чунки ҳозир ҳинд-европа тилларига хос бўлган негиз ясовчи тематик морфемалар йўқолиб кетган. Шу сабабли ҳам, инглиз тилида негиз ва сўз кўп ҳолларда бир хил бўлиб, негиз турлари ҳам сўз турлари каби аниқланади.

Инглиз ва ўзбек тилларида бир ўзақдан ёки бир ўзақли туб морфемадан иборат бўлган сўзлар *содда сўз* дейилади. Масалан: **earth** — ер, **sun** — қуёш, **heard** — юрак, **laugh** — кулмоқ, **pain** — оғриқ, **he** — у, **big** — катта ва бошқалар. Бир ўзақли сўзларга сўз ясовчи аффиксларнинг қўшилиши натижасида ясаган сўзлар *ясама сўзлар* дейилади. Масалан: **heartless** — юраксиз, **unlucky** — бахтсиз, **friendship** — дўстлик, **rewrite** — қайта ёзмоқ, **undisciplined** — интизомсиз ва бошқалар. Ўзбек тилида *пахтачилик, гулзор, фойдали* ва бошқалар.

Икки ва ундан ортиқ ўзақдан ёки туб морфемалардан ясалган сўзлар *қўшма сўзлар* дейилади. Масалан: **side-board** — буфет (идиш қўйиладиган шкаф), **side-walk** — йўлка, тротуар, **market day** — бозор куни, **school house** — мактаб биноси ва бошқалар.

Икки ёки ундан ортиқ ўзақдан ясалган қўшма сўзлар соста-вида аффикс ҳам бўлса, бундай сўзни *қўшма-ясама сўзлар* дейилади. Масалан: **landholder** — ер эгаси, **horsemanship** — чавандозлик санъати, **gasproducer** — газогенератор, **earthenware** — сопол идиш ва бошқалар. Ўзбек тилида: *уй-жойли, чойхоначи* ва бошқалар.

Синтактик ярусдаги типологик категория маркерлари турлича бўлади. Улар лексик маркерлар иштирокида ва уларнинг иштирокисиз ясалиши мумкин. Биринчи ҳолатда типологик категориянинг лексик маркерлари синтактик конструкциясининг ҳам асосий типологик маркери сифатида хизмат қилади.

Конструкциянинг ўзликликни ифодалайдиган асосий маркери вазифасини ўзлик олмошлари бажаради: **oneself, myself, yourself, himself, herself, itself, ourselves, yourselves, themselves**. Биргаликнинг маркери **each-other, one-another** каби биргалик олмошларидир.

Каузатив конструкцияларнинг маркерлари асосан **to make, to course, to force, to oblige** каби каузативликни ифодаловчи маркерлар воситасида ифодаланади.

Лексик маркерлар иштирокисиз ясалувчи синтактик конструкцияларга ё ярим аналитик формалар, ё махсус маркерлари тушиб қолган конструкциялар киради, масалан: **to have something done; I wash etc.**

А Д А Б И Е Т Л А Р

Бондарко А. В. Грамматическая категория и контекст. Л., 1971.
Бондарко А. В., Буланц Л. Л. Русский глагол Л., 1967 г.

- Гулыга Е. В., Шендельс. Грамматико лексические поля в современном немецком языке. М., 1969.
- Гак В. Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. Научная конференция. Вопросы описания лексико-семантической системы языка. Тезисы докладов. Часть 1, М.,—1971.
- Гухман М. М. Грамматическая категория и структура парадигм. Исследования по общей теории грамматики, М., 1968.
- Исаченко А. О грамматическом значении. ВЯ, 1961, № 1.
- Мещанинов И. И. Соотношение логических и грамматических категорий. Язык и мышление. М., 1967 г.
- Ревзин И. И. Так называемое «немаркированное множественное число» в современном русском языке. ВЯ, 1959, № 3.
- Суник О. П. Общая теория частей речи. М.—Л. 1966.
- Типология каузативных конструкции. Морфологический каузатив Л., 1969.
- Штелинг Д. А. О неоднородности грамматических категорий. ВЯ, 1959, № 1.
- Якобсон Р. О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол. Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972.

ТИПОЛОГИК КЎПЛИК КАТЕГОРИЯСИ (Typological Category of Number)

Кўплик категорияси предметлар сонининг бирдан ортиқчилигини билдиради. Феълларда иш-ҳаракати ё кўпчиликка қаратилганлигини англатади. Кўплик маъносининг марказида сўз туркумларининг сон категорияси ва сон туркуми туради. Инглиз тилида сон категорияси сўз туркумларидан от, олмош ва феълга тааллуқлидир. Ўзбек тилида ҳам худди шу сўз туркумлари кўплик формасига молик. Сонлар миқдорни ифодалайди. Шу сабабли улар кўпликда қўлланмайди. Агар улар кўпликда қўлланилса, отга айланиб кетади. Кўпликнинг бирликка қарши қўйилиши деярли ҳамма тилларга хос. Сон категориясининг махсус турлари бўлмиш **иккиламчи (dual)**, **учламчи (trial)** ва ҳатто **тўртламчи (quadrial)** сонлари айрим тилларгагина хосдир.

Умуман кўплик категорияси турли тиллар воситасида, яъни морфемалар ёрдамида, махсус сўзлар ва сўз бирикмалари воситасида ифода этилиши мумкин.

Ундан ташқари кўплик **эксплицит** ва **имплицит** тарзда ифодаланиши ҳам мумкин. Эксплицитлик кўплик маълум кўплик маркери иштирокида ясалади. Имплицитлик эса кўплик маъносининг бевосита сўзлар ўзаги воситасида ифодаланиши тушунилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида кўплик қуйидаги лексик-грамматик усуллар воситасида ифодаланади:

- 1) кўплик морфемаси воситасида,
- 2) сон билан,
- 3) миқдор олмошлари билан,
- 4) кишилик, кўрсатиш ва бошқа олмош формалари воситасида,
- 5) кўплик маъносини ифодаловчи от, сифат, феъл ва бошқа сўз туркумлари воситасида.

1. Кўплик категориясининг махсус морфемалар воситасида ифодаланиши.

Отларда кўплик форманинг ясалиши.

Отнинг кўплик формаси турли алломорфлар воситасида яса-
либ, унинг инглиз тилида қуйидаги алломорфлари бор:

-(e) s воситасида

wife	wives
leaf	leaves
head	heads

Узакдаги унлининг ўзгариши билан:

woman	women
tooth	teeth

-en воситасида

ox — oxen

-а суффикси воситасида латин ва грек тилларидан кирган,
сўзлардан:

datum — data	янгилик — факт
sanatorium — sanatoria	санаторий

Ўзбек тилида -лар маркери от, олмош ва отлашган сўз тур-
кумларига қўшилади: болалар, тоғлар, сонлар, бизлар.

Феълда кўплик форманинг ясалиши.

Феълнинг ҳозирги замон учинчи шахс -(e)s суффиксли фор-
масига кўпликнинг нолевой формасини қарши қўйиш билан.

Масалан:

works — work
comes — come
speaks — speak
has — have

«Your mother wants you to come and see her», the doctor said.
«I want to go with you», Nick said. (Hemingway)

Супплетив формалар воситасида:

am — are
is — are
was — were
have — has — had

That is what is happening when she screams. «Are you going
out, dear?» his wife said. Dick was a big man. They were gone
through the woods. I had a wonderful time, «He has too, Pa», Frank
said. (Hemingway)

Ўзбек тили феълларининг кўплик формаси қуйидаги усуллар
воситасида ифодаланади:

1. Сон категориясини ифодаловчи -лар суффикси иштирокида:

келди — келдилар

Хуррият: Салом, келинлар (Ш. Юлд.).

Шахс-сон категорияларини ифодаловчи -миз, -сиз, -дилар (ҳозир-
ги замон формасида)-к, -ингиз, -ди(лар) (ўтган замон формасида)
суффикслар иштирокида:

Сиз жаҳл устида ошириб юбордингиз чоғи (Ш. Юлд.).

Бу одам нима учун менинг пайимга тушиб юрибди, биласизми?
Билмайсиз (Ш. Юлд.).

Э, агрономларнинг мажлиси чўзилиб кетди, ҳозир тугатдик
(Ш. Юлд.).

Рихсивой: Ҳой, ахир касал кўргани келган кишига ҳам шуна-
қа муомала қиладиларми?

ш, -иш суффикси воситасида:

келмоқ — келишди.

Улар болаларни етаклаб уйдан чиқишди (Ш. Юлд.).

Колхозчиларга ўзимиз тушунтирамиз (Ш. Юлд.).

Кўпликнинг нолевой морфемаси воситасида:

Студентлар келди.

Улар келди.

...бир оздан сўнг берухсат, хурсанд, кулишганларича Сали-
мов билан Мамасолиев кирадилар.

2. Кўплик категорияси сон билан ифодаланади: two, three,
four, five six, seven; ten, twenty, thirty, forty, fifty, hundred,
thousand, million, billion, milliard, two or three, five or six.

Ўзбек тилида: икки, уч, тўрт, қирқ, эллик, саксон, минг, мил-
лион, йигирмата, учта, юзта, икков, учов, бешов, олтов, ўнов; икки-
уч, беш-олти, ўн-ўнбеш, уч юз-тўрт юз, икки минг-уч минг, йигир-
ма беш, қирқ икки, мингоёқ кабилар. Бу сўзлар маъносига кўра
предметларнинг миқдори ёки сонини ифодалайди: Two or three steps
father and her life would have been in serious jeopardy (R. L. Ste-
venson). But there two passed on and were admitted in their turn
to the pavilion (R. L. Stevenson). The two men stuck their heads
in their newspapers (B. J. Friedman)

3. Кўплик категориясининг олмошлар воситасида ифода этили-
ши:

Қишилиқ ёки кўрсатиш олмоши билан:

I — we	me — us
thou — you	thee — you

he (she, it) — they · him (her) — them

Ўзбек тилида:

мен — биз
сен — сиз (лар)
у — улар

Миқдор олмошлар билан: much, many, some, several кабилар.

Ўзбек тилида: аллақанча, алланеча кабилар.

4. Кўпликнинг от, сифат, феъл ва бошқа сўз туркумлари билан ифодаланиши. Бу усулни иккига бўлиш мумкин махсус маркерлар иштирокисиз (имплицит) усулда, кўплик маъносини ифодаловчи квантитатив маркер воситасида, яъни эксплицит усул.

Махсус маркер-
ларсиз кўплик
категориясининг
ифода этилиши

Кўплик маъноси сўз ўзаги воситасида ифодаланиб, улар универсал характердадир: агт, dual, general, deal, collection, total, majority, campaign, family, band, tribe, bale, audience, boodle, assembly, century, decade, double, pair,

dozen, brace, brigade, cattle, crew, jury, flock.

Ўзбек тилида: омма, тўда, гуруҳ, гала, туркум, оломон, халқ, аҳоли, жамоа, команда, комсомол, компания, комплекс, бирлашма, бригада, армия, жюри, мундарижа, мунозара, низом, жамики, жуфтлик, жуфт, жам, дюжина, кўпчилик, кўпайтма, мажлис, анжуман, лашкар, ансамбль, жамият, кўпайиш кабилар.

Кўплик маъно равиш ва предлоглар билан ҳам ифода этилиши мумкин. Масалан: beside(s), between, among, amid, агт-in- агт, ahead.

Ўзбек тилида: аблаҳларча, гавжум, давлатманд, бачкана-ларча, беҳисоб, кўплаб, кўплашиб, бирликда, мунча, бирталай, бисёр, бир қанча, мўл, аксарият, аксар, йилларча, анча, баҳам-жиҳат, бой-феодалларча, биродарларча, йигитларча кабилар.

Кўплик категорияси феъл воситасида ифодаланганида кўплик маъно ё феъл ўзагидан, ё махсус аффиксал морфемадан англашилади. Масалан: to collect, to gather, to unite, to multiply, to bring together, to come together, to get together, to combine, to join etc.

Ўзбек тилида: жанжаллашмоқ, калтаклашмоқ, йиғишмоқ, иноқлашмоқ, жуфтламоқ, имлашмоқ, биродарлашмоқ, ёқалашмоқ, келишмоқ, битишмоқ, дардлашмоқ, дўстлашмоқ, гурунглашмоқ, группаламоқ, гаровлашмоқ, гаплашмоқ, гапиришмоқ, вақирлашмоқ, баҳам кўрмоқ, бахслашмоқ, беллашмоқ, биргалашмоқ, бирлаштирмоқ, баслашмоқ, бараварлашмоқ, байлашмоқ, аччиқлашмоқ, ачомлашмоқ, маслаҳатлашмоқ, кўпайтирмоқ, кўпайтирмоқ, кўпаймоқ, кўпайишмоқ, курашмоқ, кўплашмоқ, коллективлашмоқ, коллективлаштирмоқ кабилар.

Кўплик категориясининг квантитатив маркер (кўпликни ифодаловчи белги)ли сўзлар ёки кўплик билан алоқадор аффикс билан келган сўзлар билан ясалади. Квантитатив маркер шу

тилнинг ўзига хос бўлиши ёки бошқа тиллардан кирган бўлиши ҳам мумкин.

а) Квантитатив (миқдорий) маркер турлича бўлади:

Инглизча, two-decker, two seater, аyy-around, all-up boatful, calf's-teeth, many-stage, all-purose, all-round, All-Union, etc; жуфт, кўпҳад, кўпбурчак, нафасдош, сафдош, елкадош, синфдош, маслакдош, маслаҳатдош, кўмакдош, касбдош, дарддош, ёстиқдош, дарахт зор, беҳи зор, лимон зор, гул зор, жўхори зор, бодом зор, бута зор, анжир зор, анор зор, беда зор, бамбук зор, мева зор, икки томонлама, икки хонали, икки юзлама, икки юзламачилик, икки уйлилик, икки томонламалик, еттилик, беш уруғ, беш отар, беш кокил, беш кураш, бешлик, беш йиллик, беш бармоқ, беш бурчак кабилар.

Квантитатив маркер бошқа тиллардан келган: bipel, bicentenary, triad, triangle, double quadripole, quadripartite double — barrelled, double — bedded, double — faced, duality, decadel, bicameral, bicarbonate, дифтонг, дискуссия, дифтонглашиш, диалог. Айрим сўзлар фақат кўплик формаси билан келган сўзлар воситасида ифодаланиши ҳам мумкин: belongings, anals, anthracides, antipodes, apologetics, liceps, apsis, archives, blinders bonds, boxing-gloves, parents, bad-lands, trousers, scissors.

Ўзбек тилида: изочизиклар, цифратовушлар, изотоплар, бўғин-оёқлилар, айиқсимонлар, ёр-дўстлар, ёр-биродарлар, икки паллалилар.

Редупликация воситасида ясалган сўзлар инглиз ва ўзбек тилида бир-бирдан бир оз фарқ қилади. Ўзбек тилидаги сўзларда редупликация кенг тарқалган бўлиб, асосан лексик ярусга оид бўлади. Инглиз тилидаги редупликатив сўзлар нисбатан кам тарқалган бўлиб, асосан синтактик ярусда амалга ошди. Редупликация ёрдамида кўплик категориясининг ифодаланиши: many-many, much-much, came-came, speak-speak, dick-dick, click-clock, by and by, cancan, girly-girly, jog-jog, pip-pip, mur-mur, clip-clop, tick-tock, zig-zag, etc.

Ўзбек тилида: ака-сингил, ака-ука, арз-дод, аччиқ-чучук, басма-баслашмоқ, без-без, бетма-бет, беҳ-беҳ, бидир-бидир, биланг-биланг, бола-чақа, борди-келди, бориб-бориб, бориш-келиш, бости-бости, бошқа-бошқа, бўлак-бўлак, бўғин-бўғин, вой-вой кабилар.

Ҳар иккала тилда феълларнинг кўплик формаси деярли аналогик ҳолларда ишлатилади. Шунга қарамай, бу тиллар системаларида маълум алломорфликлар мавжуд. Уларга биринчи навбатда ўзбек тилидаги феълларда кўплик аффиксининг мўллиги ва инглиз тилидаги феълларда бундай хусусиятнинг йўқлиги хосдир.

Ҳар икки тилда ҳам синтактик ярус типологик кўплик категориясини ифодалашдаги универсал восита ҳисобланади.

(Адабиётлар рўйхати VI боб охирида берилган.)

VI — БОБ

ТИПОЛОГИК РОД КАТЕГОРИЯСИ

(Typological Category of Natural Gender)

Типологик род категорияси биологик реал род (жинс) ва грамматик формал категориялардан иборат.

Типологик роднинг жинс категорияси билан боғлиқ томони шундаки, у одамлар, ҳайвонот ва паррандаларнинг жинсини англатади. Предметларнинг номларини билдирган сўзлар эркаклик ва хотинлик жинсини турли усуллар воситасида ифодалайди.

Грамматик формал род категорияси сўзларнинг формал белгиларига қараб учта родга бўлинади: мужской род, женский род, средний род. Реал род билан формал род ўртасидаги алоқа қуйидагичадир: а) реал род ва грамматик формал родлар мос келади. Масалан: Отец — (м. р.) — мать (ж. р.). б) реал род ва грамматик формал родлар мос келмайди. Масалан: Қадимги инглиз тилида *wil aёл* средний родга тааллуқли эди.

Грамматик родда сўзлар маълум морфологик белгиларига кўра муайян родларга бўлинади. Грамматикадаги род логик реал родни акс эттирмаслиги, яъни биологик жинсни кўрсатмаслиги мумкин. Грамматикада ҳамма отлар жонли ва жонсиз, киши ва бошқа предметларни англатишига қарамай, бирор грамматик формал родга мансуб бўлиши керак. Масалан: рус тилида: *день, дом, музей* сўзлари мужской родга тегишли бўлсада, реал род билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунингдек, *страна, газета, жизнь, рожь* сўзлари ҳам женский родга кирсада, типологик жинсга алоқадор эмас; *дело, море, имл, пастбище* сўзларининг ҳам сердний родга киритилиши уларнинг жинс билан алоқаси йўқлигидан далолат беради. Аммо киши номлари, айрим ҳайвонларни ифодаловчи отлар ҳамма тилларда ҳам кўпроқ биологик жинс билан боғлиқ бўлади.

Род категориясининг морфологик маркери махсус суффикслар бўлиб, улардан ташқари артикль, кўрсатиш олмошлари ва бошқа синтактик маркерлар ҳам бу категориянинг морфологик кўрсаткичлари сифатида хизмат қилади.

Кишилик олмошларидаги грамматик род тилдаги род категориясининг биринчи белгиси ҳисобланади.

Формал роднинг яхши тараққий этганлиги ҳам унинг бошқа сўз туркумлари формаларида ҳам ифодаланиши билан белгиланади. Масалан, род категорияси ривожланган тилларда мужской, женский, средний роднинг маълум белгилари сифат, сон ва феълга қўшилади.

Типологик нуқтаи назардан системасида артикль бор тилларнинг кўпларида грамматик род учрайди, яъни грамматик формал род системасида артикль йўқ тилларга нисбатан артикль бор тилларга кўпроқ хосдир. Грамматик род яхши ривожланган лигига қарамай, роддаги дифференция фарқ бирлик формаларда яққол кўринади. Кўпликада бу фарқ сезилмайди. Масалан, рус тилида:

Он читал
Она читала Они читали

Инглиз тили ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлганлиги учун илгари унда учта грамматик род бор эди. Аммо ҳозирги инглиз тилида барча сўз туркумларидаги грамматик род йўқолиб, фақат кишилик олмошлари (*he, she, it*)нинг маълум родга мансублиги сақланган.

Маълумки, инглиз тилидаги ўзлик ва эгалик олмошлари кишилик олмошлари билан боғлиқ. Чунончи, ўзлик ва эгалик олмошлари кишилик олмошларининг турли келишик формаларидан пайдо бўлган. Шу сабабли, *himself, herself* ўзлик олмошлари *his, her*, эгалик олмошлари родни кўрсатади.

Ҳозирги инглиз тилида род мустақил грамматик категория сифатида мавжуд эмас. Бу жиҳатдан инглиз тили ўзбек тилига ўхшайди. Инглиз ва ўзбек тилида биологик жинсни аниқлашнинг қуйидаги уч хил усули мавжуд: 1) лексик-семантик усул, 2) морфологик усул, 3) синтактик усул.

1. Суффиксларсиз туб сўзлар ёрдамида жинс маъносини ифодалаш лексик-семантик усул дейилади. Бундай сўзларга асосан эркаклик-аёллик, эркаклик-урғочиликни билдирадиган шахс номлари, атоқли отлар, ҳайвонлар, паррандалар номлари киради.

а) одамлар ёки шахс номлари:

father	mother	ота	она
husband	wife	эр	хотин
son	daughter	ўғил	қиз
boy	girl	ўғил бола	қиз бола
uncle	aunt	тоға	хола
brother	sister	ака-ука	опа-синги. ¹⁾
brother-in-law	sister-in-law	қайни	қайнсинги. ¹⁾
father in law	mother in law	қайната	қайнана
nephew	niece	ўғил жиян	қиз жиян
gentleman	lady	жаноб	хоним

б) Киши номларини бундирувчи атоқли отлар. Бу сўзлар туф герман тилларига ва умумҳинд-европа тилларига хос бўлиши мумкин. Ўзбек тилида ҳам бундай номлар мавжуд бўлиб, улар ҳам соф ўзбек сўзларига ва бошқа тиллардан кириб келган номларга бўлиниши мумкин:

Arthur	Amelia	Артур	Эмилия
Basil	Ann, Anna	Безил	Эн, Энна, Анна
Alexander	Alice	Александр	Элис, Алиса
Bernard	Barbara	Бернард	Барбара
Charles	Catherine	Чарльз, Карл	Кэтрин, Екатерина
Daniel	Eleanor	Даниель,	Элинор,
David	Elisabeth	Дэвид	Элизабет, Элизаве- та
Donald	Emily	Дональд	Эмили, Эмилия
Edgar	Eve	Эдгар	Ева

Ўзбек тилида:

Аҳмад	Карима
Нишон	Салима
Карим	Дилбар
Сотиболди	Раъно
Рустам	Гулчеҳра
Аббос	Шаҳло

в) ҳайвонот, парранда ва бошқа жонли махлуқларнинг жинсини ифода этади. Бу ҳар иккала тилда ҳам деярли бир хил:

buck — doe	эркак (нор) кийик — мода кийик
bull — cow	ҳўкиз — сугир
bullock — heifer	новвос — гунажин
cock — hen	хўроз — макиён
gander — goose	эркак ғоз — урғочи ғоз
horse — mare	айғир — бия
ram — ewe	қўчқор — совлиқ

2. Махсус суффикслар ёрдамида типологик род категориясининг ясалиши *морфологик усул* дейилади. Бу суффикслар ҳозирги инглиз тилида жуда оз бўлиб, айримлари герман тилларига хосдир. Мазкур суффикслар қадимги инглиз тилидан қолдиқ сифатида сақланиб қолган, айримлари эса бошқа тиллардан кирган. Бундай суффикслар ўзбек тилига хос эмас. Ўзбек тилида қўлланилаётган сўзлар бошқа тиллардан кирган:

Инглиз тилида:

actor — actress	director — directress
baron — baroness	conductor — conductress
giant — giantess	Negro — Negress
god — goddess	tiger — tigress
heir — heiress	abbot — abbess
jew — jewess	Mr — Mrs
prince — princess	duke — duchess
beau — belle	
czar — czarina	
hero — heroine	
signor — signora, signorina	

Типологик роднинг морфологик усулини ясаш учун ишлатиладиган махсус аффиксал морфема ўзбек тилида йўқ. Айрим сўзларда тарихан ишлатилиб келган *-им* (*бек — бегим*) — *ғай* (*қудағай*) суффикслари эса ҳозир ўз махсусдорлигини йўқотган. Аммо шунга қарамай ўзбек тилида маълум группага кирувчи сўзлар бўлиб, улар араб ва рус тилларидан олинган — *а, — (и) я, — ка* суффикслари иштирокида ясалади.

раққос — раққоса
шоир — шоира
мураббий — мураббия
комсомол — комсомолка
артист — артистка

з) Предмет номи олдидан маълум жинсни ифодаловчи маркерни синтактик бириктириш билан жинсни кўрсатиш *синтактик усул* дейилади. Синтактик усулда ишлатилувчи жинс маркерлари асосан жинсга нисбатан нейтрал сўзлар олдида қўлланилади. Синтактик усулдаги жинс маркери асосан лексик маркер билан ифодаланади. Инглиз ва ўзбек тилларида бу усул жуда ўхшашдир: man doctor, woman doctor эркак доктор, аёл доктор, man servant, woman servant хизматчи, хизматчи аёл, оқсоч boy friend, girl friend ўғил ўртоқ, қиз ўртоқ, man cashier, woman cashier эркак кассир киши, аёл кассир jack-ass she-ass ҳанги, мода (эшак).

male cat	} эркак мушук	female cat	} урғочи мушук
tom cat		pussy cat	
he cat		tabby cat	
he goat	} эркак эчки	she goat	} урғочи эчки
billy goat		nanpy goat	
father wolf	ота (эркак) бўри	mother (урғочи)	wolf она бўри

Типологик род категориясини аниқлашда ҳайвон, парранда персонификация (шахслаштириш ёки инсонлар ҳайвон, парранда ном-

ларининг ўрнида қўллаш) масалаларни катта роль ўйнайди. Эргакларда, масалларда ва илмий асарларда ҳайвонлар номлари ўрнида **he (him, his), she (her)** олмошлари ишлатилиши мумкин. Масалан:

Presently the horse came to him on Monday morning, with a saddle on his back and a bit in his mouth, and said, Camel, O Camel, come out and trot like rest of us (R. Kipling)... and bit by bit the Giraffe began it, because his legs were the longest they went away from the High Veldt (Ibid)

Персонификация ҳатто конкрет ва мавҳум тушунчаларни билдирадиган ҳар хил семантик гурппага оид отлар учун ҳам хосдир. Масалан, boat (лодка), ship (кема), steamer (корабль), vessel (кема), car (машина), train (поезд), earth, moon, church, nature, soul, night, liberty, mercy, country, England аёллар жинсига кирувчи отлар каби ишлатилиб, уларнинг ўрнига she олмоши ишлатилиши мумкин. Sun, time, ocean, love, anger, discord, murder, river ва шу кабилар мужской родга кирувчи отлар каби уларнинг ўрнида he олмоши ишлатилиши мумкин.

Аммо бу отлардаги персонификация юқорида кўрсатилганидек фақат шеърятда, эртакларда ва масалларда махсус услуб сифатида ишлатилиши мумкин.

Персонификация кўпроқ қуйидаги ҳолларда рўй беради: 1) тоғ, океан, бўрон, момақалдироқ, қуёш, қиш, ғазаб, уруш, ўлим, уйқу каби сўзлар мужской роддаги he сўзи билан алмашинса, 2) мўллик, содиқлик, табиат, ватан, мамлакат, саҳийлик, умид, иқбол каби сўзлар she олмоши билан ишлатилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги асосий фарқлардан бири инглиз тилида эга кишилик олмоши билан, аниқловчи эгалик олмоши билан, тўлдирувчи ўзлик олмоши билан ифодаланганида, иш-ҳаракат ёки процесс қайси жинс вакили томонидан бажарилганини аниқлаш мумкинлигидадир. Масалан: «He knew I'd blow his head off»,— Al said from the kitchen. She was looking at him holding the glass and biting her lips. (E. Hemingway), Why did he kill himself, Daddy? (Ibid).

«He goes to see her every day» (Ibid) Her husband had died when she was still a comparatively young woman and for a while she had devoted herself to her two just—grown children, who did not need her and were emarrassed at having her about to her stable of horses, to books, and to bottles (Ibid).

Агар ўзлик ва эгалик олмошлари кўпликда ишлатилса, реал род тушунчаси ифодаланмайди. Масалан: herself — themselves

Ҳозирги ўзбек тилида жинс категориясини фарқ қилиш анча қийин. Чунки ўзбек тилидаги кишилик, ўзлик ва эгалик олмошларида жинс дифференциацияси йўқ. Ўзбек тилида фақат шахс номлари қўлланганидагина жинс категориясини қисман фарқлаш мумкин. Масалан:

Анвар китоб ўқияпти.

Салима китоб ўқияпти.

Баъзи суффикслар воситасида ўзбек тилидаги жинс категориясини аниқлаш мумкин. Масалан:

Турсуной келди

Қундузхон аспирантурада ўқийди.

Аммо -хон суффикси ҳар доим ҳам аёл кишини ифодалайвермайди. Масалан: Оппоқхон колхозимизнинг бош агроном гапида Оппоқхон эркак киши ҳам, аёл киши ҳам бўлиши мумкин. Жинс категорияси нуқтаи назардан грамматик род категория мавжуд бўлмаган тилларда эркаклар ва аёллар нутқини бир-биридан ажратиш масаласи умумий типологик масала ҳисобланади. Бунга В. Шекспирнинг сонетларидаги жинс категорияси муаммосидан мисол келтирамиз.

When forty winters shall besiege thy brow,
And dig deep trenches in thy beauty's field,
Thy youth's proud livery, so gaz'd on now,
Will be a tatter'd weed, of small worth held:
Then being ask'd where all thy beauty lies,
Where all the treasure of they lusty days;
To say, within thine own deep sunken eyes,
Were on all-eating shame and thriftless praise.
How much more praise deserv'd thy beauty's use.
If thou couldst answer—This fair child of mine,
Shall sum my count, and make my old excuse,
Proving his beauty by succession thine!
This were to be new made when thou art old,
And see thy blood warm when thou feel'st it cold.

(Shakespeare)

Нутқ жараёнида эркак ва аёлликни ифодалашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган белгиларидан ташқари, яна аёллар ва эркаклар нутқида бир қатор махсус бўлмаган сигналларни кўрсатиб ўта-миз. Масалан, аёллар нутқида маълум сўз ва иборалар учраб, улар эркаклар нутқида жуда кам қўлланади ёки умуман қўлланилмайди. Масалан, алла айтиш, ёр-ёр, баъзи эркалатиш ва койишга оид иборалар кўпроқ аёллар нутқида тааллуқлидир.

А Д А В И Е Т Л А Р

Бондарко А. В. Грамматическая категория и контекст. Л. 1971 г.
Венцович Р. М. Грамматические формы слова. Грамматические категории.

Введение в языкознание. Курс лекции для студентов заочников часть 3. М., 1965.

Гулыга Е. В., Шендельс Е. И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М., 1969 г.

Есперсен О. Философия грамматики М. 1958 г.

Кенонов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л. 1960 г.

Панфилов В. З. Грамматика и логика М.—Л., 1963.

Уорф Б. А. Грамматические категории. Принципы типологического анализа языков различного строя М., 1972.

Якобсон Р. О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол. Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972.

ЎТИМЛИЛИК ВА ЎТИМСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Тилларнинг структураси ва туридан қатъи назар улардаги ўтимлилик ва ўтимсизлик ҳамда нисбат категориялари ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан алоқадор бўлади. «Ўтимли ва ўтимсиз феъллар масаласи тарихан нисбат категорияси билан боғлиқ»— деб ёзган эди акад. В. В. Виноградов.¹

Ўтимлилик ва ўтимсизлик категорияси лексика ва грамматикага тааллуқли бўлгани учун уни *лексик-грамматик* категория деб аталади. Унинг лексикага мансублиги шундаки, у лексик бирликлар ёрдамида, яъни феълда ўз аксини топади.

Ўтимли-ўтимсизлик категориясининг лексика билан алоқаси унинг семантик структурасини белгиламайди. Иш-ҳаракатнинг гап объектига йўналтирилган ёки йўналтирилмаганлиги ушбу категориянинг *семантик структураси* дейилади. Феъл ва отнинг бирикувиға мувофиқ семантик структура юзага келади. Ўтимли-ўтимсизликнинг семантик структураси, яъни йўналтирилганлик-йўналтирилмаганликнинг ифодаланиши ҳар хилдир.

Иш-ҳаракатнинг йўналтирилган-йўналтирилмаганлиги феъл маъносига қараб аниқланади. Маълумки, ҳинд-европа тилларида ўтимли ўтимсизлик феълнинг муайян келишида от билан бирикишига қараб аниқланади.

Тилшунослар семантик ва формал ўтимлиликнинг мос келмаслиги ҳақида гапирадилар. Чунончи: кўп феъллар семантик жиҳатдан ўтимлигича қолиб ҳар хил келиш формасидаги отни талаб этади. Бу ҳодиса ҳозирги рус тилидаги феълларга ҳам хосдир. Феълларнинг ана шу хусусиятларига асосланиб, В. В. Виноградов воситасиз ўтимли ва воситали ўтимли феълларни бири-биридан фарқ қилади.²

Ўтимли-ўтимсизлик феълларнинг семантик структурасига қа-

¹ В. В. Виноградов. Русский язык. М. 1947, стр. 44.

² В. В. Виноградов. Современный русский язык. Вып. 2 й, 1938, стр. 488—494.

раб послелог ва предлоглар иштирокида ифодаланиши ҳам мумкин.

Ўтимли-ўтимсизлик соф семантик асосда ажратилиб, типологик умумийлиги билан характерланади. Биринчи бор ҳинд-европа тилшунослигида қўлланган терминлар кўп йиллардан бери турли тилларда ўзига хос эталон тил хизматини ўтамоқда. Системаси ҳинд-европа тиллариникига ўхшаш бўлмаган тилларда ўтимли-ўтимсизлик категорияси бутунлай бошқача ифода этилган.

Ўтимли-ўтимсизлик феъл негизининг семантик хусусиятига кўра аниқланади. Шу нуқтаи назардан у лексик категория ҳисобланади. Ўтимли-ўтимсизлик объект билан бирикиш-бирикмаслигига кўра синтактик категориядир. Хуллас ўтимли-ўтимсизлик лексик-грамматик категориядир.

Феъл бошқарадиган номлар (ёки аниқроғи грамматик объект) феълнинг хусусиятига қараб турли формаларда бўлиши мумкин. Баъзи феъллар мустақил бўлишига қарамай, аниқ формада объектсиз функция бажармайди, баъзилари маълум даражада бунга қодир. Ана шу қобилиятига қараб феъллар ўтимли-ўтимсизга, улар билан бирикадиган объектлар эса воситали ва воситасиз объектларга бўлинади. Ўтимли феъллар ҳам ўтимсиз феъллар ҳам отлар билан бирикиб келади. Бу бирикув ҳар хил бўлса ҳам морфологик ва синтактик жиҳатдан бир-бири билан боғлиқдир. Келишик қўшимчаларининг асосий вазифаси сўзларни синтактик алоқага киритиш бўлса-да, улар бир вақтнинг ўзида ўтимли-ўтимсизлик, воситали-воситасизликни ҳам ифодалайди. Масалан, феълнинг воситасиз тўлдирувчи билан бирикуви ўтимлиликни кўрсатади. Шунинг учун феълдан кейин воситасиз тўлдирувчининг бўлиши шарт. Бу феъл ва отни алоҳида дистрибутив бирлик тарзида гап таркибига киритиш кераклигидан дарак беради. Шу нуқтаи назардан ўтимсизлик ва воситасизлик бир-бирини мустасно этади.

Феъл қуйидаги ҳолларда объектсиз қўлланади:

1) грамматик қисқариш содир бўлганида: бундай ҳолларда воситасиз тўлдирувчи назарда тутилади, чунки у гапда асосий ҳисобланмайди. Объектсизликнинг бу тури ҳаминша бирор тўлдирувчи билан қўлланадиган ўтимли феъл ёрдамида аниқланади.

Баъзи олимлар бунини **абсолют**¹ ҳолат деб аташади;

2) феъл ўтимсизлашганда: ўтимсиз феъллар ўз семантикасига кўра воситасиз тўлдирувчини истисно қилади;

3) феъл ўтимлиликка кўра белгиланганда: шу феълдан кейин қандай сўз келиши кераклиги ўз-ўзидан аниқ бўлади.

Семантик жиҳатдан ўтимли-ўтимсизлик нисбатнинг маълум

бўлимлари билан боғлиқдир. Масалан, махсус морфемалардан ясалган, тегишли формалар билан ифодаланган мажҳуллик, ўзлик ва биргалилик бир пайтнинг ўзида ўтимсизликни ифодалайди, акс ҳолда каузативлик ўтимлиликка сабаб бўлади. Аниқ нисбат, ўтимли-ўтимсизликни ҳам ифода эта олади, чунки унинг формаси белгиланмаган. Аниқ нисбат формаси нисбатнинг бошқа турлари: каузативлик, ўзлик, биргалилик маъноларини ҳам ўз ичига олган. Шуни айтиб ўтиш керакки, ифода планила баён этилган нисбат маънолари махсус формангга мойил бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ўтимли-ўтимсизликнинг метатил хусусияти

Ўтимли-ўтимсизлик категориясини типологик қиёслаш учун метатил танлаш, шу асосда ушбу категорияни баён этишнинг асосий усуллари чўғштириш зарур. Бунда иш-ҳаракатнинг йўналтирилган-йўналтирилмаганлиги метатил хизматини ўтайди.

Тилларнинг қурилишига кўра ўтимли-ўтимсизлик турли усул ва ҳар хил формалар билан ифода этилади. Масалан, агар ҳинд-европа тилларида ўтимлиликни ифодалаш учун винительний падеж (тушум келишиги)нинг ўзи кифоя қилса, инглиз тилида бунга талай ўзгартишлар киритилади. Инглиз тилида феъл билан ифодаланган фаолиятнинг ўтувчанлигини феъл, предлог ёки кўмакчи билан, ўзбек тилида эса феъл, тушум келишигидаги от ёки кўмакчи билан англатиш мумкин. Феълни воситасиз тўлдирувчи билан ифода этиш асосий усулга қўшимча вазифасини ўтайди.

Тил иерархиясининг турли ярусларида нисбат категориясининг яруслараро ифодаланишига бўйсунадиган махсус типологик қонун бор. Нисбатнинг мажҳуллик, ўзлик, биргалилик ва ўтимлилик каби категориал маънолари морфологик ярусда бир-бирини мустасно қилувчи ҳисобланади. Агар бу категориялар синтактик ярусда мажҳуллик, ўзлик, биргалилик ва ўтимсизликни англатса, улар ўзаро боғлиқ категориялар саналади, чунки нисбатнинг асосий грамматик маркери (белгиси) хизматини ўтовчи морфологик ва синтактик бирликлар ўзаро синонимдир. Бунда морфология ва синтаксис бирликлари муносабатига амал қилинади ва феъл ўзаги нисбат аффикси нисбатнинг феълли бирикмаси ёки конструкциясига синоним бўлади.

Ўтимли-ўтимсизликнинг лексик-грамматик категория эканига ва феълнинг от билан турлича бирикиш хусусиятига асосланиб шартли равишда махсус бирикув сигнали ажратилади. Бирикув сигнали ҳам морфологик, ҳам синтактик ярусларда аниқланади. Морфологик ярусда, у феъл негизига нисбат категориясининг морфологик маркерларини қўшиш билан кўрсатилади, синтактик ярусда эса муайян сигнал нисбатнинг синтактик маркерларининг феъл ва от билан бирикишида намоён бўлади.

Мажҳулликнинг махсус морфемалари бўлмаган тилларда мажҳуллик конструкциялари асосан ё субстантив феъл ёрда-

¹ В. Н. Жигадло. О переходности и непереходности глаголов в современном английском языке. Сб. «Исследование по грамматике». Ученые записки ЛГУ, Сер. филолог. наук, вып. 21. № 180, т. 9, Л., 1955.

мида, ё унга ўхшаш феъллар воситасида ясаллади. Бунга англиз тилидаги субстантив феъл *be* ни ва унга яқин бўлган *become*, *remain*, *get* туридаги феъллар ва етакчи феълнинг II сифатдеш формасини киритиш мумкин.

Баъзан нисбат категориясининг синтактик маркерлари тушиб қолишининг алоҳида аҳамияти бор. Аммо тушиб қолиш ҳоллари жуда чегараланган бўлиб, бу ҳодисанинг содир бўлишига тилда талай сабаблар мавжуд.

Қуйидаги ҳолларда нисбат категориясининг синтактик маркерлари тушиб қолиши мумкин:

1) Кўп қўлланиладиган феъллар билан бирга келганида:

I shaved myself — I shaved.

2) Икки ёки ундан ортиқ гапнинг ўзаро бирикувида:

The questioners will be teachers who will put before candidates a series of questions drawn up by their union.

Морфологик жиҳатдан ўтимлилик сигнали каузативлик морфемасини феъл негизига қўшиш билан ифода этилади. Феъл негизи каузатив морфема конфигурацияси ўтимлилик сигналини юзага келтиради. Бу усул ҳозирги ўзбек тилига хосдир. Синтактик ярусда ўтимли бирикув сигнали қуйидагича юзага келади: а) каузативликнинг синтактик маркерлари бор бўлганида, б) синтактик маркерлар бўлмаганида. Кейинги ҳолда каузативлик морфемаси нолга тенг бўлади. Бирикув сигнали бирламчи ўтимсиз феълнинг от билан бирикувига қараб аниқланади. Аниқроғи каузативлик ўтимлилик асосида юзага келади. (Қиёсланг: He marched the soldiers.) Каузатив конфигурацияларнинг каузатив бўлмаган конфигурациялардан ўтимли-ўтимсизлигига кўра фарқ қилади: морфологик ва синтактик конфигурация ўтимлидир. Баъзи ҳолларда морфологияда ўтимсиз бўлганида, синтаксисда ўтимли бўлади. Бунга сабаб каузатив конструкциялар уч бўлакли ($NP_1 V_{tr} NP_2$) ўзлилик, биргалилик, мажхуллик икки бўлакли ($NP V_{int}$) дир. Семантик жиҳатдан каузативли феъл бирикмаларда гапнинг эгаси иш-ҳаракатнинг асосий бажарувчиси бўлолмайди.

Ўтимли феъл воситасиз тўлдирувчи билан бирикканида унинг маъноси тўла очилади. Ўтимли феъл билан воситасиз тўлдирувчининг муносабати феъл отлашганида ҳам сақланади. Масалан, 1) сўз бирикмаси ярусидан: *пахта термоқ*, *пахта териш машинаси*, *пахта терими*, 2) гап ярусидан: *Ғалла экиш* — ишнинг бошланиши, холос.

Сомон йиғиш ҳам муҳим ишдир. Биз бу ишни ем-хашак тайёрлаш бригадалари зиммасига юклаганмиз. Тўртта шундай бригада иш олиб борапти. Уларга 185 ишчи беркитилган, 24 тележка, 16 автомашина ва бошқа хил сомон тўплайдиган, ғарамлайдиган агрегатлар ажратиб берилган. Ҳар гектар ердан 7—10 центнердан сомон йиғиб олинаётир (Сов. Ўзб.).

Текстда ажратиб кўрсатилган бирикмалар отлашган, яъни ўтимли феълларнинг от билан бирикишидан ясалган: *ғалла экиш* — ғалла эсмоқ, *сомон йиғиш* — сомон сифмоқ, *ем-хашак тайёрлаш* — ем-хашак тайёрламоқ ва б. лар. *Сомон тўплайдиган* (*ғарамлайдиган*) сўз бирикмалари атрибутив бирикма бўлиб, у ҳам ўтимли феъл + от усулида ясалган. Мазкур ҳодиса ҳар иккала тил учун умумийдир.

Ўтимли-ўтимсизликнинг бирламчи ва иккиламчилиги

Феълнинг ўтимли-ўтимсизликка айланиши даражасига қараб, феъллар бирламчи ўтим-бирламчи ўтимсиз ва иккиламчи ўтимли-иккиламчи ўтимсизларга бўлинади.

Бирламчилик ва иккиламчилик мазкур маънонинг феъл негизидан бўлиш-бўлмаслигига қараб аниқланади. Гап шундаки, турли гилларда семантикасига кўра баъзи феъллар ўтимлиликни, баъзилари ўтимсизликни англатади. Масалан, англиз тилида *come*, *live*, *yawn*, *sleep*. ўзбек тилида *келмоқ*, *яшamoқ*, *эсnamoқ*, *ухlamoқ* ва бошқа бир қанча феъллар бирламчи ўтимсиз феъллардир. Улар эгани тўғридан-тўғри аниқлайди. Қуйидаги *kill*, *cut*, *lift*, *take*, *love* ўлдирмоқ, кесмоқ, кўтармоқ, олмоқ, севмоқ каби феълларда эса ўтимлилик феъл негизи билан ифодланади.

Ўтимсиз феъллар гапнинг эгаси билан бевосита алоқадор бўлади. Ўтимли феъллар эса аввал тўлдирувчи билан, кейин эга билан бирикади. Феъл кесимни гапнинг бошқа бўлақларидан ажратиш билан бу ҳодисани тўлароқ баён этиш мумкин. Масалан, агар ўз суҳбатдошимизга *is coming* десак, унда у *who?* деб савол беради. Агар *is cutting* десак, биринчи савол албатта *what?* бўлади. Воситасиз ва воситали тўлдирувчилар ҳақида О. Есперсен қуйидаги фикрни айтади: *They offered the butter a reward* мисолида *reward* сўзи *what?*¹ саволига жавоб бўлади. Бунга сабаб воситасиз тўлдирувчининг ўтимли феъл билан мустаҳкам алоқадалигидир.

Бирламчи ўтимли-ўтимсизлик асосан ўзак феъллар ёки қўшма феълларга хосдир. Қўшма феълларнинг иккинчи компоненти ё бирламчи ўтимли, ё бирламчи ўтимсиз бўлади. Луғат сўзлиги сифатида бирламчи ўтимсиз феъллар бирламчи ўтимли феъллар луғатларда турли феъл объект бирикмалар билан баён этилади.

Ўтимли феълларнинг лексик маъноси воситасиз тўлдирувчини талаб этади, акс ҳолда унинг маъноси тўла бўлмайди. Ўтимли-ўтимсиз феъллар маъноларининг қанчалик мустақиллигига қараб тилда икки бўлакли ва уч бўлакли конструкциялар пайдо бўлади. $S - V$ икки бўлакли, $S - V - O$ уч бўлакли конструкциялардир.

Структура жиҳатидан ўтимли феъл уч бўлакли: $NP_1 - V_{tr} - NP_2$, ўтимсиз феъл икки бўлакли: $NP_1 - V_{int}$ бўлади.

¹ O. Jespersen. Essentials of English Grammar, London, 1943, p. 113.

— «perhaps they need your money» (NP₁V_{tr}NP₂ (P. L.) Silence fell again (NP₁V_{intr}), as suddenly as though someone had pressed a switch (NP₁V_{tr}NP₂) (Ibid). He finished his coffee . . . (NP₁V_{tr}NP₂). You must forgive our suspicions (NP₁V_{tr}NP₂) (Ibid).

I had noticed this. (NP₁V_{tr}NP₂) (Ibid.) For a while after they had gone (NP₁V_{intr}). Drake lay on the roof . . . (NP₁V_{intr}) (Ibid). Бу ҳодисани ўзбек тилида кўриб чиқамиз.

Эшоннинг кўзи чақчайиб кетди (NP₁V_{intr}) (П. Т.) Отишмалар тамом бўлаётгандек бир нафас пасаяр ва яна авж оларди (NP₁N_{intr}), (П. Т.). Отинойи уни қидириб (NP₁V_{tr}NP₂) ташқарига чиқди (NP₁V_{intr}). Дайди, ўқ бошингни узиб кетади (NP₁V_{tr}NP₂) (П. Т.). Отинойи дарғазаб бўлиб эшонни чақирди (NP₁V_{tr}NP₂) (Ibid). Эшон чиқди (NP₁V_{intr}) (Ibid.) Элмурод бурнининг қонаганини сезмаган эди (NP₁V_{tr}NP₂) (Ibid). Мастровойлар қўзғалинди (NP₁V_{intr}) (Ibid 106). Кечқурун овқатланишиб ўтиришган эди, ҳеч кутилмаганда кимдир боғ эшигини қокди (NP₁V_{tr}NP₂) (Ibid). Элмурод буларни сезади (NP₁V_{tr}NP₂) (Ibid).

Феълда шахсни кўрсатувчи аффикс бўлганлиги учун гапда эгани қўллаш шарт эмас. Шунинг учун ўтимли-ўтимсиз феълларнинг субъектини кўрсатишда, эга шахс морфемасига қараб аниқланади. Масалан, бир оз жим ўтиришди (NP₁V_{intr}) (Ibid). Мазкур гапда NP₁, улар олмоши ўрнида қўлланган, у *-иш* аффикси ёрдамида аниқланади.

Иккиламчи ўтимли-ўтимсизлик турли йўллار билан ифодаланади:

а) ўтимли-ўтимсизлик билан алоқадор бўлган сўз ясовчи морфемалар феъл негизига қўшилиши натижасида;

б) феълга нисбат формаларини ясовчи грамматик морфемалар қўшилиши натижасида;

в) синтактик усул билан янги маъно яшаш натижасида.

Тил ярусларига нисбатан олинса, биринчи ҳолат лексик ярусга, иккинчиси — морфологик, учинчиси — синтактик ярусга тааллуқли. Ясалиш усулига кўра биринчи ва иккинчи ҳолатни аффиксал усул деб, учинчисини эса синтактик дистрибутив усул деб аташ мумкин.

Бу ҳолатнинг учови ҳам ўзбек тили учун, биринчи ва учинчиси (иккинчиси бир оз) инглиз тили учун хосдир. Феълнинг семантик хусусияти бўлмиш ўтимли-ўтимсизлик парадигматика ва синтагматикада ўз аксини топади, бинобарин, парадигматик ва синтагматик потенциаллар асосида, биринчидан феълнинг ўтимли ва ўтимсизлиги аниқланади, иккинчидан феъллар яна иккиламчи ўтимли-ўтимсизлик касб этади.

Парадигматик потенциал ўтимли-ўтимсизликнинг ўзгариши ва нисбат категориясининг ясалиши жараёнида содир бўлади. Ясалиш усулига қараб парадигматик потенциални морфологик, морфонологик ва лексик-морфологик потенциалларга бўлиш мумкин.

Ўтимли-ўтимсизлик ясалишининг парадигматик потенциали

нисбат категорияси ва нисбат маънолари ясалишининг асосий усулларига боғлиқдир.

Нисбат маркерлари бир вақтнинг ўзида ўтимли-ўтимсизликни ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун иккиламчи ўтимли-ўтимсизлик *преферил* ёки *грамматик* усул деб аталади.

Феълнинг ўтимлиликдан ўтимсизликка ўтишини ҳамда уларга нисбат ясовчи аффиксни қўшишни иккиламчи ўтимли-ўтимсизлик ясалишининг *морфологик усули* дейилади. Бошқа туркий тиллар қатори ҳозирги ўзбек тилида ҳам нисбат ясовчи суффикслар ўтимли-ўтимсизликни ўзгартира олади. Масалан, мажҳуллик нисбатининг суффикси *-л*, *-н* ҳамда уларнинг фонетик вариантлари, ўзлик ва биргалик нисбат суффикслари *-н*, *-ш* ҳамда уларнинг фонетик вариантлари феълнинг иккиламчи ўтимли-ўтимсизлигини ясади;

1) бўлмоқ — бўлинмоқ

ўпмоқ — ўпишмоқ

азобламоқ — азобланмоқ

айбламоқ — айбланмоқ

айтмоқ — айтишмоқ

2) Улар уйни ювиб, кроватларни саришталаб бўлгач, ювинишиб, таранишиб, озода кийимларини кийиб синфга келдилар (П. Т.).

Каузатив форма ясовчи суффикслар ўтимли феъллардан иккиламчи ўтимлиликни ясади. Бу ўтимлилик ва каузативликнинг бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро алоқадорлигидан¹ дарак беради:

1) ётмоқ — ётқизмоқ, аксирмоқ — аксиртирмоқ, активлашмоқ — активлаштирмоқ, алангаламоқ — алангалантирмоқ, алангламоқ — аланглатмоқ.

2) Элмурод қотиб-қотиб кулди (П. Т.). Муса . . . болаларни кулдилар эди (Ibid). Рамазон қори мудир олдидан жуда бўшашиб чиқди (П. Т.). Бу унга «Майли, сенга ялиниб ўтирмай бўшашиб, галвадан қутуламан кўяман» дегандек туюлди (П. Т.).

Каузативлик билан ўтимлилик ўртасидаги алоқани қуйидагича баён этиш мумкин:

а) каузативлик билан ўтимлилик ўзаро боғлиқдир, яъни ўтимлиликсиз каузативлик бўлмайди. Феъл аввал ўтимлилашади, сўнгра каузативга айланади;

б) ҳар қандай ўтимлилик ҳам каузативликни ифода этавермайди, бинобарин, ўтимлилик доираси каузативлик доирасидан кенгдир.

Шундай қилиб, каузативлик ўтимлиликнинг конституентидир. Каузативлик маъносига кўра ўтимлидир, шунинг учун

¹ Кўрсатилган функцияга асосланиб, А. Н. Кононов ўзбек тилидаги феълларни соф ўтимли ва ортформа ўтимли феълларга бўлади: А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, стр. 198—200.

каузативликнинг нисбат ясовчи аффикслар иштирокида ясаши айтилган бир пайтда ўтимлиликнинг ясашига ҳам тааллуқлидир. Бунда каузатив аффикслар ўтимлиликнинг ташқи беағи хизмати ўтайди.

Ўтимлиликни ифодаловчи махсус маркерлар йўқ. Шунинг учун нисбат ясовчи аффикслар иштирокида ўтимлиликнинг ясаши маркернинг қўшимча функцияси ҳисобланади. Бундай ўтимлилик иккиламчи ўтимликка тааллуқлидир.

Феълни от билан синтактик бириктириш орқали каузативлик ясаш натижасида иккиламчи синтактик — дистрибутив ўтимлик ҳосил бўлади.

Ўзакдаги унлининг ўзгариши натижасида ўтимли-ўтимсизликнинг ўзгариши морфонологик усулга эришилади. Ҳозирги инглиз тили системасида мазкур усул унумсиздир. Ҳозирги ўзбек тили учун бу усул хос эмас. Инглиз тилида бир қанча жуфт феъллар борки, улар тарихан ўтимли ва каузатив ўтимлиликнинг икки қатор морфонологик оппозициясини ташкил қилади:

to fell < OE. fellan	йиқитмоқ, ағдармоқ — to fall < OE feallan йиқилмоқ
to lay < OE lecgan	қўймоқ, ётқизмоқ — to lie < OE licgan ётмоқ
to raise < ON, reisa	кўтармоқ — to rise < OE. risan турмоқ
to set < OE. settan	қўймоқ, ўтиргизмоқ — to sit < OE. sittan ўтирмоқ

Бу феъллар ўзининг ўтимлилик ва ўтимсизлиги билан биридан фарқ қилади. Биринчи устунда ўтимли, яъни воситасиз тўлдирувчини талаб этадиган феъллар берилган. Уларга мувофиқ келадиган ўтимсиз феъллар воситали тўлдирувчини талаб этмайди ва гапда эганинг фаолиятини маълум жараёнда тасвирлаб келади.

Иккиламчи морфонологик усул билан ясалган ўтимли феъллар анча турғундир, яъни улардан ўтимсиз феъллар қайта ясалмайди.

Кўпгина грамматика дарсликлариди мазкур феъллар махсус нотўғри феъллар (Special Irregular Verbs) тарзида берилди.¹

Бу феълларнинг асосий формалари қуйидагилар:

- 1) lie — lay:
lie — lay — lain — lying
lay — laid — laid — laying
- 2) fall — fell:
fall — fell — fallen — falling
fell — felled — felled — felling

¹ John E. Warriner, Francis Griffith, English Grammar and Composition, New York, 1957 pp. 129—135.

- 3) sit — set:
sit — sat — sat — sitting
set — set — setting
- 4) rise — raise:
rise — rose — risen — rising
raise — raised — raised — raising

The showy world in which her interest lay completely absorbed her (Dreiser). When he arrived within about three yards of the gate he noiselessly laid his machine against the garden fence (Tressell.) For a while after they had gone Drake lay on the roof allowing his pounding arteries to return to normal (P. Leslie). . . . an aching contusion on the left elbow, which he had knocked against a kerbstone as he fell over backwards under the initial assault (P. Leslie).

Drake was about to reply when raised voices behind him made him turn his head toward one of the tables where a flushed man had risen to his feet expostulating (P. Leslie). «Pay the bill, indeed! I can just see that!» — his voice rose as he wagged a finger in the thin man's (P. Leslie). There was a pause. After a while, Hunter raised his eyes to other's face, but immediately let them fall again (Tressell). She raised black eyebrows at Drake and waited (P. Leslie).

Феъллар ўтимли-ўтимсизлиги ясашининг лексик-морфологик усули сўз ясовчи аффикслар иштирокида амалга оширилади. Аффиксал морфема ёрдамида ясалган ҳар бир феъл ўтимли феъллар гуруҳига, ё ўтимсиз феъллар гуруҳига тааллуқли бўлади. Баъзиларида ўтимлилик, баъзиларида эса ўтимсизлик устун бўлади.

Сўз ясовчи аффикслар билан ўтимли-ўтимсизлик ўртасидаги муносабат на инглиз тилида, на ўзбек тилида яхши ўрганилган. Шунга қарамай феълларнинг ясаши жараёни ўтимли-ўтимсизлик билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги инглиз тилида сўз ясовчи аффиксларга, бирор гуруҳга тааллуқли бўлган бир неча феъл ясовчи аффиксларни киритиш мумкин:

be-bemoan аза тутмоқ, йиғламоқ moan инграмоқ, benumb (numb) шол қилмоқ, -numb шол, палаж
un-unbalance ҳаловатни (осойишталикни) бузмоқ balance мувозанат; unbolt тамбани олмоқ bolt тамба
dis-disable жароҳат етказмоқ-able моҳир disarm қуролсизлантarmoқ-arm қурол
mis-misplace нотўғри қўймоқ place жой, misrule нотўғри қўлламоқ rule бошқариш, бошқармоқ
en-enrich бойитмоқ rich бой enlarge оширмоқ large кенг
re-remove силжитмоқ move силжимоқ
-fy glorify шарафламоқ glory шараф signify англатмоқ sign белги.

-en widen кенгайтarmoқ wide кенг, brighten пардозламоқ,

bright очиқ worsen кескинлаштирмақ worse ёмон
-ize centralize марказлаштирмақ central марказий, authorize
вакил қилмоқ, author муаллиф.

Сўз ясовчи аффиксларга ўтимли ва ўтимсизликни ясовчи бир қанча префикс ва суффиксларни киритиш мумкин. Масалан: **accelerate** — тезлатмоқ, тезлашмоқ, **alternate** алмашмоқ, бир-бирининг ўрнини босмоқ, ўзгармоқ.

Бошқа негизлардан конверсия усулида феъл ясалиши ҳам ўтимли-ўтимсизлик ясалишининг лексик-морфологик усулига ки-ради. Бошқа сўз туркумларидан ясалган феъллар ё ўтимли, ё ўтимсиз бўлади. Мазкур усул ҳозирги инглиз тилида кўп қўлла-нади. Бу усул воситасида сўз туркумларининг барча негизлари-дан феъл ясалади:

1) отдан:

wad пахта тикмоқ — **wad** пахта парчаси
wag силкитмоқ — **wag** имо, ишора
waggon фургонда олиб бормоқ — **waggon** фургон
wail сасимоқ — **wail** алаф

2) сифатдан:

warm иситмоқ (исинмоқ) — **warm** иссиқ
cool совитмоқ (совимоқ) — **cool** совуқ
calm овитмоқ — **calm** осойишта
better яхшиламоқ, яхши бўлмоқ — **better** (good нинг қиё-сий даражаси) яхши

3) равишдан:

down туширмақ — **down** пастга, пастда
out ҳайдамоқ — **out** ташқари, ташқарида
up кўтармоқ — **up** юқорида, юқори кабилар.

Лексик-морфологик усул унчали характерли эмас, чунки аф-фикс ёрдамида ясалган феълнинг ўзи бир вақтда ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл каби қўлланилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган феълларда **be-**, **re-**, **en-** префикслари, — **en**, **-ize** суффикслари ё феълдан, ё бошқа сўз туркумидан янги сўз ясади. **be-**, **re-** префикслари феълдан феъл яшаш билан бирга ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантиради. **-en**, **-ize** аф-фикслари бошқа сўз туркумларидан феъл ясади. Бу аффикслар иштирокида ясалган феъллар асосан ўтимли бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам шу усул билан ўтимли ва ўтимсиз маъноли феъллар ясалади. Феъл негизидан ва бошқа сўз туркумидан ясалган феъллар ё ўтимли, ё ўтимсиз бўлиши мумкин-лиги ушбу усулнинг ўзбек тилида ҳам мавжудлигидан, бинобарин, ўтимли-ўтимсизлик ясалиши лексик-морфологик усули-нинг умумлашганлигидан гувоҳлик беради. Суффиксация воси-

тасида ясалган феълларга доир бир неча мисолларни кўриб чиқамиз.

-ла суффикси ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл ясади.

а) ўтимли феъллар:

жойламоқ to place, to pack
жуфтламоқ to double, to combine
муқоваламоқ to bind

б) ўтимсиз феъллар:

ишламоқ to work
фикрламоқ to think
ўтламоқ to graze

-а суффикси ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл ясади:

а) ўтимли феъллар:

қийнамоқ to torture
санамоқ to count

б) ўтимсиз феъллар:

бўшамоқ to become empty
қонамоқ to bleed

-й (ай) асосан ўтимсиз феъллар ясади:

тиккаймоқ to stand up
қораймоқ to blacken

-р (ар) ўтимсиз феъллар ясади:

эскирмақ to be old.
қисқармоқ to shorten

-и суффикси ўтимсиз феъл ясади:

бойимоқ to be rich
тинчимоқ to be calm

-қир (-кир) суффикси ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл ясади.

а) ўтимли феъл:

чақирмоқ to invite, to call

б) ўтимсиз феъл:

бақирмоқ to cry

-прла (-илла) суффикси ўтимсиз феъл ясади:

диркилламоқ to wince, to give a start, қақилламоқ to cackle.
тақиллатмоқ to knock

-қор (-ғор) суффикси ўтимли феъл ясади:

бошқармоқ to lead
суғормоқ to water

Юқоридаги суффиксларга маълум нисбат билан алоқадор бўлган бир қанча суффиксларни қўшиш мумкин. Нисбат ясовчи суффикс бир вақтнинг ўзида икки функцияни бажариб келади: а) феъл ясайди; б) нисбат ясайди. Феъл ясовчи функцияга **-лан** ва **-лаш** суффиксларини киритиш мумкин. Бунда **-ла** сўз ясовчи морфема **-н**, **-ш** суффикслари эса ўзлик ва биргалик кабиларни ифодаловчи морфемадир. Масалан: *жонлачмоқ* to become alive, *иккиланмоқ* — to hesitate *жанжаллашмоқ* to quarrel. Бу сўзларда сўз ясовчи суффикслар ва нисбат ясовчи формантлар бир-бирини истисно қилувчи морфемалардир.

Феъл суффикси **-ла** бошқа сўз туркумлари негизига мустақил, нисбат ясовчи морфемаларсиз қўшилиши мумкин. Нисбат ясовчи функцияга каузатив ўтимли феъл ясовчи **т** суффиксини киритиш мумкин: *тўлатмоқ*.

Инглиз тили феъл системасида ўтимли-ўтимсизлик ясашишда синтагматик потенциалнинг муҳим аҳамияти бор. Ўтимлиликнинг иккиламчи (ёрдамчи) маркерлари синтактик усулни маълум даражада нейтраллаштирганлиги сабабли синтагматик потенциал ўзбек тилида кам тарқалган.

Мазкур синтактик усулнинг моҳияти шундаки, у конструкция ёки гапда ўзи учун ажратилган доимий ўринга қараб феълни иккиламчи ўтимли ёки ўтимсизга айлантиради. Натижада феълнинг синтактик вазифаси ўзгаради. Агар ўтимли феъл учун гап структураси $NP_1 - V_{tr} - NP_2$ ёки $S - V - O$ бўлса, ўтимсиз феъл учун $NP - V_{intr} - (SV)$ бўлади. Субституцияли ўзгартиришлардан кейин конструкция характери ўзгармай, аксинча ўтимлилик ва ўтимсизлиги ўзгаради. Масалан:

I play the child	(Мен болани ўйнатаман)
I stand	Мен турибман.

Биринчи гапда to play феъли ўтимли, иккинчи гапда to stand феъли ўтимсиз. Энди феълларни ана шу конструкциянинг ўзида ўзгартирамиз:

I stand the child	Мен болани турғизаман
I play	Мен ўйнаман.

Шундай қилиб, ўтимли-ўтимсизлик феълнинг синтактик жойлашишига қараб ўзгаради. Ўтимли-ўтимсизликнинг ўзгариши феъл семантикасига таъсир этади, яъни семантик таъсир феълнинг синтактик функция бажаришига боғлиқ бўлади. **I stand the child** гапда **stand** феъли бир вақтнинг ўзида каузативликни ҳам касб этади.

Ўтимли-ўтимсизлик ёки иккиламчи ўтимли-ўтимсизлик ясалишининг кўрсатилган усуллари сўз ва форма яшаш процесси билан боғлиқдир. Морфологик ва синтактик усуллар форма яшаш билан лексик усул мустақил сўзлар яшаш билан боғлиқдир.

Синтетик ёки аналитиклигидан қатъи назар дунё тилларининг барчасида, сўзнинг асосий маъноси уларнинг маълум бирикмада, конструкцияда, умуман нутқ контекстида қўлланилишигагина қараб аниқланиши мумкин.

Сўз маъносининг (феълнинг) боғлиқлиги ҳақидаги масаланинг турли томонларига ҳар хил нуқтаи назардан Ш. Балли¹, В. В. Виноградов², О. Есперсен³, А. И. Смирницкий⁴, В. Н. Ярцева⁵ ва бошқа кўп олимлар эътибор беришган. Ўтимсиз феълларнинг ўтимлилашуви, аксинча, ўтимлининг ўтимсизлашуви феъл маъносининг конструкциядаги ўрнига боғлиқлиги билан аниқланади.

Ўтимли-ўтимсизликнинг ўзгариши ва бошқа сўз туркумларидан ясалган янги феълларнинг қўлланилиши кейинги от билан феълнинг бирикишига боғлиқдир. Ундан ташқари ўтимли-ўтимсизлик даражаси кўпроқ гапда эга вазифасида келган сўзнинг хусусиятига ҳам боғлиқ.

Инглиз ва ўзбек тилларининг типологик жиҳатдан турли структурада эканлиги шу икки тил материаллари асосида ўтимли-ўтимсизлик категориясини аниқлашнинг асосий ҳолларини, морфологик ва синтактик конфигурацияларда бирикув сигналнинг асосий усулларини ҳам кўриб чиқишни тақозо этади.

* *
*

Инглиз тили системасида ўтимли-ўтимсизлик муҳим аҳамиятга эга. Аввало феълнинг нисбат алоқаси феълнинг ўтимли ва ўтимсизлик хусусиятига боғлиқ бўлса, отнинг субъект ва объект функция бажариши ҳам шунга боғлиқ.

Ҳозирги инглиз тилида ўзлик, биргалик, умумийлик, каузативлик каби нисбат маъноларини ифода этиш учун махсус нисбат формантлари йўқ. Бунинг устига феъл билан бирикадиган отларнинг йўналтирилган ва йўналтирилмаганлиги морфологик жиҳатдан аниқланмаган. Шундай қилиб, нисбат маъноларини ифода этиш усуллари ва нисбат конфигурациясининг ясалиши феълни ўтимли-ўтимсиз функция бажаришига икки ҳисса боғлиқ бўлиб қолади, чунки «ўтимли-ўтимсизлик сўзнинг бирор формасини эмас, балки умуман тасвирлайди»⁶.

¹ Ш. Балли. Общая лингвистика и вопросы французского языка, М., 1955, стр. 515—516.

² В. В. Виноградов. Русский язык. М., 1947. стр. 428; Типы лексических значений слов, ВЯ, 1953, №5.

³ O. Jespersen. A Modern English Grammar on Historical Principles London, 1954 Part III, ch. XIII.

⁴ А. И. Смирницкий. Лексикология английского языка. М., 1956.

⁵ В. И. Ярцева. Пути развития словосочетания, Уч. зап. ЛГУ, 1952, № 1567.

⁶ А. И. Смирницкий. Морфология английского языка, М., 1959, стр. 258 и след.

Нисбат маъноларидаги ўзлик, каузативлик, биргалик, шунингдек ўрта нисбат (Middle voice) феъл хусусиятининг ўтимли-ўтимсизлиги билан чамбарчас боғлангандир.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ўтимли-ўтимсизлик инглиз тили феъл системасида мураккаб масала ҳисобланади. Ушбу масала юзасидан проф. Б. А. Ильиш «Феълларни ўтимли ва ўтимсизга ажратиш масаласи назарий грамматикадаги энг қийин масалалар қаторига киради»¹ деб ёзади. Энг мураккаб масала феълларнинг ўтимли-ўтимсизлиги чегарасини аниқлашдир. Дарҳақиқат, қадимги инглиз тилида ҳам бу чигаллик мавжуд бўлган. Аммо у даврда келишиқ қўшимчаларининг борлиги фаолиятнинг маълум даражада объектга йўналтирилганликни кўрсатиб келган. Объектни ўтимли феъл билан боғлаш учун ўзига хос шартли восита хизматини ўтаган келишиқ қўшимчаларининг кейинчалик йўқолиб кетиши, воситали ва воситасиз тўлдирувчилар ўртасидаги формал фарқни йўқотиб юборди. Маънонинг бу қадар ўзгариши натижасида инглиз тилидаги от, олмош каби сўз туркумлари морфологик жиҳатдан деярли яланғоч бўлиб қолди, феъллар эса ўтимли феълларни ўтимсиздан фарқ қилишга хизмат этадиган махсус маркерлардан маҳрум бўлади.

Ҳозирги инглиз тилида тўлдирувчи ўтимли-ўтимсизлик ва йўналтирилган-йўналтирилмаганлик маркерлари йўқлиги сабабли ўтимли ва ўтимсиз феъллар орасига аниқ чегара қўйиш қийин, чунки бир феълнинг ўзи ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз функцияда қўлланиши мумкинлигини юқорида кўриб ўтдик.

Феълнинг ўтимли-ўтимсиз қўлланилиши ҳақида гапирилганда — дарҳақиқат, феълнинг ўтимли ва ўтимсиз функция бажариши кўзда тутилади.

Демак, инглиз тилида ўтимли-ўтимсизликнинг ўрганилиши феълнинг от билан бирикиш хусусиятини аниқлашдан иборатдир.

Лингвистик адабиётларда инглиз феъллари одатда **ўтимли феъллар** (transitive verbs) ва **ўтимсиз феъллар** (intransitive verbs) га бўлинади.

Мана шу икки хил феъллар орасида ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз қўлланилиши мумкин бўлган учинчи гуруҳ феъллар ҳам бор. Уларни одатда икки маъноли² феъллар деб юритилади.

Аммо ўтимли-ўтимсизлигига кўра ажратилган учала гуруҳ барча феълларни ўз ичига ололмайди. Яна бирмунча феъллар борки, улар ўтимли ва ўтимсизлардан фарқ қилиб, инглиз тили феъл системасида алоҳида ўрин тутаяди. Бундай феъллар **боғлама** (linking verbs) ёки **копулятив** (copulative) феъллар дейилиб, ўз навбатида уларни яна майда гуруҳларга бўлиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилганларга асосланиб, инглиз тили феъл систе-

масида 1) *ўтимли*, 2) *ўтимсиз*, 3) *икки функцияли*, 4) *боғлама феъллар* борлиги эътироф этилади.

Б. А. Ильиш феълларни семантикасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлади: 1) тугал фикр англатиб, воситасиз тўлдирувчини талаб этмайдиган феъллар, 2) тугал фикр англатиб, маънони изоҳловчи воситасиз тўлдирувчи талаб этиши мумкин бўлган феъллар, 3) тугал маъно англатмай, воситасиз тўлдирувчи билан қўлланидиган феъллар.¹

Инглиз тилининг семантик планида ўтимлилик деганда феъл билан ифодаланган иш-ҳаракат ёки процессни агенсдан пациентга (passes „over“ from the „agent (or „actor“) to the „patient“ (or goal)“² субъектдан объектка (from subject to object)³, иш-ҳаракатни бажарувчидан қабул қилувчига (from the performer of the action to the receiver of it)⁴, грамматик объектка⁵, иш-ҳаракатни бажарувчидан унинг объектига (from the doer of the object of it)⁶ ўтиши тушунилади.

Синтактик бирикиш усулига кўра ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчини қабул қиладиган феъллар *ўтимли феъллар* дейилади.

„Transitive verbs that can take a direct object“⁷

„...any verb takes a direct object is a transitive verb“⁸.

„We speak a verb as transitive if it has an object, and intransitive if it has none“⁹.

Ўтимсизлик деганда иш-ҳаракатнинг бажарувчидан қабул қилувчига ўтмаслиги тушунилади. Иш-ҳаракат фақат иш-ҳаракатнинг бажарувчиси атрофида содир бўлиб, иш-ҳаракат йўналтириладиган адресат бўлмайди.

Ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчини қабул қилмайдиган феъллар *ўтимсиз феъллар* дейилади.

Intransitive verbs cannot take a direct object, though may have an indirect one or modifier as complement.¹⁰ Any verb that does not take a direct object is an intransitive verb.¹¹ An intransitive verb indicates action which involves only the performer of the action.¹² An intransitive verb denotes a state or simple action without any reference of object“¹³.

¹ Б. А. Ильиш. Современный английский язык, М., 1948, стр. 199.

² J. Lyons, op. cit., p. 350.

³ Paul Roberts. Modern Grammar, New York, 1968.

⁴ Claude W. Faulkner. Writing good sentences. New York, 1957, p. 20.

⁵ R. W. Pence, A Grammar of Present Day English. New York, 1947, p. 36

⁶ G. O. Curme. English Grammar, New York, 1947.

⁷ R. E. Morsberger. Commonsense Grammar and Style. New York. 1965, p. 113.

⁸ R. W. Pence, op. cit., p. 36.

⁹ O. Jespersen. Essentials of English Grammar. London, 1943, p. 116.

¹⁰ R. E. Morsberger. ўша асар, p. 113.

¹¹ R. W. Pence, op. cit., p. 36.

¹² Claude W. Faulkner, op. cit., p. 20.

¹³ G. Curme. English Grammar, The Principles and Practice of English Grammar. New York, 1947, p. 23.

¹ Б. А. Ильиш. Современный английский язык, изд. 2-е, М., 1948, стр. 198

² В. Н. Жигадло, И. П. Иванова, Л. Л. Иоффик. Современный английский язык, М., 1956, стр. 85—89.

Энди ўтимли-ўтимсизлик хусусиятини аниқлашдаги баъзи баҳсли фикрларни кўриб чиқамиз. Ўтимлиликни ифодаланишида баъзи муаллифлар умумий қабул қилинган қондаларга таянадилар, яъни улар ўтимлиликни **фeъл + воситасиз тўлдирувчи** бирикмаси асосида аниқлашади.

Инглиз тили назарий грамматикасининг муаллифлари В. Н. Жигадло ва бошқалар «Ҳозирги инглиз тилида ўтимли фeълларга фақат предлогсиз тўлдирувчи билан бирикадиган фeъллар, ўтимсиз фeълларга бундай тўлдирувчини талаб этмайдиганлари тааллуқлидир»¹ деб ёзишади. Л. С. Бархударов ва Д. А. Штелинг бирор объектга йўналтирилган иш-ҳаракатни ифодалайдиган фeълларни ўтимли, объектга ўтмай, субъектда (бажарувчида) тугалланадиган иш-ҳаракатни ифодаловчи фeълларни эса ўтимсиз² деб ҳисоблайдилар. Жигадло В. Н. ва бошқалар ўтимли фeълларга предлогсиз тўлдирувчи билан бирикадиган фeълларни киритса, Бархударов Л. С., Штелинг Д. А. ҳам предлогсиз, ҳам предлогли тўлдирувчини талаб этадиган фeълларни ўтимли³ фeъл деб юритишади.

Иккинчи таъриф тўғри, чунки инглиз тилидаги баъзи фeълларнинг қўлланилиши предлогларга боғлиқдир. Предлог ўзидан олдин келган фeълнинг ўтимлилигини кўрсатиш учун хизмат қилади.⁴

wa:t (for) кутмоқ
look (at) қарамоқ
talk (about) сўз юритмоқ, гаплашмоқ
depend (on) боғлиқ бўлмоқ

Ҳозирги инглиз тилида маълум предлоглар билан бириккчи бирор маънода функция бажарадиган актив нисбат аниқ формаси мажҳул формага айлантирилганда ҳам фeъл маъносини тўлдириб келаётган предлоглар сақланади. Масалан: **to talk over the matter, the matter is talked over.**⁵ Бу эса маълум предлогларнинг фeълга жуда жипслашганлигидан дарак беради.

Икки маъноли фeълларга ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз функцияни бажарадиган фeъллар киради. Фeълнинг ўтимли-ўтимсизлиги шу фeълнинг контекстда қандай қўлланганлигига қараб аниқланади. Сўзнинг лексик маъносининг ўзи ёлғиз келганда бу маънони аниқ ифода этмайди. Унга **change** ўзгармоқ, ўзгартир-

моқ, **turn** бурмоқ, бурилмоқ, **move** қўзғалмоқ, қўзғатмоқ каби фeъллар киради.

Инглиз тили фeъл системасида **боғлама фeъллар** семантик ва функция жиҳатидан алоҳида ўринда туради. Нисбат категорияси нуқтаи назаридан улар бошқа фeъллардан ажралиб туради. Бу фeълларнинг асосий функцияси эгани бошқа от ёки сифат билан боғлашдан иборат бўлиб, улар терминологик жиҳатдан турлича аталади: **боғлама (linking verbs)**¹, **копулятив (copulative verbs)**² *ўрта ёки ўртанчи класс фeъллари (middle verbs, middle class verbs)*³.

Бу фeъллар нисбат нуқтаи назаридан етарли ўрганилмаганлиги сабабли улар турли лингвистлар томонидан ҳар хил таққин этилади. Масалан, Р. Лиз ва бошқалар ўтимли ва ўтимсиз фeъллардан фарқ қиладиган барча фeълларни учинчи гуруҳга киритса, П. Робертс⁴ ва бошқалар уларни майда гуруҳларга бўлишади. Р. Лиз ўз асарида барча боғлама фeълларни **middle verbs** группасига киритса, П. Робертс уларга **cost** (it costs a dollar), **weigh** (He weighs two hundred pounds), **total** (it totalled five hundred dollars), **amount** (It amounts to sixty cents), **have** (he has a bicycle) каби фeълларни киритади. П. Робертс *ўрта фeъллар* гуруҳига боғлама фeълларнинг бир қисмини **middle verbs** гуруҳига, қолганларини **seem class, become class** фeъллар гуруҳига киритади.

Ўтимли-ўтимсизлик маъноси маълум категориядаги фeълнинг асосан тўлдирувчи билан, шунингдек, бошқа гап бўлаклари билан ҳам бирикиб келишига боғлиқдир.

Ўтимли фeъл билан бирикадиган тўлдирувчи *объектли тўлдирувчи* дейилади. Фeълли бирикмада фeълнинг иштирок этиш-этмаслигига кўра объектли тўлдирувчи *предлогсиз* ва *предлогли тўлдирувчиларга* бўлинади.

Фeълнинг тўлдирувчи билан бирикишига, бу фeъл бирикмаларини бошқа сўзлар билан бирикувини аниқлашга асосланиб, П. Робертс фeълларни қуйидаги гуруҳларга бўлади⁵:

- 1) *ўтимсиз фeъллар* (intransitive verbs);
- 2) *ўтимли фeъллар* (transitive verbs);
- 3) *фараз қилиш маъносини ифодалайдиган фeъллар* (seem class verbs);
- 4) *пайдо бўлиш, ташкил топишни англатадиган фeъллар* (become class);
- 5) *ўрта фeъллар* (middle verbs).

¹ В. Н. Жигадло, И. П. Иванова, Л. Л. Иофик, Современный английский язык М., 1956, стр. 85.

² Л. С. Бархударов, Д. А. Штелинг. Грамматика английского языка, Изд. 2-е, М., 1963, стр. 138—139.

³ Л. С. Бархударов, Д. А. Штелинг. Уша асар, стр. 138—139-бетлар. Л. С. Бархударов. Структура простого предложения современного английского языка, М., 1966, стр. 78 и след.

⁴ Л. С. Бархударов, Д. А. Штелинг. Уша асар, стр. 139—140-бетлар.

⁵ Мисол В. Н. Ярцевадан олинди: О двух приглагольных дополнениях, ИЯШ, № 3, 1948, стр. 9.

¹ George O. Curme. English Grammar, The Principles and Practice of English Grammar. New York, 1947. Claude Faulkner. op. cit. p. 20.

² R. B. Lees. The Grammar of English Nominalizations J. A. L. vol., 26, № 3. 1960. Paul Roberts. Modern Grammar, New York. 1968.

³ R. B. Lees. Уша асар.

⁴ Paul Roberts. Modern Grammar. New York, 1968, p. 39.

⁵ Paul Roberts. Modern Grammar. New York, 1968.

Бу феъллар гапда қуйидагича бирикади:

$$\text{Verbal} \left\{ \begin{array}{l} \left\{ \begin{array}{l} V_i \\ V_t + \text{Np} \\ V_s + \text{Adj} \\ V_b + \left\{ \begin{array}{l} \text{NP} \\ \text{Adj} \end{array} \right\} \\ V + \text{mid} + \text{NP} \end{array} \right\} + (\text{Adv} - m) \\ \left\{ \begin{array}{l} V_i \\ V_t + \text{Np} \\ V_s + \text{Adj} \\ V_b + \left\{ \begin{array}{l} \text{NP} \\ \text{Adj} \end{array} \right\} \\ V + \text{mid} + \text{NP} \end{array} \right\} + (\text{Adv} - p) \end{array} \right\} + (\text{Adv} - f) + (\text{Adv} - t)$$

1) Биринчи гуруҳга **walk, arrive, dream, etc.** туридаги барча ўтимсиз феъллар киради.

Бу феъллар ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади:

$$V_i \rightarrow \left\{ \begin{array}{l} V_i - 1 \\ V_i - 2 + \text{particle} \\ V_i - 3 + \text{complement} \end{array} \right.$$

$V_i - 1$ ўздан кейин мураккаблаштирувчиси бўлмаган феъллардир.

$V_i - 2 + \text{particle}$ гуруҳига феълларнинг **up, in, away, down, over, out, off, by** каби предлоглар билан бирикиб келиши киради:

John danced **up** — Жон рақсга тушди.

$V_i - 3 + \text{complement}$ гуруҳига кирувчи бирикмада феълдан кейин предлогли отлар келади.

2) Иккинчи гуруҳга от бирикмалар (NP) билан бирикадиган ўтимли феълларнинг ҳар хил турлари киради:

Қиёсланг: to see the game.

Ўтимли феъллар ҳам бир неча кичик гуруҳлардан ташкил топади:

$$V_t \rightarrow \left\{ \begin{array}{l} V_t - 1 \\ V_t - 2 + \text{particle} \\ V_t - 3 + \text{complement} \\ V_t - 4 + \text{to} + \text{NP} \\ V_t - 5 + \text{ing} + \text{complement} \\ V_t - 6 + \text{to} + \text{complement} \end{array} \right.$$

$V_t - 1$ — от билан ҳеч бир мураккаблаштирувчисиз бирикадиган феъллардир: John bought a book.

$V_t - 2$ — кўмакчили ҳамда тўлдирувчи талаб этадиган феъллар **look up, put away, knock down, run down, buy off, clean up, single out**: John looked up the word. John looked it up.

Бу икки гап ўтимсизлигига кўра трансформация қилинса, қуйидагича бўлади:

$$V_t - 2 + \text{participle} + \text{NP} \rightarrow \\ V_t - 2 + \text{NP} + \text{particle}$$

$V_t - 3 + \text{complement}$ — феълнинг воситасиз тўлдирувчи + ўрин ҳоли бирикмасидан иборат: John left the paper in the desk.

They found the newspaper on the porch. John thought Mary silly (Pass: Mary was thought silly by John).

The class elected John chairman (Pass: John was elected chairman by the class).

Mary regarded John as a friend (Pass: John was regarded as a friend by Mary бирикмалари ҳам шунга тегишлидир.

$V_t - 4 + \text{to} + \text{NP}$ — бир пайтнинг ўзида иккита воситасиз ва воситали тўлдирувчини талаб этадиган феъллардир: John gave to Mary a book.

give феъли билан келган мисолларда **to** предлогини тушириб қолдириш ҳам мумкин:

John gave Mary a book
John gave the book Mary.

$V_t - 5 + \text{ing} + \text{complement}$ — гуруҳига John heard Bill leaving the house (Pass: Bill was heard leaving the house by John). She imagined herself dancing the waltz туридаги мисоллар киради.

$V_t - 6 + \text{to} + \text{complement}$ — гуруҳига **urge** туридаги феъллар киради: John urged Bill to try harder (Pass: Bill was urged to try harder). John thought himself to be patient. John tried to be patient.

3) Фараз қилишни ифодалайдиган (seem class) феълларга **look, appear, feel, sound, taste, small, grow** каби феъллар киради: It seems safe. She seems friendly.

4) Пайдо бўлиш, ташкил топишни англатадиган феъллар (verbs of the become class)га **become, remain** каби феъллар киради:

John became a friend.
John remained a friend.

5) Урта феъллар (middle verbs) га **cost, weigh, total, have** каби феъллар киради.

P. Лиз ўтимли-ўтимсизликни таснифлашда феълнинг ҳар хил сўз туркумлари билан бирикишига, пассив трансформацияда ишлатилишига ва номинализациянинг маълум турига киришига асосланади.

P. Лиз таъбирича ўтимли феълларга предлог билан келиши мумкин бўлган феъллар, **verb-preposition** киради. Масалан: **look (at), step (on), drive (into), put (into), throw (towards), tell (about)** мажҳул нисбатга трансформация қилинганда феъл ва предлог ўз бирлигини йўқотмайди. Қиёсланг:

He told about his life.
His life was told about,
His telling about his life etc.

Машина таржимаси учун программалаштириш процесси лингвистлар олдига янги вазифалар қўяди. Феълларнинг бошқа сўзлар билан бирикишининг асосий турларини аниқлаш ана шу вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан феълнинг бошқа сўзлар¹ билан бири-кишига кўра С. Чэтман уларни бир неча гуруҳларга бўлади ва бошқалар.

УТИМЛИ ВА УТИМСИЗЛИКНИ ИФОДА ПЛАНИДА БАЕН ЭТИЛИШИ

Қиёсий грамматика ўтимли ва ўтимсизликнинг қиёсланаётган тиллардаги изоморф ва алломорфлигини ўрганади. Утимли ва ўтимсизлик феълларнинг ҳам ички, ҳам ташқи структураси билан боғлиқ. Ички структурасига кўра феъллар семантик ўтимли-ўтимсиз, ташқи структурасига кўра формал ёки синтактик ўтимли-ўтимсизлик бўлади.

Семантик ўтимли-ўтимсизлик ҳар бир феълнинг маъноси билан боғлиқ бўлиб, ифода планида турлича кўринишга эга.

Семантик ўтимли-ўтимсизлик бир тил системасида тилнинг лексик, морфологик ва синтактик ярусларида ифодаланса, икки тил системасида бошқача ифода этирилиши мумкин. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларида бу категория турли воситалар ёрдамида ифодаланadi. Аммо семантик ўтимли-ўтимсизлик ҳар икки тил учун бир хилдир.

Ҳозирги замон тилшунослигида феълларнинг бошқа сўзлар билан бириктириш грамматик жиҳатдан бирмунча чегараланган бўлиб, ўтимли феъл сифатида фақат тушум келишидаги отлар билан қўшиладиган феъллар олинади. Қолган формаларда келган феъллар семантик ўтимли бўлишидан қатъи назар бу категорияга кирмайди.

Ўтимли-ўтимсизлик категориясига бундай ёндошиш қиёсий грамматика учун анча ноқулайлик тугдиради. Масалан, инглиз ва ўзбек тиллари этик бирликларининг ўхшаш эмаслиги, уларни қиёслашдаги мавжуд қоида қаноатлантирмаслиги грамматик чегараланганликнинг гувоҳидир.

Семантик ўтимли-ўтимсизлик феълларнинг семантик жиҳатдан мустақиллигига боғлиқ. Масалан, баъзи феъллар маъноларининг нисбатан тугаллиги ё икки бўлакли (S — O) ёки уч бўлакли (S — V — O) гапда ифодаланadi. Демак, семантик ўтимли-ўтимсизлик ҳар иккала тилда ҳам ўтимсизликни ифодаловчи феъл ва феъл бирикмаларига ва ўтимлиликни ифодаловчи феъл ва феъл бирикмаларига бўлинади.

Ўтимсизликнинг Иш-ҳаракатнинг объектга йўналтирилмаган-инглиз ва ўзбек лиги ўтимсизлик дейилади. Утимсиз феъллар тилларида ифода- гапда эганинг фаолиятини кўрсатади. Баъзи ланиши ҳолларни ҳисобламаганда, S — V структурали гапларда аниқ нисбат формасидаги феъл иш-ҳаракатининг ба- жарувчиси гапнинг эгаси эканини кўрсатади. Инглиз ва ўзбек

¹ Seymour Chatman. The Classification of English verbs by Object types. 1961. International Conference on Machine Translation of Languages and Applied Language Analysis. Vol. I. London, 1962, pp. 84—96.

тилларида ўтимсизлик мураккаблашмаган содда, ясама ва қўшма феъллар воситада ифодаланиб бу хусусият ҳар икки тилга мансубдир. Масалан.

Someone sneezed on the Staircase. (Wells)

These ceased suddenly (Wells)

Mr. Hall marched up the steps, marched straight to the door of the parlour — and found it open. (Wells)

somebody ran by outside (Wells)

«Presently he calmed a little (Wells)

Stern's heart sank. (Stern)

A look of perplexity appeared on Gabriel's face. (J. Joyce)

The showy world in which her interest lay completely absorbed her. (J. Dreiser)

He chuckled deeply and poking Stern again, said, «You know who else is starving to death (Stern)

A blowing sound, and the glim of the candle which was fingering the dusk above wens out: silence reigned. (J. Galsworthy)

When she bowed and smiled at the end of the act his whole frame softened in a sort of proud. (H. E. Bates)

The lame man's face brightened. (J. Galsworthy)

He felt that he ought to go out, and yet he sickened at the thought. (Dreiser)

He looked up. They were beginning to brighten. Cyril slapped his knee. (Mansfield)

Бу спектакль доҳий В. И. Ленин юз йиллиги юбилеи муносабати билан саҳналаштирилган. (Т. О.)

«Мангей» деб аталган театр эса мамлакатда обрўли ҳисобланади. (Т. О.)

Қатта ўғлини шу йил уйлантирмоқчи. (Т. О.)

Алишер ундан нафратланиб, тескари қарайди. (О.)
Замоний янги уйланган жан.
Мана, сочимни қирқтириб келдим. (Т. О.)

Кун совуқ, лекин бозор қайнайди. Бу ерга туташган кўчаларнинг ҳаммасидан одам дарёдай оқади. (О.) Жоменинг орқасида, унинг баланд ёшга деворига тиқилиб Оташ-дукчи ўгирибди. Бировлар савдо-сотиқ ёки харж билан овора бўлса, бировлар чўнтақларида сийқа чақаси йўқ, бозор расталарида гаранг сургалади. (О.) Ўзбек тилида бу группага грамматик ёки морфологик усул ёрдамида ясалган ўтимсиз формалар киради. Масалан: мажхул ва ўзлик нисбат ясовчи грамматик суффикслар ёрдамида ясалган феъл формаларини иккиламчи ўтимсиз формалар дейиш мумкин. Масалан: Шу лойт, қулоғимизга от туёғининг товуши эшитилди. (Т. О.) Бундай дарахтлар топилмайди (П. Қ.) Узумдан сирка қилинади, мусаллас солинади, шарбат ҳам узумдан бўлади (С. А.). Ўзамжон вагондан тушиб ҳамма билан қучоқлашиб кўришди (С. А.). Келтирилган мисолларда тагига чизилган феъллар нисбат ясовчи суффикслар ёрдамида ўтимли феъллардан ясалган.

Ўтимсизлик феъл бирикмалари воситасида ифодаланиши мумкин:

Every one began to move (Wells)

His coffee grew cold while he scanned the paper indifferently (Dreiser) When I got there, it felt funny (Salinger) The pink wall of the house opposite had fallen out from the roof, and an iron bedstead hung twisted toward the street (Hemingway)

Ўзбек тилида бундай феълларга абгор бўлмоқ, афсус емоқ, азоб емоқ, ажрим бўлмоқ ва шунга ўхшаш бирикмалар киради.

— Тўғри айтасиз, ўзим ҳам шундоқ деб поччангизни овутаман, лекин ўйласам юрагим жиз-жиз ачиб кетади (О). Куним битиб, қазойим яқинлашиб қолди шекилли (О). Нима гап ўзи нега, замон чайқалиб қолди? (О) Ҳали ўтин ёриб берган эдим, дуо қила-қила эси кетди. Кунимизга яраб турган ёлғизгина отимиз бор эди, тўсатдан ўзини таппа ерга ташлаб ўлди кўйди. Ўзим йиқилиб қоляпман... (О).

Иш-ҳаракатнинг объектга ёки гапнинг эгасига ўналтирилганлиги ўтимлилик дейилади. Сентилларида ифодаланиши мантикасига кўра иш-ҳаракатнинг ўналтирилганлигини ифодалайдиган, предлогсиз ва предлогли тўлдирувчилар билан бирика оладиган феъллар ўтимли феъллар деб аталади. Уч бўлаккли (S — V — O) гапларда феъллар ўтимли феъл вазифасини бажаради.

For a moment she said nothing more. «You'll like it», he went on at last. «They've spoiled it, but you'll rave about it».

«Ought I to dislike it because, poor old dear... Niobe of Nations, you know — it has been spoiled?» — she asked (H. James). «I might send her to my sister», Mr. Osmond observed and he changed his place. (Ibid). Henrietta showed no signs of breaking down (Ibid). That makes me tremble for her happiness (Ibid). Madame Merle shook her head as for quiet amusement (H. James).

Токнинг ер устки қисмини қайта тиклаш ёш ўсаётган новдалар ҳисобига бўлиши керак. Совуқ урган занг ва новдаларни қирқиб ташлаш зарур (Т. О.) Шўра хомток қилишни бошлаш пайти ҳам келди (Т. О.).

Ўтимлилик маъноси бир неча йўл билан ифодаланиши мумкин. Ўтимлиликни икки тилда аниқлашда биз предлог, кўмакчи, ва турли келишик формасидаги отларнинг феъллар билан қўшилиши асосида иш кўраимиз. Ўтимлиликни ифодаловчи феъл ва феъл бирикмалари предлогсиз, предлогли, кўмакчисиз, кўмакчили, турли келишик формаларидаги отлар билан бирикиб келувчи ҳамда дитранзитив (қўш ўтимли) тарзида таснифланади. Отлар билан феъллар ўртасидаги алоқаларни ҳисобга олиб биз феълларни соф предлогли, кўмакчили ва кўмакчисиз феъллар деб атаймиз.

Ўтимлиликнинг предлогсиз ёки кўмакчиларсиз ифодаланиши Инглиз тилида феълларнинг умумий келишикдаги отга предлогсиз қўшилиши билан ўтимлиликнинг предлогсиз ва кўмакчисиз ифодаланишига эришилади.

Ўзбек тилида эса бу группага тушум келишигининг белгили ва белгисиз формалари билан бирикиб келадиган феъл ҳамда феъл бирикмаси киради. Масалан:

That spectacle pleased Carrie immensely (Dreiser) I hit the floor (Salinger). I went over to my window and opened it and packed a snow ball with my bare hands (Ibid). I flunked you in history because you knew absolutely nothing (Ibid). If you meet her, mind you don't breathe a word of this (Shaw). A man who failed to satisfy him in this respect he reported to Hunter... (Tressel). In the third place she wished to exhibit Jessica, who was gaining in maturity and beauty, and whom she hoped to marry to a man of means (Dreiser).

Менсиз нима қила оларди улар? Баъзилар биринчи курсданоқ биттасининг этагини ушлаб олишади. (Ў. У.)

Коммунистик қурилишнинг улугвор вазифаларини амалга оширишда кенг халқ оммасини коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган тасвирий санъат катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон рассомлар союзи тўққизинчи съезддан сўнг ўтган вақт мобайнида тасвирий санъат арбобларининг ижодий активлигини ва профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг сафларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлида самарали иш қилди. Республика рассомлари жамиятимиз бадий маданиятни бойитган кўпгина ёрқин асарлар яратди. (Т. О.)

Институтни битириб тўғри ўзимизга келасиз (С. Қ.) Ўша сувни ичаётганлар, экинни суғораётганлар кимга миннатдорчилик билдиришни ўзлари билишади (С. А.)

Предлогсиз ва кўмакчисиз ўтимли феълларнинг дифференциал белгилари семантик ярусда процесснинг субъектдан объект-

га йўналтирилганлиги билан) структура ярусида эса предлогнинг бўлмаслиги билан аниқланади.

Инглиз ва ўзбек тилларининг соф феъллар воситасида ўтимлиликни ифодалашдаги бир-биридан фарқи шундаки, инглиз тилидаги от морфологик белгиланмаган бўлса, ўзбек тилида эса, ўтимли феъллар билан бирикадиган от тушум келишиги формасида бўлади.

Ўтимлиликнинг предлогли ўтимли феъллар воситасида ифодаланиши Тўлдирувчи билан предлог иштирокида бирикадиган феъллар предлогли ўтимли феъллар дейилади. Феъл билан ифодаланган процесснинг объектга ўтиши предлог иштирокида содир бўлади ва предлог танлаш эркин бўлмай, феъл билан аниқланади.¹

Предлогли ўтимли феълларнинг асосий дифференциал белгилари семантик ярусда процесснинг субъектдан объектга йўналтирилганлиги, структура ярусида эса предлог танлашнинг феълга боғлиқлиги ва пассив трансформада предлогнинг сақланиши билан аниқланади. Масалан:

John laughed at Mary
Mary was laughed at by John.

Предлогли ўтимли феълларга **about, after, at, for, on, of, to, with, over, up, in, into, through, before, against, between** каби предлоглар олган феълларни киритиш мумкин. Бундай феълларнинг сони кўп бўлгани сабабли уларни батафсил баён этишга ҳеч бир эҳтиёж йўқ.

Инглизшуносликка доир кўпгина асарларда бундай феъллар одатда «воситали ўтимли»² феъллар деб юритилади. Рус тилида бор бўлган³ воситали келишик (косвенный падеж) деб аталадиган келишик инглиз тилида бўлмаганлиги учун, «воситали ўтимли» терминини инглизшуносликда қўллаш тўғри эмас.

Феъл билан нечта предлог бирикиши мумкинлигига қараб, феъллар бир предлогли ва икки предлогли ўтимли феълларга бўлинади:

а) бир предлогли ўтимли феълларга битта предлог билан келадиган феъллар киради: **laugh, at, wait for, depend on, believe in, object to, listen to, rely up (on), coincide with, make over, make up, put aside, put in, put down, put on, know of**,

¹ Л. С. Бархударов. Структура простого предложения . . . стр. 93—94.

² А. И. Федорова, Косвенные предложные дополнения в современном английском языке, а. к. д. Л., 1955, стр. 8 и сл.

³ Бу биринчи марта В. В. Виноградов томонидан таснифланган . . . Яна: Грамматика русского языка, АН СССР, М., 1952, стр. 414.

⁴ Белги қўйилган феъл асосан Ҳиндистондаги инглиз тили варианты учун косдир.

dispose off*, bestow to*, marry away (smb)*, tear away*, pass off*, tear off*, show up (one's skill)*, mix up*, light up (the fire)*, pick up*, etc.

He had **looked at it** out of his window ever when he appeared to be most detached from it (H. James). Only it was strange that people should **seek for justice** in such different quarters (Ibid). Isabel had an undefined conviction that to **serve for another person** than their proprietor traditions must be of a thoroughly superior king (Ibid). There are circumstances in which, whether you **partake of the tea** or not — some people of course never do, — (Ibid). He **disposed of its contents** with much circumspection (Ibid). One of them, from time to time, as he passed, **looked with a certain at the elder man**, who, unconscious of observation, **rested his eyes upon the rich red front of his dwelling**. (Ibid) Предлог билан қўлланувчи бирикмаларни предлогсиз бирикмаларга трансформациялаш мумкин. „Don't **believe him**“, cried the old man (H. James). I would like to **believe in the truth of old Testament**, in spite of its Jewishness (O. Sitwe) „I don't **believe you** allow things to be settled for you“ (H. James).

б) Икки предлогли ўтимли феълларга икки предлог бирдан келадиган феълларни киритиш мумкин: **put up with** келишмоқ, тасдиқламоқ I cannot **put up with** your conduct any longer, **make away with** қутулмоқ, воз кечмоқ The hero made away with his enemy very quickly.

Ўтимлиликнинг турли келишик қўшимчалари билан ифодаланиши Ўтимлилик феълнинг бош келишик, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишик формалари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Чунончи, маълум келишиклар формасидаги отлар билан қўшилмагунча тўлиқ маъно англатмайди. Шу сабабли бундай феъллар луғатда ўзи бириккан отлар билан бирга берилади. Масалан: *учрамоқ* (мағлубиятга, талофатга, муваффақиятсизликка, аварияга), *йўлиқмоқ* (бировга, хатарга), *тушмоқ* (отдан, самолётдан, сувга, ишга) ва бошқалар.

Бошидан охиригача бир кўриб чиқилгач, ҳаммага жавоб берилди (С. К.). Аммо бир-бирларига кўнгил қўёлмадилар (П. Қ.). Қизлар пахтазор оралаб кетаётган **Амин бувага** ҳавас билан **тикилиб қолишди**. (М. С.). Айтилган гап **ўша жойга бориб тегса**, ёмон бўлмайди (С. А.). Эгачим овга чиқди, кетидан гафво чиқди. (С. А.).

Ўтимлиликнинг кумакчилар билан ифодаланиши Семантик ўтимлилик ифода планида кўмакчилар билан ҳам ифодаланади. Бунда кўмакчи сўз феъл билан отни бириктирувчи ҳисобланади. Бу асосан ўзбек тилига хос. Аммо инглиз тилидаги феъллар туркумига кирувчи ёрдамчи элементлар аслида феъллар билан бирикиб, уларнинг маъносини тўлдириб келувчи послелоглардир. Инглиз тилшунослигида послелог

кўп тилшунослар томонидан эътироф этилмаган. Масалан, *I look over the rail* (B. Shaw)— Мен панжара устидан қараб турибман гапидаги *over* сўзи *look* феъли билан бирикиб бир вақтнинг ўзида ҳам унинг маъносини тўлдириб келяпти, ҳам феълни от билан боғлаб келяпти.

Ўзбек тилида кўмакчилар ўтимлиликни ифодалаганда, турли келишик қўшимчалари билан маънодош бўлади. Тўйчи **Аваз томонга** қараб-қараб қўярди. Жамиятимизда ана шундай пок ва виждонли кишилар борки, улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди (Т. О.). **Бир-бири билан** топишиб кетишлари мумкин эмасми (П. Қ.). Ватан учун қилган хизматлари олий **мукофат билан тақдирланди** (С. А.).

Ўтимлиликни дитранзитив феъллар билан ифодаланиши

Икки объектли феъл дитранзитив феъл бўлиб, у бир пайтнинг ўзида иккита тўлдирувчи билан бирга келади. Феъллар билан келган отларнинг бири *воситасиз тўлдирувчи*, иккинчиси *воситали тўлдирувчи* дейилади. Феълларнинг бу тури фақат инглиз тили учун хос бўлмай, бошқа тиллар учун ҳам характерлидир. Бундай феъллар инглиз тилида кўп тарқалган бўлса-да, қўлланиши лексикада маълум даражада чегараланган.¹

О. Есперсен², Г. Поутсма³, Е. Найда⁴, Л. С. Бархударов⁵, Р. Лиз⁶, Н. Ф. Иртенева⁷, Ж. Лаянс⁸ ва бошқалар феълларни икки объектли феълларга киритадилар: *ask, bring, buy, envy, forgive, give, lend, make, offer, play, return, sell, send, show, teach, tell, write, put, wire, telegraph, telephone, tell, wish, sing, bring* ва бошқалар.

Дитранзитив феъллар билан келган тўлдирувчилар предлогсиз ҳам предлогли ҳам бўлиши мумкин.

Of course **I gave her a chance** (N. James) ... the knowledge would give one a sense of duty and the liberty a sense of enjoyment (Ibid). „I should like very much to show it to you“ he added. (Ibid). Mother told me **I might ask you if you'll come?** (Tressell). **He put them in his coat pocket.** My coat pocket (Saninger) ... and a little bristling, bustling terrier bestowed a desultory attendance upon the other gentleman (H. James). ... he rested his eyes upon him.

Барча ўтимли феъллар *икки ўринли* (two place verbs) феъллар деб аталиб, дитранзитив феълли бирикмалар *уч ўринли феъллар*

¹ Л. С. Бархударов. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966, стр. 100.

² O. Jespersen. A. Modern English Grammar, part, III. p. 14. 21—14. 41

³ H. Poutsma. A Grammar of Late Modern English pp. 157—169.

⁴ E. Nida. A Synopsis of English Syntax . . p. 114—115.

⁵ Л. С. Бархударов. Структура простого предложения, стр. 100

⁶ R. Lees. The Grammar of English Nominalizations, p. 10. 26, 27

⁷ N. F. Irtenyeva a. o. The Structure of the English Sentence, M., 1969, p. 22.

⁸ J. Lyons. Introduction to Theoretical Linguistics, Cambridge, 1968, p. 350.

(three place verbs), икки объектли феъллар, (double object verbs) *give* классига доир ўтимли феъллар (give class transitive verbs)² каби номлар билан аталади.

Воситасиз тўлдирувчи талаб этмайдиган ўтимсиз феъллар *S+V* структурали бўлиб, бундай феъллар *бир ўринли* деб юритилади. Ўтимли феъллар *S+V+O* структураси билан ифодаланиб, *икки ўринли* деб юритилади. Дитранзитив ўтимли феъллар эса *S+V++O₁+O₂* структураси билан белгиланиб, уларни *уч ўринли феъллар* дейиш мумкин.

Мазкур туркумдаги феъллар актив ва пассив трансформация нуктаи назардан алоҳида аҳамиятга эга. Бу трансформацияда гапдаги биринчи ва иккинчи объектларнинг ўрни алмашиб, *to* предлоги ҳам қўлланилади. Масалан:

John gave Bill a book (*S+V+O₁+O₂* ёки *N₁+V+N₂+N₃*)
John gave the book to Bill (*S+V+O₂+prep+O₁* ёки *N₁+V++N₃+prep+N₂*)

Бу иккала вариант ҳақиқатан услуб жиҳатдан нейтрал бўлиб, инглиз тилининг британия ва америка вариантларида учрайди. Шу гап структурасини ўзгартириб, *John gave a book Bill* (*S+V+O₂+O₁*) ёки (*N₁+V+N₃+N₂*) деб қўлласа ҳам бўлади, аммо бу вариант тилда учраса ҳам инглиз тилининг адабий тили нормасига унчалик хос эмас.

Пассив трансформация вариантларининг сони дитранзитив феълларга бўйсунмайдиган тўлдирувчилар сонига боғлиқ:

Bill was given a book (by John)
(*S+W+O₂* ёки *N₂+W+N₃+by+N₁*)

Энди пассив трансформациянинг иккинчи вариантини кўриб чиқамиз:

A book was given to Bill (by John)
(*S+W+prep+O₁+by+O₂* *N₃+W+prep+N₂(by N₁)*)

Шундай қилиб, асосий мажхул нисбат вариантлари юқорида кўрсатиб ўтилган актив-пассив трансформациянинг икки варианты бўлиб, кўрсатилган учинчи вариант олдинги икки вариант таркибига киреди.

¹ R. Lees. op. cit. p. 10. 26. 27.

² N. F. Irtenyeva, op. cit. p.

John мажхул нисбатда ҳам, аниқ нисбатда ҳам иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ролида, Bill эса қабул қилувчи ролида, a book иш-ҳаракат содир бўладиган предмет сифатида қолади.

Дитранзитивлик ўзбек тили учун хос бўлиб, у нутқ жараёнида жуда кўп учрайди. Масалан: Таниш-билишларга хат ёзишади (М. С.).

Қурувчи ишчиларга тушки овқат пайтида ҳордиқ чиқариш учун шинам хона ажратилди. Шунингдек, улар ечиниш ва бошқа хоналарга эгалар. Қурувчилар ошхона, душ хизматидан фойдаланишяпти, уларга махсус ишчи коржомалари ажратилди, шанба кунлари қурувчи ишчилар завод ҳисобига текин овқат билан таъминланмоқдалар. (Т. О.).

Шунингдек, улар зиммасига ишлаб чиқариш, маданий-маиший аҳамиятдаги ва уй-жой қурилиши объектларини бунёд этиш, уларни фойдаланишга топширишни тезлаштиришга қаратилган ўзаро шартномалар тузишга даъват этди. (Т. О.).

Ўзимга берилган уйни сизга ҳадя этаман (М. С.). Уруғлик шоли то ҳосил олгунча абзоларга қарз берилди. (С. А.). Лекин уни алдаб қўлга туширишлари мумкин эмасми? (П. Қ.).

Икки функция
бажарадиган
фeyллар

Семантикасига кўра баъзи фeyллар ўзи билан бирга келган отга кўпроқ боғлиқлик бўлса, бошқалари озроқ боғлиқ бўлади. Фейлларнинг учинчи гуруҳи бу жиҳатдан нейтрал бўлиб,

ўтимлилик ва ўтимсизлигига кўра бир хил функцияни бажаради. Уларнинг бу хусусияти S+V+V+O моделида қандай қўлланишига қараб аниқланади¹. Инглиз тилида икки функцияни бажарадиган фeyллар жуда кўп. Уларга abate, acclimatize, approach assay, bail, bank, clarify, play, leave, lend, smoke, pull, pay, do, put, take, end, move, change, end каби фeyлларни киритиш мумкин. Ана шу фeyллардан бири бўлган to open фeyлига мисоллар келтирамиз: As Drake erupted through the door way to set the ancient catchbell jangling, the shopkeepers mouth opened (intransitive) in a caricature of astonishment. (P. Leslie). In the building below, feet tramped, doors opened (intransitive) and shut, the shopkeepers quarrelous complaints were besquely silenced. The door was opened (transitive) almost immediately (Ibid). A glass door at the back opened (intransitive) and a man and a girl came into the bar (Ibid) Before the noise of its motor had died, another door at the back of the room opened (intransitive) . . . (Ibid)

Инглиз тилида ҳам ўтимсиз, ҳам ўтимли фeyл сифатида қўлланилишига ва ўтимли-ўтимсизликка чидамлилигига қараб, бу фeyллар икки гуруҳга: а) маъно жиҳатидан икки функцияни бажарадиган фeyллар, б) функцияси жиҳатидан боғлиқ (икки хусусиятли) фeyлларга бўлинади.

а) Маъно жиҳатидан икки функцияни бажарадиган фeyллар Б. А. Ильшининг уқтиришича, read, write, eat, drink, draw каби фeyллар бўлиб, улар I am reading, I am writing, I am eating, I am drinking, I am drawing гапларида what саволига жавоб бўлади: What is he reading? What is he writing? Жавоб берилганда тасдиқлаб, аниқлаб олинувчи сўзларни, яъни тўлдирувчини қўшиш мумкин.

He is reading a newspaper,
He is writing a letter, etc.

Ўтимли фeyллардан фарқ қилган ҳолда, ўтимсиз фeyллар ўзидан кейин келган отга боғлиқ эмас, яъни унинг от билан бирикиши шарт эмас. Отлар процесс ёки иш-ҳаракатни маъносини кенгайтиришга хизмат қилади. Масалан, to play ўйнамоқ фeyли мустақил тўлдирувчи билан бирикиб ҳам келиши мумкин. Фейл от билан бирикмаганида умумий маъно, фeyл от билан бирикканда аниқ маъно англатади:

The children are playing in the yard.

Болалар ҳовлида ўйнашяпти (умумийлик ифодаланган).

The children are playing football.

Болалар футбол ўйнашяпти (аниқлик ифода этиляпти).

The wind blew. Шамол эсди. (Умумийлик.) as she said so her visitor moved (intransitive) quickly, so that she got but a glimpse of a white object disappearing behind the table (Wells). She wouldn't move any of her kings (transitive) (Salinger, The Catcher).

You haven't changed much (intransitive) (Wells). After supper she changed her clothes (transitive) (Dreiser). At last philpot could stand it (transitive) (Tressell). He generally had a tanner or a bod to lend, was always ready to stand a drink (transitive) (Ibid).

б) Функцияси жиҳатидан боғлиқ бўлган (икки хусусиятли) фeyлларга икки маъноликка йўл қўймайдиган, ўтимли ёки ўтимсиз фeyллар киради. Бу фeyллар структураси ёки махсус грамматик талабига кўра ўтимли ёки ўтимсиз фeyлларга айланиши мумкин, яъни турли сабаблар билан тўлдирувчининг тушиб қолиши (deletion) мумкин.

Бунга инглиз тилидаги -self ни тушириб қолдириш билан ясалган ўзликли ўтимсизлашишни мисол келтириш мумкин. Масалан, I wash, I shave кабилар I wash myself, I shave myself ларнинг трансформалаштирилган вариантларидир. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ўтимли фeyлларнинг ўтимсизлашиши нисбат нуқтаи назаридан фeyл маъносига таъсир қилади, яъни wash ва shave ўзлик фeyлларига айланади. I wash myself, I shave myself, I wash va shave трансформацияси ўз вақтида нутқда қулайлик учун қўлланилган, секин-аста грамматикада нормага айланган, энди myself нинг қўлланиши услуб жиҳатидан шарт бўлиб қолди. Уларга энг кўп қўлланиладиган фeyллар киради ва ўтимлилигича қолади.

¹ O. Jespersen, Essentials of English Grammar, p. 116 ff.

Бошқа ҳолларда ўзлик олмошининг қўлланилиши шарт, чунки уларнинг тушиб қолиши семантик ғализликка сабаб бўлади, яъни феъл семантикаси ўзгаради. Масалан: «And naturally we shall not expect you to **concert yourself** with the technicalities of the actual murder inquiry, which is purely local (*P. Leslie*). Drake stirred his coffee **hitching himself** up on to a bar stool in such a way that his jacket fell open and the barman could see that he was carrying a gun (*N. Leslie*). „Grandville, Quai des Orfevres“, he **introduced himself** briefly (*Leilie*). They've too much to lose by **declaring themselves** (*p. Leslie*) ... and as soon as he reached the doors leading to the companion ways, the secret agent **heaved himself** upright, picked up his own bag and unobtrusively followed (*P. Leslie*).

Ажратиб кўрсатилган жумлаларда тўлдирувчининг ўзлик олмошисиз ишлатилиши феъл семантикасининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Объект-биргалик конструкциянинг объектсиз — биргалик конструкциясига ўтишига each other, one — another ўзлик олмошларининг тушиб қолишини мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан:

They met each other → they met,
They kissed each other → they kissed, etc.

Инглиз тилида ўтимсиз феълларнинг ўтимли феълларга ўтиши жуда осон.

Масалан, каузатив маънода қўлланилганда ҳар қандай ўтимсиз феъл ўтимлилашиб кетади. Бу масала инглиз тили феъл системасида баҳсли проблемалардан ҳисобланиб, грамматик ва лексик ярусларнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ. Бу ҳақда Nesfield, Kruisinga, Poutsma, Curme, Jespersen, Aronstein, Zandword, Brunner ва бошқалар турли фикрлар билдиришган.

Трансформация нуқтаи назардан бу масала билан Чэтмен ва бошқалар шуғулланган.

Инглиз морфологиясида каузатив нисбат формасини ясовчи махсус морфема йўқ. Синтактик ярус категорематик ярус ҳисобланади, шунинг учун инглиз грамматикаси ўз манбаларидан фойдаланиб, каузатив нисбат формасини ясовчи сигнални ҳосил қилиш керак. Инглиз синтаксисда каузатив ўтимлиликни ифодалашнинг икки усули пайдо бўлди. Уларнинг биринчиси S—V—O (NP—VP—NP) модели бўлиб, бу моделга тушган ҳар қандай ўтимсиз феъл ўтимлилашиб кетади. Масалан, to run someone, to walk a horse, to grow cotton, to march the soldier, to fall something, etc.

She placed the hat on the chair again by the fire (*Wells*). That really **interested** him (*Salinger*). There was coffee still in the urn, and I lit the gas and **warmed it up** again (*Wells*).

Ўтимлилаштиришнинг иккинчи усули ўтимсиз феълларни

маълум каузатив конструкцияларда қўлланилиши натижасида эришилади.

Каузатив конструкциялар каузатив маъноли феъллар иштирокида ясалади. Масалан:

make — N — V inf; make — N — V-en

He **made** the girl speak before he dropped the chain. (*Wells*). He **has made** me keep with him twenty-four hours, Marvel testified. (*Wells*). It **made** me even more **depressed** when she said that (*J. D. Salinger*).

let — N — V inf.

All right. **Let** me get my slippers on. (*Stern*). I simply would not publish and **let** him share my credit. (*Wells*). **Let** me put the elementary facts to you as if you did not know (*Wells*).

cause — N — V inf

It was four o'clock before the waning day with its suggestion of a cooler evening, **caused** him to return. (*T. Dreiser*). There is another line at which the dress of a man will cause her to study her own. (*T. Dreiser*)

have — N — V — en

He **would have knifed** him if he had not knocked him out just in time (*P. Leslie*)

get — N — V — en

That they should also do their best to **get the work done** when he had secured it for them (*Tressell*) I'll **get** him to sing later on (*J. Joyce*).

Биргина каузативлик категориясини ясада икки ва ундан ортиқ модел нима учун керак, деган савол бўлиши мумкин. Бизнингча, биринчи модел фақат ўтимсиз феъллар учун, иккинчи, ўтимли ва ўтимсиз феъллар учун мўлжалланган. Ундан ташқари иккинчи модел биринчисига нисбатан мукаммал ва кенг бўлиб, у ҳам каузативлик, ҳам мажҳуллик маъноларини ифодалайди.

Ўтимсиз феъл *қардош тўлдирувчи* (Cognate Object) деб аталувчи тўлдирувчи билан қўлланилганда, у ўтимли феъллар қаторига киради. Масалан, fight the good fight, die a death, live a life, pray a prayer, run a race, to sleep the sleep of the just.

Бундай феъллар ўзбек тили учун ҳам хос бўлиб, инглиз тилидаги жуда ўхшаш. Масалан: ёшани яшмоқ, ошини ошмоқ, гап — гапирмоқ, сўз — сўзламоқ, кўз — кўзламоқ, иш — ишламоқ кабилар.

Ўтимли феъллар ўзининг тўла характеристикасини фақат маълум нисбат конструкцияларида қўлланганидагина топади.

Ўтимли феълларнинг турли нисбат конфигурацияларида қўлланиши

Ўтимли феълларнинг нисбат билан алоқасига донр қуйидаги конфигурацион гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) Умумий ўтимли феъллар билан келган конфигурациялар:

Active: NP—VP—NP₂: The boy saw the girl
Passive: NP₂—W—NP₁: The girl was seen by the boy¹

2) Каузатив ўтимли феъллар билан келган конфигурациялар:

а) бирламчи каузатив феъллар:

Active: NP₁—VP—NP₂: He raised his hand
Passive: NP₂—W—NP₁: His hand was raised;

б) иккиламчи каузатив ва иккиламчи ўтимли феъллар:

Active: NP₁—VP—NP₂: He stood his doll.
Passive: NP₂—W—NP₁: The doll was stood by the child (by the childmaster);

в) конструкция жиҳатидан боғлиқ бўлган каузатив ўтимли феъллар: ask, cause, force

Active: NP₁—V_{cause}—NP₂—VP₂ inf: He caused her to read
Passive: NP₂—W_{cause}—V₂inf: She was caused to read

3) Ўзлик функциясини бажарадиган ўтимли феъллар билан келган конфигурациялар:

Active: NP—VP—self: He washed himself
Passive: NP₂—W—self: He was washed by himself

4) Ўтимли ўзлик функциясини бажарадиган конфигурациялар:

Active: NP—VP {each other / one another} ёки NP₂—VP {each other / one another}
Passive: NP—W—by {each other / one another} ёки NP₁—NP₂—W—by {each other / one another}

Ўтимли ўзлик функциясини бажарадиган феъллар қуйидагилардир:

а) Active: VPpl—VP {each other / one another}

They saw each other

Passive: NPpl—W—by each other / one another

They were seen by each other

б) Active: NP₁—NP₂—VP—each other / one another

John and Mary saw each other

Passive: NP₁—NP₂—W—by each other / one another

John and Mary were seen by each other

с) Active: NP₁—NP₂—VP—each other / one another

The professor and the students greeted each other

Passive: NP₁—NP₂—W—by each other / one another

The professor and the students were greeted by each other

д) Active: NP₁—NP₂—VP—each other / one another

The students and the professor greeted each other

г) Passive: NP₁—NP₂—W—by each other / one another

The students and the professor were greeted by each other.

Active: NP₁—NP₂—V

John and Mary met

Энг кейинги конфигурация олдингиларнинг трансформацион варианты бўлиб, унда ўзлик олмоши, яъни ўзлик маркери тушириб қолдирилади.

Копулятив функция бажарадиган бирламчи копулятив феъллар ва иккиламчи копулятив феълларга бўлинади.

Асосий функцияси боғлашдан иборат бўлган феъллар бирламчи копулятив феъллардир: look, appear, feel, sound, taste, smell, grow, remain, cost, total etc. Мустақил лексик бирлик ва боғлама-феъл функциясини бажарадиган феъллар иккиламчи копулятив феъллардир.

Семантикасига кўра копулятив феъллар қуйидаги, гуруҳларга бўлинади:

а) субстантив копулятив феъллар — be, resemble, mean, lack, befall, weigh, cost, suit, last, make, (to make good reading), amount, total.

¹ Пассив трансформациянинг абстракт модели NP₂—Ven—NP₁, Свартник системасидаги NP₂—W—NP₂ модели билан алмаштирилди.

б) *have* туридаги феъллар,
в) бўлмоқ, пайдо бўлмоққа доир копулятив феъллар *become, remain, get, turn, go, grow*.

г) фараз ва кўришга доир феъллар *seem, look, appear, feel sound, taste, smell, etc.*

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) Ҳозирги инглиз тилида ўтимли феъллар орасида аниқ чегара йўқ: а) деярли барча ўтимсиз феъллардан ўтимли феъллар яшаш мумкин, б) барча ўтимли феъллар ҳам ўтимсизга айланавермайди.

2) Ўтимлилашув ва ўтимсизлашув нисбат ясалишига, аниқроғи, бирор нисбатнинг ясалишига боғлиқдир: а) ўтимсизлашув асосида каузативлик пайдо бўлади, б) ўтимсизлашув феълга ўзриликлilik оттенкасини беради.

3) Нисбат морфологик жиҳатдан ифода этилмайдиган тилларда нисбат маъносини баён этишда ўтимли-ўтимсизликка асосланади.

Ўзбек тилида ҳам инглиз тилидаги каби копулятив феъллар бор: *эмоқ, бўлмоқ, кўринмоқ* (ҳорғин кўринмоқ), *ўхшамоқ, туюлмоқ*. Тўқай орасига суқилиб кирган қумликдан ўтишгач, олисда ҳали барг ёзмаган дарахтнинг новдалари чувалашган қизимтир ипдек бўлиб кўринди (С. А.). Ғира-шира ёришиб келаётган чўл тонгида бу аланга жуда ғалаги бўлиб кўринарди (С. А.). У номаълум йигит гоҳ афсонавий паҳлавон, гоҳ Турсунбойдек номард бўлиб кўринарди (С. А.). Отага у савлатли командирлардек бўлиб кўринарди (С. А.). У камгап, ҳамма вақт кимнингдир раҳнамолиги бўлмас — ўзини эплолмайдиган боласини шерга айланиб кетган сезди. Турсунбой ҳаммадан олдинда, арслондек наъра тортиб ёв устига ташланаётгандек туюлди (С. А.). Ўшанда ҳам ой қонга белангандел қип-қизил бўлиб кўринган (С. А.) Икромжон адоий тамом бўлган эди. У бир кечадаёқ қариб қолганга ўхшарди (С. А.). Икромжоннинг назарида, улар унинг эшиги олдида ўтаётганларида нечундир овозларини пасайтириб гаплашаётгандек туюларди. Ҳатто бу ердан оёқ учидан юриб ўгишаётгандек (С. А.). Кетганмиш (С. А.). Қарашолмас эмиш (С. А.). Маъюс турганмиш (С. А.). Бошидан кўп савдолар ўтган кўринади (С. А.). У қоронғида нотаниш киши орқасидан бораркан, икки тиззасида мадор қолмаганидан юраётганга эмас, судралаётганга ўхшарди (С. А.). Кеч кирди (С. А.). Қоронғи чўл фонида у худди эртақларда тасвирланган аллақандай фаришталарга ўхшаб кўринарди (С. А.). Зум ўтмай бу шафақлар ҳам сўнди-ю, бутун олам қора чодирга ўралгандек бўлди-қолди. (С. А.)

Шундай қилиб, ҳар иккала тил системасида ўтимли ва ўтимсизлик категорияси мавжуд бўлиб, улар ифода планининг турли ярусларида турлича ифодаланadi. Инглиз тилида бу категория лексик, синтактик ярусларда, ўзбек тилида эса морфологик, лексик ва синтактик ярусларда ифода этилади.

Ўтимлилик категориясининг тил яруслари билан алоқаси қуйидагича:

	Лексик усул	Морфологик усул	Синтактик усул
Инглиз тили	+	—	+
Ўзбек тили	+	+	+

АДАБИЕТЛАР

- Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955.
Бархударов Л. С. и др. Грамматика английского языка. М., 1963.
Бархударов Л. С. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966.
Виноградов В. В. Русский язык. М., 1947.
Виноградов В. В. Типы лексических значений слов. ВЯ, 1953, № 5.
Жигадло В. Н. О переходности и непереходности глаголов в современном английском языке. Сб. Исследования по грамматике. Ученые записки ЛГУ. вып. 21. № 180, т. 9. Л., 1955.
Ильши Б. А. Современный английский язык. М., 1948.
Исаченко А. В. Грамматический строй русского языка в сопоставлении с ловацким. Морфология. Часть вторая. Братислава. 1960.
Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960.
Маковский М. М. Валентные отношения в лексике. ИЯШ, 1968, № 6.
Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. М., 1956.
Смирницкий А. И. Морфология современного английского языка. М., 1959.
Сова Л. З. Валентность и транзитивность с позиций лингвистического дуализма. Сб. Языковые универсалы и лингвистическая типология М., 1969.
Степанова М. Д. О «внешней» и «внутренней» валентности слова и ИЯШ, 1967, № 3.
Ярцева В. И. Пути развития словосочетания. Уч. зап. ЛГУ. 1952, № 156.
Ярцева В. И. Свободное и связанное дополнение в английском языке. Язык и мышление, № IX М.—Л., 1948.
Ярцева В. И. О двух приглагольных дополнениях. ИЯШ, №3, 1948.
Anton Grad. Notes on the Causative use of Intransitive Verbs in English. Ljubliana. 1960.
Curme G. O. English Grammar. The Principles and Practice of English Grammar. N. Y., 1947.
Jespersen O. A Essentials of English Grammar. London. 1943.
Jespersen O. A Modern English Grammar on Historical Principles. London. 1954.
John. E. Warriner, Francis Griffith. English Grammar and Composition. N. Y., 1957.
Lees R. B. The Grammar of English Nominalization. J. A. L. vol. 26 № 3, 1960.
Morsberger R. E. Commonsense Grammar and Style N. Y., 1965.
Paul Roberts. Modern Grammar. N. Y., 1968.
Pence. R. W. A Grammar of Present Day English. N. Y., 1947.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТИПОЛОГИК НИСБАТЛИК КАТЕГОРИЯСИ

(Typological Category of Voice in English and Uzbek)

Инглиз ва ўзбек тилларидаги феъллар системасидан типологик категория сифатида нисбатлик категорияси танланди.

Нисбат категорияси тиллар системаларида, жумладан инглиз ва ўзбек тиллари системаларида алоҳида ўрин тутди. У лексик, морфологик ва грамматик ярусларда боғловчи звено ҳисобланади. Нисбат формалари феълларнинг шахсли ва шахсиз формалари учун хосдир. Феълнинг барча грамматик категориялар формалари нисбатнинг бирор маъноси билан боғлангандир.

Феъл системасида нисбат категорияси бошқа категорияларга нисбатан анча мустақил, аммо у жуда кам ўрганилган. Шунинг учун феълнинг грамматик категориясини тўғридан-тўғри нисбат категориясини ўрганишдан бошламоқ мақсадга мувофиқдир. Нисбатни ўрганишдаги бу принцип кўпгина назарий ва амалий грамматикаларда қабул қилинган. Ф. Р. Пальмер бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Voice is considered first because it is so different from the other categories that it can be handled entirely separately from them»¹.

Нисбат категорияси муаммоларининг кўп томонлари герман ва туркий тилларда бир хил даражада ҳал этилмаганлигича қолмоқда. Мазкур масала хусусида М. М. Гухман мана шуларни ёзади: «Феъл категорияси системасида фақат герман тилларида эмас, ҳинд-европа, туркий ва мўғул тилларида, кавказ ва тунгус-манчжур тилларида нисбат категорияси анча ноаниқ, анча баҳсли муаммо касб этмоқда»².

Инглиз тилида нисбат проблемаси қуйидаги умумий ва хусусий масалаларни ўз ичига олади:

а) нисбатни аниқлаш проблемасини,

¹ F. R. Palmer. Ibid. p. 64.

² М. М. Гухман. Развитие залоговых противопоставлений в германских языках. М., 1954.

б) нисбатнинг баъзи турларини (ўзлик, биргалик ва ўрта нисбатни) аниқлашни,

в) бирор нисбат маъноси билан боғлиқ бўлган синтактик конструкцияларнинг аналитиклашуви ёки морфологиялашуви, яъни каузатив, ўзлик, биргалик каби «формалар»нинг аниқлашини,

г) **get, become, remain**+II конструкцияларининг хусусияти масалаларини,

д) мажҳул нисбат формаларини қўшма от кесимдан фарқ қилишдаги қийинчиликлар ёки ҳолат ва процессини бинар равишда ифодалайдиган конструкциялар омонимиясини,

е) аниқ нисбатнинг мажҳулга айланиши проблемасини,

ж) нисбат маъноларининг ўтимли ва ўтимсизликка муносабатини,

з) нисбат конструкцияларида номинализация масалаларини,

и) стилистик жиҳатдан боғлиқ бўлган вариантларни аниқлаш проблемасини.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам нисбат категориясининг кўп томонлари назарий ўрганилмаган. Ўзбек тилшунослигидаги ҳал этилмаган масалаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) нисбатнинг умумий таърифининг йўқлигини;

2) нисбатнинг ўтимли ва ўтимсизлик категорияси билан алоқасини;

3) нисбат формалари парадигмаси билан сўз ясаш парадигмаси ўртасидаги фарқни аниқлашни.

Ўзбек тилидаги нисбат формаларининг ўзаро оппозицияси, нисбат формаларининг морфемик анализи, нисбат категориясига трансформацион методни татбиқ этиш, нисбат категориясининг ярусларно номиналлашмаган ва номиналлашган синоними вариантларини тадқиқ этиш масалалари қарийб ўрганилмаган.

Ҳозирги пайтда тилшунослар нисбат категориясини ўрганишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Лингвистик адабиётларда шу пайтгача нисбатнинг ягона таърифи йўқ. Бунга сабаб, биринчидан, логик ва лингвистик категорияларни бирдай деб қараш натижасида грамматик эга ва лексик субъект бир хил деб тушунилган, иккинчидан, иш-ҳаракат ёки процесснинг йўналтирилганлиги турлича тушунтирилган, учинчидан, морфологик ва лексик яруслар бирликлари ўртасидаги фарққа яхши аҳамият берилмаган.

Логиканинг асосий қонунларига таяниб нисбат категорияси мазмунини тушунишда бирмунча қийинчилик туғилади, яъни грамматик субъект ва грамматик объект ўртасида фарқ бўлишига қарамай, улар айнан бирдай деб қаралади.¹

Нисбат категориясини таърифлашда логик ва грамматик хусусиятларни чалкаштиришдаги умумий камчиликларни кўрса-

¹ В. З. Панфилов. Грамматика и логика. М.-Л. 1963. стр. 64—73.

тиб, В. З. Панфилов нисбат категориясини қуйидагича таърифлайди: «Нисбат категорияси эга (грамматик субъект) ва тўлдирувчи (грамматик объект)нинг феълдан англашилган ҳамда унинг маълум формасига йўналтирилган иш-ҳаракатнинг субъекти ва объекти муносабатини тавсифлайди»¹.

Инглиз тилида бу янада мураккаблашган проблемадир. Дастлаб айрим тилшуносларнинг нисбат маъноси структурасига оид баъзи таърифларини келтирамиз. Г. Суит нисбатни қуйидагича таърифлайди: «By voice we mean different grammatical ways of expressing the relation between a transitive verb and its subject and object»².

Бархударов Л. С., Штеллинг Д. А.: «Феълнинг нисбат категорияси иш-ҳаракатнинг бажарувчисига нисбатан турлича йўналишини ифода этади» деб таърифлайди.³

Жигадло В. Н., Иванова И. П., Иофик Л. Л.: «Феълнинг нисбат категорияси иш-ҳаракатнинг унинг субъекти ва объектига муносабатини феъл формасида ифодаланишини акс эттиради» — деб таърифлайди⁴. Бунга ўхшаш таърифлар инглизшуносликда жуда кўп.

Ўзбек тилида ҳам нисбат категориясига худди шунга ўхшаш таърифлар берилди. Биз уларга алоҳида тўхтаб ўтирмаймиз. Чунки биз традицион грамматик нисбатни эмас, балки типологик нисбатлик категориясини ўрганамиз.

Ҳозирги инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам нисбат категория турли терминлар билан баён этилади. Инглиз тилида **voice** (латинча: *vox*) термини ишлатилиб, у ҳам *нисбат*, *ҳам товуш* маъноларини англатади.

Бундай икки маъноликдан воз кечиш учун О. Есперсен⁵ ва баъзи бошқа тилшунослар **turn** (айланиш, ўтиш) терминини тавсия этишади. Аммо **voice** терминини кўп қўллаш натижасида **turn** термини қўлланмай қолди. Поутсма⁶ **conversion** «айланиш» терминини тавсия этади. Бироқ бу термин ҳам баъзи мутахассисларга маъқул бўлмади.

Лингвистик адабиётда «ҳолат», функция билдирувчи «диате-за» термини ҳам учрайди. Бу охириги термин ҳозирги пайтда тилларни структурал типологик ўрганишга бағишланган сўнгги ишларда қўлланила бошлади. Бу терминдан дунё тилларида нисбат категорияси мувофиқликларини аниқлашда фойдаланилади.

¹ Уша асар. 65—66-бетлар.

² H. Sweet. A New English Grammar. Part I, pp. 112, 113, 138.

³ Л. С. Бархударов, Д. А. Штеллинг. Грамматика английского языка. М., 1965, стр. 145.

⁴ В. Н. Жигадло, И. П. Иванова, Л. Л. Иофик. Современный английский язык. Теор. курс. М. 1956, стр. 126.

⁵ O. Jespersen. The Philosophy of Grammar. London, 1924, p. 164

⁶ H. Poetsma. A Grammar of Late Modern English, Groningen, 1926 part 22, p. 107.

Талай терминлар тавсия этилганига қарамай, инглиз тилшунослари орасида **voice** термини кўпчилик томонидан тан олинган.

Ўзбек тилида ҳам икки хил термин ишлатилади: 1) даража, 2) нисбат. Кейинги пайтда нисбат термини кўпроқ ишлатила бошланди, чунки биринчиси сифат категориясини аташ учун ҳам ишлатилган.

Ўзбек тилида нисбат турлари ҳақида ҳам аниқ терминлар йўқ. Мавжуд терминларнинг маъноси ва функцияси бир-бирига мос келмайди. Масалан, **бош даража**, **аниқ даража**, **ўтим даража**, **ўзлик даража**, **ясама даража**, **қайтим даража**, **мажҳул даража**, **биргалик даража**, **қўзғатиш даража** каби терминлар асосан нисбат категориясининг маъносига кўра турларига асосланиб яратилган. Демак, ҳар иккала тилда ҳам терминологик чалкашлик мавжуд.

Инглиз тилидаги нисбат турли лингвистик мактаб вакиллари ва йўналишлар томонидан ҳар хил нуқтаи назардан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Шунинг учун нисбат традицион нуқтаи назардан ва трансформацион нуқтаи назардан ўрганилмоғи керак. Улар бир-бирига қарама-қарши қўйилмаса ҳам, алоҳида-алоҳида ўрганилади.

Традицион нуқтаи назардан нисбат иш-ҳаракатнинг субъекти ва объекти ўртасидаги турли муносабатларни ифодалаш учун хизмат қиладиган грамматик категория тарзида ўрганилади. Форма ва унга мос маънонинг бўлиши нисбат категориясига хосдир. Одатда форма деганда мавҳумлашган морфологик форма тушунилади.

Ўзбек тилида асосан бешта нисбат борлиги эътироф этилган бўлса, инглиз тилида уларнинг миқдори масаласи ҳали ҳал этилмаган.

Инглиз тилидаги нисбат ҳақида қуйидагича фикрлар бор: 1) икки нисбат бор: аниқ нисбат — мажҳул нисбат (**active — passive**), 2) учта нисбат бор: аниқ нисбат — мажҳул нисбат — ўзлик нисбат (**active — passive — reflexive**) ёки аниқ нисбат — мажҳул нисбат — ўрта нисбат (**active — passive — neuter**), 3) тўртта нисбат бор: аниқ нисбат — мажҳул нисбат — ўзлик нисбат ва каузатив нисбат (**active — passive — reflexive — causative**).

Деярли барча инглизшунослар инглиз тили феъл системасида иккита нисбат бор деб ҳисоблашади. Поутсма, Жигадло В. Н. инглиз тилида иккита нисбат бор деса, Whitehall тўртта нисбат бор дейди.

Лингвистик тадқиқотнинг сўнгги методларини қўллаб, нисбат системасини баён этишнинг алоҳида аҳамияти бор. Бунда инглиз тилидаги нисбатни трансформацион таҳлил қилишга бағишланган асарлар муҳим аҳамият касб этади. Трансформация аниқ — мажҳул нисбат ясалиши процессида, яъни аниқ нисбатни

мажхулга, мажхулни эса аниқ нисбатга айлантиришда қўлланади.

Нисбатнинг актив-пассив трансформациясини Н. Хомский¹ қуйидагича формаллаштирган: $NP_1 + V + NP_2 + NP_2 + is + Ver + by + NP_1$. Мазкур намуна турли мутахассислар ишларида тобора такомиллаша боради.

И. Свартвикнинг махсус диссертацион иши нисбатни трансформацион ўрганишга бағишланган.² Ф. Пальмер³, Р. Аллен⁴, Бах⁵, О. Томас⁶, Ж. Лаянс,⁷ П. Робертс⁸, Ж. Андерсен⁹ каби олимларнинг асарларида нисбат системасининг трансформацион таҳлили анча муфассалроқ баён этилган.

И. Свартвик уқтириб ўтганидек, нисбат формаларини шартли белгилаш масаласини, О. Есперсеннинг «Грамматика фалсафаси» асарида учратамиз:

Jack loves Jill → Jill is loved by Jack.

Нисбат системаси қиёсий планда ўрганилаётгани учун инглиз тилидаги нисбат системасини бошқа тиллардаги нисбат системалари билан қиёслашга доир ишлар деярли йўқлигини уқтириб ўтиш зарур.

Мазкур соҳадаги умумий назарий ишларга И. И. Мещанинов¹⁰нинг асарларини ва тилларни структурал-типологик ўрганишга доир проф. А. А. Холодович¹¹ раҳбарлигидаги катга бир группа тилшуносларнинг ишларини киритиш мумкин.

Тадқиқотчи бирор танланган категориянинг барча ярусдаги (ёки яруслараро) birlikларини қиёслаганида мазмун планига, айрим ярус birlikларини қиёслаганида эса ифода планига суянади. Тилнинг синтактик ярусида баъзи birlikлари ифода пла-

нида қиёсланади. Масалан, There + verb (to be, exist, etc) туридаги инглизча конструкцияларнинг талай ўзига хос хусусиятлари борки, уларни қиёсий ўрганиш тадқиқотчидан асосан ифода планига таянишни талаб этади. Ундан ташқари баъзи ҳолларда қиёсланаётган тилларнинг қардош ва қардош эмаслиги аниқлик киритувчи омилардан бўлиши мумкин.

Яқин қардош тиллар қиёсланганда ҳар иккала планга *узок қардош* ва қардош бўлмаганларда эса, шак-шубҳасиз, мазмун планига асосланган маъқул.

Бирор тил типология томонидан йиғилган материалга эга бўлгач, тадқиқотни ифода планига таяниб бемалол бошлаш мумкин, чунки ишнинг бу жараёни ҳақиқатан типологик тадқиқотнинг иккинчи босқичига тааллуқлидир.

Ҳинд-европа, шунингдек, ҳинд-европа оиласига кирмайдиган тилларнинг нисбат системасини ўрганишда лингвистлар анъанага мувофиқ мазмун плани ва ифода плани бирлигига асосланишган. Нисбат маъноси ва нисбат формаси бирлигига асосланиб, грамматикада одатда нисбатнинг алоҳида бўлимлари ажратилган. Нисбатнинг турли бўлимларига доир қўлланаётган, барчага маъқул бўлган терминлар ана шунга асосан яратилган.

Нисбатнинг семантик-структурал birlikлари дастлаб классик тиллар системаларида аниқланган, кейинчалик эса ҳинд-европа тилларидан бошқа кўпгина тилларни баён этишда улардан фойдаланилган. Нисбатнинг семантик-структурал birlikлари ҳамиша нисбат системаларини тасвирлаш эталони хизматини ўтайди.

Ҳинд-европа ва бошқа оилга мансуб тиллардаги лингвистик тадқиқотларда нисбат категориясини ажратишда нисбат маънолари ифодаланишининг морфологик кўрсаткичларига асосланилади. Морфологик кўрсаткичларга махсус сўз ўзгартувчи формантлар киради.

Инглиз нисбати ана шу асосда, яъни аниқ нисбатнинг белгиланмаган асл формасини аналитик формага қарши қўйиш билан аниқланади. Ўзбек нисбати эса синтетик белгиланганлик оппозицияси асосида аниқланади.

Агар фақат феъл формаси ясалишига асосланиладиган бўлса, унда ҳар хил системали тилларда қиёслаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ундан ташқари кўрсатилган birlikларнинг баъзилари махсус турғун синтактик конструкциялар, шунингдек, лексик birlikлари негизи иштирокида англатилади. Бу нисбат маъноларининг типологик компенсацияси (тўлдирилиши — қоплаш) билан ифода этилишидан дарак беради.

Тил системасида ўзига хос лингвистик компенсация мавжудлигини уқтириш лозим. Бу компенсация шундан иборатки, агар мазмун планининг бирор birlikи бир ярусда ўз ифодасини топмаса унда бу ярусдаги мазкур етишмовчилик бошқа ярус birlikи билан тўлдирилади, яъни мазмун планининг ўша birlikи

¹ Chomsky N. Syntactic Structures. The Hague, Mouton, 1957. — Current Issues in Linguistic Theory. The Hague, Mouton, 1965. Aspects of Theory of Syntax. Cambridge Mass. M. I. T. Press, 1965. Topics in Theory of Generative Grammar. The Hague, Mouton, 1966. etc.

² Jan Svartvik. On Voice in the English Verb. Mouton and Co., The Hague, Paris, 1966.

³ F. R. Palmer. A Linguistic Study of the English Verb, Longmans, London, 1965.

⁴ Robert L. Allen. The Verb System of Present Day American English The Hague Paris 1966.

⁵ Bach E. An Introduction to Transformational Grammars. New York, Chicago, 1964.

⁶ O. Thomas. Transformational Grammar and the Teacher of English № 4, 1966.

⁷ John Lyons. Introduction to Theoretical Linguistics. Cambridge University Press 1968.

⁸ Paul Roberts. Modern Grammar. New York, Chicago, 1968.

⁹ J. Anderson. Ergative and Nominative in English. Journal of Linguistics, vol. 4. № 1.

¹⁰ И. Н. Мещанинов. Члены предложения и части речи. М—Л. 1945. Глагол. М—Л. 1949.

¹¹ Сборник. Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив. Л., 1969. Категория залога. Материалы конференции. Л., 1970.

бошқа ярус воситалари билан ифода этилади. Бу инглиз тилидаги нисбат категорияси мисолида яққол кўринади. Морфологик ярусда ифодаланиш системаси камлиги учун синтактик ярусда ифодаланиш системаси тараққий этган.

ТИПОЛОГИК НИСБАТЛИК КАТЕГОРИЯСИНING СЕМАНТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Турли ярусдаги феъл ва бошқа сўз туркумларидан ташкил топган типологик формалар воситасида эга билан кесим, реал субъект билан реал объект ўртасидаги алоқани ифодаловчи категория типологик нисбатлик категорияси дейилади.

Типологик нисбатлик категорияси грамматик нисбат категориясидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

а) типологик нисбатлик грамматик нисбат категориясидан анча кенг;

б) типологик нисбатлик маълум тил яруси бирликлари билан чегараланмаган, яъни у кўп ярусдир;

в) типологик категория турли сўз туркумлари билан ифодаланади.

Типологик нисбатлик тил иерархиясининг қуйидаги бирликлари воситасида ифодаланиши мумкин:

а) махсус сўз ўзгартувчи морфемалар иштирокида;

б) аналитик формалар иштирокида;

в) алоҳида синтактик конструкциялар ва синтактик воситалар билан (турли синтактик алоқалар воситасида);

г) феъл ва бошқа сўз туркумларининг негизи билан;

д) сўз ясовчи аффикслар ёрдамида.

Бу усуллар турли тилларда бир хил тараққий этмаган. Баъзи тиллар учун морфологик усул, баъзилари учун синтактик усул ҳосилдир. Бу морфологиянинг тараққий этган-элмаганлигига боғлиқ. Ундан ташқари бир усулнинг ривожини бошқа усулнинг қўлланилишини чекламайди. Бу маънолар синонимик равишда бир неча ярусда ифодаланиши мумкин. Ҳар хил системадаги тилларнинг нисбат системаларини қиёслашда барча кўрсатилган усулларнинг ўзаро алоқасига асосланилади.

Ифодаланишнинг морфологик, синтактик, лексик усуллари хусусида гапирилганда, бу бирликларнинг тегишли ярусларда морфологик, синтактик ҳатто лексик белгиланганлигига таянамиз.

Морфологик белгиланганлик икки йўл билан амалга оширилади: а) махсус нисбат форманглари, яъни нисбат парадигма-

сини ясовчи сўз ўзгартувчи аффиксал морфемалар иштирокида; б) бу формаларни ташкил этган элементлардан бирининг морфологиялашуви натижасида ясаладиган аналитик формалар иштирокида. Нисбат формативлари йўқ бўлган ҳолларда аналитик формалар нисбат парадигмасини ясаши ва нисбат формалари оппозициясини ташкил этиши мумкин.

Барча мавжуд синтактик конструкциялар баъзи тилларда морфологик формаларнинг трансформалашган синонимлари тарзида келадиган, бошқаларида бирор грамматик категорияни ифодалашнинг ягона воситаси тарзида кела оладиган маълум грамматик категориялар доирасига бирлашади. Бу жиҳатдан инглиз тилида маълум нисбат маъносини ифодалайдиган синтактик конструкциялар морфологик формаларнинг трансформалашган тенги эмас.

Феълдаги нисбат конструкцияларда бирор нисбат тушунчаси билан боғлиқ бўлган махсус сўз ўша тушунчанинг маркери хизматини ўтай олади. У маркерлар кўп миқдордаги ўхшаш (грамматик жиҳатдан) конструкциялар таркибида кўп маъноли бўлиб, кенг қўлланилиши мумкин. Семантик умумлашиш ва кенг қўламда қўлланиш оқибатида маълум синтактик конструкциялар аналитик формаларга айланади. Мустақил маъноли конституент соф грамматик элементга айланиб қолиши мумкин. Ундан ташқари баъзи ҳолларда фонетик ўзгаришлар натижасида семантик силжишлар содир бўлади. Мавжуд аналитик формалар ўз тарихида ана шу тараққиётни ўтаган.

Синтактик ярусда шу маркерларни олган ҳар бир конструкция бошқа нисбатдаги конструкцияга қарши қўйилади. Уларнинг позициясини нисбат маъноларининг бор-йўқлиги билан аниқлаш мумкин. Масалан, улар ўзликликни ифодаловчи — ўзликликни ифодаламовчи, биргаликни ифодалайдиган — биргаликни ифодаламайдиган, каузатив — каузатив бўлмаган конфигурацияларни ташкил қилади.

Баъзи тилларда нисбат маънолар бир пайтнинг ўзида ҳам морфологик ярусда, ҳам синтактик ярусда ифода этилиши мумкин. Ундай тилларда нисбатнинг морфологик форманглари ва нисбат конструкцияларининг маркерлари бир-бирини истисно қилувчидир, яъни нисбат формаларини синтактик нисбат конфигурацияларига трансформалашда нисбат морфемалари тушиб қолади, негаки синтактик ярусда уларнинг ўрнини махсус аниқловчилар тўлдиради.

Типологик нисбатлик умумий макромайдон ҳисобланиб, у бир неча семантик кичик группалардан, яъни микромайдонлардан ташкил топган бўлади. Нисбатнинг бу майда группаларини дедуктив равишда танлаб оламиз ва ҳар иккала тил системасида нисбатлик категориясининг мазкур турларини изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини назарда тутиб кўриб чиқамиз. Инглиз ва ўзбек тиллари учун нисбатликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

фаоллик	каузативлик
мажхуллик	биргалик
ўзлик	умумийлик

Типологик фаоллик категорияси. Типологик фаоллик категорияси деганда субъектнинг процесс ёки ҳаракатини бажаришдаги фаол иштироки тушунилади.

Биз аниқлаган мазмун плани бирликлари номиналлашмаган феъл формалари ва конструкциялари билан ҳам, номиналлашган конструкциялар воситасида ҳам ифода этилиши мумкин. Кейинчалик уларни баён этишда номиналлашиш процесси муҳим роль ўйнашини кўрамиз. Номиналлашиш бир тил системасида ва тиллараро танланган умумий категориядан ифодаланганининг релевант изоморф воситасини аниқлашга боғлиқ. Бир тил системасида номинализация ёрдамида синонимия муносабатида бўлган трансформацион вариантлар яратилади. Тиллар ўртасидаги тиллараро ҳар хил ярусли эквивалентлар яратилади.

Нисбат маънолари: фаоллик, мажхуллик, ўзлик, биргалик, умумийлик ва каузативлик жараённинг йўналтирилганлигига ва жараёнда гап эгасининг фаол ва султ иштирок этишига кўра турлича тавсифланади. Жараённинг йўналтирилганлиги икки хил бўлиши мумкин: а) субъект — манба (source), б) субъект — нишон (goal). Жараённинг йўналтирилганлигини М. М. Гухман марказдан қочувчанлик ва марказга интилувчанлик¹ деб таърифлайди. Биринчи ҳолда субъект эга (ёки грамматик субъект) фаолият бажарадиган ишлаб чиқарувчидир, иккинчисида эга иш бажарувчи бўлмай, унга иш-ҳаракат сиртдан йўналтирилади.

Жараённинг марказдан қочувчанлиги ва марказга интилувчанлигига маъно структурасининг бундай оппозицияда бўлиши актив ва пассив оппозицияга асосланган.

Мазмун планида ҳам, ифода планида ҳам фаоллик ва мажхуллик бинар оппозицияси умумлаштирувчи бўлиб, аниқланган семантик структура бирликлари унинг атрофига йиғилади. Юқорида эслатиб ўтилганидек, жараённинг йўналтирилганлиги марказдан қочирма ва марказга интилма бўлади.

Ўзлик, биргалик, каузатив ва умумий формаларда жараённинг йўналтирилганлигини шу принципга асосан аниқлаш мумкин, яъни уларда ҳам аниқлик ва мажхулликка қараб жараён ё марказдан қочирма, ё марказга интилма бўлиши мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида ўзлик, биргалик, каузатив ва умумий нисбат формаларни ясовчи махсус морфемалар бор, яъни бу тушунча категориялари морфологик бўлиб қолади. Ҳозирги инг-

лиз тилида бу маъноларни англатиш учун махсус морфологик формалар йўқ, шунинг учун ҳам улар турли лексик-синтактик йўллар иштирокида ифода этилади. Шунга мувофиқ ўзбек тилида оппозицияга кирувчи морфологик формалар аниқланади.

Семантик планда фаоллик процесснинг йўналтирилганлигига қараб умуман ташқарига интилувчи манба сифатида аниқланади. Ташқарига интилувчанлик феълларнинг ўтимли-ўтимсизлигига қараб конкретлашади, яъни йўналтирилганлик ўтимли феълларда S→O, ўтимсиз феълларда: S/ сифатида аниқланади.

Фаолликни англатувчи тил воситалари турличадир. Грамматикада аниқлик нисбат категорияси муносабати билан ажратилади, яъни у махсус мажхул нисбат формасига қарши қўйилади. Аниқ ёки мажхул нисбатнинг грамматик формалари, маълум даражада, гап грамматик субъектнинг фаол ёки фаолиятсиз иштирокини тавсифлай олади. Аммо аниқ нисбат формаси тўғридан-тўғри кенг маънодаги типологик фаолликни ифода этолмайди.

Бироқ аниқ нисбатнинг грамматик формалари ҳамини ҳам типологик категория бўлмиш фаолликни ифодаловчиси бўлавермайди. Феълларнинг лексик маънолари: ўтимлилик, ўтимсизлик ва бошқа от билан синтактик бирикувига қараб, аниқ нисбат формаси фаолликни типологик планда ифода этиши мумкин. Грамматик субъект (гапнинг эгаси) ё бажарувчи шахс (агенс) ёки процесс ташқаридан йўналтириладиган пациенс бўлиб кела олади.

Айтилганларнинг исботи учун to sell сотмоқ феъли билан келган классик мисолни келтирамиз: He sells the book. У китобни сотади. The book sells well¹ Китоб яхши сотилади. (Харидор боп китоб.)

Мазкур гуруҳдаги баъзи феълларнинг ўзбек тилига мажхул нисбат формасида (Китоб яхши сотилади) таржима этилишига қарамай, шу тилнинг ўзида ҳам мажхул феъл тарзида тавсифланувчи талай феъллар бор.

Агар аниқ нисбатда эга агенс ўрнида келса, мажхул нисбатнинг эгаси S←(O) тарзида бўлади. Демак, семантиканинг икки бирлиги иккита эга билан ифода этилади. Бир ўринда ўша агенснинг ўзи грамматик жиҳатдан тўлдирувчи вазифасида, бошқа бир ўринда предлогли эга вазифасида келади ёки бутунлай тушириб қолдирилади. Бу ўтимли функция бажарадиган феълларга тегишлидир, ўтимсиз функция бажарадиган феълларда бир иш-ҳаракатни бажарувчи шахс феълнинг хусусиятига кўра агенс, пациенс ва ташаббускор ўрнида келиши мумкин.

Ундан ташқари аниқ конструкцияларда гапнинг эгаси пациенс тарзида кела олади:

М. М. Гухман. Развития залоговых противопоставлений в германских языках, М., 1964, стр. 8 ва кейинги бетлар, яна: А. В. Исаченко. Грамматический строй русского языка в сопоставлении со словацким. Ч. 2., Братислава, 1960, стр. 355

¹ Мисол О. Есперсеннинг «Философия грамматика» китобидан олинди.

а) ўтимсиз: S →

Инглиз { аниқ (NP + VP): John came.
тилида { мажҳул —

Ўзбек { аниқ (NP + VP) Карим кулди.
тилида { мажҳул —

б) ўтимли: S → O:

Инглиз { аниқ (NP₁ + VP + NP₂): John kissed Mary.
тилида { мажҳул (NP₂ + W by + NP₁): Mary was kissed by John.

Ўзбек { аниқ (NP₁ + NP₂ + VP) Қассоб қўй сўйди
тилида { мажҳул (NP₂ + NP₁ томонидан (W): Қўй (қассоб томонидан) сўйилди.

Фаолликнинг
ифодаланиши

Бу категорияни ифодалашнинг морфологик,
синтактик ва лексик усуллари мавжуд.

Фаолликнинг морфологик усули ва морфологик феъл категориялари ўзаро боғлиқ. Чунончи, феъл формалари ёрдамида актив нисбат категориясини ифодалаш мумкин. Барча тилларда ҳам бу категория махсус суффиксга эга бўлавермайди. Масалан, ҳозирги инглиз ва ўзбек тиллари актив нисбат фақат пассив нисбатнинг морфологик белгиланганлиги натижасидагина мустақил феъл категориясининг оппозицияга кирувчи формаси сифатида ажралиб туради. Масалан, инглиз тилида write ёзмоқ феъл формасининг активлигига сабаб, бу феъл be written пассив форма билан корреляцияга киришидадир. Ўзбек тилида ҳам фаоллик морфологик белгиланмаган бўлиб, у мажҳулликни ифодаловчи феъл формасига қарши қўйилганда формал жиҳатдан фарқ қилади. Масалан: Дунёда қизларнинг яхшисидан яхшироқ зот бўлмас экан-да, мен бунини энди **биялман**, Розия (П. Қ.). Қора қалам билан ёзилган хатни ўқиш анча қийин эди, шунинг учун ҳам у ўрнидан туриб чироққа **яқин келди**. (С. А.) Туш ҳамма вақт ҳам гўғри **келавермайди**. Кўпга келган тўй экан қандоқ қилай, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган **ўлади**, ишқилиб, ёлғизим соғ-омон **келсин!** (С. А.) Хат ёзилган қоғозни тол ковагига суқиб бир қарашда кўринармикан дегандек орқароққа қайтиб қаради (С. А.). Ҳозир шу истагим ҳам амалга **ошяпти**. (П. Қ.). Фронтга бориб душман билан олишишга ярамаса ҳам шу ерда, меҳнат фронтида **жанг қилади**. (С. А.) Қани юринглар энди, давом **эттирамыз** (У. Н.). Эгачим овга чиқди, кетидан **говга чиқди**. Ҳар доим, ҳар қаерда у кўзга ташланиб туришни, катталар унга эътибор беришларини **яхши кўрарди** ва иложи борича уларга ёқишга ҳаракат қиларди. (У. У.) Дарс тамом бўлганидан кейин синфдошлар имтиҳонларга тайёрланиш тўғрисида ярим соатга **суҳбатлашиб** олдилар. (М. С.). У кўйлагини липпасига қистириб, ҳовлига **сув сепди**. (У. Н.).

Фаолликни ифодаловчи феъл формалари турли грамматик категориялардаги феъл формалари орқали аниқланади. Морфологияда у нисбат категорияси формаси билан ифода этилади.

Формал структура формал кўрсаткичларнинг йўқлиги ва мажҳул нисбатнинг белгиланган формаларига қарши қўйиш билан аниқланади. Аниқ нисбат формаси пейтрал бўлиш билан бирга мажҳул нисбат формаси ясалишига асос бўлади. Аниқ нисбат формасини замон категориясида **Present Indefinite** формаси билан, келишик категориясида **Common Case** формаси билан, майл категориясида **Indicative Mood** формаси билан, сон категориясида **singular** формаси билан, шунингдек, перфект категориясида **non-perfect** формаси билан солиштириш мумкин, негаки бу формаларнинг барчаси оппозициянинг белгиланмаган кучсиз аъзоларидир. Улар белгиланган кучли формаларга қарши қўйишда аниқланади. Бу ўринда, **non-passive—passive**, яъни мажҳул эмас || мажҳулга ажратилса, хато бўлмайди. **Active voice** (active) сўзи латинча **activus** сўзидан олинган бўлиб, **фаолиятли, ҳақиқий**, деган маънони англатади.

Лингвистик адабиётда аниқ нисбат қуйидагича тавсифланади: эга ёки гапнинг субъекти иш-ҳаракатни бажаради ёки нисбат формаси феълдан англашилган процесс, феъл формаси грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлган сўз билан ифодаланган предметдан бошланишини ва ундан ташқарига йўналтирилишини, иш-ҳаракат шахс ёки предмет томонидан бажарилганини кўрсатади.

Инглиз тилида аниқ нисбат формаси барча категориялар формалари ясалиши учун асос бўлади. Аммо мажҳул нисбат формаси бундай кучга молик эмас. Тилда аниқ конструкциялар мажҳулга нисбатан кўпдир. Чунки аниқ нисбатдаги ҳамма формалар ҳам мажҳул нисбат формасига ўтавермайди. Бу масала кўп тиллар учун умумий бўлган **айланиш назарияси** билан боғлиқ. Айланиш назарияси ҳам семантик, ҳам формал нуқтаи назардан турли танқидларга дуч келди.¹ Аммо тилшунослар **ўтиш** ёки **айланиш**ни абсолют чегара деб тушунадиган ишлар ҳам бор. Мажҳул нисбат аниқ нисбатдан пайдо бўлишини уқтириш мумкин, бошқа ҳолларда уларнинг оппозицияси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу билан бирга аниқ нисбат формасини мажҳул нисбат формасига айлантириб бўлмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Ўз навбатида турли лингвистлар бу ҳодисани ҳар хил усуллар иштирокида текшириб кўришган.

Аниқ ва мажҳул нисбат трансформацияси проблемаси билан мутахассислар шуғуллана бошлашгандан кейин мазкур масала янада муҳим бўлиб қолди.

Айланиш назариясининг моҳияти шундаки, ҳар қандай мажҳуллик аниқ нисбатнинг айлантирилганидир. Аммо кўп линг-

¹ М. М. Гухман. Развитие залоговых противопоставлений в германских языках. М., 1964, стр. 10. Труды ВИЯ, № 1, М., 1945, стр. 20—24, А. В. Исаченко. Грамматический строй русского языка в сопоставлении со словацким, стр. 369. Э. В. Севортян. Афиксы глагольного образования в азербайджанском языке, М., 1962, стр. 450—453.

вистлар томонидан исботланишича, бу тушунчада қатъийлик ва абсолютлик йўқдир. Аниқ нисбат конструкциялари мажҳул нисбатга айланмаслиги ва аксинча, аниқ нисбатга мос келмайдиган мажҳул нисбат конструкциялари мавжудлигига бир қанча сабаблар бор.

1. Мажҳул нисбат конструкцияларининг бўлмаслик ҳоллари қуйидагилардир:

а) давомли феълнинг бешта аниқ нисбат формасида мажҳул нисбат формаси йўқ.¹ Л. С. Бархударов, Д. А. Штеллинг аниқ ва мажҳул нисбатнинг қиёсий жадвалини бериб, мажҳул нисбат формасининг йўқлигини кўрсатади.

Аниқ нисбат	Мажҳул нисбат
is writing was writing will be writing	is being written was being written —
has been writing had been writing will have been writing	— — —
to be writing	—

Зарурат туғилган ҳолларда давом феъл формасидаги аниқ нисбат конструкциясини мажҳул нисбатга айлантирганда, давомсиз (оддий) формадан фойдаланилади, масалан: The doctors have been examining him all morning. He has been examined all the morning by the doctors².

Тахмин қилинган форма he has being examined all the morning by the doctors сунъий бўлиб қолади.

б) **have, resemble** каби феъллар фақат аниқ нисбатда қўлланилади:

He resembles his father — His father is resembled by him.

He has lots of money — Lots of money are had by him³.

в) пайдо бўлиш туридаги (verbs of become class) феъллар ҳам шунга киради, улар ярим мажҳул ҳисобланади.

2. Аниқ нисбат феъл ва феъл негизларининг ўтимли-ўтимсизлигига кўра чегараланмаган. Аниқ нисбат формасида ўтимли

ва ўтимсиз феъллар қўлланила олади. Масалан: Frank met her at the station (W. S. Maugham). She was American and she had divorced two husbands (Ibid). My dear husband, who was the soul of courtesy, pressed him to take it (B. Show). He moved. (M. Barrington). Presently he calmed a little (Wells).

3. Баъзи предлоғли феъллар, **prepositional verbs** деб аталадиган феълларнинг ҳам мажҳул нисбати йўқ:

I didn't take to him. He wasn't taken to. She went for him in a big way. He was gone for in a big way. I ran a mile to work. A mile to work was run by me.

Мажҳул нисбат формаларининг предлоғли феъллар билан қўлланиши ҳам мумкин:

She slept in the bed — The bed was slept in.

They sat on the chair. — The chair's been sat on.

He took care of the matter — The matter was taken care of.

The men set fire to the house — The house was set fire to.

He got rid of his old car. — The old car was got rid of. Структура жиҳатидан аниқ нисбатда қўлланидиган феъллар **содда** (read, see), **ясама** (formalize, widen blacken, rewrite) **қўшма** (blackguard, blackmail whitewash) бўлади. Масалан, аниқ нисбатда негиз **содда** бўлади: You had better tell her its no matter (James).

Аниқ нисбат формалари **шахсли** ва **шахсиз** бўлади:

а) аниқ нисбатдаги феълнинг шахсли формалари — „Do you know I love you?“ the young man said jocosely, to Isabel a little later, while he brushed his hat.

I'm sure I don't care whether you do or not! „exclaimed the girl. (James). „O, she feels so grand since Mrs. Touchett's visit“, said her sister. (Ibid).

б) аниқ нисбатдаги феълнинг шахсиз формалари. Инфинитив, герундия ва сифатдош шу функцияда қўлланиши мумкин.

The aunt had quarrelled years before with his brother-in-law, after the death of her sister, taking him to task for the manner in which he brought up his three girls. Being a hightempered man he had requested her to mind her own business... (James). She intended to go to America to look after her... (Ibid). She ought to marry an Armenian or a Portuguese (Ibid). „What is it you wish her to do?“ Edmund Ludlow asked. Make her a big present (Ibid). She has offered to take her — she's dying to have Isabel go. But what I want her to do when she gets her there is to give her all the advantages. I'm sure all we've got to do, said Mrs. Ludlow, is to give her a chance“ (Ibid). It was on the contrary because she felt too wide-eyed and wished to check the sense of seeing too many things at once... and at important moments, when she would have been thankful to make use of her judgement alone, she paid the penalty of having given undue encouragement to the faculty of seeing without judging (Ibid).

¹ Л. С. Бархударов, Д. А. Штеллинг. Грамматика английского языка. М., 1965, стр. 146.

² F. R. Palmer. A Linguistic Study of the English Verb. London. 1965. p. 66.

³ op. cit. p. 66 a. f.

Аниқ нисбатда ўтимли феъллар ҳам, ўтимсиз феъллар ҳам қўлланилади.

Фаолликнинг лексик усул ёрдамида ифодаланиши. Фаолликнинг лексик усули аффиксларсиз ва аффикс ёрдамида ифода этилади.

Фаоллик аффиксларсиз ифодаланганида тўғридан-тўғри сўз ўзаги воситасида билдирилади. Бу группага кирувчи сўзлар маъноси иш-ҳаракатнинг бажарувчи субъект эканлигини кўрсатади. Масалан, **abandon** — ташлаб кетмоқ, **abate** — озайтирмоқ, **able** — қобилият, **absorb** — сўрмоқ, **affect** — таъсир қилмоқ, **ail** — оғритмоқ, **amaze** — таажжублантирмоқ, **bite** — тишламоқ, қопмоқ, **blame** — қораламоқ, айбламоқ, **blow** — пуфламоқ, **brick** — гишт қўймоқ, **bring** — келтирмоқ, **build** — қурмоқ, **bury** — кўймоқ, **call** — чақирмоқ; атамоқ, **camp** — лагерга жойлаштирмоқ, **allow** — рухсат бермоқ, **ferry** — олиб ўтиб қўймоқ, **find** — топмоқ, **feed** — боқмоқ „I'll take ham and eggs“, the man called. All said (E. Hemingway) „Give me bacon and eggs“, said the other man (Ibid).

Max looked into the mirror all the time he was talking (Ibid). I remember him. (John Braine).

I replaced the phone and went to the window (Ibid).

I gave my name to the commissionaire (Ibid)

The girl looked across at the hills (E. Hemingway)

„I've dropped the whole thing“, she said, sitting down at the table. (Ibid).

You might think about someone else. You said you loved it. (Ibid).

Актив феълларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар осонгина мажхул формага ўта олади. Масалан, **blame** — to be blamed, **bite** — to be bitten).

Ўзбек тилида фаолликни ифодаловчи феълларга қуйидаги сўзлар киради: **алдамоқ, солмоқ, бақирмоқ, айтмоқ, ичмоқ, ишламоқ, чиқмоқ, кесмоқ, сотмоқ, қўймоқ, тўғрамоқ, оқмоқ, эзмоқ, эгмоқ, эламоқ, тиламоқ, сўрамоқ, ғажимоқ, қўзғатоқ, қаматоқ.**

Ўзбек тилидаги феъллар осонликча актив—пассив трансформацияга кира олади: **алдамоқ** → **алданмоқ**, **солмоқ** → **солинмоқ**, **эзмоқ** → **эзилмоқ**, **эгмоқ** → **эгилмоқ** ва бошқалар. Масалан: Меҳмонлар бирдан ўринларидан турдилар ва эшоннинг ўғлига «Бошласинлар» дея ишорат этдилар. (O.) Умарали дўстлари билан хайрлашгач, Сквердан айланиб Пиёнбозорга борди. (O.) Умарали кабоб устидан бир-икки пиёла аччиқ чой ичди (O.).

Фаоллик от, сифат ва бошқа сўз туркумлари воситасида ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, инглиз тилида: **able** — қобилиятли, **уддабурон**, **brave** — жасур, **қўрқмас**, **fight** — уришиш, **fiere** — шиддатли ва бошқалар.

Ўзбек тилида: **мард**, **куч**, **бардам**, **хандон** ва бошқалар.

Инглиз тилида ва ўзбек тилларида от, сифат ва бошқа сўз туркумларининг фаоллик ва мажхуллик оппозициясини аниқ-

лаш ҳали ўрганилгани йўқ. Аммо қиёсий типологияда бундай классификация жуда зарур, чунки типологик фаоллик категорияси ҳамма яруслар бирликларидан тузилиши керак. Бу нарса айниқса типологик метод воситасида олинган натижаларни амалий қўллаш билан боғлиқ.

Юқоридаги сўзларнинг фаолликни ифода этиши фақат уларнинг трансформациясига қарабгина аниқланди.

Фаолликнинг аффикслар ёрдамида ифодаланиши. Аффикслар воситасида фаолликни ифодалаш аффиксиз усулга нисбатан анча кенг тарқалган. Аффиксли сўзларнинг семантик ишоти аниқ бўлишининг сабаби махсус сўз ясовчи аффиксларнинг борлигидадир. Инглиз тилида фаолликни кўрсатадиган сўзлар қуйидагилардир: **antecedent** — олдида келувчи, бошлаб берувчи **antedate** — аввалги вақт билан белгиламоқ, **anticipate** — олдиндан сезмоқ, **befriend** — ёрдамлашмоқ, **bewilder** — хижолат қилмоқ, **discompose** — парчаламоқ, **enrich** — бойитмоқ **forgive** — гуноҳидан ўтмоқ, **overcome** — енгмоқ, **outbrave** — устун чиқмоқ, **transform** — бошқа нарсага ёки формага ўтказмоқ, **unclose** — очмоқ, **underfeed** — оз ҳақ тўламоқ, **equalize** — тенглаштирмоқ, **classify** — таснифламоқ, классификация қилмоқ, **commemorate** — белгиламоқ, байрам қилмоқ.

Ўзбек тилида фаолликни кўрсатадиган аффиксли феъллар қуйидагилардир: **бошламоқ, ажримламоқ, алифламоқ, асосламоқ, тирнамоқ, қийнамоқ, кенгаймоқ, талтаймоқ, пасаймоқ, улгаймоқ, саргаймоқ, тинчимоқ, ранжимоқ.**

Фаолликни ифодаловчи сўзларнинг кўплари каузатив маъносидан ишлатилади. Шу сабабли уларни биз каузативликка киритамиз. Масалан: **бошлатмоқ, гавдалантирмоқ** ва бошқалар.

Инглиз ва ўзбек тилларида от, сифат ва бошқа сўз туркумлари аффикслар билан қўшилиб фаолликни ифодалаб келиши мумкин. Масалан: **accountant** — ҳисобчи, **accumulator** — аккумулятор, **accusation** — айбаш, қоралаш, **administrator** — бошқарувчи, **agitator** — агитатор, **agronomist** — агроном, **writer** — ёзувчи, **speaker** — нотиқ, **barbarian** — қўпол одам, **barrier** — тўсиқ, **blacksmith** — темирчи, **book-keeper** — бухгалтер, **footmaker** — косиб, **turdonsome** — оғирлаштирадиган, **boring** — зериктирувчи, **acetons** — нордон, **almighty** — қудратли; қурби етадиган, **ferocious** — қаттиқ, қўрқитадиган, **righteous** — тўғри ҳукм чиқарадиган, **talkative** — сергап, эзма ва бошқалар. Инглиз тилидаги суффиксларни англатган маъноларига кўра фаол ва мажхул группаларга бўлиш қийин. Ўзбек тилида фаолликни ифода этувчи от ва сифатларга қуйидагилар киради: **автоматчи, адабиётчи, адабиётшунос, аёвчан, айблов, айбсиз, айёр, аймоқи, раққоса, раҳмсиз, реалист, режиссёр, реваншист, сабабкор, савдогар, савияли, сайроқи, сезгир, сезувчан, сергап** ва бошқалар.

Фаолликни ифодалашнинг синтактик усули сўз бирикмаси ва гап ярусига тааллуқли бўлиб, универсал усул ҳисобланади. Синтактик усул барча тилларга хос. Бу усулнинг морфологик ва

лексик усулларидан афзаллиги унинг трансформацион вариантлар ярата олишидадир. Трансформация воситасида ҳар бир сўз ва сўз формасининг синтактик вариантини тиклаш мумкин. Фаолликни ифодаловчи синтактик бирикларнинг асосини синтактик сўз бирикмалар ташкил қилади.

Инглиз тилидаги фаолликни ифодаловчи сўз бирикмалари ва конструкцияларда фаоллик маркери вазифасини ўтовчи феълларнинг кўплари каузатив фаолликни ифодалайди. Шу сабабли фақат маркерли бирикмаларни бу ерда келтириб қолганларини каузативликда баён этамиз. Масалан:

to make haste, to make fun, to make an answer (a reply), to make a pause, to make a denial, to make a journey, to make progress, to make a start, to make a mistake (a blunder), to make an ass of oneself, to make a beast of oneself, to make after, to make against, to make away with, to make back, to make for, to make off, to make out, to make over, to make up, to make up one's mind, to make up to smb, to make a dead set at, to make do with smth, to make good, to make nothing of smth, to make a poor mouth, to make sure, to make time out, to make believe, to make a curtsey, to make smth grow, to make oneself understood, to make oneself agreeable, to make smb. understand, to make advances, to make smb's acquaintance, to make a fire, to make hay, to make one's abode, to make a bed, to make a conquest of smb, to make an errand, to make a compliment, to make a complaint against smb, to make compensation for smth, to make a clean breast of it, to make a bad break, to make a break with smb, to make no bones about, to make old bones, to make a bolt, to make bold with, to make bold to say, to make boast of smth, to make a bet, to make a beast of oneself.

Ўзбек тилида аффиксация яхши ривожланганлигига қарамай, фаолликнинг синтактик усули ҳам жуда яхши ривожланган. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилида синтактик бириклар морфологик ва лексик бирикларнинг трансформацион синонимлари ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг кўпларининг рўйхатини берамиз, холос.

Синтактик сўз бирикмалари маълум фаоллик маркерлари ёрдамида тузилади. У маркерлар ролини қуйидаги сўзлар ўтайди:

қилмоқ, сақламоқ, қолдирмоқ, тугмоқ, айламоқ, олиб бормоқ, тутмоқ, топмоқ, бермоқ, олмоқ, келмоқ, амал қилмоқ, адоват қилмоқ, адоват сақламоқ, халос қилмоқ, ажрим қилмоқ, баён айламоқ, айримчилик қилмоқ, баҳрдан ўтмоқ (кечмоқ), бетга айтмоқ, бекорга бермоқ, асар қилмоқ, асар қолдирмоқ, атака қилмоқ, ачом қилмоқ, ақл топмоқ, аҳд қилмоқ, аҳду-наймон (қилмоқ), агитация олиб бормоқ, адо этмоқ, адо қилмоқ, арз қилмоқ, арз-дод қилмоқ, аннекция қилмоқ, афв сўрамоқ, афзал кўрмоқ, ~ билмоқ, ~ санамоқ, асар қолдирмоқ, бино қилмоқ, лоф қилмоқ, ~ урмоқ, гарданига юкламоқ, ~ тушмоқ, гаровга қўймоқ, ~ бермоқ, гирибондан олмоқ, ~ тутмоқ, гугурт чақмоқ, гул тикмоқ, гулчамбар қўймоқ, вой-вой қилмоқ, ~ солмоқ, гап ковламоқ, (маъқулламоқ, отмоқ, қотмоқ, ташламоқ, сотмоқ) аннекция қилмоқ, анализ қилмоқ, арасот қилмоқ, важ қилмоқ, ~ топмоқ, гуппа учмоқ, гуруҳ қилмоқ, дабдаба қилмоқ, арз қилмоқ, битим қилмоқ, ~ тузмоқ, бойқот қилмоқ, бозор қилмоқ, бозор-ўчар қилмоқ, бой қилмоқ, бойиб кетмоқ, бошқача қилмоқ, кўз боғламоқ, бурда-бурда қилмоқ, бурилиш ясамоқ, бурун қоқмоқ, бурун ташламоқ, ~ торт-

моқ, бўёқ бермоқ, бўй бермоқ, ~ чўзмоқ, бўйин чўзмоқ, бермоқ, ~ товламоқ, ~ қисмоқ, бўса олмоқ, сарф қилмоқ, ~ этмоқ, дўқ урмоқ, ~ қилмоқ, дуч келмоқ, дорга осмоқ, дор ўйнамоқ, доврўқ солмоқ, даҳшат қилмоқ, даҳшат солмоқ, дағдаға қилмоқ, баён қилмоқ, баён этмоқ, базм қурмоқ, банд қилмоқ, байрам қилмоқ, бсига бало қилмоқ, бардор этмоқ, эзилмоқ, бас қилмоқ, бас келмоқ, башорат қилмоқ, баҳо қилмоқ, баҳо қўймоқ, баҳона қилмоқ, ланат ўқимоқ, ~ айтмоқ, ~ ёғдирмоқ, найранг қилмоқ, нағма қилмоқ, номус қилмоқ, лутф айламоқ, ~ қилмоқ, диагноз қўймоқ, дам солмоқ, ~ урмоқ, дам босмоқ, жазб этмоқ, ~ қилмоқ, жазм этмоқ, жанг қилмоқ, жар солмоқ, дамол қилмоқ, дамол босмоқ, далил келтирмоқ, ~ кўрсатмоқ, дарак бермоқ, ~ солмоқ, топмоқ, дармонга кирмоқ, вэнос тўламоқ, ~ олмоқ, ваҳима қилмоқ, вағда бермоқ, ~ қилмоқ, кашф қилмоқ, этмоқ, йўқлама қилмоқ, шғол этмоқ, ~ қилмоқ, ихлоос боғламоқ, ~ қўймоқ, иқтисод қилмоқ, иғво солмоқ, иғво тарқатмоқ, иғво қилмоқ, иҳота қилмоқ, шак келтирмоқ, монтаж қилмоқ, гапни эриликка бурмоқ, хушнуд қилмоқ, харж қилмоқ, фош қилмоқ, ~ этмоқ, айламоқ, фидо этмоқ, ~ қилмоқ, уй-жой қилмоқ, тухмат қилмоқ, тортиқ қилмоқ, таклиф қилмоқ, ~ этмоқ, таҳрир қилмоқ, ~ этмоқ, тарғиб этмоқ, ~ қилмоқ, талаб қилмоқ, этмоқ, айламоқ, тавозе қилмоқ, хаспўш қилмоқ, ишлаб бермоқ, ишлаб чиқмоқ, ишлаб чиқармоқ, иш бичмоқ, иш тикмоқ, иш қилмоқ, инъом қилмоқ, исбот қилмоқ, ~ этмоқ, ислоҳ қилмоқ, ~ этмоқ, истеъмол қилмоқ, истеҳзо қилмоқ, истило қилмоқ, истисно қилмоқ, ~ этмоқ, хитоб қилмоқ, ишва қилмоқ, ишора этмоқ, ишора бермоқ, яхши кўрмоқ, яхоб қилмоқ, ~ бермоқ, яхмалак отмоқ, ялла айтмоқ, якандоз қилмоқ, ~ қоламоқ, яйдоқ қилмоқ, яёна қилмоқ, юзидан ўтмоқ, ямоқ ямамоқ, илҳом бермоқ, низо қилмоқ, низо қўймоқ, низо чиқмоқ, юз ўғирмоқ, эътиқод қилмоқ, эрга тегмоқ, эрга бермоқ, этак қоқмоқ, ~ силкитмоқ, инobat қилмоқ, ~ инobatга олмоқ, зўр чиқмоқ, ~ имтиҳон қилмоқ, ~ имтиҳон олмоқ, ижарага бермоқ (олмоқ — ўтирмоқ), ижозат сўрамоқ, ижозат бермоқ, ижод этмоқ (қилмоқ), ижро этмоқ, (~ қилмоқ) изҳор қилмоқ (~ этмоқ, ~ айламоқ), илож топмоқ, бир иложини қилмоқ, илтимос қилмоқ, илтифот қилмоқ, ифода қилмоқ, бисот қилмоқ, ҳайхот солмоқ, ҳазар қилмоқ, ҳажв қилмоқ, ҳавас қилмоқ, ғолиб чиқмоқ, ғолиб келмоқ, ғойиб қилмоқ, ғинг қилмоқ, ғаш олмоқ, ғалбирда эламоқ, ғайрат қилмоқ, ғавго чиқармоқ, ғавго кўтармоқ, ғавго солмоқ, ғавго қилмоқ, қўшоқ қилмоқ, қўлдан бермоқ, қўйиб юбормоқ, қайтариб қўймоқ, қадрини билмоқ, қадр қилмоқ, қадоқ қилмоқ, қадам ранжида қилмоқ, қадам босмоқ, қадам қўймоқ, қавсни очмоқ, қабул қилмоқ, қабул этмоқ, ўт ўчирмоқ, ўт ёқмоқ, ўртага отмоқ, ўртага олмоқ, ўрнида кўрмоқ, ўрнига ўтмоқ, ўрнига қўймоқ, ўрин тутмоқ, ўлчовни олмоқ, ўзича қолдирмоқ, забастовка қилмоқ, зирба бермоқ, зирба қилмоқ ва бошқалар.

Мажхуллик категорияси

Мажхуллик категорияси иш-ҳаракат ёки процесснинг субъектга ташқаридан йўналтирилганлигини, шунингдек грамматик эганинг иш-ҳаракат бажаришда фаолиятсиз эканлигини англатади.

Типологик мажхулликнинг асосий ифодаланаш усули сифатида морфологик мажхул нисбат олиниб у типологик мажхуллик категориясининг конституенти ҳисобланади. Умуман мажхул нисбатнинг грамматик формаси мажхулликни ифодалаш учун мўлжалланган. Аммо баъзи каузатив конструкциялардаги гапнинг эгаси мажхул нисбат формасида ҳам иш-ҳаракатнинг бажарувчиси вазифасини ўташи мумкин.

Мажхулликда иш-ҳаракат гапнинг эгасига йўналтирилганлиги актив — пассив трансформацияда яққол кўриниб туради: John wrote a letter → The letter was written by John.

Ўзбек тилида ҳам мажхуллик грамматик ярусда грамматик нисбат формаси воситасида ифодаланади. Унинг асосий маркерлари

сифатида аффиксал морфемалар ишлатилади. Масалан, ўзбек тилида мажҳул нисбатнинг белгиланганлиги: -л, -ил, -н, -ин суффикслари иштирокида ифода этилади: ёзилмоқ, бўлимоқ.

Энди пати юлинди, ювилиб, тозаланиб ошга босилади. (Ў.У.)

Озодлик офтоби нур сочиб турганда одамнинг қалбида бор энг яхши кучлар уйғонса, бу кучларга йўл очилса, эрк берилса, ана унда кишининг бутун умри ҳазонсиз бир гул бўлиб очилади. (П.Қ.) Яқинда Антарктидада минераллашиб қолган торф топилди (Т.О.).

Шу пайт қулоғимизга от туёғининг товуши эшитилди. Муюлишдан бир айғир ўқдек отилиб чиқди. Унинг орқасидан Мурод деган отбоқар бақириб-чақириб қувиб келарди.

Мажҳулликнинг морфологик усули асосан мажҳул нисбат категорияси орқали ифодаланади. Мажҳул нисбат формаси аналитик форма ёрдамида ясалади. Мажҳул нисбатнинг аналитик формаси be — en, be — Ven маркери воситасида ифодаланади. Мажҳул нисбатнинг турли категориал формалари мавжуд. Масалан: But the visitor was not to be drawn so easily. (Wells) He didn't want to be fetched, he wanted to be taken home by someone who would impress even Mrs. Baines. (G. Greene).

There was not a soul to be found in the house, search as they would. (Wells). He was certain that he would be caught, and he tried to imagine what untold horrors would await him if he were brought before the Home Committee. (Stern). We are taught, Miss Sauders, to pay first attention to our own souls. (G. Greene). I'm not married to you (A. E. Coppard). His modest farm was set in a lonely spot two miles from the village, seven miles from the town and fifteen from market. (H. E. Bates). «Who would mind? We shall be very pleased». (J. Galsworthy) I need not say that such a breach of confidence is unthinkable and that these records will be separated and destroyed now that my friend has time to turn his energies to the matter. (A. C. Doyle).

But all of them who are willing to work will be welcomed by the state and will be at once employed helping either to produce or distribute the necessaries and comforts of life. (Tressell). «She'll be starved and tortured and humiliated» (W. S. Maugham) Briefly, two British teenagers, a boy and a girl, have been found dead one murdered, the other either murdered or a suicide case (P. Leslie) The student flying it had been killed. J. Aldridge)

The girl had been discovered a couple of hours previously, not long before midnight ... (P. Leslie). Three men had been wounded and one killed. (R. Aldington)

No weapon near her, Watson mark that! The crime seems to have been committed late in the evening, and the body was found by a game keeper about eleven o'clock, when it was examined by the place and by a doctor before being carried up to the house». (A. C. Doyle). It might have been considered beautiful at one time (Stern) ... it was not to be thought of and it was not necessary. (A. E. Coppard)

If they find out he's being tailed they'll knock him off without a thought (P. Leslie. Hell)

«A new song is being sung, that a hero has arisen on the stoppe whose name is Suhe bator». (R. W. Fox) ... being greeted by him, the exchange of courtesies, seemed to answer the questions that troubles me. (D. M. Lessing)

He stared at this in amazement. (Wells)

It was an empty bandage, a bandage properly tied, but quite empty. (Ibid). It was held half open by a strap. (Wells).

The Lenin Museum will be included in the memorial complex «V. I. Lenin's exile in Siberia», which will be set up there by decision of the CPSU Central Committee and the USSR Council of Ministers by the spring of 1970. (Moscow News)

So soon as she felt assured of this, she aroused the Rev. Mr. Bunting as quietly as possible. (Wells).

Yet another suffered the pain of personal rebuke. (T. Dreiser).

The despair of Mr. Marvel's face deepened and his face slackened. (Wells) Once his outstretched hand slowly closed, then opened. (J. Sommerfield)

Шаҳар меҳмонхоналари иссиқ бўлгани учун москвалик мухассисларга боғдан жой қилинган (П. Қ.).

Калуга немис босқинчиларидан тамомила тозаланди. (С. А.)

Эртага газетани кўрасизлар, ҳаммаси сизларга бағишланиб чиқади. (С. А.)

Инглиз тилидаги мажҳулликнинг ифодаланишида ўзбек тилидан энг асосий фарқи процесс йўналтирилган ёки адресланган шахс объект келишигида кела олмаслигидир. Ўзбек тилида эса бу ҳодиса сақланган. Масалан:

Инглизча: He was given the prize.

Ўзбекча: Унга мукофот берилди.

Мажҳулликнинг лексик усулида мажҳул маъно ё феълнинг ўзаги воситасида имплицит ифодаланиши, ё маълум аффиксал морфемалар ёрдамида эксплицит ифодаланиши мумкин:

а) мажҳулликнинг имплицит ифодаланиши ҳар бир феълнинг ички структурасига кўра белгиланади: suffer азоб тортмоқ, азоб чекмоқ, endure — чидамоқ, бирор нарсага дучор бўлмоқ, abide — чидамоқ, stand — чидамоқ, кўникмоқ,

б) мажҳулликнинг эксплицит равишда ифодаланиши.

Мажҳуллик маъносини -able, -ee ва -en суффикслари иштирокида ифода этилади: bearable — бардошли, сабр-тоқатли, sufferable — бардошли, чидамли, sufference — чидам, чидамлик, available — фойдали, capable — ишлатилса бўладиган, breakable — синувчан, arable — ҳайдаладиган, suitable — фойдали, фойдаланса бўладиган, calculable — саналадиган, allottee ер бериладиган; examinee имтиҳон олинадиган; lessee ер берилувчи, қоранда; employee хизматчи; payee пул олувчи; fee тўланган ҳақ; absentee қатнашмайдиган; refugee қочоқ; building иморат, қурилган нарса, иншоат; bundle тугун; allowable — allowance —

рухсат, рухсатнома; **amenable** жавобгар; **fixed** ўргатилган, **afraid** қўрққан; **addressee** адресат, хат олувчи, хат жўнатилган шахс; **admirable** фахрланса бўладиган, фахрланса арзийдиган; **bandage** — бандаж; **brainless** миясиз, ақлсиз, нодон; **attainable** эришса бўладиган, эришиш (қозониш) мумкин бўлган; **tolerate** чидамоқ, тоқат қилмоқ, бардош бермоқ; **tolerable** чидаб бўладиган, йўл қўйиб бўладиган; **tolerance** йўл қўйишлик; **tolerant** чидаб бўладиган, йўл қўйиб бўладиган; **toleration** йўл қўйишлик, чидам билан қарашлик; **written** ёзилган; **known** маълум, машҳур кабилар.

I don't like not to be **hospitable**, but it might disturb him back again to see you (*Ibid*)

We all had **same** medals, except the boy with the black silk bandage across his face. (*Ibid*)

Ўзбек тилида мажҳуллик маъносининг от, феъл ва бошқа сўз туркумларида эксплицит ифодаланиши: ажратма, айтарли, айбланувчи, айтгундай, айтилиш, англашилмас, англашиларли, англашилмовчилик, арзийдиган, арзигундай, арзирли, асранди, бўлинувчи, бўлишли, бўшанглик, безак, тишлам, алдам, кўргазма, кўриниш, кўринарли, кўмач, банди, қўрқоқ, топилма ва бошқалар.

Ноёб топилманинг қатламларини ўрганиш Антрактидада аллақачонлар йўқ бўлиб кетган ўсимликларнинг тузилиши ва ҳаёти ҳақида аниқ ахборот беради.

Ўзбек тилида мажҳулликнинг ифодаланишида мажҳул нисбат морфемаси иштирок этиши мумкин: адресланмоқ, айбланмоқ, англашилмоқ, азобланмоқ, айлантирилмоқ, алмаштирилмоқ, амалланмоқ, англолмоқ, англанилмоқ, асарланмоқ, асосланмоқ, ажратилмоқ, ажримланмоқ, айлантирилмоқ, бўғизланмоқ, бўғилтирмоқ, гаранглолмоқ, даволанмоқ кабилар. Ўзбек тилида мажҳуллик имплицит равишда қуйидаги сўз туркумларидан ясалади: адо, бўш, гаранг, аниқ, рухсат, аср, ёқмоқ кабилар.

— Биродар, бу дунёнинг тузини сендан уч кун илгари тотиганман, хўжайинларга таъзим қилсанг ёқасан, ёқсанг — тинч бўласан. (O)

Мажҳулликнинг синтактик усули ҳар иккала тил учун хос бўлиб, ярим аналитик формалар ва синтактик конструкциялар ёрдамида ифода этилади. Инглиз тилида мажҳуллик маъносини ифодаловчи конструкциялар: *become, remain, seem, get (to get acquainted with) consider* ва бошқа феъллар иккинчи сифатдөн формасининг мустақил феъллар билан бирикмасидан ясалади. Мажҳуллик морфологик усулларсиз ифода этилганда грамматик субъектнинг фаолият бажармасдигини учратамиз. *become, get, seem + Ven* усулидаги мажҳуллик конструкциялар шулар жумласидандир. *get* — Ven бирикмаси бевосита феълга қўшилганидагина мажҳулликни ифодалайди, ammo *get + N + Ven* моделига

мос бўлганида эса каузативликни ифодалайди. Масалан: **He got killed** (пассив). **He got his evening killed** (каузатив). Уларнинг структура жиҳатидан фарқ қилишига сабаб *get, remain, become* феълларининг копулятив феъл вазифасида келишидандир.

Копулятив феъллар нисбат системасида алоҳида ўрин эгаллайди. Функциясига кўра улар биринчи даражали ва иккинчи даражали бўлиши мумкин. Биринчи даражали копулятив феълларга асосан субстантив феъллар вазифасида келувчи *be, become, cost, seem, have* каби феълларни киритиш мумкин. Иккинчи даражали копулятив феълларга ўзлари мустақил маънога эга бўлиб, ҳар вақтнинг ўзида копулятив вазифани ҳам ўтаб келувчи *come, feel, get, go, grow, lie, look, prove, sound, stay, turn* каби феъллар киради.

Aunt Kate was making frank use of her handkerchief, and even Aunt Julia seemed moved. (*J. Joice*).

«I want you tomorrow evening also — in fact you way **consider your evenings occupied**, unless I give you leave». (*D. H. Lawrence*.)

The stranger ran his arm, down his waistcoat, and if by a miracle the buttons to which his empty sleeve pointed **became undone**. (*Wells*)

His gloved hands mere clasped behind him, and he **seemed to be last** in thought. (*Mells*)

This question **remained unanswered** because it was unanswerable. (*Tressell*)

I see that my mother is quite serene, somehow **remains unblows, unshaken** as the downward ride commences, and is merely touching her fingers to the crown of her familiar hat and raising a soft white arm as if to wave. (*J. Hawkes*).

Ўзбек тилида синтактик мажҳулликнинг ўз маркерлари бўлиб, бўлмоқ, емоқ, этилмоқ, қилинмоқ, учрамоқ, бермоқ, кўрмоқ каби феъллар унинг маркери сифатида келади: адабини емоқ, асфаласофин бўлмоқ, асир бўлмоқ, аралаш бўлиб кетмоқ, бахш этилмоқ, барпо қилинмоқ (этилмоқ), бартараф қилинмоқ (этилмоқ), байрам қилинмоқ, бажо қилинмоқ, бомбардировка қилинмоқ, брак қилинмоқ, қўлга тушмоқ, забт этилмоқ, зарб емоқ, зарбага учрамоқ, зарба емоқ, зиён кўрмоқ, заха бўлмоқ, ижро этилмоқ (қилинмоқ), илгари сурилмоқ, имтиҳон бермоқ, исбот этилмоқ, ислоҳ қилинмоқ (этилмоқ), истеъфо бермоқ, итоат қилмоқ (этмоқ), ифода қилинмоқ (этилмоқ), ишлаб чиқилмоқ, яксон бўлмоқ, унут бўлиб кетмоқ, уволига қолмоқ, таклиф қилинмоқ (этилмоқ), иқтисод қилинмоқ, ваҳимали кўринмоқ, вентиляция қилинмоқ.

Типологик нисбатлик категориясини ўрганишда инглиз тилидаги *sell* типидagi феъллар муҳим роль ўйнайди. Масалан: **The book sells well. We sell books well.** Биринчи гапта *sell* ўтимсиз феъл тарзида, иккинчисида эса ўтимли тарзида қўлланган. Яна *sell* феълни қуйидагича қўллаш мумкин:

They're selling like experts.
They're selling like hotcakes.

selling like мисолида **sell** феъли ўтимлигида қолиб, маъноси аниқ бўлади, яъни улар экспорт сифатида савдо жараёнидадир. Бунда формаси бошқача бўлгани билан аниқ маъно тез тушуниб олинади.

Энди *The book sells well. We sell book* мисолларига қайтамиз. Бу ерда *The book sells well* гапни ядро гап деб оладиган бўлсак, унда икки ядро гапга молик бўламиз.

Иккинчидан бу гап актив маънода, шунинг учун ҳам ундан мажхул гап яшаш мумкин.

The books are sold well by us.

Биринчи гапнинг маъноси мажхул, форма жиҳатидан аниқ нисбатда. Ундан ҳам нисбат яшаш мумкин.

The books are sold well.

Шундай қилиб *The books sell well* ва *The books are sold well* гаплари ўзига хос трансформацион мажхул синонимлардир.

ТИПОЛОГИК ЎЗЛИЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Типологик, ўзлилик сўзлар, сўз формалари ва сўз бирикмалари воситасида ифодаланган иш-ҳаракат ёки процесснинг грамматик субъектнинг ўзига қайтиб ўтишини билдиради. Инглиз ва ўзбек тилларида ўзлилик категорияси тил иерархиясининг морфологик ярусда морфологик усул, лексик ярусда лексик усул, синтактик ярусда синтактик усул билан баён этилади.

Ўзлиликнинг
морфологик
ярусда ифодалан-
иши

Морфологик ярусда ўзлилик асосан ўзлик нисбат категориал формаси воситасида ифодаланди.

Инглиз тилида ўзлиликнинг махсус морфологик категориал суффикси йўқ.

Ўзбек тилида морфологик форма яхши ривожланган бўлиб, унинг асосий маркерлари **-н, -ин, -л, -ил** морфемалари билан ифодаланди. Масалан, ажабланмоқ, асарланмоқ, таъсирланмоқ, қувонмоқ, мақтанмоқ, ачинмоқ, аччиқланмоқ, гуруҳланмоқ, ўкинмоқ, безовталанмоқ.

Ўзлиликнинг лексик усули имплицит ва эксплицит равишда ифодаланди.

а) имплицит усулда: инглиз тилида: **self, own**, ўзбек тилида: **ўз, зимма** кабилар.

б) эксплицит усулда аффиксал морфемалар қўшилади: **selfish, selfness, selfhood, personal, personality, behave** etc.

Ўзбек тилида: қувонч, таянч ачинарли, ўкинч, ўкинчли, ўзлик, ўз-ўзи, ўзича, ўзи юрар, ўзбошимча, баҳраманд кабилар.

Инглиз тилида синтактик ўзлилик икки хил ифодаланди:

1) махсус ўзлилик маркерлари воситасида (*oneself, himself,*

myself, herself, yourself, ourselves, yourselves themselves.

2) махсус маркерларсиз. (*I wash.*)

Ўзлик конструкциялар феълнинг ўзлик олмошлари билан бирикувидан ясалди: *oneself, myself, yourself, himself, herself, itself, ourselves, yourselves, themselves* каби ўзлик олмошларидан ясалган конструкцияларда ўзлиликни ифодаловчи сўзлар ўзлилик маркери вазифасини ўтайди. Масалан: *She had seated herself and had put away the little dog... her flexible figure turned itself easily this way and that... (H. James).* He slightly inclined himself, smiling; he had an excellent manner with women (*Ibid*). Americans, rightly or wrongly are commended for the ease with which adapted themselves to foreign conditions (*Ibid*). The two amused themselves, time and again, with talking of the attribute of the British public... (*Ibid*) «I don't mean of course that amuse yourself with trifles. (*Idib*).

So this was the beginning of the end! And afterwards the other two would be left by themselves at the mercy of the world (*Tressell*). The Nigger and my bright boy are amused by themselves. (*Hemingway*).

Ўзбек тилининг синтактик ярусда ўзлилик икки хил усулда ифода этилади: а) **ўзи** сўзининг турли келишик формалари феъл билан қўшилиб ўзлик бирикмасини ясайди: **ўзини йўқотиб қўймоқ, ўзини дадил тутмоқ**, б) бошқа усуллар воситасида: **надомат чекмоқ, даҳшатга келмоқ** ва бошқалар: **ўзичи билмай ётмоқ, ўзини босмоқ, ўзига олмоқ, ўзидан кетмоқ, ўзини олдириб қўймоқ, ўзини жинниликка солмоқ, ўзини сояга солмоқ, ўзига келмоқ, ўзини азиз қилмоқ, ўзича тушунмоқ, ўзига зеб бермоқ, ўзининг кийимига зеб бермоқ, изтироб чекмоқ, яйраб яшнамоқ, жилва қилмоқ, журъат этмоқ (қилмоқ), дадил тутмоқ, даҳшатга келмоқ, орқа қилмоқ, қабдини тутмоқ, ўзбошимчалик қилмоқ.**

Инглиз ва ўзбек тилларида ўзлилик конструкцияларининг аниқ ва мажхул нисбат формалари билан алоқаси қуйидагичадир: **Латофат ўзини кароватга ташлади (С. К.). У Латофат олдида сир бой бермаслик учун ўзини қувноқликка солди. (С. К.)** Латофат кўчага чиққанда ҳам ҳаяжондан ўзини босолмади. (С. К.) Латофат ўзини бир оз босиб олиб, қоровулхона эшигини торгди. (С. К.) Кампир аввал Латофатни ёнига ўтқазиб, юриш-туриш, одамлар билан муомала, бегона жойда ўзини қандай тутишини айтди. (С. К.)... бу кўз ёшлар қалбингиздаги ғуборни ювиб ташлагандай бўлади, **ўзингизни енгил ҳис этасиз...** Сиз **ўзингизни** айбламанг, Розия. (П. Қ.) Бунчалик **ўзимни** ардоқламасам, балки бугун шу ҳолга тушмасмидим? (С. К.) Нимага келганимни **ўзим** биланам, кампир. (С. К.) Туриб-туриб **ўзимдан-ўзим** таажжубланаман. (У. Н.) Яна айвонга қайтиб келишганда Гулчехра **ўзини** тутолмай йиғлаб юборди. (У. У.) Дам олиш кунлари **ўзимни** қўйишга жой тополмас эдим. (С. К.) Мен **ўзим** жуда қийналиб юрибман. (П. Қ.) Сен **ўзингга-ўзинг** қилипсан, Розия! (П. Қ.) Аммо у совет жангчиларининг

овозини эшитгач, ўзини дадил тутиб, тамкдан чиқди. (С. К.) Рақибига ён босгандай кўрсатди ўзини. (С. К.)

а) ўтимсиз: S —

Инглиз {аниқ: (John shaved)
тилида {мажхул: (John was shaved)

Ўзбек {аниқ: NP — VP Карим севинди
тилида {мажхул: (севинилди)

б) ўтимли: $\overrightarrow{\text{oneself}}$

Инглиз {аниқ: NP — VP — self: John shaved himself.
тилида {мажхул: NP — W — by — self: John was shaved by himself

Ўзбек {аниқ: NP — ўзини — VP: Карим ўзини (ўзи) қийнади.
тилида {мажхул: —

Кўрсатилган мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилида ўзлик ўтимсизликни алоҳида ажратилмайди. Мазкур феълларнинг ўтимлиги функционал боғлиқдир. Шунга қарамай, барча инглиз грамматикалари уларни ўтимсиз феъллар деб беришади. She washed конструкцияси икки маънолидир. Бу конструкция she washed herself ёки she washed the clothes маъноларини англатиши мумкин. Ундан ташқари гапнинг эгасини жонсиз от билан алмаштириш мумкин. The clothes washed кўп сабабларга кўра wash ўтимсиз¹ функция бажаради.

John shaved himself. Карим севинди, Карим ўзини (ўзи) қийнади мисолларида эга бир пайтда ҳам агенс, ҳам пациенсдир. Эгдан бошланган жараён унинг ўзига қайтади. (Қиёсланг: a reflexive construction is one in which the subject and the object refer to the same person or thing²).

Тўлдирувчи вазифасида келган ўзлик олмошлари эганинг бир бўлаги ҳисобланади. Олмошларнинг бўлиши ўзлилик ифодаланишини эксплицит (explicitly reflexive)³ га айлантиради.

Агар ўтимсиз ўзлик феълларни тан олинса, унда инглиз тилида имплицит ўзлик ҳам бор бўлади. Аммо уларни қуйидагиларга асосан ўзлилик системасига киритилмайди.

1) бундай феъллар оз: wash, shave, dress;

2) улар икки маънолидир, ҳамма ҳолларда ҳам S+V ва S+V+self синоним бўлавермайди.⁴

Шартли равишда пациенс бўлиб келадиган тўлдирувчи мажхул нисбатда гапнинг эгаси бўлиши шарт. Мабодо, тўлдирувчи тўлдирувчилигича қоладиган (қиёсланг: by himself ўзи томонидан) мажхул трансформация учраса, унда бу мантиқ ёки услуб тақозо этган бўлади.

¹ Мисол М. А. Халлидейдан олинган. М. А. Halliday. Notes on Transitivity and the Theme in English. vol. 3. № 1, p. 46.

² John Lyons. Ibid, p. 261.

³ John Lyons. Ibid, pp. 361—362.

⁴ John Lyons, Ibid, p.

ТИПОЛОГИК БИРГАЛИЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Типологик биргалилик маълум процесс ёки иш-ҳаракатининг гапнинг субъектлари ўртасида бажарилганлигини ифодалайди. Гапнинг эгаси икки ва ундан ортиқ бўлиб, улар бир-бирларига ўзаро таъсир қилади.

Биргалилик морфологик ярус, лексик ярус, синтактик ярус бирликлари воситасида ифодаланиши мумкин:

Биргалиликнинг морфологик ярусда ифодаланиши фақат ўзбек тилига хос. Ўзбек тилидаги бу категориянинг морфологик маркери -ш, -иш суффиксларидир. Масалан: беллашмоқ, ажралишмоқ,

Биргалиликнинг лексик усули имплицит ва эксплицит йўллар билан ифодаланади.

Имплицит биргалилик one — another, each, other every, between, change, exchange, argue, accompany, quarrel, twist, equal, emulate, emulation, agree, contest, compete, strive, competition, controversy; баҳс, баҳам, баҳс — мунозара, иноқ, ўзаро, бирга, биргалик, маслакдош, мусобақа, жанжал, аралаш, бирма-бир, муносиб, мос, мувофиқ, аҳд, аҳд-паймон.

Эксплицит усул асосан ўзбек тилига хос, чунки ундаги махсус суффикс отлашганда ҳам сақланиб қолиши мумкин: бирлашма, бирикма, қўшилма, қўшилувчи.

Биргалиликнинг синтактик ярусда ифодаланиши. Инглиз ва ўзбек тилларида биргалиликнинг бу тури сўз бирикмаси ва гап яруслари бирликларида ифодаланади.

Синтактик усул инглиз тилида асосан биргалилик маркери **each other**, **one another** олмошлари воситасида ёки уларнинг маълум трансформацион вариантларда тушиб қолиши билан ифодаланади.

They were always **kissing each other** a lot in public. (J. D. Salinger).

At the corner she passed Drouet, but they did not see **each other**. (T. Dreiser). One or two knew **each other** and conversed. (T. Dreiser, «Sister Carrie», p. 512). And she, in some unspoken fashion, wan there for him. They loved **each other** (D. H. Lawrence)

But whatever differences existed amongst them regarding **each other's social standing** they were unanimous on one point at least. (Tressell) . . . and then both howled and **patted each other** on the back. (Stern).

They were far better off than many thousands of others: they still had food and shelter, and they had **each other** and the boy. (Tressell)

But All the same, whatever they said about **each other** behind each other's backs, they were all most friendly **to each other** they met face to face. (Tressell)

But their profits were diminished and their working expenses in-

creased by the fact that they were competing against each other. (Tressell)

Ўзбек тилида синтактик усул ўзликлик маркери **бир-бирини**, **бири-иккинчисини** каби олмошлар воситасида ифодаланлади. Аммо бошқа имплицит синтактик усуллар ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан: айирбош қилмоқ, арра қилмоқ, мақтанчоқ бўлмоқ, бел олишмоқ, баҳс қилмоқ, гаров ўйнамоқ, ўзаро тил бириктирмоқ, ўзаро келишмоқ, юзма-юз тўқнашмоқ, ёқа бўғишмоқ, дийдор кўришмоқ. Биз бир кўришимиз керак. (О. Ё.) Жаннатхон ҳозир шулардан бир-иккитасини айтиб берган эди, даврадагилар кулишди (П. Қ.) Кейин икковлашиб қумликка томон кета бошлашди. (С. А.) Аммо бир-бирларига кўнгил қўёлмадилар. (П. Қ.)

Инглиз ва ўзбек тилларида биргаликнинг умумий кўриши қуйидагича.

- а) ўтимсиз: $S_1 \leftrightarrow S_2$
Ўзбек { аниқ: $NP_1 + NP_2 + V + -(И) Ш$
тилида { мажхул: Ака-ука ҳар куни уриш (иш) ади
- б) ўтимли: $S_1 \leftrightarrow S_2$
Инглиз { аниқ: $NP_1 + NP_2 + VP + each\ other, one\ another$
тилида { мажхул: John and Mary kissed each other

each other
 $NP_1 + NP_2 + VP + by\ one\ another$

Ўзбек { аниқ: $S_1 + S_2 +: NP_1 + NP_2$ бир-бирини
тилида { мажхул: Ака-ука бир-бирини эъозлади.
 $NP_1 + NP_2 +$ бир-бири томонидан WP
Ака-ука бир-бири томонидан эъозланди
(эъоз қилинди).

Инглиз тилида мазкур конфигурацияларнинг биргалик олмошисиз қўлланишига эътибор бермоқ лозим, чунки **each other**, **one another** синтактик маркерлари тушириб қолдирилиши мумкин, бу ҳолат баъзи лингвистлар томонидан ўтимсиз ўзлик олмош деб саналиб, бундай ҳоллардаги ўзликликни имплицит равишда ифодаланган ўзлик деб аташади. Биз уларни контекстуал — ўтимли вариантлар ҳисоблаймиз, масалан:

They love each other. They love.
They meet each other. They meet, etc.

Биргалик конфигурацияларида гапнинг эгаси иккидан ортиқ бўлади. Биргаликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, эга вази-фасини бажарадиган шахс (шахс бўлмаслиги ҳам мумкин) бир пайтда ҳам манба, ҳам нишон ролида келиши, яъни бир пайтда иш-ҳаракат бажариши ҳам, бажармаслиги ҳам мумкин. Бир пайтда агенс ва пациенсининг келиши ҳоллари ҳам учрайди.

Биргаликни ифодаладиган конфигурацияларда жараённинг йўналтирилганлиги бирламчи аниқ ва мажхулликда. Яго-

на фарқ гап субъектининг умумий ҳаракати таъкидланганлиги-дадир. Ҳозирги инглиз тилида умумийлик маъноси яна қисман **let+NP+VP** туридаги конструкцияларда ифода этилиши мумкин.

ТИПОЛОГИК УМУМИЙЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Умумийлик кўплик сонли субъектнинг иш-ҳаракати ёки процесни бажаришда биргалашиб ҳаракат қилишини ифодалади.

Умумий типологик категориянинг семантик структураси ҳар икки тилнинг системаси учун умумий бўлиб, ифода планида улар ўртасида бирмунча фарқ бор. Бу фарқ инглиз тилида умумийликнинг икки яруслилиги, ўзбек тилининг эса уч яруслилиги билан характерланади.

Умумийликнинг морфологик ярусда ифодаланиши фақат ўзбек тилига хос бўлиб, (и) ш нинг маркеридир: ҳисоблашмоқ, кўмаклашмоқ кабилар. Қизлар яна пиқ-пиқ кулишиб, пичир-пичир қилишиб, тутларнинг орқасига ўтиб кетишди. Акрам ҳайрон бўлиб сўради. (О. Ё.) Машшоқлар, ҳофизлар овозларини барала қўйиб, ашула айтишармиш. (О. Ё.) Қани, беланчақларни шийпонга кўчираман деб кўринг-чи, устингиздан обкомга арз қилишади! (О. Ё.) Болалар ўз саволларини яна такрорлашди. (М. С.) Бизга бошқа раис керак эмас, деб бунга ҳам қарши чиқишди. (П. Қ.)

Умумийликнинг лексик усули инглиз тилида имплицит, ўзбек тилида эса ҳам имплицит, ҳам эксплицит ҳисобланади, лексик йўл билан кўплик маъноси ифодаланганда от феъл билан бириқади. Масалан, **army, folk, family** etc. Ўзбек тилида ҳам бу усул инглиз тилидаги каби ифодаланди: *гурӯҳ, туркум, биз, сиз, ҳамма, барча* каби сўзлар кўплик формасидаги феъллар билан бириқади. Умумийликнинг эксплицит усули фақат ўзбек тилига хос.

У асосан — (и) ш морфемаси воситасида ифодаланди. Масалан: Унинг лойиҳасини қабул қилишди! Мукофот беришди. (У. У.) Кейин, бу ерда, Қўқонда дадамни билишади. (У. У.) Уни ҳаммалари кузатиб чиқишди. (П. Қ.) Мавзунини ўзгартиришди. (П. Қ.)

Умумийликни синтактик ярусдаги асосий маркерлари инглиз тилида **together** ўзбек тилида *бирга, қўшилиб* каби сўзлар билан ифода этилади. Масалан:

We only **roomed together** about two months (J. D. Salinger) Josephine and Constantina sprang to their feet together (K. Mansfield). Ҳақимахон билан **бирга** шаҳар айланди, мороженое олиб ейишди. (М. С.) Узоқ Помир тоғларида геологлар билан **бирга** эканлар (С.К.) Тўланбойнинг хотини, Зебихон билан биргаликда кўч-кўронни аравага ортиб келди. (С. А.)

Мазкур категория морфологик ва синтактик жиҳатдан қуйидагича ифода этилади.

1) *Морфологик усул:*

а) *Ўтимсиз:*

Ўзбек тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + VP + -(u)ш
Ака - ука (лар) келишди
Улар келишди

б) *Ўтимли:* NP₁ + NP₂ + NP₃ + VP — (u)ш.
Ака - ука китоб сотишди

2) *Синтактик усул:*

а) *Ўтимсиз:*

Инглиз тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + VP + together
John and Mary sang together
Ўзбек тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + бирга + VP
Ака - ука бирга кетди

б) *Ўтимли:*

Инглиз тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + VP + NP₃ + together:
John and Mary read books together
мажхул: NP₃ + WP + by NP₁ + NP₂
The books were read by John and Mary together.

Ўзбек тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + бирга + NP₃ + VP.
Ака-ука бирга китоб ўқиди.
мажхул: NP₃ + NP₁ + NP₂ + томонидан + бирга + WP
Китоб ака-ука томонидан бирга ўқилди.

ЕРДАМЛАШИШ КАТЕГОРИЯСИ

Ёрдамлашишни ифодаловчи типологик категория ҳам умумийлик ва биргалилик категориялари каби ифодаланиб, семантик ярусда субъектнинг объектга бирор фаолиятни бажаришда ёрдамлашиши тушунилади.

Ёрдамлашиш категориясининг ифода планидаги асосий маркерлари ўзбек тилида — (u) ш суффикси, синтактик ярусда эса инглиз тилида *help, aid, assist* сўзлари, ўзбек тилида, *кўмак, ёрдам, кўмаклашиш, ёрдамлашиш* каби сўзлар уларга синоним сўзлар саналади.

Қуйида бу категориянинг қиёсий жадвалини келтирамиз:

1. *Морфологик усул:*

Ўтимли:

Ўзбек тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + VP:
Назар Муродга ёрдамлашди.
Назар Муродга пахта теришди.
мажхул: NP₂ + NP + томонидан + VP;
Муродга ёрдамлашилди.
Муродга пахта теришилди.

2. *Синтактик усул:*

Ўтимли:

Инглиз тилида { аниқ: NP₁ + VP + NP₂ + VP₃
John helped Mary to rise.
мажхул: NP₂ + WP + by NP₁
Mary was helped to rise by John.

Ўзбек тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + NP₃ + VP
Назар Муродга пахта теришга ёрдам берди.
Назар Муродга ўқишида ёрдам берди.
мажхул: NP₂ га + NP₃ (да) + WP.
а) Муродга пахта теришда ёрдам берилди.
б) Муродга (унинг) ўқишида ёрдам берилди (кўрсатилди).

Қуйидаги саволларга қисқача тўхташ лозим: биринчидан, *help* феъли ва унинг ўзбек тилидаги эквиваленти ўтимли феъл тарзида қаралапти, иккинчидан, ўзбек тилида шу конструкцияга қирувчи учинчи от номиналлашган сўз бўлиб, *-га* ёки *-да* суффикслари билан келади.

Каузативга ўхшаб бу ерда ҳам эга бирор жараёни бажаришда ташаббускордек иш бажаради, фарқ шундаки, эга тўлдирувчи билан бирга ҳаракат қилади.

ТИПОЛОГИК КАУЗАТИВЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Грамматик субъектнинг иккинчи бир субъектнинг иш-ҳаракат ёки процессни бажаришга мажбур қилишини ёки иш-ҳаракатнинг бирор предмет устидан бажарилишини кўрсатувчи категория типологик каузативлик категорияси дейилади.

Типологик каузативлик категорияси инглиз тилида фақат лексик синтактик ярусларда ифодаланади. Учта-тўртта сақланган феъллар эса морфонологик йўл билан ясалиб архаик форма ҳисобланади. Ўзбек тилида эса каузативлик морфологик, лексик ва синтактик яруслар бирликларида ифода этилади.

Каузативликнинг ўзбек тилидаги морфологик маркерлари қуйидагилардир: *-тир, -дир, -(и) т, -ғиз, -ғиз, -ғаз, -ғаз, -ғоз, -қиз, -киз, -каз, -ир, -ар, -ор, -из, -оз.*

1. *Морфологик усул:*

а) бирламчи каузатив феъллар:

Инглиз тилида { аниқ: NP₁ + VP + NP₂;
He raised his hand.
He raised his sister.
мажхул: NP₂ + WP + by NP₁
His hand was raised (by him (self))
His sister was raised (by him)

Ўзбек тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + VP; NP₁ + NP₂ + орқ али — V P;
NP₁ + NP₂ + NP₃ + VP;
Ҳамид китоб келтирди. Ҳамид китобни
Азимга келтиргирди (келтиргизди)
Ҳамид китобни Азим орқали келтиртирди. Ҳа-
мид китобни Азимга ўқитди (ўқитгирди).
мажҳул: NP₂ + NP₁ + томонидан + WP₁; NP₂ + NP₃
га + WP. Китоб Ҳамид томонидан (келтирилди).
Китоб Ҳамид томонидан (Азимга) келтирилди.
Китоб Азим орқали келтирилди. Хат Азимга
ўқитилди.

б) сўз ясовчи аффиксларга боғлиқ бўлган феъллар киради;

Инглизча: They widened the canal (Улар канални кенгайтириш-
ди)

→ The canal was widened (Канал кенгайтирилди)

Ўзбекча: Биз деворни оқладик → Девор оқланди.

2. Синтактик усул:

а) иккиламчи каузатив аффиксиз феъллар билан:

Инглиз тилида { аниқ: ўгимсиз: NP₁ + VP + NP₂
1) The child stood his doll → the doll stood.
2) He walked the horse → the horse walked.
мажҳул: NP₂ + WP + by NP₁
The doll was stood (by the child).
The horse was walked (by him).

б) махсус каузатив маркери бўлган каузатив конструкциялар билан:

Инглиз тилида { аниқ: NP₁ + VP_{1caus} + NP₂ + V_{2inf} + NP₁ + VP_{caus} +
+ NP₂ — VP_{2inf} + NP₃ John asked Mary to
come. John ordered Mary to come, John caused
Mary to read books.
мажҳул: NP₂ + WP_{caus} + VP_{ing} + by NP₁
Mary was asked to come; Mary was ordered to
come; Mary was caused to read books (by John)

Ўзбек тилида { аниқ: NP₁ + NP₂ + NP₃ га + VP_{caus}
Ҳамид Азимни туришга мажбур қилди.
мажҳул: NP₂ + NP₂ + WP.
Азим туришга мажбур бўлди.

Каузативликни поливербал (кўп феълли) усул билан ифода-
лаш мумкин. Бундай конструкцияларда бир неча шахс ва бир
неча феъл иштирок этади. Улар қуйидагилардир: **John ordered
Mary to warn the students not to be late. John made Mary ask
her father to warn his sister to marry Bill, etc.**

Ўқитувчи Ўткирга студентларнинг тез кийинишлари керакли-
гини буюрди.

Сунъий йўл билан каузатив конструкцияларни чексиз давом
эттириш мумкин, аммо тилда бундай эркинликка йўл қўймай-
диган маълум интуитив равишда бошқариладиган тартиб бор.
Ундан ташқари каузативлик бундай усул билан ифодаланса,
суҳбатдошни тушуниб бўлмайди.

Бажарувчи мажҳул формада ҳам агенс сифатида қолади,
масалан: He was caused to come. Mary was asked to read the
book loudly, etc. A. and B. read books together. Books were read
by A. and B. together.

Каузативликнинг лексик синтактик маркерлари сифатида
инглиз тилида қуйидаги феъллар ишлатилиши мумкин:

advice, allow, ask, beg, cause, challenge, command, compel,
dare, direct, drive, expect, force, intend, invite, head (let), mean,
motion, oblige, order, press, remind, teach, tell, tempt, trouble,
trust, urge, warn, make, get, force, implore ва бошқалар,

Ўзбек тилида уларга бу феъл *мажбур қилмоқ, сўрамоқ, бу-
юрмоқ, илтимос қилмоқ, ўтинмоқ, қистамоқ*, каби сўзлар киради.
Ундан ташқари бошқа иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган
сўзлар ҳам шу гурпуага киради. Инглиз тилида каузативликни
ифодаловчи конструкцияларнинг сони жуда кўп бўлиб, уларнинг
энг кенг тарқалганлари қуйидагилардир:

To make + N + V inf.

That makes me tremble for her happiness! (H. James) «**Don't make
her resemble me**», said Isabel.

To make + N + V - en

It had a very had effect on the minds of the man. In the em-
ployment of private firms, tending **to make them dissatisfied** with
their wages. (Tressell)

To make + N + A

Just make him better. (tern)

To have + N + V - en

Those who had money were afraid to invest it in industries, or
to have any work done for fear they would be robbed, (Tressell)

To have + N + V inf + V

What a thing it was **to have her love him**, even if it be entang-
ling! (T. Dreiser)

To have + N + V - ing

«**And We'd always have them missing** about down here! (Tres-
sell)

To let + N + V - inf

Promise me you'll **let your hair grow.**

To cause + N + V - inf

There is another line at which the dress of a man will cause her to study her own. (T. Dreiser)

To force +N+V

What did you force me to run away with you for? (T. Dreiser)

НОМИНАЛИЗАЦИЯ

Номинализация процессидан биз анализ ва синтезда, гапларни таркибий қисмларга ажратишда, гапнинг асосий агеңси ва пациенсини топишда фойдаланамиз. Икки ва ундан ортиқ тилларда маълум категориал бирликларни қиёслашда номиналлашув воситасида ҳосил бўлувчи трансформацион синонимларни ажратамиз. Масалан, типологик нисбатлик категориясини инглиз ва ўзбек тилларида қиёслаганимизда, биз аввал нисбат формаларини ва нисбатликни ифодаловчи конструкцияларни икки гурпуага ажратиб чиқамиз, яъни: а) номиналлашмаган, б) номиналлашган. Бу нарса қиёсий типологияда тиллараро эквивалентларни топишда энг муҳим аҳамиятга эга. Қуйида биз нисбатлик маъносини ифодаловчи айрим конструкцияларни номиналлашиш процессини қисқача кўриб чиқамиз.

- | | |
|--------------------------|---|
| 1) John smiled | — John's smile |
| Карим кулди | — Каримнинг кулиши, Каримнинг кулкиси, Каримнинг кулганлиги. |
| 2) John loves Mary | — John's loving Mary |
| Карим музикани севади | — Каримнинг музикани севиши, Каримнинг музикага бўлган севгиси. |
| 3) John shaved (himself) | — John's shaving (himself), |
| Карим севинди | — Каримнинг севиниши, Каримнинг севинчи. |

Инглиз тилида **self** ёрдамида номиналлашиш жуда кенг тарқалган. Бу усулдан кўпинча сўз бирикмасини қўшма сўзларга алмаштиришда фойдаланамиз: self-abasement, self-absorbed, self-accused, self-admiration, self-balanced, self-criticism, self-dependence, self-lifted, self-torture.

Ўзбек тилида номиналлаштириш маркери сифатида *ўз-ўзини* ишлатилади. Масалан: ўз-ўзини танқид, ўз-ўзидан маълум, ўзиюрар, ўз-ўзига хизмат ва бошқалар.

- | | |
|--------------------------------|--|
| 4) John and Mary sang together | — John's and Mary's singing together |
| Ака-ука бирга кетди | — Ака-уканинг бирга кетиши, Ака-уканинг кетиши |

5) John helped Mary to cross the river — John's help to Mary to cross the river — ver.

Икром Муродга пахта теришириди — Икромнинг Муродга пахта териширига ёрдам бериши. Икромнинг Муродга ёрдами.

6) John felled the tree — John's felling the tree; John's causing the tree to fall.

Ота ўғлига кат ёздирди — Отанинг ўғлига кат ёздирди, ўғлининг отага кат ёзиб бериши.

ФЕЪЛ ФОРМАЛАРИНИНГ ОППОЗИЦИЯСИ

Қиёсий грамматикадаги асосий масалалардан бири типологик категориянинг ифода плани бирликлари ўртасидаги оппозицияни аниқлашдир. Ажратилган ҳар бир типологик форма тил системасидаги бошқа формаларга қарама-қарши қўйилади ва унинг шу формалар билан алоқаси аниқланади.

Типологик категориялар доирасида оппозицияга кирувчи бирликларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш типологик бўлмаган традицион грамматикалардагидан бирмунча қийин бўлади. Бунинг сабаби типологик категорияларни ташкил қилувчи типологик формаларнинг кўп яруслилигидир. Демак, лексик, морфологик ва синтактик бирликлар оппозицияси типологияда ўрганилади.

Тилшуносликда оппозиция фонологик системани ўрганиш процессида асосан Н. С. Трубецкой¹ томонидан ишлаб чиқилган. Унинг фикрича оппозициянинг *приватив*, *градуаль* ва *эквивалент* турлари мавжуд. *Приватив оппозицияда* қарама-қарши қўйилган элементлардан бирининг белгили эканлиги, иккинчисининг белгисизлиги аниқланади. Масалан: «жарангли — жарангсиз» кабилар.

Градуаль (босқичли) оппозицияда шу оппозицияга кирувчи иштирокчиларнинг турли босқичга доир вариантлари борлиги аниқланади. Масалан, немис тилида: (u — o, ü — ö, i — e). *Эквивалент (тенге) оппозицияда* оппозицияга кирувчи иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги аниқланади. Иштирокчилар қарама-қарши қўйилсада, ҳар бири ўз мустақиллигига эга. Масалан: p — t, f — k ва бошқалар.

Оппозиция назарияси фонологик ярус бирлигида анча мукамал ишланган бўлса-да, грамматик нуқтаи назардан яхши

¹ Н. С. Трубецкой. Основы фонологии, М., 1960, стр. 82—93.

ишлаб чиқилмаган. Фақат *приватив оппозиция* (ёки бинор оппозиция)нинг баъзи томонлари айрим асарларда ўз аксини топди.¹ Грамматика морфологик ва синтактик яруслар бирликларини ўз ичига олганлиги учун оппозициянинг турли ярусларда ифодаланишига алоҳида эътибор берилади.

Типологик категория турли ярус бирликлари оппозициясидан ташкил топади. Бу бирликлар эса ўз ярусидаги бошқа бирликлар билан оппозицияга киради, яъни барча қарама-қарши қўйилувчи типологик формалар маълум доирадан ташқари чиқмайди. Бунда тил ярусларининг белгиловчи элементлари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Типологик категориал формаларнинг оппозициялари қиёсий типологик грамматикада ўрганилади.

Типологик формалар морфологияда морфологик формалар оппозициясидан, лексикада — лексик бирликлар оппозициясидан, синтаксисда эса синтактик бирликлар оппозициясидан ташкил топади.

Приватив ёки бинар оппозиция бир-бирига қарама-қарши қўйилган икки иштирокчини ўз ичига олиб, уларнинг бири оппозициянинг **белгиланмаган аъзоси** (*unmarked member*), иккинчиси, **белгиланган аъзоси** (*marked member*) ҳисобланади. Масалан, замон категориясининг морфологик оппозициясини белгилашда маълум морфема ёрдамида эксплицит (белгили) ифодалашда инглиз ва ўзбек тилларида приватив оппозиция қуйидагича бўлади:

белгиланмаган	белгиланган
(I) work	(I) worked
(мен) ишлайман	(мен) ишладим

Белгиланмаган формалар ҳар икки тилда ҳозирги ва келаси замон учун қўлланилса, белгиланган формалар ҳар иккала тилда ўтган замон учун қўлланилади. Худди шу тартибда бирлик — кўплик оппозицияси, давомсизлик — давомлилик ва бошқа оппозициялар ҳам белгиланади. Уларнинг ҳаммасида бошлангич форма белгиланмаган, қолганлари белгиланган бўлади. Масалан, ҳозирги замон формаси, бош келишик формаси, аниқ нисбат формаси, аниқ даража формаси ва бошқаларнинг ҳаммаси оппозициянинг белгиланмаган *кучсиз* аъзосидир. Инглиз ва ўзбек тиллари учун умумий типологик категориянинг фақат морфологик ярусдаги инварианти бўлган аниқ ва мажҳул нисбат формаларининг оппозициясига қисқача тўхталиб ўтаемиз.

Форманинг эксплицит (белгиланган) ифодаланиши асосида нисбатнинг бинар оппозицияси аниқланади.

«Бу оппозицияда, — деб ёзади Л. С. Бархударов — аниқ нисбатнинг категориал формаси ҳам формал, ҳам функция жиҳатидан белгисиз (кучсиз) бўлади».¹

Формал белгиланмаган-белгиланганлик махсус морфема кўрсаткичнинг бор-йўқлиги билан аниқланади: (**be — en**)².

Нисбат формаларининг оппозицияси ўзининг синтетик ва аналитик оппозиция билан бошқалардан фарқ қилади, чунки бу ерда оппозициянинг белгили аъзоси икки ёки ундан ортиқ элементдан иборат бўлган аналитик формадир. Масалан:

writes — is written
loves — is loved кабилар.

Бу мисолларда writes, loves мажҳул нисбат формасига қарши қўйилаётган ҳозирги замон аниқ нисбат формаларидир. Кейинги формаларда нисбат маъноси **be** нинг тегишли формаси ва **II** сифатдош суффикси **-en, -ed** иштирокида англатилмоқда. Бу ерда ташқи форма маркери **be—en**³.

Шундай қилиб, ҳозирги инглиз тилида категориал формалар оппозицияси икки хил муносабатда бўлади. Аниқроғи қарши қўйиладиган формалар структурасига кўра оппозициянинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) синтетик формалар оппозицияси;
- 2) синтетик ва аналитик формалар оппозицияси;
- 3) аналитик формалар оппозицияси.

Биринчи ҳолатга сон, замон формаси оппозициясини киритиш мумкин:

book — books
write — writes
expect — expected
study — studied
bring — brought

Иккинчи ҳолатга нисбат категориал формалари ва баъзи перфект формалари оппозициясини киритиш мумкин:

touches — is touched	loves — is loved
touching — being touched	reads — is read
touched — was touched	writes — has written
has touched — had been touched	come — have come

Учинчи ҳолатга бошқа категориал формалар асосида ясалган оппозиция мисол бўлади. Бунда оппозиция ўз тартибига кўра иккиламчи ёки учламчи бўлиши мумкин. Масалан, перфект фор-

¹ Л. С. Бархударов. К вопросу о бинарности оппозиций и симметрии грамматических систем. ВЯ. № 4, 1966, стр. 98—99.

² Уша асар.

³ Martin Joos. The English Verb, Form and Meanings. The University of Wisconsin Press, Madison and Mill wauke, 1964, p. 87, a. f.

маларнинг замон категориялари аналитик формалар асосида ясалди:

has written — had written
has been writing — had been writing

Юқоридаги мисолларда **present — past (preterity)** оппозицияси аналитик формалар асосида ясалди. Шунинг учун оппозициянинг бу тури *иккиламчи ёки дериватив* деб аталади:

I'm not used to your arbitrary standards, and I've never been spoken to in America as you have spoken to me (H. James)

Мазкур мисолда фаоллик ва мажҳуллик перфект формасида ифодаланади. Аниқлик нисбатдаги перфект ва мажҳул нисбатдаги перфектга қарама-қарши қўйилади. Худди шунга ўхшаш яна бир мисол келтирамиз: The letter was written — type written — on pale — blue notepaper. It had a handled, upfresh look, as if it had been taken out of its envelope and read several times before: (Salinger)

Бундай ҳолатни **shall, will + V** формаларида ва улар Future in the past да қўлланганида кузатиш мумкин.

(I) shall come . . . (I) should come,
(he, she, it) will come . . . (he, she, it) would come.

Бунда **come** дан бирламчи оппозиция ясалди:

come shall come
will come

Ана шу семантик формалар асосида (дериватив) **иккиламчи оппозиция** ясалди.

come — shall come — бирламчи босқич
shall come — should come — иккиламчи босқич.

Мажҳул нисбатнинг келаси замон формаси қуйидагича ясалди:

shall inform — shall be informed
... should be informed
will inform — will be informed
... would be informed

Демак, мажҳул нисбат деганда **be — en** нинг қатъийлигини тушунилади.

be ва **en** ўзаро боғлиқдир. Улар бир-бирисиз қўлланмайди. Агар уларнинг бирортаси тушиб қолса, унда оппозиция бўлмайди.

be кўмакчи феълнинг қўлланилиши етакчи феълнинг борлигига боғлиқдир. Масалан, **She was asked a question** гапида **be** (бу ерда **was**) тушиб қолса, мажҳул нисбат ўрнида аниқ нисбат пайдо бўлади, агар **asked** тушириб қолдирилса, ё маънога путур етади, ё бошқа маъно англашилади.

Аналитик формаларнинг таркибий қисми бир-бирисиз мавжуд эмас. Формани ташкил этган компонентлар борлиги учун

ҳам форма аналитикдир, бинобарин, мажҳул нисбат формасида ҳар иккала элементнинг бўлиши шарт.

Ўзбек тилида феълларнинг турли нисбат формаларидаги оппозицияси алоҳида ўрин тутди. Бу тилда аниқ ва мажҳул нисбат бир-бири билан икки хил оппозицияга киради: а) каузатив иштирокида, б) каузатив иштирокисиз. Ундан ташқари, ўзлик ва биргалик формалари аниқ ва мажҳул нисбат формаларида бўлиши мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида приватив оппозиция формаларини қуйидагича аниқлаш мумкин.

I каузатив бўлмаган умумий каузатив умумий форма: (аниқ, форма: (аниқ, мажҳул) мажҳул)
II каузатив бўлмаган биргалик каузатив биргалик форма (аниқ, форма: (аниқ, мажҳул) мажҳул)
III каузатив бўлмаган ўзлик каузатив ўзлик форма (аниқ, форма (аниқ, мажҳул) мажҳул)

Ўзбек тилида нисбатнинг приватив оппозициясини қуйидагича бериш мумкин:

		нисбат		
	каузатив эмас		каузатив	
	аниқ	мажҳул	аниқ	мажҳул
биргалик — ўзлик — биргалик — ўзлик — биргалик — ўзлик — биргалик — ўзлик.				

Синтактик ярус бирликлари оппозицияси нисбат ёки нисбат маъносини ифодаловчи конструкцияларни бошқа конструкцияларга қарама-қарши қўйиш билан, яъни каузатив конструкцияни каузатив бўлмаган конструкцияларга, ўзлик конструкцияни ўзлик бўлмаган конструкцияга қарши қўйиш билан аниқланади:

John came — John made Bill come
John washed the knife — John washed himself.
John saw Bill — John and Bill saw each other.

АДАБИЁТЛАР

- Булыгина Т. В. Грамматические оппозиции. В. сб: Исследования по общей теории грамматики, М., 1968.
- Гухман М. М. Развитие залоговых противопоставлений в германских языках (Опыт историко-типологического исследования родственных языков) М., 1969.
- Исаченко А. Бинарность, привативные оппозиции и грамматические значения, ВЯ, 1963, № 2.
- Helena Krizkova Привативные оппозиции и некоторые проблемы анализа многочленных категорий (На материале категории лица в русском языке). Travaux Linguistiques de Prague, Prague, 1966. №1.
- Эсперсен О. Философия грамматики. М., 1958.
- Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л. 1960.
- Мещанинов И. И. Глагол М.—Л. 1949.
- Мещанинов И. И. Члены предложения и части речи. М.—Л. 1945.
- Харитонов Л. Н. Залоговые формы и глагол в якутском языке. М.—Л. 1963.
- Jan Svartviih. On voice in the English verb, The Hague—Paris, 1966.

ЯРУСЛАРАРО СИНОНИМИЯ ВА ТИЛЛАР УРТАСИДАГИ КОРРЕСПОНДЕНЦИЯ

(Interlevel Synonymy and Interlanguage Equivalence)

Ҳозирги замон тилшунослигининг энг муҳим масалаларидан бири қиёсий типологияда тил яруслари бирликларининг ўзаро муносабатини аниқлашдир. Типологик тадқиқотларда ўз аксини топадиган ҳар хил ярус бирликлари интердепенденция (ўзаро боғлиқлик)си ҳоллари, бир тилдаги «*ҳар хил ярусли синонимия*» масалалари ва қиёсланаётган тиллар орасидаги «*ҳар хил ярусли эквивалентлар*» хусусиятларини аниқлашнинг муҳим аҳамияти бор.

Шундай категориялар борки, улар барча тиллар учун умумий ҳисобланади. Ҳар бир конкрет тилда бу категорияларни ифодалашнинг маълум воситалари мавжуд. Шунинг учун «*Категорияларни ифода этишда шу тилга мос келадиган грамматик қурилмадан фойдаланилади*¹».

Категорияларнинг ифодаланиш формалари тил яруслари билан ҳар хил алоқада бўлади, яъни бир пайтда икки, уч ёки ундан ортиқ ярусларнинг қатнашуви учун имконият туғдиради. Барча ҳолларда мазмун плани ва ифода плани бир-бирига тўла боғлиқ бўлган грамматик категориянинг икки томони ҳисобланади. Мазмун плани бирлиги барча тилларда ўхшаш бўлиши мумкин, аммо турли тилларда турлича ифода этилади. Бирор категориянинг бир ярусли ифодаланиши ўхшашлигининг маълум даражада ортиши ёки камайишининг эҳтимоллиги шу тиллар қардошлигининг қанчалик яқин-узоқлиги масаласига боғлиқ бўлиши мумкин.

Типологик қиёслашда барча ярусларда танланган категориянинг формал ифодаланишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Танланган категориянинг барча ярусларида ифодаланиши биринчидан, бир тил системасида ҳар хил ярусда ифодаланишини,

иккинчидан, қиёсланаётган тилларда ифодаланиш формалари мувофиқ келмаслигини, яъни улар ҳар хил ярусларда бўлишини ўз ичига олади.

Маълум тушунча ёки категорияни яруслараро қиёсий ўрганиш процесси турли хил ярусли синонимия ва эквивалентлик масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бир лингвистик категориянинг ўзи айни бир пайтда турли ярусда ифодаланса, бу *бирлик мустақил равишда ҳар хил ярусли грамматик синоним ҳисобланади*. Ҳар хил ярусли синонимлар ўзаро *лексик-синтактик, морфологик-синтактик* оппозицияга киради.

Синонимия масаласи, жумладан, грамматик синонимия, турли лингвистик мактаб вакиллари томонидан турли нуқтаи назардан ўрганилган. Аммо мазкур масала лингвистик тадқиқотнинг муҳим муаммоси сифатида ҳанузгача кун тартибидан олинмаган. Синонимиянинг турли қардош ва қардош бўлмаган тиллар системаларини қиёслашдаги моҳиятига келсак, бу хусусда маҳсус тадқиқот ўтказилмаган. Тиллараро қиёслашда барча синонимик бирликларни аниқлаш ниятида ўтказилган тадқиқот турли муҳим аҳамият касб этади. Бир тил системасида яруслараро синонимларни ва тиллараро эквивалент бирликларни аниқлаш жараёни тадқиқотнинг ана шундай тури бўлиши мумкин.

Турли тилларда ифода яруси ҳар хил бўлади. Агар бир тушунчанинг формал ифодаланиши бир ярусда ўзининг тенгига молик бўлмаса, унда синонимик формалар орасида маълум *корреспонденция* (мувофиқлаштириш) ўрнатиш мумкин. Масалан, турли тиллар мисолида шу нарса маълумки, бир грамматик категориянинг ўзи бир пайтда ҳам морфологик, ҳам синтактик бирликлар билан ифодаланиши ва шу билан улар бир-бирини тўлдириши мумкин. Одатда синтактик бирликлар конкрет ҳолларда қўлланиб, уларда яруслараро бирликлар рақобати бошланади. Бундай *лингвистик рақобатлар оқибатида сўз ясовчи* ва форма ясовчи аффикслар пайдо бўлади. Конкрет маъноли лексик бирликлар кейинчалик сўз ясовчи ёки грамматик морфемаларни сиқиб чиқариб, ўзи морфологик формантга айланади. Дастлаб улар синонимлар тарзида қўлланилади. Маълум грамматик категорияни англатиш учун ишлатиладиган сўз бирикмалари мунтазам қўлланиш ва маънони аста-секин умумлаштириш натижасида аналитик формаларга айланадилар. Кейинчалик бундай рақобат синтактик ва стилистик формалар ўртасида бошланиб, натижада аналитик форма ғолиб чиқади.¹ Масалан, қадимги ва ўрта давр инглиз тилида маъноси умумлашган келишik формалари ва предлог билан келган отли бирикмалар ўртасидаги рақобат натижасида предлогли бирикмалар ғолиб

¹ «Тилда синонимик формалар рақобатлашади, деб фараз қилаёлик, уларнинг бири аналитик, иккинчиси синтетик. Унда улар ўртасидаги рақобат аналитик формани ғалабага олиб боради, бу мазкур грамматик системанинг аналитиклигини оширади». Русский язык и Советское общество. Морфология и синтаксис современного русского литературного языка, М., 1968, стр. 11.

¹ И. И. Мещанинов. Соотношение логических и грамматических категорий. Сб. «Язык и мышление», М., 1967, стр. 12.

чиққан. Ҳозирги инглиз тилида предлог + от бирикмаси аналитик форма тарзида барча томонидан тан олинмаган.

Бир вақтлар мустақил сўз бўлиб, қўшма сўзлар ясаган чала аффикслар (semi-affix) деб юритилувчи сўз ясовчи морфемалар ҳам худди шу йўсинда келиб чиққан. Сўз ясовчи морфемалар сўз бирикмасидан пайдо бўлган.

Яруслараро синонимия тилларнинг турли аспектлари асосан лексик ва грамматик ярусларнинг ўзаро алоқаларига асосланиб тузилади. Грамматика ва лексика бир-бирига ўтувчи, ўзаро боғлиқ ва бир-бирига алоқадор яруслардир. Грамматика тилнинг мавҳумлашган ярусини акс эттириб, лексик бирликлар ўртасидаги алоқани ўрганади ва «ёпиқ системалар»ни тадқиқ қилади. Грамматика қоидалар, категориялар ва бирликларнинг маълум қонда ва миқдор доирасидан чиқмаганлиги уларнинг ёпиқ системага тааллуқли эканини кўрсатади. Бирор грамматик яруснинг махсус грамматик белгиси бўлмаса, у лексик ярус бирликлари орқали ифодаланади. Бу хусусда Р. Якобсон қуйидагиларни ёзади: «If some grammatical category is absent in a given language, its meaning may be translated into this language by lexical means»¹. В. Н. Ярцева ҳам худди шундай фикр юритиб, «Бир тилда лексик воситалар орқали ифодаланган маъно иккинчи бир тилда грамматик форма касб этади»² дейди. Ҳар бир лексик бирлик ўзининг грамматик дистрибуцияда қўлланилишига қараб тавсифланади. Лексик бирликлар айтиб бир вақтда грамматиканинг ҳам парадигматик, ҳам синтагматик жиҳатдан шаклланишига асос бўлади.³ Масалан, лексик яруснинг баъзи бирликлари лугатга киритилган бошқа сўзлар билан қандай бириктиришга қараб бир неча хил маъно касб этади. Бу сўзларнинг асосий бирикув ҳолларини лексикограф назарда тутиши ва лугатда ифода этиши шарт. Шунинг учун ҳам New Standard Dictionary of the English Language лугатининг тузувчилари инглиз сўзи **break** нинг изоҳини беришдан аввал „Many meanings of this verb depend largely on the context in which they appear“ деб, ундан кейин *to break an arm, to break a ten-dollar bill, to break a promise, to break silence; to bag breaks* каби мисолларни келтирадilar.

Ундан ташқари, мазкур феъл лексик яруснинг ўзида ҳам феъл, ҳам от учун умумий формада бўлгани сабабли уни отга хос бўлган махсус бирикмада қўлланмагунча яхши фарқ қилиш қийин. Шу боисдан муаллифлар бу сўзнинг от эканлигини кўр-

сатиб бериш учун сўз бирикмаси ярусига ҳам мурожаат этишган. Масалан, *the break of day, break and catch, etc.*

Тил ярусларининг ўзаро муносабати ва алоқаси типологик тадқиқотларда кузатилади. Ҳар хил системадаги тилларни синхрон типологик қиёслашда асосан қиёсланаётган тиллар системалари ўртасидаги мувофиқ келувчи воситаларнинг яруслараро алоқасига таянилади. Иккала тилдаги умумий категория грамматик категория бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин, яъни ифодаланиш усуллари грамматик нуқтаи назардан мувофиқ келмаслиги мумкин. Грамматика бирор категорияни англатишда ўзига хос конкретликка эга. Лексикага келсак, у сўзнинг бирор категорияга мансублигини кўрсатувчи махсус ташқи кўрсаткичга эга эмас. Эҳтимол, айрим сўз ясовчи аффикслар бир пайтнинг ўзида баъзан бундай вазифани бажарар, аммо ўзак сўзлар бундай имкониятга эга эмас.

Лексика ва грамматикада олинган баъзи натижаларнинг фойдалилиги, бир-бирини тўлдириши алоҳида аҳамиятга эгадир. Юқорида айтиб ўтилганидек, нисбат лексик-грамматик категориядир. Шунинг учун ҳам нисбатга доир грамматик материал асосида кўпгина баҳсли масалаларни ҳал қилиш билан лексиколог ва лексикографларнинг иш процессини анча осонлаштиришга эришиш мумкин. Бунга баъзи тилларда (масалан, ҳозирги туркий тилларда)ги ҳам форма, ҳам сўз ясовчи ҳисобланган нисбат ясовчи суффикслар муаммосини киритиш мумкин. Шу нуқтаи назардан нисбат ясовчи суффиксларни сўз ясовчи морфема деб қабул қилинса, ҳар бир нисбат формасини мустакил лексик бирлик, яъни сўз деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан, бир томондан, лексик ва грамматик маъно ўртасидаги, иккинчи томондан, форма ясовчи ва сўз ясовчи суффикслар ўртасидаги чегара йўқолади.

Бунда бирор категорияни ифодаловчи морфологик формани деярли барча тилларда синтактик ярусда трансформация қилиш мумкинлиги ва бу трансформация қилинган формаларнинг яруслараро синонимия тарзида келиши алоҳида эътиборга лойиқ. Чунончи, инглиз тилида **to wash** феълнинг ўзлик ва ўзлик бўлмаган маъноси бор. **I wash** гапини *мен ювялман, мен ювинялман* деб таржима қилиш мумкин. Бу форма **I wash myself** нинг трансформалашган вариантидир. Бу гап сўзма-сўз *мен ўзимни ювам* деб таржима қилинади. Бу ерда **I wash myself** синоним тарзида келяпти. Бу ҳодиса рус тили учун ҳам хосдир.

Худди шу йўсинда каузатив маъноли феълларни ҳам трансформалаш мумкин. Масалан, **to move** феълнинг каузатив ва каузатив бўлмаган, ўзлик ва ўзлик бўлмаган маънолари бор. Каузативлик ва ўзликлик асосан синтактик ярусда учрайди. **He moved** (У сурилди) **he moved himself** (у сурилди) (у ўзини ўзи сурди). Энди **to move** феълнинг каузатив маъносини кўриб чиқамиз. **He moved** гапи каузатив бўлмаган маънода, **he moved the bed** гапи каузатив маънода қўлланган. Буни **he made the**

¹ Roman Jakobson. On Linguistic Aspects of Translation «On Translation», Harvard University Press, 1959, p. 236.

² В. Н. Ярцева. Взаимоотношение грамматики и лексики в системе языка. Сб. «Исследование по общей теории грамматики», М., 1968, стр. 5.

³ M. A. Halliday. Lexics as a Linguistic Level, in Memory of I. R. Firth, edited by C. E. Bazel, J. C. Catford, M. A. Halliday, K. H. Robins Longmans, 1966

bed move тарзида трансформалаштириш мумкин. We saw her falling from the roof, we saw how he fell from the roof мисолида ҳар хил ярусдаги синонимларни учратамиз. Ҳар иккала форма ҳам яруслараро синонимдир.

Ҳозирги ўзбек тилида барча морфологик формалар тўла синонимик равишда осонликча синтактик ярусга трансформалашади. Масалан, барча морфологик жиҳатдан белгиланган нисбат формаларни синтактик конструкциялар иштирокида трансформалаштириш мумкин. *Ёр дам л а ш м о қ н и бир-бирига ёр дам бермоқ, теришга ёр дам бермоқ, ўпишмоқ, бир-бирини ўпмоқ, ўқишмоқни бирга ўқимоқ*¹ деб трансформалаш мумкин. Келтирилган мисолларда биргалик нисбатининг морфологик формалари биргалик маъносини ифодаловчи сўз бирикмаларининг синонимик вариантларидир.

Бошқа нисбат формаларини ҳам худди шундай трансформалаштириш мумкин. Чунончи, ўзлик нисбат формаси **-(и) н** суффикси иштирокида ясалади: *ювинмоқ, кийинмоқ* ва шу кабилар. Трансформация қилишда шахсига қараб, ўзлик олмошидан фойдаланилади: *ўзини, ўзимни* кабилар. Шундай қилиб, *ювинмоқ —ўзини ювмоқ, кийинмоқ —ўзини кийинтирмоқ* тарзида бўлади.

Агар биргалик нисбатни трансформация қилишда, *бирга сўзидан, ўзлик нисбатда ўзини сўзидан* фойдаланилса, каузатив нисбатни трансформация қилишда, *мажбур қилмоқ, қистамоқ, илтимос қилмоқ, сўрамоқ, ялинмоқ* каби каузатив феъллардай фойдаланилади. Чунончи, *билдирмоқ сўзини билишга имкон бермоқ, деб Менга ҳам сездирмаган гапини Менга ҳам сезишга имкон бермаган*, деб трансформалаштириш мумкин.

Трансформация қилишда турли усуллардан фойдаланиш мумкин, аммо бунда сўз бирикмаларининг таркибий қисмидаги бири: ўзлик конструкцияларда *ўзликликни* ифодаловчи, биргалик конструкцияларда *биргаликликни* ифодаловчи сўз, каузатив конструкцияларда эса каузатив феъл сақланади.

Демак, маълум категориянинг морфологик суффикси у билан маънодош сўзга синоним бўлиши мумкин. Яруслараро синонимия ана шундай юзага келади.

Яруслараро синонимларга, ўзбек тилидаги кўчирма гапни ўзлаштирма гапга трансформация қилишда юзага келадиган ҳар хил ярусли синонимни мисол қилиб келтириш мумкин. Кўчирма гапдаги кесимнинг бири ўз предикативлик хусусиятини йўқотиб, феълдан ясалган отга айланади ва сўзловчининг нуқти сўз бирикмаси воситасида ифода этилади. Трансформация методидан фойдаланганда, ўзгалик гапининг маъноси сақлаб қолинади. Трансформалаштирилган форма бутунлай бошқа ярусда бўлиши мумкин: *Сўздан сўз чиқиб Офтоб ойм Тўйбекадан сўради:— Меҳмонлар қанақа кишилар экан, тушундингми?*²

¹ Баъзи мисоллар А. Н. Кононовнинг «Грамматика современного узбекского литературного языка» китобидан олинди М.—Л., 1960, стр. 188—189.

² А. Қодирий, Утган кунлар, Т., 1958, 39-бет.

Мазкур гап икки мустақил гапдан иборат. Биринчиси, авторнинг гапи, иккинчиси, асар қаҳрамонларидан бирига тегишли. Бу гапнинг иккала қисмида ҳам феълнинг шахсли формаси билан ифодаланган кесим бор. Иккинчи гапда иккита кесим бор. Кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантиришда гаплардан бирининг кесими (яъни қаҳрамоннинг фикри) сўз бирикмасига айланади, феълнинг шахсли формаси отлашади ва тегишли отга келишик флексияси қўшилиши мумкин. Бу мисолда биз номинализацияли трансформация қилиш ҳолларини кўриб чиқдик.

Кўрсатилган кўчирма гапни бирлаштириш трансформациясидан фойдаланиб, ўзлаштирма гапга қуйидагича трансформация қилиш мумкин: *Сўздан сўз чиқиб Офтоб ойм Тўйбекадан меҳмонлар қанақа кишилар эканлигини, тушунган-тушунмаганлигини сўради*. Бу гапдаги отлашган феъл билан ифодаланган тўлдирувчи феълнинг шахсли формасидир.

Морфологик формаларни махсус конфигурацияларга ажратишда ёки кўчирма гапни ўзлаштирма гапга трансформация қилишда ўзбек тилида структура ва дистрибутив жиҳатдан баъзи ўзгаришлар содир бўлади:

1) нисбатнинг синонимик суффикслари ва уларга синоним бўлган лексик бирликлар асосан бир-бирини истисно қилувчи лексик бирликлардир.

Биргалик нисбат формаси трансформалаштирилса, конфигурацияда шу нисбат суффиксини, «ўзлик конфигурация»да феълнинг каузатив формаларини қўлламаслик керак.

Аммо баъзи ҳолларда айтиб ўтилганларни истисно қилувчи ҳоллар ҳам учраб туради. Бу истисно биринчидан, нисбат формаларнинг кўп хусусиятлилиги бўлса, иккинчидан, биргалик нисбат *бир-бири билан* иштирокида трансформалаштирилиши билан боғлиқлигидир. Чунончи: *топишмоқ — бир-бирини топмоқ (бир-бири билан топашмоқ)*. Ўзлик ва каузатив конфигурациялар учун ҳам бу хусусият хосдир: *мақтанмоқ — ўз-ўзини (ўзини ўзи) мақтамоқ* (ўзлик морфема ва ўзлик конфигурация). *Бириктирмоқ — бириктиришга мажбур қилмоқ. Ёздирмоқ — ёзишга мажбур қилмоқ, ёзиб беришни илтимос қилмоқ, ёзишга рухсат бермоқ* каби ўзлик ва каузатив конфигурацияларнинг барча вариантларида ўзлик ва каузатив нисбат морфемалари қатнашмайди. Бу нисбат ясовчи аффиксал морфемалар ва уларга синоним бўлган ўзак морфемаларнинг бир-бирини истисно қилувчанлигидан дарак беради.

2) кўчирма гап ўзлаштирма гапга трансформация қилинганда икки ёки уч гап бир гапга айланади.

3) ўзгалик гапининг предикатив қисми от туркумига ўтиши билан сўз ясалади. Масалан, *Узбек ойм чиқиб борган Ойбодоқни тўхтатиб сўради: Қасоб келганмикин? Узбек ойм чиқиб борган Ойбодоқни тўхтатиб қасобнинг келган-келмаганлигини сўради*.

Трансформалаштирилган формадан кўриниб турибдики, кўчирма гапдаги феъл кесим тўлдирувчига, ўзлаштира гапдаги феъл эса бутунлай отга айланади. Бу ўзбек тилининг ҳозирги инглиз тилидан структура жиҳатидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятидир. Ҳозирги инглиз тилида гапнинг иккала қисми замонларда мослашади ва иккала кесим ҳам ўз шахсли формаларида тўла сақланади. Қиёсланг: «I'm going to the farm», he said. He said that he was going to the farm. «My wife has gone on ahead»¹, Victor said, «I am going to follow her»— Victor said that his wife had gone on ahead and he was going to follow her.

Инглиз тилида отлашишдан фойдаланилганда say феъли ўз синоними inform билан алмаштирилади. He informed (about) his going to the farm.

Шундай қилиб, ўзлаштира гапда ҳар хил ярусли синонимия бўлиши ҳозирги ўзбек тилига хос, аммо инглиз тили учун у даражада хос эмас.

Гапни сўз бирикмасига трансформация қилиш билан боғлиқ бўлган ҳодиса традицион инглизшуносликдаги юнкция ва нексус ҳодисаси муносабатларига ўхшашдир. The dog barks furiously (нексус), a furiously barking dog (юнкция) ўртасидаги фарқ асосан предикативликдадир.² О. Есперсеннинг фикрича биринчи бирикма қотиб қолган бўлиб қўлланилмайди, иккинчиси қўлланилади. Бундаги асосий фарқ юнкция ва нексус муносабатида аниқланади.

Юқорида кўриб ўтилганидек, бу икки бирикма ярусларо синонимдир. Бири сўз бирикмаси ярусда, иккинчиси гап ярусда. Умуман улар маънодош бўлиб, битта ички структуранинг юза структурадаги трансформалаштирилган вариантларидир.

Ярусларо корреспонденция тушунчасининг ярусларо синонимия тушунчаси билан ўхшашлик томони бор, бироқ бу тушунчалар ўзаро бир-биридан фарқ қилиши типологик қиёслашда аниқланади. Масалан, икки қиёсланаётган тилдаги битта категория шу тилларда турли формалар билан ифода этилади. Бу форма, яъни сўз ва сўз бирикмаларини ярусларо эквивалент деб атаёмиз, чунки мос келадиган типоформаларнинг бўлиши қиёсий типология учун катта аҳамиятга эга.

Бу эквивалентлар ҳар хил бўлиб, турли лексик-грамматик сўз туркумларига кириши мумкин. Бундай ҳар хил ярусли эквивалентларни нотўғри тушуниш, баъзан типология предметини мукамал билмаган тилшуносларни нотўғри тушунчага олиб келиши мумкин.

Турли тилларни қиёсий ўрганишда лингвистик таҳлилнинг уқтириб ўтилган икки босқичи бўлиши шартдир. Агар таҳлил процесси икки босқичга бўлинса, ярусларо синонимларни

аниқлаш биринчи босқичга, ярусларо эквивалентларни аниқлаш иккинчи босқичга киради.

Биринчи босқичсиз иккинчи босқичда таҳлил ўтказиб бўлмайди. Турли қардош ва қардош бўлмаган тилларни қиёс қилинаётганда таҳлилнинг ана шу икки босқичига амал қилиш керак. Ярусларо эквивалентларни таҳлил қилишнинг амалий аҳамияти бор.

Энди айтилганларни тилнинг ҳар хил ярусларидан олинган мисоллар намунасида кўриб чиқамиз.

Қиёсий типологиянинг бутун процесси ярусларо эквивалентларни таҳлил қилишга асосланган бўлиб, унинг лингвистик назария ва бадий таржимада катта аҳамияти бор.

Типологик эквивалентларни аниқлашда мувофиқлашувнинг икки формал томони муҳимдир: а) бир ярусдаги корреспонденция (бунда баъзи структурал фарқ бўлишига йўл қўйилади); б) ярусларо корреспонденция (бунда генетик алоқа ҳисобга олинмай, типологик операция формал ўтказилади).

Бир ярусли корреспонденция деганда тилларнинг умумий структурал томони назарда тутилмай, маълум категорияни билдирувчи, ифода бирликларининг иккала тилда ҳам бир ярусда бўлиши тушунилади.

Структураси жиҳатидан эквивалентлар бир-бирига тўла ўхшаш икки бир ярус ичида озгина фарқ қилиши мумкин:

Инглиз тилида:	Рус тилида:	Ўзбек тилида:
I ray	луч	нур
I live	жить	яшамоқ
I blood	кровь	қон
II bloodless	бескровный	қонсиз
III writing table	письменный стол	ёзув столи

Мисоллардан кўриниб турибдики, учала тилда ҳам барча эквивалент сўзлар бир структурадаги гуруҳга тааллуқлидир, яъни биринчи пунктда барча сўзларнинг негизи туб, иккинчисида ясама, учинчисида, қўшма бўлса ҳам умуман бир ярусда ифодаланган. Структура жиҳатидан фарқ қилувчи бир ярусдаги эквивалентларга бир ярусда бўлиб, бир-биридан структура жиҳатидангина фарқ қиладиган эквивалентларни киритиш мумкин. Масалан:

Инглизча:	Русча:	Ўзбекча:
humpback	горб	ўрқач
blacksmith	кузнец	темирчи
bewitch	очаровывать	мафтун қилмоқ

¹ Daphne de Maurier. Kiss me again stranger. New York, 1955.

² О. Есперсен. Философия грамматики. М., 1958, стр. 130—131 и след.

Демак, англиз тилидаги сўзларнинг ўзбек тилидаги эквиваленти структура жиҳатидан фарқ қилса ҳам, улар англизча сўзлар кирадиган ярусга тааллуқлидир. Шунинг учун уларни структура жиҳатидан фарқ қилувчи *бир ярусли эквивалентлар*, деб атаймиз.

Бир тушунчанинг оғзаки ифодаси турли тилларда турлича бўлиши мумкин. Агар тушунча А тилда бир сўз билан ифодаланса, у Б тилда сўз, сўз бирикмаси, ҳатто гап билан англатилиши мумкин. Худди шундай фикрни Дания лингвисти О. Есперсенда ҳам учратамиз. Бирор тилда бир сўз билан ифодаланган нарса бошқасида адъюнкт бирикмаси орқали ифодалангани: англизча **claret** қизил вино, французча: **vin rouge**; французча: **patrie** ватан, англизча: **native country**¹. Есперсенинг фикрича, бу икки тилнинг ифода формаси ҳар хил ярусдадир..

Мисолларни тилнинг барча ярусларидан келтириш мумкин. Икки тил системасини қиёслаб, қайси ярусга тегишлилигидан қатъи назар, эквивалент бирликлар, формаларнинг мувофиқ келадиган шакллари топини керак². Истаган икки тилли лугатни олайлик, унда бир тилдаги талай содда сўзлар сўз бирикмаси иштирокида ифодаланишини кузатамиз. Буни иккита русча-ўзбекча ва англизча-русча лугатлардан олинган мисолларда яққол кўриш мумкин:

Русча	Ўзбекча
дрогнуть	сапчиб тушмоқ, чўчиб тушмоқ
дремать	мудрамоқ, кўзи илинмоқ
моргнуть	бир кўз қисиб қўймоқ
тыл	орқа томон, мамлакат ичкариси
Инглизча	Русча
journalize	1) вносить, записывать в журнал; 2) вести дневник или журнал.
glair	1) яичный белок; 2) смазывать яичным белком
glimmer	тусклый свет
buff	буйволовая кожа

Бирор категориянинг морфологик ярусда формал ифодаланишини типологик қиёслашда мазкур форманинг морфемаларга ажралишини аниқ белгилаш, мазкур синтактик бирикманинг таркибий қисми бўлган морфемалар хусусиятини аниқлашнинг катта аҳамияти бор. Масалан, А тилдаги бирор грамматик категория махсус морфема иштирокида ифода этилиши, Б тилда эса

ўша морфема бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда сўз негизи маълум грамматик кўрсаткич бўлмиш морфемадан иборат бўлган сўз формаси бошқа бир тилдаги бутун бир сўз бирикмаси конструкция ёки гапга мувофиқ келиши мумкин. Ҳар хил ярусли мувофиқ келиш турли системадаги тиллар учун хос бўлиб, у қардош бўлмаган тилларни типологик қиёслаш билан боғлиқдир.

АДАБИЕТЛАР

Уровни языка и их взаимодействие, Материал научной конференции, Москва — 1967 г.

«Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействии» (док. советских учёных). Советско-чехословацкий симпозиум. 18—22 апреля 1967 г. АН СССР. Институт языкознания. Институт русского языка. Москва — 1967 г.

В. И. Ярцева. «Взаимоотношение грамматики и лексики в системе языка» Исследования по общей теории грамматики, изд. «Наука», Москва — 1968 г.

¹ О. Есперсен. Философия грамматики. М., 1958, стр. 132.

² Ж. Эллис, бир яруснинг ўзидан эквивалент килдиришнинг ҳожати йўқ, деб ёзди. Geffray Elljs. Towards General, and Comparative Linguistics p. 32.

ТИПОЛОГИК КАТЕГОРИАЛ МАРКЕРЛАРНИНГ ДИСТРИБУТИВ АЛОҚАЛАРИ

Аниқланган категорияларни ифода этишда тилнинг турли ярусли бирикмалари қатнашади. Нисбатнинг бу маркерлари ўзаро турлича дистрибутив алоқада бўлиб, улар бир-бирини ё тўлдиради, ё истисно этади. Ҳар бир категориал маркер, хоҳ у алоҳида морфема, хоҳ махсус лексик бирлик бўлсин, бошқа синонимик маркернинг қўлланилишини истисно этишга ҳаракат қилади. Масалан, ўзбек тилининг морфологик ярусдаги ўзлик ва каузативлик маркерлари лексик ярусдаги маркерлар билан бир-бирини истисно қилувчи маркерлар ҳисобланади. Ҳар иккаласининг бир пайтда қўлланилиши тилда ғализликка сабаб бўлади.

Айтилганларга мисоллар келтирамиз:

1) ўзликнинг морфологик маркери: **-(и)н** ва ўзини, ўз-ўзини лексик-синтактик алоқалари.

У ювинди→у ўзини (ўзи) ювди, *аммо*

У ўзини-ўзи ювинди, деб бўлмайди

Турли категориал маркерлар дистрибуцияси грамматик ва лексик маркерларнинг синонимияси билан боғлиқ. Турли ярус бирликларининг оппозицияси маълум синонимик майдон конституентларининг алоқаларини аниқлашга имкон беради. Синонимик бирликларга қуйидагилар киради:

- а) келишиқ қўшимчаси ва предлоглар синонимияси,
- б) келишиқ қўшимчалари ва послелоглар синонимияси,
- в) кўплик морфемаси ва сонлар синонимияси,
- г) замон категорияси морфемаси ва равишлар синонимияси,
- д) шахс қўшимчалари билан кишилиқ олмошлари синонимияси ва ҳоказо.

Худди ўша мисолнинг русча таржимасини кўриб чиқамиз.

Он умылся — он мыл себя, *аммо*

он мылся сам себя, деб бўлмайди.

Инглизча вариантыда аҳвол ўзгача, унда ўзлик морфологик жиҳатдан боғлиқ эмас. Шунинг учун he washed ҳам he wash-

hed himself ҳам дейиш мумкин. Ҳақиқатан he washed himself нинг трансформалашган варианты he washed дир.

2) каузативликнинг морфологик маркерлари: **-тир, -дир, қиз, -гиз** ҳамда мажбур қилмоқ, қистамоқ, илтимос қилмоқ каби лексик-синтактик маркери алоқалари.

Она боласини ювинтирди→она боласини ювишишга мажбур қилди. (Мать купала своего ребёнка→мать заставила своего ребёнка мыться.)

Ўгимлилик ва каузативлик ёки ўтимлилик ва морфема (таксема) тартиби бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади.

3) биргалиликнинг морфологик маркери **-(и) ш** ва бир-бирини лексик-синтактик маркери алоқалари.

Улар ўпишди→улар бир-бирини ўпди.

Они целовались→они целовали друг-друга.)

Бу маркерларнинг бирикишида уларнинг маълум келишиқда қўлланилиши алоҳида аҳамиятга эга, шунинг учун, бир-бирини ҳаммиша тушум келишиқда келиши керак. Бир-бири бош келишиқда келса, билан боғловчиси орқали бирикади ва бир-бирини тўлдиришнинг таъсири бўлмайди. Бунга сабаб қуйидагилардир:

а) феъл бир-бири билан ибораси иштирокида келганида, биргалик маъносини англатади. Улар бир-бири билан қучоқлашишди,

б) **-(и) ш** иштирокида ясалган феъл формаси шу суффиксиз келган феълдан маъно жиҳатидан фарқ қилувчи янги лексик бирлик ҳисобланиши мумкин, масалан: урмоқ — бить,

уришмоқ {бить друг-друга, драться, поспориться, скандалить между собой,

в) ҳурматлашмоқ сўзи феълдан ясалган бўлиб, унинг асосий формаси **-(и) ш** суффикси билан келади. Улар бир-бирини ҳурматлашади.¹

Ҳурматламоқ феъли кам қўлланади; чунки бу маънода одатда **ҳурмат қилмоқ** бирикмаси ишлатилади.

4) умумийликнинг морфологик маркери **-(и) ш** ва бирганинг лексик-синтактик маркери алоқаси.

Улар кетишди→Улар бирга кетди.

Улар ўқишди→Улар бирга ўқиди.

-(и) ш биргалик формасини ясаганида, грамматик субъект объектни иш-ҳаракат бажаришга жалб этади ва бир пайтнинг ўзида субъектнинг ўзи ҳам сиртдан иш-ҳаракат бажаришга киришади. Умумийликни ифодалаганда эса у бошқа объект билан бирга ҳаракат қилади ёки бошқа шахс билан мусобақалашади (солиштиринг: **чопишмоқ**).

-(и) ш суффиксининг яна бир функцияси ёрдам бермоқ маъносини англатишдир. **-(и) ш** ни қўшиш билан ясалган феъллар ёки феъл формалари грамматик субъект томонидан ёрдам бе-

¹ Мисол А. Н. Кононовнинг *Грамматика современного узбекского языка* китобидан олинди. М—Л., 1960, 189-бет.

рилиши англатади. «Ёрдам берадиган субъект бош келишикда — эга, ёрдам бериладиган субъект жўналиш келишигида — воситасиз тўлдирувчи; биринчи субъектнинг ҳаракати қаратиладиган объект бош келишикда — воситасиз тўлдирувчи бўлади»¹

Бу ерда ёрдам бермоқ — оказывать помощь, помогать лексик-синтактик маркер хизматини ўтайди. Мазкур феъл бирикмаси феълни номиналлаштиради. Бу номиналлашув -(и) ш омонимик суффикси ёрдамида феълдан от ясаш натижасида содир бўлади.

Шундай қилиб, бунда ҳам бир-бирини истисно қилиш юз беради. Масалан: бировга хат ёзишмоқ — хат ёзишга ёрдам бермоқ.

Энди мажҳуллик маркерларини кўриб чиқамиз. Мажҳуллик инглиз тилида аналитик форма билан, ўзбек тилида эса махсус суффикс билан белгиланган, шунинг учун ҳам уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Инглиз тилида бир-бирини истисно қилиш икки усул билан амалга оширилади: а) кўмакчи феълни become, get феъллари билан алмаштириш билан. Бу феъллар мажҳул формада қўлланмайди, яъни ё be — en, ё become ... — en, get ... — en бўлади. He is killed → He become killed He got killed.

б) мажҳул формада мажҳулликни ифодаловчи феълларни қўлламадан, уларга die, suffer феълларни киритиш мумкин. Бу ерда морфологик ва лексик яруслардаги бирликларнинг бир-бирини истисно қилишини кўрамиз.

Синонимик маркерларнинг бир-бирини истисно қилиши деярли барча категориялар учун хусусиятдир. Келишик формаларининг ўзаро алоқада бўлиши алоҳида диққатга сазовордир. Ҳозирги ўзбек тилида келишик қўшимчалари ўрнида кўмакчиларни қўллаш одат тусига кириб қолган.

уйга — уй томон (к дому, домой)

мактабга — мактаб томон (в школу, по направлению к школе)

сиёҳда — сиёҳ билан (чернилами)².

Келишик қўшимчалари ўрнида кўмакчиларнинг қўлланилиши синонимик маркерларнинг бир-бирини истисно қилиши билан изоҳланади.

Келишик формаларининг маълум предлогларга боғлиқлигини: а) бу усулнинг архаик (қадимий)лиги билан, б) рус тилидаги предлогларнинг аниқлик киритувчи вазифасини бажариши билан тушунтириш мумкин.

Агар тилда бирор категориянинг мувофиқ келадиган мажҳул маркери бўлмаса, мазкур категорияни англатиш учун бошқа ярусдаги бирликларни олиши мумкин. Масалан, woman, lady, she, female ва бошқа сўзлар аёллар жинсини ифодалаш учун қўлланилади:

woman	}	doctor
lady		
she		
female		

Ўзбекча: аёл-врач, аёл-инженер, аёл-академик.

Русча: женщина-врач, женщина-инженер, женщина-академик.

Аmmo -ess суффикси бор сўзларда бу ортиқчалик қилади: woman actress; lady waitress.

Отларда кўпликни, камида икки усул билан ифода этиш мумкин: а) кўплик морфемаси иштирокида, б) сон иштирокида. Улар иккаласи икки синонимик маркер сифатида алоқа ўрнатади. Бир-бирини истисно қилиш жараёни содир бўлмайдиган тилларда улар иккаласи битта конструкцияда ишлатилиши мумкин. Бунда сон кўплик маъносини тўлдиради ва унга аниқлик киритади.

Бир конструкцияда иккита кўплик белгиси бўлмайди, улар бир-бирини истисно қилади. Масалан, ҳам сон, ҳам кўпликни ифодаловчи кўп, талай, бир қанча сўзларини қўллай олмаймиз. Кўплик маркерларини истисно қилувчи тил системалари ҳам йўқ эмас. Туркий ва бошқа баъзи тиллардан олинган мисоллар айтганимиз далили бўла олади: масалан, венгер тилида отдан олдин сон ёки кўпликни ифодаловчи бошқа сўз қўлланса, кўплик морфемаси тушиб қолади, чунончи:

инглиз тилида: five books.

рус тилида: пять студентов.


ўзбек тилида: бешта китоб.

китоблар — книги

венгер тилида: öt könyv (бешта китоб)

—könyvek (китоб л а р)

Ўзбек ва венгер тилларида кўпликнинг «икки томонлама» ифода этилиши бир-бирини истисно қилади, деб айтиш мумкин. Қуйидаги намунада кўпликни ифода этадиган сон отнинг чап тарафида, аффиксал морфема ўнгда, отдан кейин келади:¹




Инглиз тилида бу намуна қуйидагича бўлади:


¹ Шартли белгилар: Num — Numeral — сон ёки кўпликни ифодаловчи бирор сўз, N — noun — от, suf — suffix — суффикс.

¹ А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского языка. М.—Л., 1960, стр. 189.

² Уша асар, 279-бет.



Аммо санаб бўлмайдиган отлар учун намуна варианты бош-қачароқ:



Кўпликни биргаликда қўллашнинг алоҳида хиллари борки, бундай ҳолларда лексик-синтактик маркерлар боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик аффикслар маъноларини такрорий аниқлаганда ва стилистик мақсадларда қўлланилганда пайдо бўлади.

Масалан, *бу кутубхонада кўп китоблар бор* деганимизда, фақат китобларнинг сонинигина эмас, турини ҳам назарда тутамиз. Яъни: *бу кутубхонада турли китоблар кўп*, дейилмоқчи.

Инглиз тилида бир-бирини истисно қилишнинг тартиби бош-қача бўлиб, улар асосан синтактик ярусда ясаллади. Инглиз тилида ўзлик асосан махсус конструкциялар **V+oneself** иштирокида ясаллади. Грамматик субъект бўлиб келувчи шахсга боғлиқ равишда **oneself** ўзгаради: **myself, ourselves, yourself, yourselves, himself, herself, itself, themselves**.

Ўзликнинг синтактик белгиси юқорида кўрсатилган олмошлардан бирининг келиши билан аниқланади.

Ўзликни ифодалашда баъзан боғлиқ маркерлар тушиб қолиши мумкин. Аммо бундай феъллар санокли бўлиб, (wash, dress, etc), агар улар тушиб қолса ҳам олмошларни англаш осон. Бу ҳолатни С. Чэтман «object zeroing»¹ деб атайди. Масалан: John dressed himself — John dressed.

The girls washed themselves — The girls washed.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, олмошсиз қўлланган феъллар трансформалашган вариант бўлиб, V — oneself нинг кўп қўлланилиши натижасида пайдо бўлган. Аста-секин бу турдаги феъллар ўзлик касб этади. Инглиз тилида бир категориянинг икки маркери қўлланмаганлиги учун ҳам ўзлик

феъли ва ўзлик олмоши ўртасида бир-бирини истисно қилиш процесси пайдо бўла бошлайди. Улар иккаласининг бир конструкцияда бир пайтда қўлланилиши ортиқчаликка олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

- Гулыга Е. В., Шендельс Е. И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М., 1969 г.
 Новое в лингвистике. Вып. М., 1962.
 Уорф Б. А. Грамматические категории. Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972.
 Якобсон Р. О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол. Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972.
 Ярцева В. Н. Взаимоотношение грамматики и методики в системе языка. Исследования по общей теории грамматики. М., 1968.
 Bloomfield L. Language N. Y. 1933.
 Fries Ch. The Structure of English Grammar N. Y. 1952.
 Irtenyeva N. F., Shapkin A. P. Blokh M. Y. The Structure of the English Sentence (A practical course). Moscow—1968.

¹ Seymon Chatman. The Classification of English Verbs by Object Types. 1961. International Conference on Machine Translation of Languages and Applied Language Analysis. London, 1962, vol. I, p. 89.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Тил ва тил фактлари кўп фанларнинг тадқиқ этиш объекти бўлиб хизмат этади. Тилни назарий ўрганувчи лингвистика фан ва техниканинг бошқа тармоқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Қиёсий типология унга энг яқин бўлган фанлар билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш учун тилшуносликнинг математика, тарих, антропология, психология, физиология каби фанлар билан умумий алоқаси ҳақидаги масалага кўпгина ишлар, жумладан Е. И. Шендельснинг¹ махсус асари бағишланган.

Турли тил системаларини чоғиштириш билан шуғулланиш учун қиёсий типология вазифаларини, шунингдек, унинг бошқа фанлар билан алоқаси ва боғлиқлигини равшан тасаввур эта билиш керак. Шунинг учун ҳам бошқа лингвистик фанлар ичида қиёсий типологиянинг ўрнини аниқлаш, шунингдек, методологик нуқтаи назардан ўзига хос хусусиятини белгилашнинг муҳим аҳамияти бор.

Қиёсий типологиянинг таржима назарияси, методика, стилистика ва лексикографияга бевосита алоқаси бор.

Мазкур масала ҳалигача махсус тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Бу фанлар ўртасидаги алоқанинг тўла ўрганилмаганлиги қардош бўлмаган тилларни чоғиштириб ўрганишда баъзи тадқиқотчилар томонидан қатор хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлган.

Бу бобда қиёсий типологиянинг таржима назарияси, методика, стилистика ва лексикография билан алоқаларига қисқача тўхталиб ўтамыз.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ТАРЖИМА (Comparative Typology and Translation)

Икки ёки ундан ортиқ тил системасининг ўзига хос хусусиятини ҳамда чоғиштирилаётган тиллар системалари орасидаги

¹ Е. И. Шендельс. Связь языкознания с другими науками. М., 1962.

мувофиқлик қонуниятларини аниқлаш, қиёсий типология ва таржима назариясининг умумий вазифасидир.

«Таржима назарияси ўз моҳияти билан икки тил системасини илмий асосда чоғиштиришдан бўлак нарса эмас», деб ёзади проф. Л. С. Бархударов¹. Демак, қиёсий типология ва таржима назариясининг изланиш усуллари ва предметлари бир-бирига жуда яқин.

Бу умумийлик баъзи лингвистлар Ж. Кетфорд², Ҳаллидей³, Ж. Эллис⁴, Ю. Найда⁵ ва бошқаларни қиёсий типология ва таржима назарияси бир бутун назария деб ҳисоблашга ёки кейингиси қиёсий лингвистиканинг таркибий қисми деган фикрга олиб келади. Масалан, Ж. Кетфорд «Таржима назарияси тиллар ўртасидаги маълум муносабатни ўрганганлиги сабабли, у қиёсий лингвистиканинг бир шохобчаси» деса, М. А. Ҳаллидей «автоматик ёки машина таржимасининг ҳақиқий вазифаларидан бири тиллар системасини тасвирлаш ва чоғиштиришдан иборат, шу сабабли ҳам таржима назарияси амалий лингвистика (applied linguistics) дискриптив ва қиёсий лингвистика билан чамбарчас боғлангандир»,— дейди.

Тил системалари ўртасидаги мувофиқликларни топиш тўла маънода таржима, деган гап эмас албатта. Бу фақат муайян мазмунни бир тилдан иккинчи тилга ағдаришда таржимон фойдаланадиган формал томондир.

Қиёсий типология ва таржима назариясининг бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилиш мезонларига қисқача тўхтаб ўтамыз.

Қиёсий типология ва таржима назариясини ўзаро яқинлаштирадиган асосий ўхшашликлар қуйидагилардир:

1) қиёсий типология ва таржима назарияси умумий мазмун планининг таркибий қисмига асосланади:

2) қиёсий типология ва таржима назарияси бажарадиган иш жараёни ўхшашдир, яъни абстрактлаш (мавҳумлаш)дан корреспонденциялаш (мувофиқлашув)га ёки анализдан синтезга ўтади;

3) умуман қиёсий типология ва таржима назарияси икки ёки ундан ортиқ тил системалари яруслараро бирликларининг натижаларига асосланиб иш кўради;

¹ Л. С. Бархударов, Общелингвистическое значение перевода. Сб. «Теория и критика перевода». Изд-во ЛГУ, 1962, стр. 8.

² J. C. Catford. A Linguistic Theory of Translation. Oxford Univ. Press, 1965, p. 20.

³ The theories and methods for comparison of languages including theory of translation, belong to the branch of the subject known as «Comparative Linguistics». Angus McIntosh, M. A. Halliday: Patterns of Language, Papers in General Descriptive and Applied Linguistics London, 1966, p. 135.

⁴ Jeffrey Ellis. Towards General Comparative Linguistics, Mouton and Co. London, The Hague, Paris, 1966, p. 16.

⁵ E. Nida. Science of Translation. Language. Vol. 4. №3, 1969, p. 496.

4) таржима назарияси ва қиёсий типология қардош ва қардош бўлмаган тиллар системаларини универсал равишда тадқиқ қилади.

Бу ўхшашликларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Қиёсий типология ва таржимада қиёслаш мазмун планига асосланиб олиб борилади. Икки ёки ундан ортиқ тил системаларини мазмун ёки формага асосланиб чоғиштириш мумкин. Бу масалага доир турли фикрлар мавжуд. Баъзилар тил системаларини чоғиштиришни мазмунга таяниб, бошқалар формага, яъни ё мазмундан формага, ёки формадан мазмунга қараб бошлашни тавсия этадилар. Бундай турли-туман фикрларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб қиёсий типология ва таржима назариясига оид тадқиқ этилган материалларнинг камлигидир.

Айрим кичик система ёки категорияларини чоғиштириш жараёнининг хусусияти ва мақсадига кўра тадқиқотни турлича ўтказиш мумкин. Аммо тил системаларини чоғиштириш жараёнини мазмун плани бирликларидан бошлаган маъқул:

1) мазмун плани ҳар бир тилда, шунингдек, чоғиштирилаётган тилларда ифода планининг турли ярусдаги синонимик бирликларини умумлаштиради;


2) семантик жиҳатдан ўхшаш категориал маънолар турли тилларда ифода планининг ўхшаш бўлмаган бирликлари билан кўрсатилиши мумкин;

3) танлаб олинган категория бир тилда махсус форма билан, иккинчи тилда эса перифериял белгилар ёрдамида ифодаланиши мумкин.

Мазмун планидаги бирликнинг умумлаштирувчи аҳамияти шундаки, ҳар бир категориал маъно (КМ) ўз атрофига ҳаёт формаларни йиға олади. Буларнинг ҳаммаси муайян даражада трансформацион ёки ярусларо синонимлардир. Масалан, бир категориал маъно А тилда ҳам, Б тилда ҳам мустақил равишда бир неча категориал форма (КФ) га мос келади, масалан:

А тил

Мос келувчи КФ



Б тил
Мос келувчи КФ



Шартли равишда юқорида кўрсатиб ўтилган ифода бирлиги (a, b, c, d, e, f) биринчидан, бир тил системасида ҳар хил ярусли бўлиши мумкин, яъни:




морфология ёки морфема бирликлари

синтаксис ёки конструкция бирликлари

лексик бирликлар

Иккинчидан, турли хил ярус бирликлари орасидаги мувофиқлашув даражаси чоғиштирилаётган тилларда ўзгариб туради, яъни бир тилда категориал маъно махсус категория морфемаси билан ифодаланса, бошқа тилда морфологик категория билан эмас, балки бошқа ярус бирликлари билан ифода этилади:



Турли ярусдаги бирликларни маълум бир тилдаги махсус морфологик форманинг мавжуд эмаслиги ҳамда муайян стилистик оттенкаларнинг акс этишига кўра танланади.

Турли ярусдаги бирликларни танлашда кўпроқ лексик-синтактик бирликлар билан мос келадиган ва лексик жиҳатдан боғлиқ бўлган вариантлардан фойдаланилади.

Мазмунга асосланиш, чоғиштиришнинг бошланғич даврига хосдир. Агар ўрганилаётган тил типологияга тўплаган материалга эга бўлса, унда тадқиқотни ифода планидан бошлаш мумкин, чунки ишнинг маълум қисми ҳақиқатан ҳам типологик тadbирнинг иккинчи ярусига тааллуқлидир.

Ифода планига асосланиш умумлаштириш билан эмас, аксинча турли категорияга тааллуқли омонимик формаларга ажралишга сабаб бўлган маънолар билан боғлангандир. Масалан, инглизча books (she bought many books; she books tickets) сўзининг формаси икки ёки уч категориал маънони, яъни сон, шахс ва замон категорияларини ифодалаши мумкин.

Мазмун планига асосланиб, муайян категориал маъно танланади ва уни икки тилда мустақил ифодаланишининг асосий формалари аниқланади ва ниҳоят мослашув процесси ўтказилади. Ана шу асосда типолог уларнинг генетик (келиб чиқиши) қардошлигидан¹ қатъи назар тил системаларидаги изоморфлик ва алломорфликни аниқлайди. Масалан, аниқлик ва ноаниқлик категорияси ҳамма тилларда мавжуд. Аммо қардош бўлмаган тилларда гетерогенлик системасига боғлиқ бўлган мазкур категориянинг ифода формалари турлича бўлади. Мувофиқлашувчи формалар яруслараро ўзгариб туриши мумкин. Аммо бу формаларнинг барчаси муайян категория атрофига тўпланиб, яруслараро тенг бўлади. «Тиллардан-тилларга таржима қилиш мумкинлигини асослайдиган нарса шуки, жаҳон халқлари гарчи турли-туман тилларда сўзлашсалар ҳам, аммо уларнинг тафаккур қонунлари бир хилдир»— деб ёзади Ф. Саломов².

Таржима жараёни ҳам ўз хусусиятига кўра қиёсий типология жараёнига ўхшайди, яъни бунда ҳам таржимон бошқа бирор тилда ифода этишнинг янги формаларини қидиради, чунки «таржима — ўша маънонинг айнан ўзини сақлаган ҳолда бошқа тилда қайта тузиш демакдир»³. Бу фикрни кўп лингвистлар тасдиқлашади. Масалан, «таржима жараёни бирор текстнинг маълум мазмунини бир тилдан бошқа бир тилга трансференциялаш (ағдариш)дир»— деб ёзади А. Фостер⁴, Ж. Эллис ҳам

¹ В. В. Иванов. Машинный перевод и установление соответствий между языковыми системами. Сб. «Машинный перевод». Труды Института ТМ и ВТ АН СССР, стр. 59.

² Ф. Саломов. Тил ва таржима. ЎзССР Фан нашриёти, Тошкент, 1966, 245-бет.

³ Aspects of Translation. Studies in Communication 2, London, 1969, p. VII.

⁴ Locke and Booth. Machine Translation of Language. N. Y. Z., 1965, p. 124.

бу фикрга қўшилиб, «Таржима бир тилда баён этилган фикрнинг иккинчи тилдаги ифодасидир»¹ дейди. Л. С. Бархударовнинг таърифича таржима: «Бир тилдаги нутқ фаолияти (текст) ни ўзгармас мазмун планини сақлаган ҳолда иккинчи бир тилдаги нутқ фаолияти (текст)га айлантириш жараёнидир»².

Тилларнинг типология жиҳатидан яқинлиги таржимада маълум даражада энгиллик яратади:

1) типология жиҳатидан яқинлиги ортиқ бўлган тилларда тенглик даражаси устун;

2) типологик яқинлик генетик яқинлик билан бир вақтда юз берса, таржимада қийинчилик содир бўлмайди. Масалан, бир туркий тилдан иккинчи туркий тилга таржима қилишда ортиқча қийинчилик сезилмайди, чунки бу тиллар системасидаги фонетик, морфологик ва лексик ўхшашликлар бир-бирига жуда яқиндир.

Таржимон таржима қилаётган тилга хос тенг тил воситаларини аниқлайди. Маълум товушлар иштирокида ифодаланувчи мазмун ёки фикр бошқа тил формаси воситасида ифодаланмади.

«Типологик ва таржимоннинг биринчи навбатдаги вазифаси умумий лексик ҳамда грамматик маънони аниқлашдан иборатдир. Таржима автоматик таржима ва бадий таржимага бўлинади. Одатда кейингиси «таржиманинг олий формаси»¹ ҳисобланиб, таржиманинг барча формаларини ўз ичига олади.

Автоматикасиз таржима қилинганида текстда ўзига хос ўзгариш юз беради.

Таржиманинг ҳар иккала турида ҳам иш жараёни маълум босқичларга бўлинади.

Бир тилда маълум воситалар билан ифода этилган маъно иккинчи бир тилга бошқача йўл билан берилиши мумкин. Масалан, маълум маъно А тилда поэзия (шеърят) тили билан баён этилган бўлса, Б тилдаги таржимада бу маъно проза билан ифодаланиши мумкин ёки аксинча бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Байрон, Гейне, Данте, Гёте, Пушкин, Навоий шеърлари ва поэмалари, Шекспир трагедиялари, Шиллер драмалари кўп тилларга проза усулида таржима қилинганлиги ва Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари ўзбек тилига проза шаклида қисқартириб таржима қилингани бунга яққол мисол бўла олади.

Бир тилдаги маълум маъно ифода формасидан қатъи назар бошқа тилда, стилистика нормаларини сақлаган ҳолда, тўла

¹ J. Ellis. On Comparative Descriptive Linguistics. Языковедски исследования в чест на академик Стефан Младенов (Studia Linguistica in Honoram ACD, Stephani Mladenov), София, 1967, стр. 556.

² Л. С. Бархударов. Уровни языковой иерархии и перевод. Тетради переводчика, М., 1969, стр. 3.

³ Г. Гачечиладзе. О реализме в искусстве перевода. Сб. Актуальные проблемы теории художественного перевода, М., 1967, стр. 38.

ифодаланиши мумкин.¹ «Ифода формасини эътиборга олиб фақат текст мазмунинигина бир тилдан иккинчи тилга кўчиришни таржима дейиш мумкин»,— деб ёзади проф. И. Р. Гальперин².

Демак, таржимада умумий маънога асосланиш мақсадга мувофиқдир.

Қиёсий типология ва таржима бажарадиган иш процессини икки босқичга бўлиш мумкин.

Типологик тадбирнинг босқичларини анализ қилишда турли методлардан сегментация, субституция ва уларнинг вариантларидан, трансформациядан, семантик анализнинг асосларидан³ фойдаланиш мумкин.

Ҳар қандай типологик тадбир ёки тадқиқот маълум соф назарий, амалий ёки методик мақсадни кўзда тутаяди.

Ҳар бир типологик тадбир мавҳумлаш босқичи ва мувофиқлаштириш (тенглаштириш) босқичидан иборат бўлади.

Типология тадқиқотчиларининг кўпчилиги бу босқичларни анализ ва синтез даври деб ҳам аташади.

Типологияда мавҳумлаш ёки анализ даври ҳар бир қиёсланаётган тилни алоҳида ўрганиш билан боғлиқдир⁴. Мавҳумлаш даврида типологиялаш процесси содир бўлади: бир ёки ундан кўпроқ умумий категория танланади, мазмун планидаги бирлик ёки бирликлар аниқроқ ажратилади, ифода планида асосий усуллар танланади.

Тил материалининг анализи процессида олинган далилларга таяниб, муайян тил системаси ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Маълум дифференциал хусусиятларига асосланиб, тилнинг синтетик, аналитиклиги ҳақида гапириш, уни муайян тил оиласига киритиш мумкин.

Мавҳумлаштириш процессининг биринчи даврида эришилган натижалар барча лингвистик ва лингвистик бўлмаган фанларга баб-баравар хизмат қилади, яъни зарурат туғилганда ҳар қандай фан, шулар жумласидан таржима ҳам ундан тайёр материал сифатида фойдаланиши мумкин.

Типологик операциянинг тенглаштириш босқичи олинган натижаларни синтезлаштириш ва қиёсланаётган тилларда релевант (relevant) мувофиқлашув воситаларини аниқлаш билан

боғлиқ. Бу босқичда типологик форма (типоформа)ларнинг мослашиш қонуниятлари тикланади.

Қиёсланаётган икки ёки ундан ортиқ тил системасини мавҳумлаштириш ва мувофиқлаштириш операцияларини ўтказишда тил структураларини системали равишда тасвирлаш ва қиёслашда жуда кўп вақт кетмаслиги учун автоматика, электрон ҳисоблаш машинаси ва техниканинг бошқа турларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Кейинги вақтда Совет Иттифоқида ва чет элда автоматик анализга бағишланган кўпгина асарлар пайдо бўлмоқда. Икки ёки ундан ортиқ тилларни қиёслашда шу асарлардан фойдаланиш мумкин.

Типологик операциянинг турлари	Типологик операция (ТО) тугалланган ёки тугалланмаган бўлиши мумкин. Фақат бир ярусдаги тил бирлигигина анализ қилинса, бу тадбир тугалланмаган типологик операция дейилади. <i>Икки қардош бўлмаган тиллар системаларини қиёслаш жараёни битта ярус билан чегараланмаса тугалланган типологик операция дейилади.</i>
--------------------------------	---

Икки тилда релевант мувофиқлашув усулини топишда типомарларни аниқлашнинг алоҳида аҳамияти бор. **Типоформа бу типологик категорияларнинг ўлчов бирлигидир.** Типоформалар тилнинг ҳар хил ярусларини типологик анализ қилиш билан аниқланиши мумкин. Тил ярусига кўра улар турлича бўлади: **фонема** (фонологик ярусда), **морфема** (морфологик ярусда), **сўз бирикмаси** ёки **гап** (синтактик ярусда), **сўз** (лексик ярусда) ва бошқалар.

Типологияда типологик яқинлик асосан ҳар хил ярусдаги типомарнинг вариантларга эркин ажралмаслигига қараб аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, таржима процесси ҳам босқичлар асосида олиб борилади. Автоматик ёки машина таржимасида бу босқичлар яққол ажралиб туради, автоматикасиз таржимада эса улар алоҳида ажратилмаслиги ҳам мумкин. Таржима устида ишлашнинг дастлабки босқичини нотаниш **текстни тушуниш** даври ёки таржимага¹ **тайёрланиш даври** дейиш мумкин. Таржимон бу босқичда чет тилдаги текст билан танишади ва уни ўрганади, анализ қилади ва кейинчалик мувофиқлаштириш учун асосий бирликларни аниқлайди. Таржима назариясида бу давр *анализ ёки илмий процесс*² деб аталади. Бадий (машинасиз) таржимада мазкур процесс фикран бажарилади.

Таржимон бадий таржиманинг иккинчи босқичида биринчи босқичда эришилган натижаларни ишлаш билан шугулланади.

¹ Мазкур масала юзасидан Шекспир «Отелло»сининг прозаик усулдаги таржимаси, таржимон М. М. Морозовага И. Р. Гальперин берган ижобий баҳога қаранг. И. Р. Гальперин. Перевод и стилистика. Сб. Вопросы теории и методики учебного перевода. М., 1950, стр. 127—140.

² И. П. Гальперин, ўша асар, 139-бет.

³ Ю. А. Нафта, Наука перевола. ВЯ №4, 1970, стр. 7—10.

⁴ Анализнинг бу жараёнини Б. А. Успенский «тил ички» ..., деб атайдн. Б. А. Успенский. Структурная типология языков. Изд-во «Наука», М., 1965, стр. 55.

¹ А. В. Федоров. Основы общей теории перевода, М., 1968, стр. 17 и след.
² А. Курелла. Кўрсатилган асар, 417-бет.

Бу даврда таржимон танланган маънога янги форма беради. Бу босқични «синтез» ёки «бадий» жараён¹ деб ҳам аташ мумкин.

Типологик операция билан автоматик ва машина таржимаси ўртасида маълум алоқа бор. Автоматик таржимада ҳам иш процесси даврларга бўлинади, ҳар бир даврнинг иши алоҳида-алоҳида амалга оширилади. «Машина таржимаси юзасидан иш олиб борилганда,— деб ёзади В. В. Иванов,— икки даврни тил элементлари орасидаги лингвистик алоқани аниқловчи қоидалар тузишни ва бу қоидалардан таржиманинг аниқ алгоритми сифатида фойдаланишни фарқ қилмоқ керак»².

Типология ва автоматик таржима бир-бири билан чамбарчас боғланган. Қиёсий типология ҳам, автоматик таржима ҳам бажарадиган ишлари хусусиятига кўра деярли бир хилдир, яъни автоматик таржима ҳам қиёсий типология сингари текстларни бир тилдан иккинчи тилга автоматик равишда ўзгартириб, тил воситаларининг мослашув қонуниятларини ўрганиш билан шуғулланади. Автоматик таржиманинг иш процесси даврлари ҳам анализ ва синтез босқичларига, танлаш ва таржима қилиш даврларига бўлинади. Бу босқичларнинг ҳар бири кўпгина операциялардан иборат.

Ҳар бир тил системасини алоҳида-алоҳида анализ қилишнинг лингвистик процессини кўрсатиб ўтиш зарур. Иш процессининг биринчи босқичи лингвистик босқич бўлиб, қиёсий типология ўтказадиган биринчи босқичга ўхшаш, бунда ҳам мавҳумлаш ёки типологиялаш процесси содир бўлади. Бу босқич бирмунча мураккаб бўлиб кейинги бажариладиган ишлар мана шу босқич натижаларига асосланиб олиб борилади.

Иш процессининг иккинчи босқичи лингвистик босқичда олинган натижаларни синтезлаш, кейинчалик мувофиқлаштириш ёки ўзгартиришдан иборатдир. Демак, типология ва таржима ишининг бу босқичи ҳам, ҳар бирининг ўзига хос иш бажариш хусусиятига эга бўлишига қарамай, бир-бирига ўхшашдир.

Типологик анализ натижаларидан автоматик таржимала фойдаланиш мумкин, чунки тилни системали анализ қилмай туриб, автоматик таржима қилиб бўлмайди. Автоматик таржима учун тил системасини формаллаштириб, маълум программа тузиш тилшунослик фанининг зиммасига юкланади³.

Ҳозир мамлакатимизда яратилаётган машина таржимасининг алгоритмлари грамматикага асосланади.

Турли тиллар орасидаги грамматик (конфигурациялар) мувофиқликларни аниқлаш таржима деб тушунилади⁴.

¹ А. Курелла. Кўрсатилган асар, 417-бет.

² В. В. Иванов. Кўрсатилган асар, 47-бет.

³ Л. С. Бархударов, Г. В. Колшанский. Опыты машинного перевода. К вопросу о возможностях машинного перевода. ВЯ, №1, 1958, стр. 132.

⁴ А. К. Жолковский, В. В. Леонтьева, Ю. С. Мартемьянов. О принципах использования смысла при машинном переводе. Маш. пер. Труды ин-та ТМ и ВТ АН СССР, М., 1961, стр. 17.

Бироқ типологик тадбирнинг кўп далиллари автоматик таржима учун етарли бўлмай қолади, автоматик таржиманинг натижалари эса (масалан, турли кодлар, формулалар, алгоритмлар, тилнинг айрим бирликларини символлаштирувчи ҳамда автоматик таржима учун махсус тайёрланган статистик натижалар, программалар) қиёсий типология учун ортиқчалик қилиши ҳам мумкин. Автоматик таржима мустақил фан бўлиб, ўзининг мустақил иш хусусиятига, методи ва тил материалларини инвентаризациялаш ва қиёслаш системасига эгадир. Типологик қиёслаш натижасида олинган баъзи маълумотларнинг қанчалик аниқлигини машина таржимаси процессида текшириб кўриш мумкин.

Қиёсий типология ва таржима назариясида ярусларо бирликларнинг роли Қардош бўлмаган тиллар системаларининг ўзига хос гетерогенлиги тил иерархиясининг барча ярусларида бирор категориянинг ифодаланиш воситасини аниқлашни талаб этади. А тилда морфологик ярус билан ифодаланувчи категория Б тилда синтактик бирликлар билан ифодаланиши мумкин. Морфологик йўл билан ифодаланувчи маълум грамматик категорияни айни бир вақтда бошқа ярус бирликлари билан ҳам ифода этилиши мумкин. Барча яруслардаги бирликларнинг ифодаланиш воситаларини аниқламай туриб, турли тиллардаги мазмун планининг маълум қисмини тўла қиёслаб бўлмайди.

Таржима назарияси ҳам худди шу асосда юзага келади. Таржима учун тугалланган типологик тадбир томонидан аниқланган натижалар, ярусларо типологик синонимлар ва трансформацион вариантлар муҳим аҳамиятга эгадир. Қиёсий типологиянинг таржима назариясига ёрдами шундан иборатки, у таржимонга номиналлашган ва номиналлашмаган турли трансформацион вариантларни яратишига имкон беради. Таржимон маълум бир маънони бир тилдан иккинчи тилга таржима қилаётганида тегишли бирликни қиёсий типологиядан олиши мумкин. Таржиманинг тил яруслари билан бўлган алоқасини кўрсатиш учун қуйидаги махсус бўлимларга ажратиб берилади: фонологик таржима (phonological translation), грамматик таржима (grammatical translation), лексик таржима (lexical translation), графологик таржима (graphological translation) ва бошқалар¹.

Агар бир тилда маълум категория номиналлашмаган феъл формалари ёки конструкциялар ёрдамида берилса, иккинчи тилда номиналлашган формаларда берилиши мумкин. Масалан: John asked Mary to come. Жон Мэрининг келишини илтимос қилди.

Таржимани ҳам қиёсий типологияга ўхшаб бир ёки бир неча ярусда амалга ошириш мумкин, бошқача қилиб айтганда ҳар

¹ J. C. Catford. A Linguistics Theory of Translation. Oxford University press, 1967.

қандай тил яруси бирлиги таржима бирлиги бўлиши мумкин. Масалан: фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап, текст¹ ва ш. к. лар ярусидagi таржима ва бошқалар. Аммо бир ярусдаги, таржима тўла ва мукамал бўлмайди.

Қиёсий типология ва таржима назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига боғлиқдир. Қиёсий типология ва таржиманинг назарий боғлиқлиги шундаки, у икки ёки ундан ортиқ тиллар воситаларини мувофиқлаштириш қонуниятларини топиш ва ўрганиш билан шуғулланади. Унинг амалий томони қиёслаш ёки таржима процессининг бир хиллиги деб ҳисоблаш мумкин.

Қиёсий типология ва таржиманинг генетик қардошликка муносабати

Қиёсий типология ва таржима учун қиёсланаётган тилларнинг генетик қардошлиги ва қардош эмаслиги унчалик аҳамиятга эга эмас.

Типологияда қиёсланаётган тиллар қардош ёки қардош бўлмаслиги мумкин. Шу принципга асосланиб ҳар қандай тилни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкин².

Таржима учун тиллар системалари орасидаги типологик яқинликнинг аҳамияти катта. Типологик яқинлик ва узоқликка қараб типологияда ҳам, таржимада ҳам маълум қулайлик ва қийинчиликлар содир бўлади:

а) типологик яқин тилларда бир ярусли эквивалентлик даражаси устунлик қилади. Бу эквивалентликнинг формал томони қиёсий типологияни тўла, таржимани эса қисман қаноатлантиради. Формал мос келиш таржиманинг бир томонини ташкил этади, чунки таржима тексти одатда оригинал текстидан кўп бўлади. Формал яқинлик соф типологик бўлиши мумкин, аммо унда ҳамма маъно ўхшашлиги бўлавермайди. Бу ўринда ҳозирги ўзбек тили (шунингдек, бошқа туркий тиллар) системасини ҳозирги венгр тили системаси билан қиёслаш мумкин. Бу икки тил формал ярусда ўхшаш бўлиб, маъно ярусиди эса бир-биридан фарқ қилади. Мана шу формал ёки типологик ўхшашликларни аниқлаш автоматик таржиманинг биринчи босқичида юз беради.

б) таржимада тенглик генетик қардошликнинг типологик яқинлик билан бирга келишига қараб ортиб боради. Генетик яқин қардош тилларда формал типологик яқинлик маъно ёки материал яқинлик билан бир вақтда рўй беради. Масалан, туркий тилларда типологик яқинлик генетик яқинлик билан бирга юз беради. Шунинг учун ҳам бир қардош тилдан иккинчисига таржима қилиш осондир.

¹ J. C. Catford. A Linguistics Theory of Translation. Oxford University press, 1967.

² Шу масала юзасидан Ж. Кэтфорд қуйидагиларни ёзади: Translation equivalences may be set up, and translations performed, between any pair of languages or dialects «related» or «unrelated» and with any kind special temporal social or other relationship between them» (T. C. Catford, A Linguistic Theory of Translation, London, 1965. p. 20)

Системалари ўхшаш ёки ўхшаш бўлмаган тилларни таржима қилиш масаласи типология ва таржима назарияси ҳақидаги илмий адабиётларда деярли ёритилмаган.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ

Таржима назарияси ва қиёсий типология ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил фанлардир. Улар ўртасидаги асосий фарқ қуйидагилардир:

а) таржима назарияси танлаш эркинлигига эга;

б) қиёсий типологияда умумлашган ёки маъно грамматик маъно акс этса, таржимада эса танланган умумий конкрет-предмет маъноси акс этади.

Танлаш эркинлиги бадиий таржима учун хос хусусиятлардан бири ҳисобланса, автоматик таржима учун хос хусусият эмас.

Танлаш эркинлиги Қиёсий типологияни таржима назариясидан фарқловчи хусусиятларидан бири унинг танлаш эркинлигига эга эканлигидир. Қиёсланувчи тиллар системаларининг турли-туманлиги, таржима қилинадиган оригинал текстидаги фикрларнинг субъективлиги ва шунга ўхшаш бир қанча омиллар қиёсий типология ва таржима назарияси учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчиликларни барта-раф этиш йўлларида бири маълум фикрни бир тилдан иккинчи тилга трансформация қилишда қўлланиладиган тил воситаларининг турли вариантларини танлай олишдир.

Танлаш эркинлиги деганда типолог ёки таржимоннинг маълум бир маънони ифодалашда турли ярус бирликларига тегишли лингвистик бирликлардан эркин фойдаланишини тушуна-миз.

Танлаш эркинлиги:

1) бир ярус бирлигини бошқа ярус бирлиги билан алмаштириш;

2) таржиманинг тасвирий усулидан фойдаланиш;

3) услуб жиҳатидан мос келадиган воситаларни танлаш;

4) омонимия ва бошқаларни қўлламаслик учун синонимик форма ва конструкцияларни қўллаш усули билан эришилади.

Таржима жараёнидаги танлаш эркинлигининг юқорида кўрсатилган усулларига махсус равишда тўхтаб ўтишнинг ҳожати йўқ.

Таржимон маълум ахборотни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганида мазмун планига тегишли бирликни барча яруслардан танлаши мумкин.

Танланган умумий маъно иккала тилда турлича ифодаланади. Масалан, мувофиқликлар қуйидагича бўлиши мумкин.

АТ (асосий тил)	ТТ (таржима тили)
морфема _____	сўз _____
сўз _____	морфема _____
сўз _____	сўз _____
сўз _____	гап _____
гап _____	сўз _____
гап _____	гап ва ҳоказо.

Таржимон мувофиқлашувнинг маълум қонуниятларига риоя қилган ҳолда «мақсадга айланма йўл билан эришиши ва ижодий эквивалентлар яратиши керак»¹. Танлаш эркинлиги суистеъмол қилинса, таржима маъносига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун мувофиқлашувнинг асосий нормасидан четга чиқмаслик керак. Алмаштиришга ҳаддан ташқари берилиб кетиш, таржима қилинаётган тилдаги муаллиф услубининг бузилишига сабаб бўлади ва бу танлаш эркинлиги бўлмай, балки таржимоннинг «эркинлиги»га айланиб қолади.

Танлаш эркинлиги мувофиқлаштиришда қиёсий типологияга ҳам хосдир. Танлаш эркинлигидан қатъий чегараланган нормада, маълум ярус доирасида ҳамда бошқа яруслардаги бирликларни танлашнинг муайян қонуниятларига бўйсунуши шарт бўлганда фойдаланиш лозим. Масалан, типологик мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан нисбатнинг грамматик маъноси билан умумий маъно инглиз тилидан ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади:

а) феъл негизига нисбатнинг сўз ўзгартувчи морфемаларини қўшиш билан;

б) отлашган сўзлар ёки номиналлаган бирикмалар иштирокида;

в) номиналлаган бирикмалар иштирокида;

г) сўз ясовчи аффикслардан фойдаланиш йўли билан; бунга маълум нисбат формасида от қисми феълдан ясалган отлашган бирикмалар киради.

Муайян категория доирасида аниқланган типологик бирликлар бор бўлса, қиёсланаётган тиллардаги эквивалент формаларни аниқлаш осонлашади. Масалан, биз кўрсатган бирликларни энг сўнггиси ҳисобласак, унда махсус форма, сўз, конструкция ва айрим гап билан ифодаланадиган нисбатнинг мажхуллик, ўзлик, биргалик, каузативлик маъноларини фақат бирликларнинг шартли натижалари иштирокида ифодалаш мумкин. Бу моделлардан четга чиқиш учун типолог эмас, фақат таржимонга рухсат этилади, чунки таржимон маълум маънони бошқа тилда тўғри ифода этиши керак.

Идиома, фразеология, мақол, матал ва бошқаларни таржима қилишда типология томонидан аниқланган мувофиқлаштириш нормасидан маълум даражада мажбурий четга чиқишга йўл

¹ О. Кундзич. Кўрсатилган асар, 49-бет.

қўйилса ҳам, бу четга чиқиш типологик мувофиқлаштиришнинг мавжуд қонунарга зид бўлмаслиги керак. Таржимон типология томонидан аниқланган нормадан қанчалик четга чиқса, муаллиф услуби шунчалик ўз таъсирини йўқотади.

Таржимон муаллиф услубининг элементларини тушуниб, баён этади, бунда таржимон мувофиқлаштиришнинг типологик қонуниятларига беихтиёр риоя қилади, деб изоҳлаш мумкин. Таржима жараёнида маълум мазмунни таржимон ўзича баён этибгина қолмай, балки айтиб бир вақтда мазкур текстнинг формал, стилистик ва бошқа хусусиятларини ҳам таржима қилади.

Таржима назарияси қиёсий типологиядан қайта яратилган таржима текстидаги бадийлиги ва таржимада мос келишнинг айрим ҳоллари каби хусусиятлари билан фарқ қилади.

Таржимон қайта яратилган текстнинг бадийлигига типология асосида топилган система бирликларини бадий сайқаллаштириш орқали эришади.

Тилда мувофиқликларни аниқлаш орқали системали ёки бирламчи мувофиқлаштириш яратилади, аммо у бадий таржима учун етарли эмас.

Таржима қилинаётган текстни системали мувофиқлаштириш қонуниятларига амал қилиш ва бу қонуниятларга амал қилмаслик орқали бадий ишланади. Таржимон системали мувофиқлаштириш қонуниятларига амал қилганда баъзи сўз, форма, аффикс ва шунга ўхшашларнинг синонимияси, турли-туманлигига, стилистик таъсирчанлигига асосланса, бу қонуниятларга амал қилмаганида, мувофиқликнинг типологик қонунияти бўлмаган воситалардан фойдаланади.

Таржима назарияси ва қиёсий типология бундай қонуниятларни излаш билан шуғулланиши керак, чунки ҳар қандай қатъиятсизлик асосида муайян қонуният ётади. Л. С. Бархударов бундай қатъиятсизлик ҳолларини ва таржима қилишда содир бўладиган қийинчиликларни ҳам кўрсатиб ўтса-да, уларни таржима назариясига киритмайди¹.

Қиёсий типология шуғулланадиган система Реал ва грамматик маъно мувофиқликларнинг топилиши таржима учун етарли эмас, чунки «таржиманинг вазифаси бошқа тилга грамматикани эмас, балки таржима тексти мазмунини етказишдир»².

Қиёсий типология ҳам, таржима ҳам асосланадиган умумий маънони тушунишда баъзи камчиликлар бор.

Агар умумий маъно қиёсий типология ва таржима учун бир хил бўлганида, бу иккала мустақил фан ўртасида фарқ бўлмасди.

¹ Л. С. Бархударов. Сущность перевода. Сб. Курс лекции по теории перевода. М., 1968, стр. 3.

² А. К. Жолковский, В. В. Леонтьев, Ю. С. Мартемьянов. «О принципиальном исследовании смысла при машинном переводе». Сб. «Машинный перевод». Труды ин-та ТМ и МВ АН СССР, М., 1961, стр. 18.

Маънонинг икки тури, яъни грамматик ва лексик тури қиёсий типология ва таржима учун умумий бўлган маъно, мазмун, контекст ва шунга ўхшашларда грамматик ва лексик маъно бор. Мазмун плани бирлигининг ана шу икки томонига асосланиб, қиёсий типология ва таржима назариясини бир-биридан фарқ қилинади. Икки тилда қиёслаш учун умумий маъно тарзида мавҳумлашган грамматик маъно олинади. Қиёсий типология типологиялаш ва таҳлил учун умумий маънони асос қилиб олиб, уни таҳлил қилиш ва типологиялаш билан шуғулланади. Ниҳоят, типолог бу воситаларнинг мувофиқлашув бирликларини топади. Таржимада эса мазкур текстдаги лексик бирликлардан келиб чиқадиган конкрет предмет ёки лексик маъно қиёслаш учун умумий маъно хизматини ўтайди. Конкрет маъно таржима учун мавҳумлашган грамматик маъно эса қиёсий типология учун асос бўлади.

М. А. Ҳаллидей лексика ва грамматиканинг асосий фарқ қилувчи хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «In other words there is a definable sense in which more abstraction is involved in grammar than is possible in lexis»¹.

Лексик бирликларнинг конкрет ва реал маънолари йиғиндиси умумий реал маънони, грамматик бирликларнинг мутлақ мавҳумлашган маънолари йиғиндиси эса умумий грамматик маънони акс эттиради. Таржима реал маънодан, қиёсий типология эса грамматик маънодан фойдаланади. Маънонинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ва бир-бирига ўтувчан бўлиб, уларнинг бири иккинчисини тақозо этади.

Қиёсий типология тилнинг грамматик инвентарига, таржима эса грамматик ва лексик инвентарига асосланади. Тил системаларини аниқловчи формал хусусиятларни қиёслаш билан машина шуғулланганда эди, бу иш текстни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишдан кўра осонроқ бўларди. Грамматик ярусда сўз муносабатини аниқлаш лексик ярусдагидан кўра осон, чунки «лексик ярусда сўзлар ўртасидаги алоқа фақат тил системаси билан эмас, балки ташқи борлиқ томонидан ҳам аниқланади»².

Типолог типологик қиёслаш орқали икки тилдаги мавҳум грамматик мазмун ифодаланишининг эквивалент формалари орасидаги мувофиқлашув қонуниятларини аниқлайди. Таржимон учун эса муайян маънони бир тилдан иккинчи тилга айлантиришида тил системаларининг мавҳумлашган моделлари керак бўлади. Ҳар бир лингвистик бирлик ҳам мавҳум грамматик маънони, ҳам конкрет материал (material) маънони ифодалагани учун таржимон бир йўла ҳар иккаласини мувофиқлаштириши

керак, чунки биринчиси, типологик системага асосланади, иккинчиси, соф таржима, яъни лексик бирликлар иштирокида англотиладиган реал маънонинг таржимасидир. Бу реал маънони денотатив (denotative) материал (material) ёки номинатив (nominative) маъно дейиш ҳам мумкин. Л. С. Бархударовнинг ёзишича, денотатив маъно таржимада жуда муҳим ҳисобланади¹.

Шундай қилиб, маънонинг икки тури, яъни реал лексик маъно ва мавҳумлашган грамматик маъно бор.

Реал лексик маъно лексик бирликларнинг кетма-кет бириканидаги маъно бўлиб, мавҳумлашган грамматик маъно грамматик элементлар ва формаларининг маъносидир.

Қиёсий типология тил бирликларини мавҳум планда ўрганса, таржимон уни умумий планда ўрганади.

Қиёсий типология тил системаларини қиёслайди, таржима эса бу системалар бирликларини тадқиқ этади. Бинобарин, реал ва мавҳум маъно мавжуд. Лексик маъно логик (предмет, асосий, тўғри, номинатив), аташ (атама) ва эмоционал² маъноларни англатади.

Реал маъно лексик бирликка, яъни сўзга, мавҳумлашган грамматик маъно эса турли грамматик бирликларга тааллуқлидир.

Реал маъно ва мавҳумлашган грамматик маъно бир-бирига боғлиқ бўлгани сингари таржима назарияси ва қиёсий типология ҳам ўзаро боғлиқдир.

Ҳар иккала боғлиқлик тўла акс этирилганидагина таржима адекватлиги сақланиши мумкин. Таржима адекватлиги деганда текстнинг реал маъносини аниқ баён этиш ва тил қондаларини сақлаб қолиш тушунилади³.

Қиёслаш ҳар бир тил системасини мустақил ўрганиш асосида олиб борилиши шарт. Тил системаларини қиёслашда реал маънодан фарқ қиладиган, мавҳумлашган формал грамматик маънога-таяниш керак. Реал маънони англотиш пайтида тегишли тил моделлари пайдо бўлади. Қиёсий типология қўшимча материал тарзида таржима асаридан ҳам фойдаланади.

Таржиманинг асосий мақсади конкрет маънони ифода этиш бўлгани учун бир категорияни бошқаси орқали ифодалаганда грамматик категориал маъно ўзгариши мумкин.

¹ Л. С. Бархударов. Языковые значения и перевод. Вопросы теории и методики преподавания перевода. Тезисы Всесоюзной конференции, М., 1970, стр. 15—16.

² И. Р. Гальперин. Очерки по стилистике английского языка. М., 1958, стр. 105—107 и след. Бу масалага акад. В. В. Виноградов анча мукамал тухтаган. Основные типы лексических значений слова, ВЯ, 1953, № 5. Яна: Т. Р. Левицкая и А. М. Фитерман. Теория и практика перевода с английского языка на русский, М., 1963, стр. 88.

³ Л. С. Бархударов. Некоторые вопросы теории перевода. Русский язык за рубежом 1968, № 1, стр. 101.

¹ M. A. Halliday. Lexis as a Linguistic Level In Memory of J. R. Firth, Edited by C. E. Bazell, T. C. Catford a. o. London, Longmans, 1966.

² А. Я. Шафкелгич. Распределение слов в тексте и выделение семантических полей. ИЯВШ. Теоретический сборник. Вып. II. Росвузиздат, 1963, стр. 14

ҚИЕСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА СТИЛИСТИКА

Comparative Typology and Stylistics

Қиёсий типология тилнинг барча яруслари бирликларини қиёслаш билан шуғулланади. У тил системалари ўртасидаги мувофиқлашувчи воситаларни аниқлайди ва тил иерархиясида маълум ўрин тутувчи барча тил яруслари билан тўғридан-тўғри алоқа боғлайди. «Коммуникативлик функциясини ўтовчи тил формаси умуман тил структурасини аниқлайдиган воситалар йиғиндисидан иборат», — деб ёзади Г. В. Колшанский¹.

Шундай қилиб, маълум аспект (фонетика, лексика ёки грамматика)нинг мазмун (формал) яруси бирлиги бўлган бирор лингвистик категорияни қиёслаётган типолог, лингвистик услуб масалаларини² эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

Қиёсий типологиянинг ўрганиш объекти жуда кенг. У тилнинг конкрет яруслари бирликларини қиёслаш билангина чегараланиб қолмай, балки бошқа лингвистик ва экстралингвистик категорияларни ҳам тадқиқ этади.

Чет тили ва она тили системаларини стилистик категорияларсиз қиёслаш тўлиқ қиёслаш бўлмайди. Икки тилдаги эквивалент формалар стилистик белгиланганлиги ва белгиланмаганлиги билан фарқ қилади. Ана шу фарқни аниқламай туриб, икки тилдаги формалар адекватлиги ва адекват эмаслигини аниқлаб бўлмайди.

Тиллардаги стилистик яруслар бирлигини қиёслаб ўрганувчи фан қиёсий стилистика (Comparative Stylistics), қиёсий аналитик стилистика (Analytic Comparative Stylistics) дейилади.

III. Балли бир тил стилистик ярусини ўрганувчи стилистикани ички стилистика (Inner Stylistics), стилистик белгиларни қиёслаб ўрганувчи стилистикани ташқи стилистика (External or Comparative Stylistics) деб атайдик³.

Услуб системасини таққослаб ўрганувчи бу фан ҳали янги бўлиб, бу соҳада қилинган ишлар етарли эмас⁴. XIX аср қиёсий-тарихий метод вакилларининг ишларида қиёсий стилистикага деярли қўл тегизилмаган. Ҳозир тил универсалияси билан шуғулланувчи типологлар эса тилнинг бошқа яруслари бирликларини ҳам тўла таққослаб бўлганлари йўқ. Энди чоп этилаётган айрим асарларда бу масала оз ёритилган.

Қиёсий типологияда стилистик нейтраллик ва стилистик белгиланганликни аниқлаш учун микростилистика ва макростилис-

тикаларга таянилади. Қиёсий типологик грамматикада микростилистик маркерлар ўрганилади.

Тилларнинг стилистик ярусини таржима асосида ва типологик йўл билан қиёслаш мумкин.

Қардош бўлмаган тилларни қиёслаганда типологик усул афзалдир. Системаси генетик қардош бўлмаган тилларда таржима асосида топилган формаларнинг яруслараро мувофиқлиги деярли сезилмайди. Қардош тиллар таржима қилинганда сўзлар сўзлар воситасида, морфемалар эса ўхшаш морфемалар воситасида ифода этилади.

Типологик қиёсий стилистика чоғиштирилаётган тиллар системаларининг ички стилистикаси натижаларига асосланади. Яъни, чоғиштирилаётган яруслар бирликларининг стилистик хусусиятлари ўрганилгач, маълум стилистик изоморфизм, алломорфизм ва стилистик универсалиялар тузилади.

Қиёсий грамматикада грамматик стилистика (Grammatical Stylistics) масалалари ўрганилади. Қиёсий грамматикада чоғиштирилаётган грамматик форма, конструкция (гапнинг стилистик белгиланган ёки белгиланмаганлиги) аниқланиб, ҳар икки тилдаги категория формаларнинг хусусияти типология нуқтаи назардан ўрганилади. Бу қиёслашнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Қиёслашнинг иккинчи босқичида эса уларнинг иккала тилдаги алоқаси, типологик изоморфлиги ва алломорфлиги аниқланади. Агар бир типологик категория бир вақтнинг ўзида турли ярус бирликлари воситасида ифодаланса, уларнинг биттаси, албатта, стилистик белгиланган бўлади. Кўпинча трансформацион вариантларнинг бири стилистик белгиланган бўлади, чунки ички структурани юзаки структурада ифодалашда, ҳам стилистик нейтрал, ҳам стилистик белгиланган формалардан фойдаланилади.

Ягона коммуникатив функцияни бажарувчи бирлик асосий инвентарь бўлиб, мазмун планининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Узининг структурал гетерогенлиги (турли-туманлиги)га кўра бۇ бирликлар (грамматик, лексик ва бошқалар) лингвистик иерархиянинг ҳар хил ярусларига тааллуқлидир. Улар эмоционал таъсирчанлигига кўра бир-бирларидан ўзаро фарқ қилади. Уларнинг ягона функция бажаришида услуб боғлиқлиги ва услуб нейтраллигининг баъзи таъсирий томонларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Мазмун планининг танланган бўлимини тадқиқ қилиш билан ифода плани формалари аниқланади. Аффеktivлиги ва аффеktiv эмаслигига кўра бу бирликлар стилистик нейтрал ва стилистик белгиланган бўлади.

Стилистик белгиланган ёки нейтраллиги жиҳатидан тутган ўрнига кўра ҳар бир ярус бирлиги маълум қатламларга бўлинади. Услуб жиҳатидан боғлиқ бўлган бирликлар тилнинг ифодаловчи воситалари ҳисобланади.

Лингвистик ва стилистик ярусларни қарама-қарши қўйиш, уларни коммуникатив ва стилистик функцияларга бўлиш, сти-

¹ Г. В. Колшанский. Лингвистические основы анализа языкового стиля. Тезисы докладов конференции «Проблемы лингвистической стилистики», МГПИИЯ им. М. Горького, М., 1969, стр. 66.

² О литературоведческой и лингвистической стилистике. И. Р. Гальперин. Общие проблемы стилистики. Сб. стр. 38—40.

³ Ch. Bally. Le Language et la vie. Paris. 1926, p. 88 ff. Батафси қаранг. Linguistics and Style. London, 1967, p. 15.

⁴ А. В. Федоров. Очерки общей и сопоставительной стилистики, М., 1971, стр. 6—7.

листиканинг лингвистикага қарама-қаршилигидан ва унинг ўз воситалари, бирликлари борлигидан дарак беради.

Турли тиллар системаларини типологик қиёслашда бу тиллар системаларининг стилистик нейтрал (эмоционал белгиланмаган) ва стилистик белгиланган (эмоционал белгиланган) вариантларини аниқлашнинг аҳамияти каттадир. Икки ёки ундан ортиқ тил системаларининг релевант воситалари орасидаги қонуниятларни шу икки тил системасидаги стилистик нейтрал ва стилистик белгиланган вариантларини аниқлашдан туриб топиш қийин.

Типолог қардош ва қардош бўлмаган тиллар системаларини қиёсий типологик ўрганишида стилистик нейтрал ҳамда стилистик белгиланган бирликларни аниқлаш билан шуғулланишга мажбур, чунки қиёсий типология қиёсланаётган тилларнинг баъча системаларини ўрганади.

Қиёсий типологик стилистиканинг вазифаси аниқ бир тилнинг стилистик ярусини қиёсий ўрганиш, миллий тилнинг стилистик хусусиятларини аниқлаш, қиёсланаётган тилдаги стилистик хусусиятларни ифодаланишининг умумийлиги ёки ўзига хослигини аниқлаш ва ниҳоят, тиллардаги бирор функционал нутқ стилистикасини баён этишнинг муайян қонуниятларини топишдан иборат.

Таржима назарияси ва қиёсий типология ҳақида Е. Г. Эткин д қуйидагиларни ёзади: «Таржима назариясининг вазифаси икки қиёсланаётган тилдаги «Функционал ўхшаш» ички манбаларни топишдир. Бу манбаларни топадиган фан қиёсий стилистика, деб аталмоғи керак»¹.

Мустақил фан бўлмиш қиёсий стилистиканинг тадқиқот доираси анча кенг бўлиб, лингвистик муаммолардан ташқари адабиётшунослик масалалари, яъни мелодика (шеър вази), ямб ва ёзувчи тилининг адабий стилистик бирликларини қиёслашнинг ўз ичига олади.

Икки яқин қардош тил структурасида типологик қардошлик бўлиши мумкин, аммо адабий стилистик планда баъзан бундай қардошлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Барча грамматик яқинликлар стилистик яқинлик бўлмайди. Масалан, генетик яқинлигига қарамай рус ямби ва украин ямби бир-биридан катта фарқ қилади»².

Мазкур масала адабиётшуносликнинг қиёсий стилистикасига тааллуқли бўлиб, унинг асосий умумлаштирувчи ва фарқ қилувчи хусусиятларига И. Р. Гальперин³ ўз асарларида муфассалроқ тўхталган.

¹ Е. Г. Эткин д. Теория художественного перевода и задачи сопоставительной стилистики, Сб. Теория и критика перевода, Изд-во ЛГУ, 1962, стр. 28. Шундай фикрни А. В. Фёдоров ва б. қ. лар ҳам ёзади: Очерки общей и сопоставительной стилистики. М., 1971.

² Г. Когу р. Стихотворный размер и перевод, Сб. Актуальные проблемы теории художественного перевода, М., 1967, стр. 46.

³ И. Р. Гальперин. Общие вопросы стилистики. Сб. Научная конференция. Проблемы лингвистической стилистики, М., 1969, стр. 37—40.

Тилнинг стилистик нормасига риоя қилиб, бирор категориал маънони ифодалайдиган форманинг мос вариантларини топиш мўҳим аҳамиятга эга. Гап шундаки, мазмун планининг бирор бирлиги маълум форма билан ифодаланиши ва бу формаларнинг эса бир қанча синонимик варианты ёки трансформацион синонимлари бўлиши мумкин. Трансформацион вариантлар турлича функцияни бажаради. Қиёсий типология мувофиқ келадиган воситаларни топиш билан бирга уларнинг қўлланилишидаги фарқларни ҳам кўрсатиб бериши керак.

Қиёсий типология ифода планидаги маънони моделлаштириш ва формулага солиш билан шуғулланади. Бу моделларни бирор тил системасини акс эттирадиган ягона моделлар, деб айтиб бўлмайди, албатта. Уларни умумий ва стилистик образли моделларга бўлиш мумкин. Умумий ва стилистик образли моделларнинг бўлиши, ҳар бир грамматик категория учун хосдир. Умумий ва стилистик образли моделларнинг мувофиқлашуви маълум қонуниятларга бўйсунди. Бирор маъно ифодаланишининг турли стилистик вариантлари бошқа тилда махсус тил воситалари билан ифода этилиши мумкин.

Стилистик вариантлар соф грамматик вариантларга нисбатан кам учрайди.

Тилнинг типологик микростилистик белгилари сўз, аффиксал морфема, сўз бирикмаси ва гап яруслари бирликларида учрайди:

1) сўз ярусида стилистик белгиланганлик сўзларнинг вариантларида, чет тиллардан кирган сўзлар, эскириб қолган тарихий сўзлар ва синонимларда ўз аксини топади. Сўзларнинг қисқартирилган ёки кенгайтирилган вариантлари ҳам қўлланиши мумкин:

Othello. He hath confess'd
Desdemona. What, my lord?
Othello. That hath us'd thee.

ошино (ошна), нома (хат), хокида (тупроғида, кулида), чароғ (чироғ), битмоқ (ёзмоқ), бўй (ҳид, ис), ё (ёй), ила, била, бирлан (билан) ва бошқалар.

2) морфема ярусида ҳам кам ишлатилувчи, тарихий вариантларга кўпроқ асосланади:

Othello. Out, strumpett! weep'st thou for him to my face?

еткуп¹, паришонм е н, камситмагил, замонин (замонининг ўрнида), -му (-ми ўрнида): Оҳимданму. -мам (-ман ўрнида): келтирмам¹ ва бошқалар.

¹ Ўзбек тилидаги мисоллар асосан Э. Воҳидовнинг «Ёшлик девони» дан олинди, Т., 1969.

3) сўз бирикмаси ва гап ярусларида ҳам эскириб қолган, фақат маълум стилистик мақсадни кўзлаб қўлланиладиган вариантлар учрайди. Бунда сўз тартибини ўзгартиришдан, қисқартиришдан, сўз ўйинлари, метафора ва шу кабилардан ҳам фойдаланилади:

Уйладим шу тонг, неча йил
Дашту саҳролар кезиб,
Таклифи сайл айламабдир
Не учун Қайс Лайлига!...

Ҳажрдин тор бу кўнгилга
Шуъла афшондир кўзинг.
Ё магар кўнглим йўқолган
Тор шабистондир кўзинг²...

Нисбатнинг стилистикага оид масалаларни қиёсий планда кўриб чиқишдан асосий мақсад инглиз ва ўзбек тилларида нисбат системалари ўртасидаги умумийлик ва фарқни аниқлашдир. Қиёсланаётган тилларда мувофиқлашувчи воситаларни ва тегишли формалардаги қонуниятларни аниқлаш учун бу жуда муҳимдир.

Инглиз ва ўзбек тилларида феъл формалари бошқа сўз туркумларига қараганда анча тараққий этган. Сўз негизида, унинг формаларида ва шунингдек, феъл бирикмаларида стилистик боғлиқ бўлган ҳоллар учрайди. Стилистик боғлиқлик қўйидаги бирликлар билан ифодаланади:

- 1) тўғридан-тўғри феъл негизи билан;
- 2) нисбат аффикси билан;
- 3) феъл бирикмалари билан.

Бу бирликлар иштирокида мажҳул, ўзлик, биргалилик, каузатив каби нисбат маънолари ифода этилади.

Нисбатнинг бирор бўлаги билан боғлиқ бўлган феъл негизлари, феъл формалари ёки конструкцияларининг стилистик ёки эмоционал таъсирчанлиги, белгиланганлиги ёки белгиланмаганлигига қараб бир-биридан фарқ қилувчи синонимик вариантлари бор.

Феъл негизларининг стилистик боғлиқлигини кўриб чиқишни қўйидаги сабаблар тақозо қилади: а) типологик мувофиқлаштириш нисбат системасига лексик ярусни ҳам киритишни талаб этади; б) инглиз тилида нисбат маъноси лексик-грамматик усуллар билан ифодаланади, яъни нисбат лексик-грамматик категориядир. Инглиз ва ўзбек тилларидаги феълларни икки гуруҳга, яъни стилистик белгиланган ва белгиланмаган гуруҳларга бўлиш мумкин.

Ўтимли-ўтимсиз феъллар билан белгиланганликни ҳам стилистик белгиланганликка киритамиз.

¹ Ўша асар. 19-б.

² Ўша асар. 29-б.

Феъл формаларининг стилистик боғлиқ ёки нейтраллиги ҳам инглиз, ҳам ўзбек тилига хосдир.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА МЕТОДИКА

(Comparative Typology and Methods of Language Teaching)

Қиёсий типологияни чет тилларни амалий ўқитиш методикасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Тиллар системаларни қиёслашда типология ҳар бир тил системасининг хусусиятини аниқлайди. Қиёсий типология қардош бўлмаган ёки турли структурали тилларни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, методика типология аниқлаган турли тил системалари бирликларининг адекватлик ва адекватсизлик қонуниятларидан фойдаланади.

Чет тилига ўргатиш ишини ўқитувчи турли ярус бирликларини она тилдаги бирликлар билан қиёслашдан масалан, товуш системаси ва товушларнинг дифференциал белгилари, унли ва ундош фонемаларнинг артикуляция усули, морфемалар, конструкцион моделларни қиёслашдан бошлаши мумкин.

Тилни қиёслаб ўқитиш чет тилларни ўқитиш методикасида ягона метод бўлмай, балки тил ўқитиш методикасининг бир туридир.

Инглиз ва ўзбек тилларини қиёслашнинг баъзи умумий методологик масалаларини кўриб чиқамиз. Инглиз ва ўзбек тиллари қардош бўлмагани ва турли структурада бўлгани учун ҳам қардош бўлмаган тилларни қиёслаш масалаларигагина тўхтаймиз.

Икки тилни қиёслашнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти бор.

Қиёслашнинг назарий аҳамияти ҳар бир қиёсланаётган тил системасининг типологик таҳлили, структурал хусусияти, асосий система бирликларини ифода ва мазмун планида таксономик хусусиятларини аниқлаш, ҳар бир ярусни инвентаризация қилиш ҳамда морфемаларга ажралиши билан таништиришдан иборат.

Қиёслашнинг амалий аҳамияти эса қиёслашдан олинган натижаларни ўқитиш жараёнида татбиқ қилинишидадир. Биринчиси назарияни яратади, иккинчиси шу назарияни амалда қўллайди. Биринчиси ўрганиш билан, иккинчиси эса ўқитиш билан боғлиқ.

Маълумки, илмий-методик адабиётда ҳанузгача қиёслашда қайси тилга, иккинчи тилгами, она тилигами ёки дифференциал ҳолга таяниш керакми, деган масала тўла ҳал қилинмаган.

Қиёслашда ўқитиш жараёни типологик таҳлил натижаларига асосланади, яъни чет тилдаги бирор грамматик категорияни тушунтиришда типологик тадбир жараёнида аниқланган баён этиш системаларидан фойдаланилади. Методика эса қиёсий

грамматиканинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи босқич натижаларидан, яъни танланган категория моҳиятини англатишда типологик тадбирнинг биринчи босқичи натижаларидан қиёсий баён этишда эса иккинчи босқич натижаларидан фойдаланади.

Ҳар хил яруслардаги категорияларни ифода этиш учун методикага нисбий типологиянинг ҳулосалари даркордир. Чунки қиёсланаётган тилларнинг бирида маълум категориянинг бўлиши, иккинчисида эса мазкур категория бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, инглиз тилидаги перфект, аниқлик-ноаниқлик ва бошқалар мустақил категорияга ажратилади, ўзбек тилида эса уларни ифодалашга махсус грамматик формантлар йўқ.

Худди шунингдек, ўзбек тилида предлог йўқ, улардан фойдаланишда турли усуллар қўлланилади. Масалан, агар инглизча *In* предлогига ўзбек тилида *и ч и д а* сўзи тўғри келса, бу ўзбек тилидаги *и ч и д а* сўзи предлог, дегани эмас. Ёки ўзбек тилида олти келишик бор, бу инглиз тилидан ҳам олти келишик формасини излаш керак, деган маънони англатмайди. Бирор категория қиёсланаётган тилларнинг бирида бўлиб, бирида бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ҳозирги инглиз тили учун перфект категорияси, яъни бинар оппозицияси **perfect — non-perfect** хос бўлиб, бу категориянинг маъноларини ўзбек тилида турли конструкциялар иштирокида англатиш мумкин бўлса ҳам, бу тил учун хос эмасдир.

Нисбат мустақил категория сифатида ҳозирги ўзбек ва инглиз тилларида ҳам бор. Нисбат категориясини ҳозирги ўзбек тилида қиёслаш анчагина қийин, чунки ўзбек ва инглиз тиллари турли системага тааллуқлидир.

Ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида нисбат категорияси турли формаларда ифодаланади. Мазкур категория ясаилишининг асосий усулларини, феълларнинг лексик-грамматик таснифини аниқлаш ва баён этиш методикаси ифода планида ҳам, мазмун планида ҳам методика учун катта аҳамиятга эга. Назарий планда қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим:

а) нисбат категориясининг бирор тил яруси билан муносабатига;

б) аналитик ва аналитик бўлмаган формалар (синтактик конструкциялар)ни фарқ қилиш муаммоларига;

в) феълларни семантик таснифлашга;

Турли системада бўлишига қарамай, инглиз ва ўзбек тилларининг ўзига хос структура хусусиятлари борлиги каузатив феълларни қиёслаб ўрганиш борасида амалий аҳамият касб этади.

Чет тил ўқитишда
она тилининг интерференцияси

Қиёсий типология бир тил системасининг иккинчи тил системасига салбий таъсир кўрсатишини бартараф этишда катта аҳамиятга эга. Она тили билан қиёслаб ўрганиладиган

чет тили ўртасидаги фарқ қилувчи хусусиятларнинг чалкаштири-

лишини *интерференция* дейилади¹. Интерференция процесси тиллараро алоқа ва билингвизм (икки тиллик) билан ҳамбарчас боғлиқ.

Маълумки, бола ёшлигидан она тилида гапиришга одатланган бўлади, бу ҳол энди ўрганишга киришилган чет тили системасига таъсир этмай қолмайди. Бунда тиллараро аналогия (ўхшатиш)нинг хизмати катта.

Интерференциянинг хусусиятига кўра уни лингвистик, лингвopsихологик, методика ва типология нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Интерференциянинг тиллараро ва бир тил системасидаги турлари мавжуд².

Интерференция тилшунослик иерархиясининг турли яруслари билан бўлган алоқасига кўра фонетик, лексик ва грамматик бўлиши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ тил системаларини қиёсий ўрганиш фонология, лексика ва грамматика системаларининг дифференциал хусусиятларини аниқлаш ҳамда чет тили ўқитишда она тилидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни аниқлаш учун интерференция ўрганилади³.

Демак, интерференцияни назарий жиҳатдан ўрганилганда типологик изоморфизм ва алломорфизм аниқланади, амалий жиҳатдан ўрганиш эса чет тил системасига она тили системасининг таъсирида тил ўрганишнинг дастлабки босқичида пайдо бўлган хатоларни бартараф этишга ёрдам беради. Чет тилни она тили заминида ўқитилганида интерференциянинг ижобий ва салбий томони бўлиши мумкин.

Интерференциянинг ижобий томони шундаки, ўқувчиларнинг она тили соҳасидаги билим ва малакалари тўғри аналогияга асосланади. Ўқувчилар аналогиядан фойдаланиб сўз формалари, конструкция ва гаплар тузишлари, талаффузни ўрганишда артикуляция ҳолатини қиёслашлари мумкин. Она тилидаги структурал моделлар чет тилда ҳам худди шундай моделлар ясашга имкон беради.

Интерференциянинг салбий томони, чет тили ўқитиш жараёнида, шу тил системасига она тили системасининг салбий таъсир этишидир.

Она тили системаси ўрганилаётган чет тилига таъсир этмай қолмайди. Гибрид (аралаш) тилларнинг пайдо бўлиши она тилининг таъсирига мисол бўла олади. Масалан, баъзи маҳаллий тиллар системаларининг кучли таъсири оқибатида махсус тиллар пайдо бўлган:

1) Pidgin-English Шарқий Хитой ва Японияда;

¹ В. Ю. Розенцвейг, Л. М. Уман. Интерференция и грамматические категории. Исследования по структурной типологии. Изд-во АН СССР, М., 1963, стр. 104.

² А. Л. Карпин. Явление лексической интерференции при контакте русского и немецкого языков и пути её преодоления. Автореферат к. д., М., 1969, стр. 8.

³ А. Л. Карпин, ўша автореферат, 22—23 ва ундан кейинги бетлар.

2) Beach-la-Mar English Тинч океани қирғоқларида;

3) Kгоо-English. Африкада.

Маҳаллий тилнинг талаффузи, интонацияси, грамматикаси, лексик хусусиятларига таяниб, она тили интерференциясини талаффуз, интонация, грамматика, лексика интерференцияси ва ҳоказоларга ажратиш мумкин.

Она тили системасига таяниб, бошқа тилни ўқитишда, шубҳасиз, дидактиканинг асосий принципларига амал қилиш керак. Чет тили ўқитиш тил иерархиясининг мавҳумлашган система-сини ўргатишни ва нутқ фаолиятига ўргатишни ўз ичига олади.

Бу тасниф анализ ва синтез билан, маълум бир тилни алоҳида ва комплекс (қўшиб) ўқитишни тақозо этади. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, улардаги фикрлашнинг ўсиш даражасини, ўқитиш босқичларини, ўз она тилини билиш, она тили ва ўрганилаётган тил системалари ўртасидаги типологик яқинлик ва узоқликни ҳамда бошқа бир қанча омилларни назарда тутиши керак. **Ҳар бир тил грамматикаси маълум тил системасини ташкил этади.** Шунинг учун ҳам грамматикани ўргатиш тил системасини ўргатиш демакдир. Она тили интерференциясини она тили ва чет тил системалари ўртасидаги фарқни онгли равишда кўрсатиб бериш билан бартараф этиш мумкин.

Интерференцияни бартараф этиш учун иккала тил системаси тўла ва қисман қиёсланади.

Тўла қиёслаш чет тили ўқитишнинг анча кейинги босқичларига оид бўлиб, ўрганилаётган тилларнинг бирида баён этилади.

Қисман қиёслаш амалий мақсадни кўзда тутиб, чет тили ўқитишнинг бошланғич босқичига тааллуқлидир.

Қисман қиёслашда чет тили системасига салбий таъсир этадиган она тили воситалари онгли равишда танланади ва уларни бартараф этишнинг асосий йўллари аниқланади.

Қиёслаш методининг мақсади чет тили системасини она тилидаги ўхшаш бўлмаган воситалар таъсиридан халос этишдир.

Қиёсланаётган иккала тилдаги лингвистик бирликларнинг ўхшаш эмаслиги умумий бўлиши ёки маълум бир грамматик категориягагина хос бўлиши мумкин.

Ҳар иккала тилнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги лингвистик бирликларнинг ўхшаш бўлмаслигига олиб келади.

Қисман қиёслаш методига муайян грамматик категорияни ифода этишда аниқланадиган маълум ўхшаш бўлмаган ҳодисалар киради. Масалан: от категорияси ҳар иккала тил системасига оид бўлса ҳам, бу тиллар структурасининг гетероген (ҳар хил) лиги муносабати билан ҳар иккала тилнинг фақат биттасигагина хос бўлган бир қанча хусусиятлари мавжуд:

1) аниқловчининг отдан олдин келиши ва отни олмош, сифат, сон туркумлари орқали аниқланиши инглиз ва ўзбек тиллари системасига хос хусусиятдир, масалан:

This book Бу китоб
his book унинг китоби
some books бир қанча китоб

Артиклнинг инглиз тилида бўлиб, ўзбек тилида йўқлиги эса фарқ қилувчи хусусиятдир.

a book — the book
an apple — the apple

Аниқлик ва ноаниқлик маъноси мазмун планида ҳар иккала тил учун хос, аммо бу маъно махсус маркерлар билан ифодаланмаганлиги учун ўзбек тилининг ифода планида мустақил категория сифатида ажратилмайди. Аниқлик категориясини ифода этишда қўлланадиган лексик-грамматик бирликлар асосий мувофиқлашувчи бирликлар ҳисобланади. Улар олмош, сон, сўз ясовчи ва форма ясовчи морфемалар ва бошқа воситалардир, масалан:

Give me the book lying on the table.
Менга стол устидаги (устидан турган) китобни беринг.

Бу мисолдаги аниқ артикль ўзбек тилида қўшимча лексик-грамматик аниқлик маркери *-даги* воситасида ифода этилган. Бунда она тили интерференцияси бўлиши мумкин эмас.

2) махсус категориал аффиксал морфеманинг борлиги ҳар икки тил системасига тааллуқли:

а) инглиз тилида асосан кўплик сон флексияси *-(e) s* бўлиб, қатор бошқа усуллар ҳам мавжуд.

Масалан:

man — men
ox — oxen
datum — data

Ўзбек тилида грамматик кўплик маъно асосан *-лар* қўшимчаси ёрдамида ифода этилади.

б) инглиз тилида қаратқич келишиги флексияси ягона морфема *-s* бўлиб, унинг ишлатилиши киши номлари билан чегараланган. Бу морфеманинг синоними сифатида *of* предлоги ишлатилади.

Ўзбек тилида эса қаратқич келишиги морфемаси *-нинг* ишлатилиши чегараланмаган. Ўзбек тилидаги келишик системаси инглиз тили келишик системасига таъсир этади. Шу сабабли инглиз тилидаги турдош отни ўқувчилар қаратқич келишигида қўлланганларида интерференция ҳолати рўй беради.

Шахс категорияси ҳам қисман ўхшаш бўлмаган интерференцияли ҳолларга киради. Ўзбек тилида «мен келдим» ўрнига

«келдим», «сен келдинг» ўрнига «келдинг» дейиш мумкин. Аммо инглиз тилида бундай деб бўлмайди, чунки шахс қўшимчалари йўқ.

Она тили таъсирида ўзбек ўқувчилари ўз нутқида феълдан олдин олмошни тушириб қолдиришлари мумкин: I came ўрнига came.

Эгалик олмошлари инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бўлишига қарамай, улар ўртасида маълум тафовут бор, чунончи: инглиз тилидаги боғланган (conjoint) эгалик олмошлари формалари ўзбек тилидаги қаратқич-келишигидаги кишилик олмошларига, мустақил (absolute) эгалик олмошлари ўзбек тилидаги эгалик олмошларига тўғри келади. Масалан, **my, your, his, her** кабилар инглиз тилида эгалик олмошлари бўлса, ўзбек тилида уларга мос келувчи мен инг, сенинг, унинг каби олмошлар кишилик олмошларидир.

3) инглиз тилида отлар олдидан ёрдамчи сўзлар (предлоглар function words) нинг қўлланилиши инглиз тилидаги от туркумига хос хусусиятлардан биридир, чунки инглиз тилида отлар флексияга бой эмас. Баъзи инглиз предлоглари ўзаро синонимдир. Чунончи, ўзбек тилидаги жўналиш келишиги N+га инглиз тилидаги to+N, into+N, on+N, on+N, towards+N, at+N структураларига мувофиқ келади. Бу эса ўқувчилар предлог таълашларида хато қилишига сабабчи бўлиши мумкин. Ўқувчилар учун қийинчилик туғдирадиган ҳоллардан бири инглиз тилидаги from+N предлоғи бирикмаси ўзбек тилидаги N+ дан формасига баъзан мувофиқ келиши ёки аксинча бўлишидир. Ўқувчилар кўпинча I asked him ўрнига I asked from him тарзида предлогни ноўрин қўллашади.

4) она тилининг интерференцияси сўз тартибини нотўғри қўллашга ҳам сабабчи бўлади. Маълумки, инглиз тилидаги турғун сўз тартиби энг асосий грамматик белгилардан ҳисобланади, ўзбек тилида эса келишик системасининг тараққий этганлиги сўз тартибини турғун қўллашни қисман тақозо этмайди. Ўзбек тилида сўз тартибининг нисбатан эркинлиги инглиз тилидаги турғун сўз тартибининг бузилишига олиб келади. Масалан: **The cat ate the mouse** *Мушук сичқонни еди*. Инглиз тилида сўз тартиби ўзгарса, мазмун ҳам ўзгаради: **The mouse ate the cat** *Сичқон мушукни еди*. Инглиз тилидаги турғун гап тартиби англатадиган фикрни ўзбек тилида сўзлар ўртасидаги алоқани ўзгартирадиган махсус грамматик белгилар воситасида англатса бўлади.

Чет тили системасини яхши ўзлаштириш онглилик принципини қўллай олишга боғлиқ. Грамматика тилининг энг мавҳумлашган системасини акс эттиради. У билан танишишда энг осон йўлни қидириш лозим. Бу йўллардан бири чет тили ўқитиш босқичларини эътиборга олиб, материални она тилида баён этишдир. Материални она тилида баён этиш чет тил ўқитишнинг дастлабки босқичида, тил аспектиларининг хусусиятини назарда

тутиб, амалга оширилади. Грамматикага келсак, у лексик материални ўқитишдан олдин ўтилиб, ўқувчиларнинг ўз она тилида ўргатилиши керак.

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯ

Comparative Typology and Lexicography

Қиёсий типология лексикография билан, яъни луғат, сўзлик, сўзлашув китоблари тузиш билан бевосита алоқадордир. Лексикография мустақил фан сифатида ажралиб чиққанига унча кўп вақт бўлмаган бўлса ҳам дастлабки бир тилли луғатлар, сўзликларнинг минг йиллик тарихи бор. Бундай илк асарларни қадимги юнонларда учратамиз. Ҳозирги вақтда луғатларнинг турли-туман хиллари мавжуд бўлиб, улар маълум тилнинг семантикаси, этимологияси ва структураси хусусиятларини акс эттиришига кўра **изоҳли (defining), этимологик (etymological), фразеологик (phraseological), терминологик (terminological) орфографик (orthographic) луғатлар, қисқартма сўзлар луғати** ва шунингдек, кимлар учун мўлжалланганлигига кўра **мактаб (School dictionary), математик (mathematical), лингвистик (philological, linguistic), энциклопедик луғатларига бўлинади**. Қиёсий типология ва лексикографиянинг амалий аҳамияти, илмий изланишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Лексикографиянинг бошқа фанлар билан бўлган алоқаси тобора ортиб бормоқда.

Лексикография амалий фан бўлиб, у тилшунослик ва бошқа фанлар эришган ютуқлардан амалий фойдаланади¹. Лексикография автоматика ёрдамида сўзлик материалларини танлашда, таҳрир қилишда, сўзларни семантик график ва формал гуруҳларга ажратишда, сўз туркумларини аниқлашда, перфокарталар, механографик картотекалар тузишда ва график кодификациялашда қиёсий типология эришган натижалардан фойдаланади.

Луғат мустақил ўқиладиган қўлланмаларнинг бири бўлиб, у фақат бирорта чет тилни ўрганишгагина эмас, балки она тилини ўрганишга ҳам ёрдам беради. Ҳар бир кишининг сўз бойлиги чегараланган, шу боисдан луғатлар ёрдамисиз бирор иш бажариш мушкул².

Мактаб луғатлари материални ниҳоят даражада аниқ баён этишни талаб этади. Луғатдаги бундай аниқликка фақат қиёсий типология ёрдамидагина эришиш мумкин.

¹ Бу хусусла америка тилшуноси Н. Франсис шундай дейди: «Although lexicography is an applied science, one that is concerned with the practical needs of users of a language, it is still a science». W. Nelson Francis. *The Structure of American English*. New York, 1958, p. 40.

² Martimere Adler. «How to Read a Dictionary», in Jack Gray's «Words, words, and words about Dictionaries», San Fransisco, 1963, pp. 58—59.

Икки тилли луғатларда сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик, семантик, синтактик ва имлога оид хусусиятлари берилади. Уларни баён этишда қиёсий типологиянинг тегишли бўлимлари, яъни фонологик, грамматик, лексик ва семантик типология эришган натижалардан фойдаланилади. Урганилаётган тиллар гарчи ҳар хил системага мансуб бўлиб бир-бирига қардош бўлмаса ҳам луғатларда сўзларнинг мос келадиган энг умумий ва турғун маънолари берилади. Буни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида кузатиш мумкин. Масалан, инглиз тили ҳолат категориясидаги сўзлар, артиклар, предлоглар ва модал сўзларнинг тўғридан-тўғри мос келадиган маънолари ўзбек тилида йўқ. Шунингдек, ўзбек феъл формаларининг ҳам инглиз феълларига мос келадиган формалари инглиз тилида йўқ.

Қиёсланаётган тиллар системалари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилмай туриб, икки тилли луғат тузиб бўлмайди, албатта.

Қиёсий типология каби лексикографик жараёни ҳам анализ ва синтез босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда луғат учун танланган сўзларнинг лингвистик анализи берилади. Бу босқичда маълум миқдорда лексик бирликлар танланиб, зарурий фонетик, морфологик ва сўз бирикмаларига, сўзлашувга ва стилистикага оид тавсифлар келтирилади. Лингвистик тавсифнинг кўп ёки камлиги тузилаётган луғатнинг хусусиятига боғлиқ.

Қиёсий типология анализ босқичида луғат тузувчига иш жараёнини тўғри ташкил этишда ёрдам беради ва маълум тил системаларига риоя қилиш учун йўл-йўриқ кўрсатади. Мазкур босқичга таяниб, синтез босқичига ўтилади, таржима қилинаётган тил (ТТ) даги адекват бирликлар ўрганилади.

Қиёсий типология билан лексикография ўзаро бир-бирига яқин эканлигини ифода этувчи талай хусусиятларга эгадирлар:

1. Қиёсий типология ва лексикография икки ёки ундан ортиқ тил системаларини тадқиқ эта олади, яъни қиёсий типологияда ҳам, лексикографияда ҳам икки ёки ундан ортиқ тил системасини қиёслаш ҳамда шу яруслар бирликларининг мос келиш қонуниятларини аниқлаш мумкин.

2. Қиёсий типология ва лексикография учун қиёсланаётган тилларнинг генетик қардошлиги ёки қардош эмаслигининг аҳамияти йўқ. Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, улар ўртасидаги генетик қардошлик қиёслаш жараёнини енгиллаштириб, сўз, морфема (аффиксал), синтактик ва бошқа ўхшашликлар типолог ва лексикограф ишини осонлаштиради.

3. Қиёсий типология ва лексикография бир тил системасида ва системаларо қиёслашга асосланади. Типологиядаги ички системалик турли ярус бирликларини типологик ўрганиш ва қиёслашдан иборат бўлиб, лексикографиядаги ички системалик эса изоҳли ёки мактаб луғатларини қиёслашни ўз ичига олади.

Типология ва лексикографиядаги системаларо қиёслашда турли тиллар системаларининг бирликлари қиёсланади. Бунга икки тилли луғатлар кириди.

Системаси қардош бўлган тилларда умумий қардош сўзларга таянадиган махсус луғатлар бор. Улар дифференциал луғатлар (differential dictionary) деб аталади.

4. Қиёсий типология ва лексикография ўз қиёслаш жараёнига тааллуқли бўлган яруслар бирликлари билан чекланиб қолмайди. Маълум бир грамматик категорияни қиёсланаётганда, грамматик ярусга кирмаган бирликларни истисно этиб бўлмайди.

Икки тилли луғатларни қиёслаётганда ҳам фақат сўз ярусини билан чекланилмайди, чунки сўз бирикмалари ва гап ярусисиз предлог, боғловчи, кўмакчи каби ёрдамчи сўзларни баён этиб бўлмайди.

Лексикография эҳтиёжларини типологик жиҳатдан ҳал этишни талаб қиладиган асосий масалалар қуйидагилардир:

1) туркий тиллардаги нисбат ясовчи суффикслар ўз хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қиладилар. Туркий тиллар системасида махсус аффиксал морфемалар бўлиб, уларнинг мажхул, ўзлик, биргалик, каузативлик каби нисбат маънолари сўз билан ифода этилади.

Туркологияда бу аффиксал морфемаларга сўз ҳамда форма ясовчилар деб қаралиши лексикограф учун айрим қийинчиликлар туғдиради, чунки аффиксал морфемалар нисбат ясовчи суффикслар ҳисобланса, ҳар бир феъл формасини мустақил олишга зарурат сезилмайди ва аксинча аффиксал морфемалар сўз ясовчи суффикслар ҳисобланилса, уларни луғатга мустақил лексик бирлик тарзида киритиш зарур бўлади. Масалан, ўзбекча-русча луғатда баъзи нисбат ясовчи сўзлар мустақил бирлик сифатида берилиб, баъзиларида бунга амал қилинмаган¹.

2) лексикографияда қийинчилик туғдирадиган нисбат категорияси маъноларини ифода этиш усуллари инглизча луғатларда ҳали тўлиқ ҳал этилмаган бўлиб, ўзбек тилшунослигида ҳам ҳозиргача муаммодир².

Кўрсатилган нисбат маънолари инглиз тилида ўзак морфемаси, сўз ясовчи морфема, аналитик формалар ва синтактик конструкциялар билан ифодаланadi.

Инглиз тилидаги туб негизни умумий аниқ нисбат маъносини англатадиган сўзлар ва каузативлик, ўзлик ёки шу сингари маъноларни англатадиган сўзлар гуруҳига бўлиш мумкин.

Битта феъл икки нисбат маъносини англатиши мумкин. Масалан: каузатив ва каузатив эмас, актив — пассив ва ҳоказо. Баъзи феъллардаги **-en**, **-ize**, **-en** сўз ясовчи морфемалар феълни каузативга айлантиради. Чунончи: **enrich** — **rich** бой, бойитмоқ,

¹ А. Ҳожиёв. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида феълларнинг берилиши. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, Т. 1962, № 5.

² Ўша асар.

centralize — central — марказлаштирмақ — марказий, strengthen — strength — мустаҳкамлатмоқ, куч қабилар.

3) қиёсий типология ва лексикография учун умумий бўлган яна бир масала турли хил ярусли трансформациядан фойдаланишидир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, лексикограф икки ёки ундан ортиқ нисбат маъносини англатадиган сўзларни бир вақтнинг ўзида баён этишда бошқа ярус бирликларидан фойдаланишга, яъни бу сўзларни синтаксис ярусига тегишли конструкция ёки гапда қўллашга мажбур бўлади. Луғат тузишни осонлаштириш учун аввало нисбат маъноларини баён этишнинг типологик воситаларини аниқлаш ва ана шуларга таяниб, инглиз ҳамда ўзбек тиллари системалари орасидаги асосий мувофиқ келадиган воситаларни, яъни турли ярусларда трансформацион синоним вариантларни топиш зарур.

Каузатив бўлмаган феълларга қарши қўйиладиган *move, warm, grow, walk* туридаги нолга тенг ўзгариш (zero modification) иштирокида ясалган иккиламчи (ясама) каузативларни қиёсий типологик ва лексикографик баён этишда трансформацион синоним вариантлар қўл келади. Ўзлик, биргалик ва бошқа маъноларни англатадиган феъллар ҳам шунга тааллуқлидир.

Типологик қиёслашнинг лексикографик масалаларини бир тил системасига таяниб типологиялаш ва тиллараро типологиялаш асосида кўриб чиқамиз.

Типологик қиёслашда ҳар бир қиёсланаётган тил системасини бошқа бир тил системаси натижаларига мувофиқ инвентарлаштирилади. Изоҳли луғат бир тил системасини типологиялаш асосида тузилса, икки тилли (ёки кўп тилли) луғат тиллараро қиёслаш натижаларига асосланиб тузилади.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ ТУЗИШДА ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ УЗАРО АЛОҚАСИ

Инглиз тилида грамматик маъноларнинг морфологик кўрсаткичи кам бўлганлиги учун изоҳли луғат тузишдаги асосий қийинчилик турли нисбат маъноларини фарқ қилишда, лексик ярус бирликлари ва сўзларни туркумлашдадир.

Ҳозирги инглиз тили лексикографияси учун қуйидаги масалалар ҳосил:

а) туб сўзларнинг нисбат маъноларини аниқлаш ва уларни туркумлаш;

б) ясама сўзларда нисбат системаси бўлган префиксли сўзлар ва суффиксли сўзлар муносабатларини аниқлаш;

в) нисбат системасига тааллуқли бўлган қўшма, ясама (Compound derived) сўз ясайдиган сўзларни гуруҳларга ажратиш;

г) бошқа тиллардан ўзлаштирилган феълларнинг категориясига, нисбатга алоқасини аниқлаш;

д) нисбат турлари билан боғлиқ конструкцияларни аниқлаш;

е) яруслараро трансформацион синоним вариантларни аниқлаш.

Изоҳли луғатларда маълум лексик бирликларнинг тавсифлари маъно жиҳатдан яқин сўзлар билан ифода этилади. Лексикограф муайян лексик бирликни тушунтиришда ҳар қандай воситага мурожаат эта олади, масалан, агар луғатдаги лексик birlik туб ўзакли сўз бўлса, уни изоҳлашда содда, ясама, қўшма сўзлар, сўз бирикмалари, конструкциялардан ва ҳатто гаплардан фойдаланиши мумкин.

Синонимлар луғати ҳам худди шу тартибда тузилади. Синонимлар луғати изоҳли луғатдан ўз ярусидagi маъноси энг яқин сўзларнинг берилиши билан фарқ қилади.

Изоҳли луғатда сўзни баён этишда лексикограф яруслараро трансформациядан фойдаланиб, каузатив маънони англатадиган сўзни каузатив конструкциядан ўзлик маъносини англатадиган сўзларни ўзлик конструкциядан, пассив маъно англатадиган сўзларни пассив конструкциядан фойдаланиб шарҳлайди.

Ҳозирги инглиз тилида каузативликни ифодалашнинг морфологик усуллари йўқ бўлганлиги учун мазкур категория лексик ва синтактик ярусларда баён этилади. Ҳозирги инглиз тили феъл системасидаги каузатив маъноли, аммо каузативлик хусусияти турлича бўлган қуйидаги феълларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: *advice, allow, ask, beg, bid, cause, challenge, change, command, compel, coerce, constrain, dare, declare, dye, direct, drive, expect, enable, force, forbid, intend, invite, impel, get, keep, lead, leave, let, make, mean, motion, oblige, order, press, permit, prevent, paint, remind, render, start, send, set, stop, teach, tell, tempt, trouble, trust, turn, urge, warn.*

Каузатив маъноли феъллардан фақат бир нечтасини келтирамиз, холос: *cause, compel, coerce, force, make, oblige, order, permit, command, urge.*

Бу феълларнинг ҳозирги инглиз тили луғатида¹ қандай берилишини кўриб чиқамиз:

cause феъли умумий рўйхатдаги *make, compel, lead, induce* сўзлари иштирокида тушунтирилади. Масалан: *It caused him to smile.*

compel феъли *urge, oblige, force* феъллари орқали изоҳланиб, *coerce, constrain, drive, force, make, necessitate, oblige, compel* феъллари синоним тарзида келтирилади.

coerce феъли *compel, force, constrain, impel* иштирокида баён этилади.

¹ Funk and Wagnalls. New Standard Dictionary of the English Language, 1966.

force феъли cause, drive, compel, constrain, to cause, to act, to move, to drive or impress forcibly upon some object or into some position, to accomplish by force, to produce, (an effort) or bring to pass (a result) by; as by force, effort, exertion каби каузатив конструкциялар ёрдамида изоҳланади.

make феъли cause, force, compel, induce, constrain орқали ҳамда to cause, to exist, to call, into being or distinct existence, to cause by compelling or constraining power каузатив конструкцияларини қўллаш билан шарҳланади.

oblige феъли force, compel иштирокида.

order феъли to cause, to give a command, to regulate иштирокида,

permit феъли (allow), give leave, let иштирокида,

command феъли order, bid, to exact, to compel, to control, charge, require, to build under one's dominion or control орқали,

urge феъли эса to press (in any direction), apply force, to drive, to compel орқали шарҳланади.

Юқоридаги мисолларга кўра каузативликни ифода этишда каузатив феъллар доираси бир-бирини изоҳловчилар хизматини ўтайди. Шу йўл билан бошқа семантик гуруҳни ташкил этувчи феълларни ҳам шарҳлаш мумкин.

Инглиз тили синоним ва антонимлар луғатида каузатив маъноли 10 та **cause, command, coerce, compel, force, make, oblige, order, permit urge** феълидан фақат **compel** ва **make** феъл тарзида **cause, order, permission** эса от тарзида берилиб, қолган бештаси умуман берилмаган.

Қолган бештаси синонимлар луғатига кирмай қолган бўлса ҳам, улар олдинги бешта феълни изоҳлашда қўлланилган. **Coerce, constrain, drive, force, make, oblige, necessitate** феъллари **compel** каузатив феълнинг синоними тарзида берилган.

Қуйидагилар **make** феълнинг синоними тарзида берилган,

become	constrain	frame
bring about	construct	get
bring into being	create	make out
bring to pass	do	make up
build	effect	manufacture
cause	establish	occasion render
compel	execute	originate require
compose	fabricate	perform shop
constitute	fashion	produce
	force	reach

Луғатда **order** феълнинг от маъноси берилган. Каузатив маъноли феъллардан ясалган **command, direction, injunction, instruction, mandate, prohibition, requirement** отлари **order** феълга синоним тарзида берилган.

Шундай қилиб, бир семантик гуруҳга кирадиган феъллар бир-бирини изоҳловчи ёки бир-бирини аниқловчи саналади.

Икки тилли луғатларда сўзнинг нисбат маъноси изоҳли луғатда бошқачароқ берилади. Икки тилли луғатларда эквивалент сўзлар ўз доирасида синоним ҳисобланиб, қолганлари унинг вариантлари тарзида ишлатилади. Масалан, to force каузатив феълларнинг бир тил системасидаги синонимлари to cause, compel, constrain, make, coerce, oblige дир.

Force сўзининг ўзбек тилида тиллараро эквиваленти синонимик вариантлар *мажбур қилмоқ, мажбуран қабул қилмоқ, зўрлаб бўйинга қўймоқ, зўрламоқ* ва бошқалар орқали ифода этилади.

Инглизча force сўзини ифодалаш учун лексикограф ўзбек тилида каузатив феъллар ва конструкцияларнинг талай рўяхатини тузиб чиқиши керак бўлади.

ИККИ ТИЛЛИ ЛУҒАТЛАР ТУЗИШДА ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ АЛОҚАСИ

Қиёсий типология ва лексикографиянинг ўзаро алоқаси кўпроқ икки тилли луғатлар тузишда намоён бўлади. Улар ўртасидаги алоқани аниқлашда лингвистик ва нолингвистик фактор (омил)ларнинг аҳамияти катта.

Лингвистик омил материални типологиялаш билан боғлиқ бўлиб, типологиялашда тиллар системаларининг қардошлиги ва тиллар системаларининг ишланганлиги муҳим роль ўйнайди.

Тиллар системаларининг қардошлиги лексикограф учун маъдум даражада енгиллик яратади. Чунки қардош тилларда тарихий тараққиёти ўхшаш бўлган сўзлар кўп учрайди. Бу сўзларда лексик ўхшашлик грамматик ўхшашлик билан биргадир¹. Мазкур масаланинг тил системалари яқин қардошлиги билан боғлиқлигини айтиб ўтиш лозим. Масалан, қардош бўлишига қарамай, рус, ҳинд, албан сўзлари бир-биридан олислашиб кетган.

Икки тилли луғат тузишнинг лингвистик жараёни бир тилли луғат тузишдан фарқ қилади. Бир тилли луғатларда таҳлил босқичи бир тил системасида инвентарлаштиришдан, икки тилли луғатларда эса икки тил системасида инвентарлаштириш ҳамда тиллараро мувофиқлаштиришдан иборат. Мувофиқлаштириш ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бир тилли луғатларда бир тил системасида мувофиқлаштирилса, икки тилли луғатларда тил-

¹ Дж. Буранов, Ю. Аглаев. Лексикографические принципы типологии чешского сопоставления языков. Иностранные языки в вузах Узбекистана, Вып. I. Ташкент, 1969, стр. 183—191.

лараро мувофиқлаштирилади. Бунда бир тилли лугатлар бир ярусли синоним эквивалентларга, икки тилли лугатлар эса тиллараро синонимларга таянади.

Ҳар иккала лугатда ҳам синонимлар ё трансформалашган, ё трансформалашмаган бўлади.

Сўзлар лексик ярус бирлиги бўлгани сабабли ҳар икки тилда ҳам биринчи навбатда ўша ярус эквивалентлари, кейин бошқа ярус эквивалентлари берилди. Синтаксис яруси бирликлари берилганида, ҳар бир сўзнинг тўла тавсифи ўз аксини топади.

Куйида бир ва икки тилли лугатлардан мисол келтирамиз.
cast [ka:st] *vt*, cast, casting. 1. To throw. 2. To deposit (a ball, etc). 3. To shed (a shell, skin). 4. To calculate. (accounts). 5. To mold. 6. To allot the parts of (a play); to assign (an act or to a part).

— **Syn.** Fling, hurl, pitch, toss, sling, discard, figure, add.— *n*
1. A throw. 2. A throw of dice. 3. Anything put into or molded by a mold, as a statue, rigid surgical dressing. 4. A tinge, hue. 5. Appearance, look. 6. Anything shed or rejected, as the skin of a snake or shell of a crab. 7. The assignment of parts in a play to the actors; also, the group of actors to whom parts are assigned.¹

roadway [roudwei] *n* шоссе; мостовая; проезжая часть дороги².

Агар лексик ярус бирликларининг эквивалентларини ўзича сақлаб қолиш назарда тутилса, шу сўзни аниқлайдиган ёки маъносини тўлдириб келадиган сўзлар қавс ичида берилди: *roach*, *vt* and *vi*.

Thrust (stich, finger, etc. into etc); trample, cut up (turf etc. with hoofs; (of land) become sodden by being trampled; encroach, trespass (on person's preserves often fig., lands, etc), whence *er n.*, trespass on land (land etc), capture (game, fish) illicit or unsportsmanlike methods obtain (advantages start, in race) by unfair means; (Lawn Tennis) strike (ball.) in partner's court³.

Пломбир *m.* кулин. пломбир (қаймоқ, шоколад ва ҳ. к. дан қилинган мороженое)⁴.

Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар иккала лугатда ҳам тил яруслари бирликлари аралашиб кетади. Умуман синтаксиснинг ярус бирлиги лугатда маънони конкретлаштириш ролинини ўтайди. Ундан ташқари, айрим сўзлар фақат биринчи тилгагина хос бўлса, аввал синтаксис ярус бирлиги воситасида шу сўзлар тавсифини, кейин тахминий яқин эквивалент сўзларни бериш

¹ The Merriam-Webster Pocket Dictionary. USA 1958. p. 55.

² Англо-русский словарь, сост. проф. В. К. Мюллер, М., 1969.

³ H. W. Fowler and F. G. Fowler. The Concise Oxford Dictionary of Current English. London, 1958, p. 918.

⁴ Русско-узбекский словарь под редакцией Р. Абдурахманова. М., 1954.

мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан туркча-инглизча лугатда¹.

naib (—) one who acts for others;
substitute; judge, regent, viceregent.

Қорақалпоқча лугатда²:

жуздириў *v.* make smb. swim, float, to make smth float.

Ўзбек тили инглиз тилидан нисбат ясовчи аффиксларнинг кўплиги билан фарқ қилади. Шунинг учун инглизча-ўзбекча лугатлар ўзига хос хусусият касб этади.

Ўзбек тилида нисбат ясовчи суффикслар грамматик морфемага тааллуқли бўлишига қарамай, ҳар бир формани махсус лугат мақоласи тарзида бермоқ зарур. Ҳар бир форма инглиз тилида махсус мустақил сўз тарзида талқин этилади. Агар шундай қилинмаса, лугатда у ўз аксини топмайди. Масалан:

жойламоқ: 1) to place, invest, 2) to accommodate; to lodge 3) to (актив) pack; to lay;

жойланмоқ: to be settled, to be packed; to be accommodated; to be (пассив) helped to find room (seat), to be laid; to be placed in or on a seat; to be invested to be housed; to be located.

жойлашмоқ: to settle down, to find room; to place oneself; to find (рефлексив) place for oneself; to seat oneself; to provide seats for oneself.

жойлашмоқ: 1) to place (to pack, to invest to accommodate, to lay, (биргалик) to lodge) together; 2) to help someone to place (to pack, to invest, to accommodate, to lay, to lodge);

жойлаштирмоқ (каузатив) to place, to locate, invest to have (get) something placed (located, invested) to help someone to get accommodated, to let someone to place (locate, accomodate).

Юқоридаги феълларга яна *жойлаштирмоқ*, *жойлашилмоқ* феълларини қўшиш мумкин. Аммо уларнинг маънолари ҳам юқоридаги феъллар воситасида ифода этилади.

Ўзбек тилидаги нисбат формаларининг инглиз тилида мустақил сўзлар воситасида берилишига *ўлмоқ* ва *ўлдирмоқ* феъллари яққол мисол бўлади.

Ўлмоқ — to die, to cease to live;
(актив)

Ўлдирмоқ — to kill, to slay, to put to death; to cause (каузатив) the death of; to murder; to assassinate

Мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилида нисбат ка-

¹ The Concise Oxford Turkish Dictionary edited by A. D. Alderson and Fohir, Oxford, 1959.

² Buranov J. B. and Kurbanasarov P. K. Karakalpak English Dictionary. Nukus—Moscow, 1970.

тегориясининг махсус маркерлари йўқ. Шу сабабли ўзбек ва инглиз тиллари луғатида сўзлар қуйидагича ифода этилади:

1) махсус сўзлар билан ўлмоқ — to die, ўлдирмоқ — to kill,
2) сўзларнинг аналитик формалари билан: ўлдирилмоқ — to be killed.

3) сўз бирикмалари, синтактик конструкция ва бошқа бириклар билан: ўлдирмоқ: — to have someone killed,
тиктирмоқ — to have (get) something made (sewed);

Юқоридаги эквивалент усулларни ўз структурасига кўра яна лексик усул ва грамматик усулларга бўлиш мумкин.

Маълум феълни лексик усул орқали ифодалашда лексикограф лексик синонимиядан фойдаланади. Аммо лексик синонимлар тўла мувофиқлашувчи вазифасини ўтай олмайди.

Грамматик усулда эса лексикограф грамматик синонимиядан фойдаланади. Инглиз тилида пассив, рефлексив, биргалик ва каузативликни ифодалашнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан, каузативликни ифодалаш учун бир неча синонимик конструкциялар ишлатилса, рефлексивлик ҳам, рефлексив конструкция ҳам айрим интранзитив (ўтимсиз) феъллар воситасида ифода этилиши мумкин.

Пассивлик ҳам аналитик, ҳам синтактик бирикмалар воситасида ифода этилиб, луғат тузишда ҳар иккаласидан ҳам фойдаланилади.

Луғат тузишда маълум тилда гапирувчиларнинг маданияти ва турмуш даражаси бирлигининг аҳамияти катта. Масалан: *меҳнат дафтаричаси, халқ университети* каби сўз бирикмалари совет халқларига изоҳсиз ҳам тушунарли бўлаверади. Баъзи сўзлар, Урта Осиё халқларига уларнинг тилларидаги фарққа қарамай тушунарли бўлади.

Баъзи сўзлар кенг тарқалиши, *ср* куррасининг турли томонларига ёйилиши билан ҳатто интернационал сўзга айланиши мумкин: *sputnik, sportsman, hockey, football* ва ҳоказолар.

АДАБИЁТЛАР

- Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевые мышления. Л., 1972.
Кожков И. Ф. Активный метод обучения иностранным языкам в школе. Минск. 1970.
Ларин Б. А. О новых лингвистических исследованиях. Вестник ЛГУ, 1959, № 20, вып. 4.
Кашкин И. А. В борьбе за реалистический перевод. «Вопросы художественного перевода». Сб. статей, М., 1955.
Комиссаров В. Н., Рецкер Я. И., Тархов В. И. Пособие по переводу с английского языка на русский. Ч. I.
Морозов М. М. Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык. М., 1956.
Пумпянский А. Л. Введение в практику перевода научной и технической литературы на английский язык. М., 1965.

- Ревзин И. И., Розенцвейг В. Ю. Основы общего и машинного перевода. М., 1964.
Теория и критика перевода Л., изд-во ЛГУ, 1962.
Федоров А. В. Введение в теорию перевода. Изд. 2-е. М., 1958.
Федоров А. В. и др. Немецко-русские языковые параллели. М., 1961.
Федоров А. В. Основы общей теории перевода. М., 1968.
Шор В. Е. Опыт многообразного решения одной переводческой задачи. («Мастерство перевода» Сборник 1962. М., 1963).
Эткинд Е. Г. Поэзия и перевод. М.—Л., 1963.
Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961.
Пиотровский Р. Г. Очерки по грамматической стилистике французского языка. М., 1956 (и Л., 1959).
Соколов А. Н. Теория стиля. М., 1968.
Степанов Ю. С. Французская стилистика. М., 1963.
Шенделес Е. И. О стилистической грамматике. ИЯВШ, Выпуск 2. М., 1966.
Язык и стиль. Сб. статей. М., 1967.
Дж. Б. Буранов, О некоторых лексикографических особенностях школьных словарей. «Материалы научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава», Ташкент—1967.
Веселитский В. В. Опыт сопоставительного изучения словосочетаний. ЛС. вып. VI, М., 1963.
Волков С. С. Лексикографическая и лексикологическая работа в Ленинградском университете. Вестник ЛГУ, 1962, № 2. История, язык, литература, вып. I.
Гугенейм Г. Некоторые выводы статистики словаря. Перевод с французского М. Ю. Шехтера. Методика преподавания иностранных языков зарубежом. М., 1967.
Мальковский Г. Е. Лексикографические пометы семантико-стилистической равнозначности в двуязычных словарях (практика и теория). Сб. Лексическая синонимия. М., 1967.
Мишея Р. Словари основной лексики. Перевод с французского А. Г. Симоновой и Т. Ю. Вениеры. Методика преподавания иностранных языков зарубежом. М., 1967.
«О специфике небольших двуязычных словарей» ВЯ, 1952 г. № 2, стр. 71.
Руководство для составления «Узбекско-русского словаря». Т., 1960.
Фельдман Н. И. О границах перевода в иноязычно-русских словарях. Л. С. Выпуск II. М., 1957.
Чикобава А. С. Реальность синонимов и возможность синонимических словарей. Сб. Лексическая синонимия. М., 1967.
Catford J. C. Linguistic Theory of Translation. London 1963.
Riesel E. Stilistic der deutschen Sprache. Moskau, 1959.
Hockett, Charles G. Language, Mathematics and Linguistics, The Hague—Paris, Mouton, 1967.
Sommer P. Vergleichende Syntax der Schulsprachen (Deutsch, English, Französisch, Griechisch, Lateinisch) mit besonderer Berücksichtigung des Deutschen, 3. Auflage, Leipzig und Berlin, 1931.
The Teaching of English. Oxford University Press, 1959.

УМУМИИ АДАБИЕТЛАР

- Аврорин В. А.* Ленинские принципы языковой политики. Ленинизм и теоретические проблемы языкознания. М., 1970.
- Азизов А.* Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. (Морфология). Ташкент, 1960.
- Артёмов В. А.* Психология обучения иностранным языкам. М., 1969.
- Ахманова О. С.* Фонология, Морфонология, Морфология. Издательство Московского Университета 1966 г.
- Аналитические конструкции в языках различных типов. Изд-во «Наука», М., 1965.
- Бабкин А. М.*, 1958. — Предлоги как объект лексикографии. «Лексикографический сборник», вып. III. М.
- Бабкин А. М.*, 1960. — По вопросам русской лексикологии и лексикографии. «Лексикографический сборник», вып. IV. М.
- Бабкин А. М.* 1965. Лексикографическая традиция и пути ее обновления. «Изд. АН СССР, ОЛЯ», т. XXIV, вып. 5.
- Галли Ш.* Французская стилистика. М., 1961.
- Бархударов Л. С.* Структура простого предложения современного английского языка. М. 1966.
- Бархударов Л. С., Штеллинг Д. А.* Грамматика английского языка, М., 1965.
- Богородицкий В. А.* Введение и изучение современных романских и германских языков. М., 1959.
- Бондарко А. В.* Грамматическая категория и контекст. Л. 1971 г.
- Бондарко А. В., Буланкин Л. Л.* Русский глагол А. 1967 г.
- Булыгина Т. В.* Грамматические оппозиции. Исследования по общей теории грамматики, М., 1968.
- Ваараск Л. К.* Аналитический и синтетический строй. Таллин, 1961.
- Венцович Р. М.* Грамматические формы слова. Грамматические категории. Введение в языкознание курс лекции для студентов заочников часть 3. М., 1965.

- Виноградов В. В.* О некоторых вопросах теории русской лексикографии. — В. Я., 1956, № 5.
- Вопросы составления описательных грамматик. М., 1961.
- Вопросы теории частей речи. На материале языков различных типов, М., 1968.
- Воронцова Г. Н.* Очерки по грамматике английского языка. М., 1960.
- Гак В. Г., Ройзенблит Е. Б.* Очерки по сопоставительному изучению французского и русского языков. М., 1965.
- Городецкий Б. Ю.* К проблеме семантической типологии. Изд-во Московского Университета. 1969.
- Гугенейм Г.* Некоторые выводы статистики словаря. Методика преподавания иностранных языков зарубежом. М., 1967.
- Гулыга Е. В., Шендельс Е. И.* Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М. 1939 г.
- Гурычева М. С., Катагощина Н. А.* Сравнительно-сопоставительная грамматика романских языков. Галло-романская подгруппа. М., 1964.
- Гурычева М. С.* Сравнительно-сопоставительная грамматика романских языков. Итало-романская подгруппа. М., 1966.
- Гухман М. М.* Грамматическая категория и структура парадигм. Исследования по общей теории грамматики. М., 1968.
- Гухман М. М.* О единицах сопоставительно-типологического анализа грамматических систем родственных языков. Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1966.
- Гухман М. М.* О роли моделирования и общих понятиях в лингвистическом анализе. Ленинизм и теоретические проблемы языкознания. М., 1970.
- Гухман М. М.* Развитие залоговых противопоставлений в германских языках (опыт историко-типологического исследования родственных языков. М., 1964.
- Жигадло В. Н., Иванова И. П., Иофик Л. Л.* Современный английский язык. М., 1956.
- Звегенцев В. А.* Теоретическая и прикладная лингвистика. М., 1968.
- Звегенцев В. А.* Язык и общественный опыт. (К методологии генеративной лингвистики.) Ленинизм и теоретические проблемы языкознания. М., 1970.
- Есперсен О.* Философия грамматики. М., 1968 г.
- Ильиш Б. А.* Современный английский язык. Л., 1948.
- Истрина Е. С.* Заметки по двуязычным словарям. «Изд. АН СССР, ОЛЯ», 1944, I, III, вып. 2—3.
- Катагощина Н. А., Вольф Е. М.* Сравнительно-сопоставительная грамматика романских языков. Иберо-романская подгруппа. М., 1968.
- Кацнельсон С. Д.* Типология языка и речевое мышление. Л., 1972.

- Климов Г. А.* Вопросы компаративистики в трудах Ф. Энгельса, Энгельс и языкознание. М., 1972.
- Клычков Г. С.* К типологии фонологических систем (исландский консонантизм и скандинавские тоны). Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1968.
- Г. В. Колшанский.* Логика и структура языка. М., 1965.
- Кононов А. Н.* Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л. 1960 г.
- Крушельницкая К. Г.* Очерки по сопоставительной грамматике немецкого и русского языков. М., 1961.
- Ларин А. Г.* Об универсальных языковых системах. Языковые универсалии и лингвистическая типология. М., 1969 г.
- Лингвистическая типология и восточные языки. М., 1965.
- Лухт Л. И.* Сравнительно-сопоставительная грамматика романских языков. Румынский язык. М., 1970.
- Макаев Э. А.* О соотношении генетических и типологических критериев при установлении языкового родства. Энгельс и языкознание. М., 1972 г.
- Макаев Э. А.* Отбор констант для построения типологической грамматики германских языков. Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1966.
- Мещанинов И. И.* Глагол. М.—Л. 1949.
- Мещанинов И. И.* Члены предложения и части речи. М.—Л., 1945.
- Мещанинов И. И.* Соотношение логических и грамматических категорий. Язык и мышление. М., 1967.
- Мухин А. М.* К проблеме содержания и формы в лингвистике. Ленинизм и теоретические проблемы языкознания. М., 1970.
- Мишея Р.* Словари основной лексики. Методика преподавания иностранных языков зарубежом — М., 1967 г.
- Мюллер Г.* Грамматические поля. Методика преподавания иностранных языков зарубежом. М., 1967.
- Мюллер Г.* Лингвистическая статистика и структура языковых полей. Методика преподавания иностранных языков зарубежом. М., 1967.
- Недялков В. П. и Никитина Т. Н.* О признаках аналитичности и служебности (на материале каузативных конструкций). Аналитические конструкции в языках различных типов. М.—Л., 1965.
- Новое в лингвистике.
Вып. 2. М., 1962.
Вып. 3. М., 1963.
Вып. 4. М., 1965.
Вып. 5. М., 1970.

- Панфилов В. З.* Категории мышления и языка. Становление и развитие категории количества в языке. Энгельс и языкознание. М., 1972.
- Панфилов В. З.* Грамматика и логика. М.—Л., 1963.
Общая методика преподавания иностранных языков в средней школе. М., 1967.
- Поливанов Е. Д.* Статьи по общему языкознанию. М., 1968.
- Ревзин И. И., Юлдашева Г. Д.* Грамматика порядков и её использование. ВЯ. 1969, № 1.
- Решетов В. В.* Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент, 1965.
- Рождественский Ю. В.* Типология слова. М., 1969.
- Саломов Ф.* Тил ва таржима. Тош. 1966.
- Смирницкий А. И.* Морфология английского языка. М., 1959.
- Смирницкий А. И.* Синтаксис английского языка. М., 1957.
- Сова Л. З.* Валентность и транзитивность с позиции лингвистического дуализма. Языковые универсалии и лингвистическая типология. М., 1969 г.
- Степанов Ю.* Французская стилистика. М., 1965 г.
- Степанова М. Д.* Словообразование и семантические системы (на материале немецкого и английского языков). Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1968.
- Суник О. П.* Общая теория частей речи. М.—Л., 1966.
- Супрун А. Е., Захарова О. В.* Типологическая сопоставительная грамматика и универсалии. Языковые универсалии и лингвистическая типология. М., 1969 г.
- Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив. Л., 1969.
- Трубецкой Н. С.* Основы фонологии. М., 1960.
- Успенский Б. А.* Структурная типология языков. М., 1965.
- Уорф Б. А.* Грамматические категории. Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972.
- Уфимцева А. А.* О типологическом изучении лексики. Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1968.
- Уфимцева А. А.* Теоретические проблемы слов. (Категория общего и отдельного.) Ленинизм и теоретические проблемы языкознания. М., 1970.
- Федоров А. В.* Основы общей теории перевода. М., 1968 г.
- Федоров А. В.* Очерки общей и сопоставительной стилистики. М., 1971 г.
- Федоров А. В., Кузнецова Н. Н., Морозова Е. Н., Цыганова И. А.* Немецко-русские языковые параллели. М., 1961.
- Фельдман Н. И.* О специфике небольших двуязычных словарей. ВЯ, № 2.
- Фельдман Н. И.* Об анализе смысловой структуры слова

- в двуязычных словарях. «Лексикографический сборник», вып. I. М.
- Филин Ф. П.** 1957 — Заметки по лексикологии и лексикографии, «Лексикографический сборник», вып. I. М.
- Фердаус С.** Фезл даражалари. Урта Осие Давлат Университети Илмий асарлари. Узбек тили масалалари. Тошкент, 1957.
- Харитонов Л. Н.** Залоговые формы и глагол в якутском языке. М.—Л., 1963.
- Хлебникова И. Б.** Некоторые вопросы типологического сопоставления видо-временных систем. Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1968.
- Шендельс Е. И.** Грамматическая синонимия (на базе морфологии глагола в современном немецком языке). М., 1964.
- Шендельс Е. И.** О сопоставительно-типологическом анализе в морфологии. Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1966.
- Щерба Л. В.** 1940. Опыт общей теории лексикографии, «Изд. АН СССР, ОЛЯ», № 3.
- Энгельс и языкознание. Изд-во «Наука», М., 1972.
- Юлдашев А. А.** Аналитические формы глагола в тюркских языках. М., 1965.
- Якобсон Р. О.** Звуковые законы детского языка и их место в общей фонологии. Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972.
- Якобсон Р. О.** Шифтеры, глагольные категории и русский глагол. Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972.
- Ярцева В. Н.** Взаимоотношение грамматики и методики в системе языка. Исследования по общей теории грамматики. М., 1968.
- Ярцева В. Н.** Количественные и качественные изменения в языке. Ленинизм и теоретические проблемы языкознания, М., 1970.
- Ярцева В. Н.** Типологическое исследование морфологических структур в родственных языках. Структурно-типологическое описание современных германских языков. М., 1966.
- Фуломов А. Ф.** Фезл. Т., 1954.
- Ҳожиев А.** Узбек тилида кўмакчи фезллар. Тошкент. 1966.
- Andree F., Sjoberg.** Uzbek Structural Grammar. The Hague 1963.
- Bloomfield L.** Language N. Y. 1933.
- Catford J. C.** A Linguistic Theory of Translation, London, 1967.
- Curme G. A.** Grammar of the English Language. V, II, Boston, 1935.
- Enkvist. N. E., Spencer J., Gregory M. J.** Linguistics and Style. London, 1967.
- Francis W.** The Structure of American English N. Y. 1958.
- Fries Ch.** The Structure of English Grammar N. Y., 1952.
- Galperin I. R.** Stylistics. M., 1971.
- Herbert L. Kufner** The Grammatical structures of English and German. Chicago. 1963.

- Ilyish B.** The Structure of Modern English L., 1971.
- Irenyeva N.F., Barsova O. M., Blokh M. Y.** A Theoretical Grammar (Syntax). Moscow — 1969.
- Jespersen O. A.** Modern English Grammar on Historical principles Part II, III, IV, V, VI, VII. London 1954.
- Jespersen O.** Essentials of English Grammar. London. 1959.
- Irenyeva N. F., Shapkin A. P., B Blokh M. Y.** The Structure of the English Sentence (A practical course). Moscow 1969.
- Khaimovich B. S., Rogovskaya. B. I.** A Course in English Grammar M., 1967.
- Lees R.** The Grammar of English Nominalizations, Indiana, 1963.
- John Lyons.** Introduction to Theoretical Linguistics. Cambridge. 1968.
- Nida E. A.** Morphology. The Descriptive Analysis of Words. Ann Arbor. 1965.
- Nida E.** A Synopsis of English Syntax. Norman, 1960
- Whitehall H.** Structural Essentials of English. L., 1958.
- Poderick A. Jacobs, Peter S. Rosenbaum, Paul M. Postal.** English Transformational Grammar. Toronto. London. 1968.
- Smirnitky A. I.** Essentials of Russian Grammar. M. 1970.
- The Teaching of English. Edited and introduced by Randolph Quirk and A. H. Smith. London, 1966.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

У. Н. Учқун Назаров	
И. Я. Ш. «Иностранные языки в школе» журнали	
П. Қ. Пиримқул Қодиров	
Э. В. Эркин Воҳидов	
О. Ойбек	
В. Я. «Вопросы языкознания» журнали	
У. У. Ғулмас Умарбеков	
Ш. Юлд. «Шарқ Юлдузи» журнали	
С. А. Саид Аҳмад	
С. К. Саъдулла Кароматов	
Т. О. «Тошкент оқшоми» газетаси	
А. Қ. Абдулла Қодирий	
О. Е. Одил Ғукубов	
Ҳ. О. Ҳамид Олимжон	
М. С. Муҳаммад Солиҳ	
Р. Я. Н. Ш. «Русский язык в национальной школе» журнали	

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	5
I боб	
Грамматика, унинг турлари, асосий қисмлари ва методлари	7
Грамматика нима?	7
Грамматик категорияларнинг ривожланиш тарихи	9
Инглиз тили грамматикасининг пайдо бўлиши	12
Грамматиканинг турлари	13
Грамматиканинг асосий бўлимлари	22
Морфология	22
Морфонология	23
Синтаксис	24
Парадигматика ва синтагматика	27
Грамматиканинг ифода ва мазмун планлари билан алоқаси	32
Грамматикани тадқиқ этишдаги замонавий методлар	33
Дистрибуция ва дистрибутив анализ методи	33
Дистрибуциянинг турлари	34
Қўшимча дистрибуция	34
Контраст дистрибуция	35
Эркин алмашиниш дистрибуцияси	35
Бевосита иштирокчиларга ажратиш	35
Трансформация ва трансформация методи	39
Гапнинг ички ва юзаки структуралари	39
Трансформация турлари	40
Трансформация процесси	40
Номиналлаштириш трансформацияси	56
Субституция	58
Трансформациянинг қиёсий типологияда тутган ўрни	61
Адабиётлар	62
II боб	
Турли тил системаларини қиёсий ўрганишнинг замонавий методлари	64
Лингвистик топологиянинг предмети	64
Типологиянинг тил яруслари билан алоқасига кўра тармоқлари	66
Формал типология	66
Семантик типология	66
Фонологик типология	68
Морфологик типология	69

Синтактик типология	70
Лексик типология	70
Лингвистик типологиянинг турлари	70
Структурал типология	71
Тил универсалиялари	74
Типологик классификация	75
Махсус типологик назария	75
Метатил (эталон тил)	76
Қиёсий типология	77
Қиёсий типологиянинг бўлимлари	78
Универсал грамматика	79
Қиёсий типологик грамматика	82
Қиёсий грамматика термини	82
Типология фанининг ривожланиши	84
Қиёсий типология фанининг пайдо бўлиш сабаблари	86
Қиёсий тарихий метод	87
Адабиётлар	

III боб

Асосий грамматик сигналларнинг инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланиши	89
Грамматик тўғрилиқ ва грамматик нотўғрилиқ	96
Адабиётлар	99

IV боб

Қиёсий типологик грамматикадаги асосий категориялар	100
Грамматик категориялар	100
Бирламчи грамматик категориялар	101
Макрокатегориал алломорфлик	107
Микрокатегориал алломорфизм	111
Иккиламчи грамматик категориялар	114
Грамматик маъно	120
Типологик категориялар	123
Тушунча категорияси	123
Функционал семантик категория	125
Грамматик-лексик майдон	125
Типологик категория	127
Типологик морфемаларнинг яруслараро маркерлаги	128
Адабиётлар	134

V боб

Типологик кўплик категорияси	135
Махсус маркерларсиз кўплик категориясининг ифода этилиши	138

VI боб

Типологик род категорияси	140
Адабиётлар	145

VII боб

Ўтимлилик ва ўтимсизлик категорияси	147
Ўтимли-ўтимсизликнинг метатил хусусияти	149
Ўтимли-ўтимсизликнинг бирламчи ва иккиламчилиги	151

Хозирги инглиз тилида ўтимлилик ва ўтимсизлик	159
Ўтимли ва ўтимсизликнинг ифода планида баён этилиши	166
Ўтимсизликнинг инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланиши	166
Ўтимлиликнинг инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланиши	168
Ўтимлиликнинг предлогсиз ёки кўмакчиларсиз ифодаланиши	169
Ўтимлиликнинг предлоги ўтимли феъллар воситасида ифодаланиши	170
Ўтимлиликнинг турли келишиқ қўшимчалари билан ифодаланиши	171
Ўтимлиликнинг кўмакчилар билан ифодаланиши	171
Ўтимлиликнинг дитранзитив феъллар билан ифодаланиши	172
Икки функция бажарадиган феъллар	174
Ўтимли феълларнинг турли нисбат конфигурацияларида қўлланиши	178
Копулятив функция бажарадиган феъллар	179
Адабиётлар	181

VIII боб

Инглиз ва ўзбек тилларида типологик нисбатлик категорияси	182
Нисбатнинг умумий таърифи	183
Voice ва нисбат терминлари	184
Нисбатнинг ўрганилиши	185
Типологик нисбатлик категориясининг семантик ва функционал характеристикаси	188
Фаолликнинг ифодаланиши	192
Мажхуллик категорияси	199
Типологик ўзлик категорияси	204
Ўзликнинг морфологик ярусда ифодаланиши	204
Типологик биргалик категорияси	207
Типологик умумийлик категорияси	209
Ёрдамлашиш категорияси	210
Типологик каузативлик категорияси	211
Номинализация	214
Феъл формаларининг оппозицияси	215
Адабиётлар	219

IX боб

Яруслараро синонимия ва тиллар ўртасидаги корреспонденция	220
Яруслараро корреспонденция	228
Адабиётлар	229

X боб

Типологик категориал маркерларнинг дистрибутив алоқалари	230
Адабиётлар	235

XI боб

Қиёсий типологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси	236
Қиёсий типология ва таржима	236
Типологик операциянинг турлари	243
Қиёсий типология ва таржима назариясида яруслараро бирликларнинг роли	245
Қиёсий типология ва таржиманинг генетик қардошлиққа муносабати	246

Қиёсий типология ва таржима назарияси ўртасидаги фарқ	247
Танлаш эркинлиги	247
Реал ва грамматик маъно	249
Қиёсий типология ва стилистика	252
Қиёсий типология ва методика	257
Чет тил ўқитишда она тилнинг интерференцияси	258
Қиёсий типология ва лексикография	263
Изоҳли лугат тузишда қиёсий типология ва лексикографиянинг ўзаро алоқаси	266
Икки тилли лугатлар тузишда қиёсий типология ва лексикографиянинг ўзаро алоқаси	279
Адабиётлар	282